


67.408 / 3.
3-98



ЗУФАРОВ РУСТАМ АХМЕДОВИЧ

ПОРАХЎРЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ЗУФАРОВ РУСТАМ АХМЕДОВИЧ

**ПОРАХЎРЛИК УЧУН ЖИНОЙ
ЖАВОБГАРЛИК**

NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI
Axborot-resurs markazi



Тошкент - 2004

67.408

3-98

Тақризчилар: **Р.Қобулов**, юридик фанлари доктори
З.Зарипов, юридик фанлари доктори.

3-98 Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. // Масъул муҳаррир **М.Ҳ. Рустамбоев** юридик фанлари доктори, профессор. – Т.:ТДЮИ., 2004. 221 - б.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти.

ББК 67.408

Ушбу монография порахўрлик жиноятларининг назарий масалалари, суд – тергов амалиёти таҳлил этилган.

Илмий ходимлар, ўқитувчилар, юридик олий ўқув юртларининг аспирантлари, магистрлари ва талабаларига, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига мўлжалланган.

№ 247-2004

Алишер Навоий номидаги

Ўзбекистон миллий кутубхонаси

© Р.А.Зуфаров, 2004 й.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2004 й.

Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилликка эришганидан кейин кун тартибига ҳуқуқий давлат қуриш вазифаси қўйилди. Бундай вазифани ҳал қилиш ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланишини, унинг қонунга мувофиқ ўз ҳуқуқларини монеликсиз рўёбга чиқариши, шахсий манфаатларини ҳимоя қилиши, шунингдек, ўз зиммасидаги вазифаларини лозим даражада бажариши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида таъкидлаб ўтганларидек: "...юртимиздаги ўзгариш ва янгиланишлар жараёнининг кўлами кенгайиб, самарадорлиги ошиб боргани сари жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш зарурати тобора кўпроқ сезилмоқда. Шу боис ҳам Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ 14-сессиясида ва иккинчи чақириқ 1-сессиясида сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларни эркинлаштиришга қаратилган стратегик Дастур қабул қилинди.

Шундан буён ўтган вақт мобайнида ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнларининг қонуний асосини такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, хусусий мулкни, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоялаш борасида зарур кафолатларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди ва ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда."¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Ўзбекистон ҳалқи олдига барча фуқаролар, давлат ва жамоат муассасалари, корхоналар ва таъжиротлар риоя этадиган қонунлар инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифаси қўйилган.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда давлат аппаратининг масъул ходимлари – давлат ва жамоат муассасалари,

¹ Каримов И. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т., Ўзбекистон, 2002 11-бет.

корхоналари ҳамда ташкилотларининг мансабдор шахслари муҳим роль ўйнайдилар. Мансабдор шахсларнинг аксарият кўпчилиги жамият ва давлат олдигаги ўз фуқаролик, ижтимоий вазифаларини ҳалол ва виждонан бажариб келмоқдалар. Бироқ, ўзининг мансаб мавқеидан турли усулларда, шу жумладан, порахўрлик йўли билан ғайриқонуний равишда шахсий бойлик орттириш мақсадларида фойдаланувчилар ҳам кам эмас. Ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари порахўрлик анча кенг тарқалган ва нисбатан барқарор кўринишга эга эканлигини кўрсатмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ ҳолда тадбиркорлик, кооперация ва бошқа фаолиятларнинг ривожланиши туфайли порахўрлик жиноятларининг сони сўнгги йилларда анча ошган. Ушбу ҳолатни ўрганиш жараёни кўрсатадики, порахўрлик жамиятимиз ва давлатимиз турмуш фаолиятининг кўпгина соҳалари: ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва ҳатто одил судлов, ҳокимият ва бошқарув органларига ҳам кириб борган. Давлат аппаратининг коррупциялашган амалдорлари билан уюшган жиноий тузилмалар қўшилиб кетганлиги фактлари ҳам мавжудки, бу ҳол порахўрликни алоҳида хавfli жиноятга айлантиради. ✓

Порахўрлик давлат ва жамият аппаратининг нормал фаолият кўрсатишига халақит беради, унинг обрўсини туширади, ижтимоий адолатга бўлган ишончни сўндиради, кўпинча фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келади.

Кўп ҳолларда порахўрлик бошқа жиноятлар: талон-тарож қилиш, контрабанда, одил судловга қарши қаратилган, божхона, солиқ соҳасидаги ва бошқа жиноятлар билан бирикиб кетмоқда.

Порахўрликка қарши кураш самарадорлигини ошириш учун, жиноят қонунларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўлланилишига қаратилган чора-тадбирлар комплексини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш зарурати ушбу тадқиқотнинг қай даражада долзарблигини кўрсатади.

Порахўрликка қарши курашда ҳуқуқни тадбиқ этувчи органларнинг роли ошиб бормоқда. Бундай курашнинг асосий

Йўналишларидан бири жиноятнинг олдини олишдир. Зотан, бугунги кунда ушбу турдаги жиноятларнинг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Бундай ҳолат жазо ва жиноятларнинг олдини олиш самарадорлигини жиддий равишда ошириш зарур дейиш учун асос бўлади. Бунда айниқса жиноятчининг шахси кенг қўламда ўрганилиши зарур. Бундай ўрганиш ҳақида гап борганида муайян турдаги жиноятларнинг конкрет сабаблари ва уларга йўл очиб берган шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида жиноят ишларини гуруҳларга ажратиб тадқиқ этишни тушунмоқ керак. Шу талаблардан келиб чиқиб, ушбу монографияда содир этилган жиноятда жиноятчи ҳулқ-атворидаги ўхшашлик, сабаб ва мақсадлари умумий бўлган жиноятчилар шахсини ўрганишга ҳаракат қилинган.

Порахўрлик (коррупция)га жиноят-ҳуқуқий ёки фақатгина криминологик муаммо сифатида қаралиши мумкин эмас. Чунки бу чуқур ва мураккаб сиёсий, иқтисодий ҳамда ахлоқий мазмунга эга бўлган анча кенг муаммодир. Уқтирилган ҳолат порахўрлик муаммосини социология, ҳуқуқ, криминология, ижтимоий руҳшунослик ва илмий билишнинг бошқа соҳалари билан боғлиқ ҳолда комплекс таҳлил этиш заруратини вужудга келтиради. Бундай комплекс ечимларга бўлган эҳтиёж – илмий билимнинг интеграциялашуви, бир-бирига яқин муаммоларни турли фанлар томонидан ўзаро алоқадорликда тадқиқ қилишнинг ўсиши ва тегишинча фанларнинг бир-бирига кириб боришида намоён бўлади. Бу фан тараққиётидаги умумий вазият ва тамоёилларни ифода этади.

Порахўрлик муаммоси ҳуқуқий фанларда қоида тариқасида, фақатгина жиноят ҳуқуқи доирасида, тегишли жиноий тажовузларнинг умумий тавсифи ва таснифи, шунингдек, уларни ўхшаш жиноятлардан фарқлаш доирасида ўрганилган. Бундай ёндашув тадқиқотларнинг анъанавий йўналишларидан биридир, негаки, порахўрлик учун жавобгарлик умуман мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик каби доимо жиноят ҳуқуқининг долзарб ва нозик муаммоларидан бири ҳисобланган ва шунинг учун азалдан ҳуқуқшунос олимларнинг эътиборини ўзига жалб этган.

Бу жиҳатдан олганда порахўрлик учун жавобгарлик масалаларини махсус ўрганган (С.В. Бакланов, Б.В. Волженкин, Н.П. Кучерявий, А.Ф.Оспинников, В.И.Соловьев, В.В.Степанов ва бошқалар), шунингдек, мансабдорлик жиноятларининг нисбатан кенг муаммосига бағишланган тадқиқотлар, илмий ишлар ҳам (В.Ф.Кириченко, Б.С.Утевский, И.А.Гельфанд, Б.В.Здравомыслов, М.Д.Лисов, А.Я.Светлов ва бошқалар) илмий ишлари муҳим аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистоннинг жиноят қонунлари (ЎзССР 1926 йилги ЖК,) ва суд амалиётининг материаллари асосида 1953 йилда С.Г.Закутский томонидан номзодлик монографияси ҳимоя қилинган аммо, ундаги хулосалар ва натижалар матбуотда эълон қилинмаган. 1994 йилда эса тадқиқотчи томонидан (ЎзССР 1959 йилги ЖК асосида): "Пора олганлик учун жиноий жавобгарлик" мавзуида номзодлик монографияси ҳимоя қилинган бўлиб, у ҳам матбуотда эълон қилинмаган. Сўнги йилларда Ўзбекистонда порахўрликка қарши кураш муаммоларига бағишланган монографик тадқиқотлар ўтказилмаган.

Порахўрлик муаммосини жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан ишлаб чиқишга жиноят ҳуқуқининг нисбатан умумий муаммоларига бағишланган ишларнинг муаллифлари (Ғ.А.Аҳмедов, М.А.Абдуҳолиқов, Б.Д.Аҳроров, Б.А.Блиндер, Ю.М.Каракетов, Р.Қ.Қобулов, М.М.Қодиров, К.М.Мирзажонов, М.Х.Мусаев, Э.Х.Норбутаев, М.Х.Рустамбоев, Э.Х.Ҳақимов, А.С.Ёқубов) муайян ҳисса қўшдилар.

Порахўрликни ташкил этувчи жиноятларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги аниқ-равшан бўлишига қарамай, жиноят ҳуқуқи ва криминологик жиҳатдан улар махсус комплекс тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган.

Порахўрликнинг ижтимоий хавфлилиги юқори эканлиги, жазоларни таснифлаш ва тайинлашнинг мураккаблиги, тергов-суд амалиётида камчиликларнинг мавжудлиги порахўрликка қарши кураш муаммоларини тадқиқ этиш жуда долзарблигидан далолат беради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз бўйича умуман олганда жиноятчилик ўсишининг умумий тамоийиллари пасайганлигига қарамай, айрим соҳаларда мансабдорлик жиноятининг сони қисқармаяпти.

Маълумки, жиноятчиликка қарши курашнинг энг муҳим воситаларидан бири жиноий жазо ҳисобланади, жазонинг самарадорлигига жиноятнинг олдини олишнинг у ёки бу даражадаги умумий ва махсус чора-тадбирларини таъминловчи жазо чораларини қўллаш орқали эришилади. Бироқ, кўзланган мақсадга фақат шу йўл орқали эришиш мумкин эмас. Бу ўринда жазони имкон қадар индивидуаллаштириш алоҳида аҳамиятга молик эканлигини унутмаслик керак. Аниқ жазо чорасида суд томонидан қилмишнинг ва айбдор шахснинг ижтимоий хавфли-лигига берилган баҳо ўз ифодасини топади. Бундай баҳо суд томонидан Жиноят кодексининг Умумий ва Махсус қисмлари-даги қоидалар асосида ишнинг ҳолати ва шахснинг хусусиятла-рига доир барча ҳолатлар таҳлилининг мантиқий натижасидир.

Жазолашга криминология мавқедан туриб ёндашув жиноят билан айбдор шахс ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлашни тақозо қилади, бу ҳол жазо тайинлаш ва ижро этишнинг амал-даги тартиби ҳамда шарт-шароитларида ўз ифодасини топади. Бундай ёндашувнинг тўғри эканлиги яна шу билан белгила-надикки, ижтимоий муносабатларни жиноят ҳуқуқи жиҳатидан тартибга солиб бориш воситаларидан бири ҳисобланган жазо одамларнинг ҳулқ-атворида таъсир кўрсатади.

Биз ўтказган таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон Рес-публикаси Олий судининг судлов амалиётида ҳуқуқ нормала-рини қўллашнинг бой тажрибаси тўпланган, самарали назарий тадқиқотлар ўтказиш учун ҳам, қонунчиликни такомиллашти-риш учун ҳам қимматли база мавжуд.

Монография тадқиқотининг мақсадлари: порохўрликни ташкил этувчи жиноятларни содир этиш механизмига таъсир кўрсатувчи ҳолатларни; ёши, жинси, салбий доираси, эгаллаган лавозими ва жиноий ҳулқни келтириб чиқарувчи бошқа омил-ларни ҳисобга олган ҳолда жиноятларни содир этган шахслар ҳаракатларидаги ўзига хос қонуниятларни аниқлашдан иборат. Порохўрликнинг жиноят-ҳуқуқий хусусиятларини, жиноятчи шахсини ўрганиш, қонунчиликни такомиллаштириш, қонунлар-ни қўллаш амалиёти, уқтириб ўтилган тажовузларнинг олдини олишдаги энг самарали йўллари аниқлаш юзасидан конкрет тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Илгари қабул қилинган ва ҳозирги пайтда амалда бўлган қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг статистик маълумотларига, порахўрлик учун маҳкум этилган шахсларга доир кримнологик тадқиқотларга, жиноят ҳуқуқи, социология, фалсафа ва кримнологияга оид адабиётларни ўрганишга, суд амалиётини умумлаштиришга асосланиб, юқорида уқтирилган қилмишлар билан боғлиқ энг мураккаб масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва республиканинг бошқа қўйи судлари томонидан эълон қилинган ва эълон қилинмаган амалиёт асосида порахўрлик жинояти содир этган шахсларга нисбатан индивидуаллаштирилган ва табақалаштирилган жиноий жазонинг назарий ҳамда амалий аҳамиятини кўрсатиб беришни муаллиф ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ушбу тадқиқот асосида жиноят қонунчилиги ва уни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш; жиноий жазонинг самарадорлик даражасига таъсир кўрсатувчи камчиликларни аниқлаш; ЖКнинг айрим нормалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш; озодликдан маҳрум этиш, жарима ундириш ва ахлоқ тузатиш ишларига доир амалдаги қонун ҳужжатларининг ўзаро ички мувофиқлигини таҳлил этиш; Россия, Беларуссия, Қозоғистон, Ўзбекистон ва МДҲга аъзо бошқа мамлакатлар Олий судлари пленумларининг порахўрлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тадбиқ этиш масалаларига оид тушунтиришларини пухта ўрганиб чиқиш; уқтирилган қилмишларга қарши курашнинг кримнологик чораларини ўрганиш ҳам ушбу тадқиқот олдидаги мақсадлар жумласига киради. Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидагилар вазифа қилиб қўйилди:

- ғараз ниятда ва зўравонлик билан содир этиладиган жиноятларга қарши курашнинг аҳамиятини жиноят-ҳуқуқий ва кримнологик муаммоларнинг мустақил комплекси сифатидаги илмий ва амалий аҳамиятини асослаш;

- жиноятнинг ижтимоий-сиёсий ва юридик табиатини тавсифлаш;

- тадқиқот мавзуйига тадбиқ этган ҳолда кримнология ва жиноят ҳуқуқи фанининг қатор қоидаларини умумлаштириш, таҳлил этиш ва ривожлантириш;

- пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш жинойти таркибининг жинойт қонунчилиги тизимидаги ўрни ва унинг бошқа ўхшаш жинойтлар билан ўзаро муносабатини аниқлаш;

- порахўрлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги энг кўп тарқалган хатоларни аниқлаш ва таҳлил этиш ҳамда уларга барҳам бериш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

- жинойий жазони табақалаштириш ва индивидуаллаштиришнинг моҳиятини аниқлаш, айбдорнинг шахси, қилмишнинг тавсифи ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, жавобгарлиқни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда порахўрлик учун жинойий жазони табақалаштириш ва индивидуаллаштиришнинг мунозарали муаммоларини ечиш;

- порахўрлик содир этган шахсларга кримнологик тавсиф бериш, шунингдек, жинойтларнинг сабабий боғланишлари (детерминантлари) сифатида ўрганилаётган жинойтларни содир этишда айбдор бўлган шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари тушунчасига доир адабиётлардаги мавжуд асосий эмпирик (тажрибага асосланган) ва назарий ёндашувларни таҳлил этиш ҳамда уларга баҳо бериш;

- ушбу жинойтларнинг содир этилиши сабабларини ва улар вужудга келтирган шарт-шароитларни аниқлаш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчиликнинг жинойтчиликнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини таҳлил этиш ҳамда умумий ва индивидуал амалиёт нуқтаи назаридан олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

- пора олганлик, пора берганлик ва пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги жинойт ҳуқуқи нормаларини янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ушбу монография иши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва нутқларида баён этилиб, бутун ҳуқуқ тизимини, шу жумладан, ушбу тизимнинг таркибий қисми сифатида жинойт ҳуқуқини ислоҳ қилиш асосини

ташқил этувчи давлат қурилишининг илмий фалсафаси ва тамойиллари **услубий асос** ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари, амалдаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар монография учун асос сифатида қилиб олинди.

Ушбу монография илмий ходимларга, юридик олий ўқув юр்தларининг бакалавр ва магистратура йўналишида таълим олаётган талабалар, аспирантлар ва барча қизиққан ўқувчилар учун мўлжалланган.

Муаллиф монография ҳақида билдирилган ҳар қандай фикр-мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилади.

Фикр мулоҳазаларни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Тошкент 47, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй Тошкент Давлат юридик институти.

ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТИ ТАРКИБНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

1.1 Порахўрлик ижтимоий-ҳуқуқий муаммо сифатида

Ҳозирги шароитда ҳаётда, жамиятда сифат жиҳатидан туб ўзгаришлар рўй бераётгани нафақат ишлаб чиқариш соҳасида, балки бутун ижтимоий муносабатларда, ижтимоий психологияни шакллантиришда, одамлар хулқ-атвори сабаблари ва шаклларида ўз аксини топмоқда. Криминология фанининг долзарб вазифаларидан бири жиноятчиликка таъсир кўрсатувчи ижтимоий ҳодисаларни таркибий қисмларга ажратиб таҳлил қилиш ва унинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Криминология жиноятчилик генезисида қатнашувчи ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларнинг турли хусусиятга ва таъсирга эга эканлиги, уларнинг ўзаро мураккаб алоқадорлик ва ўзаро тобеликда эканлигига асосланади. Уларнинг ўртасида ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик тусдаги ҳодисалар муҳим ўрин эгаллайди¹.

Шу маънода криминологиянинг бундай жараён ва ҳодисаларнинг жиноятчиликка таъсири «тўғридан-тўғри ва бевосита эмас, балки мураккаб ижтимоий ва психологик омиллар орқали, авваламбор, жамиятда вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар орқали»² акс этиши ҳақидаги қондаси муҳим услубий йўналтирувчи қоидалардан бири ҳисобланади. Бошқа сўз билан айтганда, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка, уларнинг ҳолати ва ўсишига, жиноятчиликнинг сифат кўрсаткичларига психологик, маданий ва бошқа омилларнинг йиғиндиси таъсир этади. Аммо бу таъсир ижтимоий психология билан белгиланади, ҳуқуқбузарлар шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, шунингдек, у ёки бу тоифага мансуб бўлган

¹ Қаранг: Горяинов К.К., Кононенко В.И., Кудрявцев С.В. Взаимодействие социально-экономических и социально-психологических процессов в генезисе преступности. Сов. государство и право, 1985, № 12. -50-бет.

² Совершенствование мер борьбы с преступностью в условиях научно-технической революции. М., Наука, 1980. - 17-бет.

жиноятчиларнинг жиний фаолияти хусусиятларида намоён бўлади.

Порахўрликка қарши курашга тор маънода жиноят-ҳуқуқий ёки криминологик муаммо деб қараш мумкин эмас; у чуқур сиёсий, иқтисодий ва маънавий мазмунга эга бўлган, кенг қамровли, мураккаб муаммодир. Бу эса порахўрлик муаммосини социология, ҳуқуқ, криминология, ижтимоий психиология ва илмий билимнинг бошқа тармоқлари билан биргаликда комплекс тарзда таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатади. Бундай комплекс тадқиқот олиб бориш зарурати фан ривожланишидаги умумий вазиятни ва йўналишларни акс эттириб, бу ижтимоий билиш интеграциясида, чегарадош муаммоларнинг фанлараро тадқиқотлари ўсишида ва тегишинча фанларнинг ўзаро бири-бирига боғлиқлигида ифода этилади. ✓

Маълумки, порахўрлик муаммоси нафақат жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан, балки тегишли жиний тажовузларни квалификация қилиш ва таърифлаш, шунингдек, уларни ўхшаш жиноятлардан фарқлаш маъносида ҳам ўрганилган. Бу олиб борилган тадқиқотларнинг анъанавий йўналишларидан бири ҳисобланади, чунки порахўрлик учун жавобгарлик мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик каби жиноят ҳуқуқининг долзарб ва нозик муаммоларидан бири бўлиб келган ва шу боис доимий равишда ҳуқуқшунос олимларнинг эътиборини жалб қилиб келган¹.

Шу маънода порахўрлик учун жавобгарликни таҳлил қилаётган ҳуқуқшунослар томонидан олиб борилган махсус тадқиқотлар (С.В.Бакланов, Б.В.Волженкин, Н.П.Кучерявый, А.Ф.Оспинников, В.И.Соловьев, В.В.Степанов ва бошқалар), кўпроқ мансабдорлик жиноятларига бағишланган тадқиқотлар (В.Ф.Кириченко, Б.С.Утевский, И.А.Гельфанд, Б.В.Здравомыс-

¹ Кириченко В.Ф. Ответственность за должностные преступления по советскому уголовному праву (общие вопросы). М., 1956; Соловьев В.И. Борьба с должностными преступлениями, обманом государства и присказками. М., 1963; Здравомыслов Б.В. Должностные преступления: Понятие и классификация. М., 1975; Лысов М.Д. Ответственность должностных лиц по советскому уголовному праву. Казань. 1972; Светлов А.Я. Ответственность за должностные преступления. – Киев, 1978; Кучерявый Н.П. Ответственность за взятничество по советскому уголовному праву. – М., 1959; Волженкин Б.В. Квалификация взятничества. – Л., 1984 ва б.

лов, М.Д.Лысов, А.Я.Светлов ва бошқалар)¹ муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон жиноят қонунлари (1926 йилги ЎзССР ЖК) ва республика суд амалиёти материаллари асосида С.Г.Закутский томонидан 1953 йилда номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган бўлиб, у матбуотда эълон қилилмади. Кейинчалик 1994 йилда (ЎзССР ЖК асосида) «Пора олиш учун жиноий жавобгарлик» мавзусида номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган бўлиб, у ҳам матбуотда эълон қилилмади. Мазкур иш муаллифи кейинчалик Ўзбекистонда порахўрликка қарши кураш муаммосини монографик тарзда тадқиқ қилмади².

Порахўрликнинг жиноят-ҳуқуқий муаммоларининг айрим жиҳатларига Г.А.Ахмедов., М.А.Абдухаликов, Б.Д.Ахраров, Б.А.Блиндер, Ю.М.Каракетов, Р.К.Кабулов, К.М.Мирзажонов, Э.Х.Норбўтаев, М.Ҳ.Рустамбоев, Э.Х.Ҳақимов, А.С.Якубовларнинг илмий ишларида эътибор берилган.

Ўрганилаётган муаммонинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатларига кўпроқ эътибор берилганлиги бир томондан, жиноят ҳуқуқи фанининг, иккинчи томондан, криминология фанининг ривожланиши турли даражада бўлганлиги билан изоҳланади.

Криминология нуқтаи назаридан мансабдорлик жиноятларини алоҳида гуруҳга ажратиб, бу жиноятларнинг сабаблари тўғрисидаги концепцияни ишлаб чиқиш, ушбу жиноятларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа ўз ечимларини талаб этадиган масалаларни ҳал этиш вазифаси қўйилди. Айнан ана шу вақтдан бошлаб мансабдорлик жиноятларининг криминологик жиҳатларини тадқиқ этишга фаол киришилди. Бунда алоҳида турдаги жиноятларни тадқиқ этишдан бошлаб мансабдорлик жиноятларининг сабаблари тўғрисидаги материалларни умумлаштириш асосида, уларга қарши кураш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга қаратилган махсус умумий

¹ Закутский С.Г. Уголовная ответственность за взяточничество по советскому уголовному праву. Автореф. Канд. Дисс. Т. 1953; Ахраров Б.Д. Уголовная ответственность за злоупотребление властью или должностными полномочиями. Автореф. Канд. Дисс. – Т., 1989; Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за получение взятки. Автореф. канд.дисс... – Т., 1994.

² Қаранг: Жижиленко А.А. Должностные преступления. М., 1927; Эстрин А.А. Должностные преступления. М., 1928; Трайнин А.Н. Должностные и хозяйственные преступления. М., 1938; Смолицкий Г.Р. Должностные преступления. М., 1947; Утевский Б.С. Общее учение о должностных преступлениях. М., 1948.

концепцияни яратиш бўйича ҳаракат бошланди (В.Г.Танасевич, А.Н.Ларьков, В.Б.Ястребов ва бошқалар).

Порахўрликни криминалогик тадқиқ қилиш унинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш билан биргаликда олиб борилди, лекин социологик ва криминалогик йўналиши ҳамон устувор эди. Бунда нафақат бир қатор криминалогик ижтимоий-психиологик масалалар қўйилганлигининг янгилигини, балки услубий ечимларнинг муайян аҳамиятини ҳам таъкидлаш лозим. Уларнинг мураккаблиги кўпинча порахўрлик ва унинг турларининг ўзига хослиги туфайли вужудга келади. Аслида бундай методикани ишлаб чиқиш нафақат бошқарув омиллари ва мансабдор шахслар фаолиятининг хусусиятини, балки кўп психиологик жиҳатларни ҳам ҳисобга олиши керак. У порахўрликнинг турли кўринишларининг жамият ривожланишида рўй бераётган ижтимоий ўзгаришлар борасидаги таҳлилини, тармоқ хусусиятини, порахўрлик тарқалганлигини, турларини ҳисобга олишни, унинг доирасида юз бераётган, ҳозирги сиёсий ва иқтисодий вазиятга катта салбий таъсир этадиган сифат жараёнларини аниқлаш имкониятини назарда тутлади.

Бизнинг фикримизча, бу борадаги келгуси тадқиқотларга йўл очиб берадиган В.Г.Танасевич, Б.В.Коробейников, А.Н.Ларьков, А.И.Кирпичников, О.Э.Сокольский ва А.К.Квицинияларнинг ишларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин¹.

Айтиш мумкинки, илгари ўтказилган тадқиқотлар ўзининг аҳамиятига кўра муаммони «бартараф этмайди» ва мавзу тўла ўрганилган дейиш учун асос бўла олмайди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти олиб борилаётган бир шароитда муаммонинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этишни давом эттириш ўта долзарблигича қолмоқда. Бундан ташқари, амалиёт кўрсатганидек, ҳуқуқни қўллаш органлари ходимлари орасида порахўрлик учун жавобгарлик ва жазолаш масалаларининг муайян жиҳатларини англашда яқдиллик, унинг аҳамияти ва мазмуни ҳақида аниқ таассуротлар мавжуд эмас. Бу эса ама-

¹ Танасевич В.Г. Борьба с должностными преступлениями. // Вопросы советской криминологии. Ч. 1.-М., 1976 - 149-162-бетлар; Ларьков А.И. Проблемы борьбы с должностными преступлениями. - М., 1977; Сокольский О.Э. Значение криминологического анализа в борьбе со взяточничеством. // Борьба с должностными преступлениями. - М., 1977. - 79-94-бетлар; Кирпичников А.И. Криминологические исследования взяточничества. // «Соц. законность», №12, 1975; Квициния А.К. Взятничество и борьба с ним. Уголовно-правовое и криминологическое исследование по материалам Грузинской ССР. Автореф. канд. дисс. -М.: МГУ, 1978.

лидда айбнинг мавжудлигини аниқлаш, қилмишни квалификация қилиш, жазо чорасини танлаш, айбдор шахсларни жавобгарликдан асоссиз озод қилиш билан боғлиқ хатоларга олиб келади. Буларнинг барчаси муаммонинг у ёки бу ҳуқуқий жиҳатларини тушунишда етарли асос йўқлигини кўрсатади. Қонун томонидан белгиланган қоидаларни аниқ талқин қилиш, порахўрликка қарши кураш муаммосини ўрганиш борасида энг «нозик» тарафларини илмий таҳлил этиш зарурлигини кўрсатади.

Мазкур иш тадқиқотларни бу йўналишда давом эттириш борасидаги уриниш ҳисобланади. Унда мансабдорлик жиноятларини жиноят-ҳуқуқий таҳлил қилишнинг анъанавий ёндашувлари ва усуллари билан бирга порахўрлик учун жавобгарликнинг махсус масалаларини («сохта воситачилик»ни квалификация қилиш, ифвогарона пора олишни уюштириш, пора берувчиларни жинойий жавобгарликдан озод этиш асослари ва амалиёти ва ҳоказоларни) ёритишга эътибор қаратилади, криминалогик воқелик ва юридик қарор ўртасида ўзаро таъсир этиш механизмининг белгилари тадқиқ этилади, криминалогик воқеликни жиноят ҳуқуқининг барча асосий соҳаларида: қонунчиликда, назарияда ва суд амалиётида (таъкидлаганимиздек, кўп масалалар бу ерда бир хил ҳал қилинмайди) акс эттиришнинг ноаниқлиги ёки тўлиқсизлиги фактлари кайд этилади. Атама-ларни қўллаш борасида ҳам айрим аниқликлар киритиш лозимлиги асослаб берилади. Маълумки, жиноят ҳуқуқи тушунчалари орасида «порахўрлик» тушунчасидан фақат бир мустақил жиноят таркибига нисбатан фойдаланилади. Жиноят қонунида бу тушунча қўлланилиб, пора олиш-беришда воситачилик учун жавобгарликни ажратади (ЖК 212-м.). Маълум маънода «пора» ва «порахўрлик» тушунчалари универсал хусусиятга эга. Айни вақтда улардан у ёки бу ижтимоий-ҳуқуқий маънода фойдаланиш жиноят чегараларини турлича белгилайди, муаммо жиҳатларини, шунингдек, тадқиқ қилиш доираси ва усулларини ўзгартириб юборади.

Жиноят ҳуқуқига оид бўлган адабиётда «порахўрлик» тушунчаси кўпинча ҳар хил маънони англатади. Тор маънода – бу пора олиш, яъни ЖК 212-моддасида назарда тутилган жиноятдир. Кенг маънода «порахўрлик» тушунчаси учта жиноят

таркибини: пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишни қамраб олади (ЖКнинг 210, 211, 212-м.). Мазкур жиноий тажовузларнинг ўзаро нисбатига доир қарашлар ҳам турлидир. Айрим криминалистлар уларни ягона жиноят - порахўрлик деб биладилар. Бошқалар уларни мустақил жиноятлар деб ҳисоблайдилар. Баъзи олимлар эса уларда зарур иштирокчилиқни – жиноятни содир этишнинг алоҳида шаклини кўрадилар.

Масалан, Б.В.Здравомыслов жиноят қонуни матнига асосланиб кўрсатилган тажовузлар турларининг ҳар бирини ўзига хос бўлган ҳаракат тавсифи, қасднинг мазмуни ва субъект белгилари бўлган мустақил жиноятлар деб ҳисоблайди¹. Жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан бундай фикр етарли даражада асосланган, чунки у нафақат қонунчилик лексикасига таянган, балки мазкур жиноятларнинг турли моҳияти, табиати ва хусусиятини ҳисобга олади.

Шу билан бирга келтирилган ва ҳуқуқий адабиётда устувор ҳисобланган нуқтаи назар ҳатто анъанавий жиноят-ҳуқуқий таҳлил доирасида кенгроқ ёндашувга асосланган бошқа фикрларнинг қонунийлигини мутлақо истисно этмайди. Бундай ёндашув ҳодисанинг моҳиятини ва характерини, порахўрликнинг амалдаги ҳақиқий кўринишларини тўлиқроқ ва аниқроқ ҳисобга олади. Аслида «порахўрлик» тушунчаси мустақил, лекин бири бири билан боғлиқ бўлган жиноятларни қамраб олиши ҳақида фикр юритилмоқда. «Порахўрлик» бошқа аксарият жиноятлардан фарқли ўлароқ камида иккита жиноят субъекти (ёки пора олувчи ва пора берувчи, ёки пора берувчи ва воситачи)нинг албатта мавжудлигини назарда тутди. Бошқа сўз билан айтганда, бу бир бутун жиноятда бир неча субъектларнинг жиноий фаолияти ягона жиноий мақсад билан бирлашади ва бири бирини ўзаро тўлдиради².

Бу жиноятлар бир бутунликни ташкил этиб, бири иккинчисиз мавжуд бўлмайди. Чунки «пора берувчи бўлмаса, пора олувчи бўлмайди» ва айнан шу тарзда «пора берилмаса – пора олинмайди» деб айтилади. Албатта, бу «бир бутунликка» ҳар

¹ Б.В.Здравомыслов. Должностные преступления. Понятие и квалификация. М., 1971.124-бет.

² Соколовский О.Э. Значение криминологического анализа в борьбе со взяточничеством. // Борьба с должностными преступлениями. – М., 1977. – 79-бет.

хил қараш мумкин. Лекин равшанки, агар пора бериш бўлмаган бўлса, пора олиш ҳам бўлмайди. Пора олиш бўлмаган бўлса, пора беришнинг тамом бўлган таркиби ҳам бўлмайди ва тегишсизча пора бериш ва пора олиш бўлган тақдирдагина пора олиш-беришдаги воситачилик аниқланиши мумкин. Бундан ташқари, шуни назарда тутиш керакки, амалда пора олиш, пора олиш-беришда воситачилик ва пора бериш кўпинча «бир-бири билан боғлиқ» жинойтлар деб ҳисобланади. Масалан, пора олувчиларнинг ўзлари бошқа жинойтчиларга пора берганда, айни вақтда жинойтчиларнинг ўзлари бошқа жинойтчиларга пора берганда, пора олиш-беришда воситачиларнинг ўзлари бир вақтнинг ўзида поралар олганда, ниҳоят, пора берувчилар айни вақтда пора олиш-беришда воситачилар (ҳатто далолатчилар) бўлганда бундай ҳол юз беради.

Хуллас, жинойт-ҳуқуқий таҳлил доирасида «порахўрлик» тушунчасидан операцион комплекс тушунчаси сифатида фойдаланиш ҳақлидир. Аслида айнан шу маънода бу тушунча илмий муомалага кенгроқ кириб боради. Умуман айтганда, М.С. Гринберг таъкидлаганидек, жинойт ҳуқуқи тушунчаларининг йиғиндисида «янги тушунчалар пайдо бўлиши ҳамда анъанавий тушунчалар бойитилиши билан боғлиқ сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда»¹. Мазкур ишга келадиган бўлсак, ушбу тушунчадан фойдаланиш порахўрликни кенг ижтимоий-ҳуқуқий муаммо сифатида нафақат жинойт-ҳуқуқий жиҳатдан, балки криминологик жиҳатдан тадқиқ этишга имкон беради.

Маълумки, жинойтчилик – ижтимоий ҳодиса, унинг тушунчаси эса юридик ҳодиса ҳисобланади. Айни вақтда юридик адабиётда адолатли таъкидланганидек, криминология юридик тушунчалар ва категорияларни «ҳисоблаб чиқиш нуқтаси», ўрганилаётган ҳодисаларнинг «ҳуқуқий негизи» ҳисобланади. Аммо криминология томонидан тадқиқ қилинадиган қонуниятлар юридик эмас, балки ижтимоий ҳодисалар ҳисобланади². Шунинг учун бу ҳодисаларга нисбатан ёндашув, шунингдек,

NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI
Andolet-resurs markazi

¹ Гринберг М.С. Преступное деяние в криминалистических аспектах. //Правоведение, №95, 1983. 38-бет.

² Усманиев М., Каракетов Й. Криминология. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – 10-бет.

уларни таҳлил қилиш усуллари криминологияда юридик эмас, балки ижтимоий ҳисобланади¹.

Бундай жиноятларни ижтимоий-сиёсий баҳолаш бир хил бўлганлигига қарамасдан порахўрлик муаммоси кўп қирралар ва жиҳатларга эга. Шуни ҳисобга олган ҳолда мазкур ишда «порахўрлик» тушунчаси таҳлил қилиш жиҳати ва доирасига қараб ҳар хил қўлланилади. Масалан, тор маънода бу тушунча кўпроқ пора олишга яқин. Шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий онг ва психинологияда пора берувчиларга қараганда «порахўр» тушунчаси кўпроқ айнан пора олувчиларни англатади. Кенгроқ маънода бу тушунча айtilган тажовузлар кўринишларининг барча турларини, қамраб олади. Энг муҳими – мазкур тушунчадан фойдаланиш нафақат муайян жиноятни, яъни якка тартибдаги хатти-ҳаракатни, балки барча бундай жиноятларнинг макродаражасини жиноятчиликнинг мустақил ва махсус қисми сифатида таҳлил қилиш имконини беради.

Шундай қилиб, «порахўрлик» тушунчасидан фойдаланиш тадқиқот предмети ва доирасини анча кенгайтиради. У кўриб чиқиладиган жиноятларнинг ижтимоий-психологик табиати ва психологик жиҳатини тўлиқроқ акс эттиради, ижтимоий психинологияда бундай ҳодисаларга нисбатан ёндашувни ҳуқуқий баҳолаш билан уйғунлаштиришга кўмаклашади. Пировард натижада, бу тушунчадан фойдаланиш муаммони тавсифловчи жиноят-ҳуқуқий, ижтимоий-психологик, криминологик ва бошқа жиҳатларнинг таҳлилини ҳам муайян жиноятлар даражасида, ҳам порахўрликнинг турли кўринишлари макродаражасида ўтказишга имкон беради.

1.2 Порахўрликда тажовуз қилиш объекти ва пора предмети

Ҳар қандай жиноят, шу жумладан порахўрлик таркибининг асосий белгиларидан бири жиноят объекти ҳисобланади. Ҳар қандай жиноят муайян объектга нисбатан тажовуз қилади. Ҳеч бир нарсага тажовуз қилмайдиган жиноятнинг ўзи йўқ.

¹ Сахаров А.Б. Некоторые принципиальные вопросы криминологии. //Криминология и уголовная политика. – М., 1985. –27-бет.

Жиноят объекти – жиноят таркибининг бир белгии бўлиб, у катта юридик аҳамиятга эга. Жиноий тажовуз объектини тўғри белгилашга жиноятчи томонидан содир этилаётган хатти-ҳаракатларни юридик жиҳатдан квалификация қилиш тўғрилиги боғлиқ бўлиб, бу ЖКнинг 4-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган қонунийлик принципини тадбиқ этиш зарур шартларидан бири ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи фанида жиноят объекти деганда жиноят қонуни томонидан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади¹.

Жиноят ҳуқуқи фани шундан келиб чиқадики, жиноят ҳуқуқи нормалари томонидан жиноий тажовузлардан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар жиноятнинг умумий объекти ҳисобланади. Бу Ўзбекистон Республикаси жиноят қонун ҳужжатларида ўз аксини топган.

Масалан, ЖКнинг 2-моддасида белгиланганки, «жиноят кодексининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлашдан иборат».

Шуни таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг мафкурадан холилиги, жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш объектларининг қайта баҳоланганлигидир.

Агар 1959 йилдаги ЎзССР ЖКнинг эътибор марказида, авваламбор, давлат-сиёсий манфаатлар, сўнгра эса жамият ва шахс манфаатлари турган бўлса, янги жиноят қонуни олдин шахс, сўнг эса жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоясида туради. Ушбу қоида умум эътироф этилгач, демократик нормаларга мос бўлган ҳолда ЖК Махсус қисмининг боблар тизимида ўз аксини топади. Аммо жиноятлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида рўй бериши мумкин. Демак, улар мазмуни ва аҳамияти бўйича турли бўлган ижтимоий муносабатларга бевосита зарар келтириши мумкин. Бу ҳолат турдош ва бевосита объектлар тушунчаларини ажратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Уларнинг биринчиси қатор жиноятлар тажовуз қиладиган бир

¹ Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении. Т., 1996. - 96-бет.

турдаги ва ўзаро боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг кенг ёки тор доираси, иккинчиси эса – бир жиноят ёки бир неча жиноятлар бевосита қарши қаратилган муайян ижтимоий муносабат ҳисобланади.

Ҳокимият бошқарув органлари ва жамоат бирлашмалари амал қилиши тартибига қарши жиноятлар (турдош ва бевосита) объектининг бундай таърифланишининг муҳимлиги, амалий аҳамияти равшандир. У қуйидагиларга:

а) тажовузларнинг мазкур гуруҳини бир-бирига яқин жиноятлардан ажратишга ва уларни содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутадиган нормаларни Жиноят кодексининг мустақил бобида кўрсатишга;

б) мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган ижтимоий хавfli тажовузларнинг тўғри квалификация қилинишини таъминлашга;

в) одиллик принципини амалда қўллашга (Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-м.);

г) бу жиноятлар содир этилишига сабаб бўладиган шароитларни бартараф этиш мақсадида профилактик таъсир этиш йўналишини белгилашга имкон беради.

Жиноят объекти муаммосига жинoий-ҳуқуқий адабиётда катта эътибор берилган¹.

Юридик адабиётда мансабдорлик жиноятларининг турдош объекти ҳақидаги масала назариётчи-криминалистлар томонидан турлича ҳал этилган. 20-30-йилларда бу хусусда турли фикрлар билдирилган. Мисол учун М.Кожевников, П.Латовер, А.А.Жижиленко, кейинроқ эса проф. С.А.Голунский хизмат бурчини мансабдорлик жиноятларининг турдош объекти деб ҳисоблаганлар. Собиқ Иттифоқ жиноят қонунчилиги асосларини турдош объект бўйича эмас, балки субъект бўйича тизимлаштиришнинг умумий қондасидаги ягона истиснони мансабдорлик жиноятлари ташкил этган.

¹ Гельфер М.А. Объект преступления. – М.: ВЮЗИ, 1960.; Никифоров Б.С. Объект преступления по советскому уголовному праву. – М.: Госюриздат, 1960; Козельков Б.А. Понятие объекта преступления и преступных посягательств на деятельность представителей власти или общественных организаций, выполняющих обязанности по охране общественного порядка. Ученые записи Саратовского юридического института, вып. 11. – Саратов, 1964; Коржанский Н.И. Объект и предмет уголовно-правовой охраны. – М., 1980; Куринов В.А. Научные основы квалификации преступлений. – М.: Изд. МГУ, 1984; Кержанов Е. Основные теоретические проблемы объекта уголовно-правовой охраны в СССР. Автореф. докт.дисс. – Киев, 1978; Тацкий В.Н. Объект и предмет преступления в советском уголовном праве. – Харьков: Вища школа, 1988.

М.Кожевникова ва Л.Лаговлер ёзганларидек, «мансаб бўйича жинойт – бу хизматчи томонидан хизмат бурчи, хизмат вазибаларининг бузилишидир»¹. А.А.Жижиленко уни «мансабдор шахс томонидан вазибалар бузилишини, ўз хизматини адо этиш бурчининг бузилиши» деб таърифлаган². Лекин хизмат бурчи мансабдорлик жинойтларининг объекти деб эътироф этилиши мумкин эмас, чунки хизмат бурчи тушунчаси жуда мавхум ва ноаниқдир. Бу тушунча мазкур жинойтлар қандай ижтимоий муносабатларга тажовуз қилишини, бу қилмишлар орқали келтириладиган зарар нимадан иборат эканлигини равшан тасаввур этиш имконини бермайди. Бурчнинг ўзи таъсир остига олинмайди, унга қандайдир зарар етказилиши мумкин эмас. Хизмат бурчи тушунчаси маънавий категория ҳисобланади, шунинг учун хизмат бурчини бузиш ҳамиша ҳам жинойт жазоланишга сабаб бўлмайди.

Юқоридагиларга асосланиб айтишимиз мумкинки, хизмат бурчи бошқарув тартибига қарши жинойт объекти деб эътироф этилиши мумкин эмас.

Профессор А.А.Жижиленко текинлик ва ҳақ эвазига оғдирилмасликни порахўрлик объекти деб ҳисоблаган³. Профессор Н.Д.Дурманов порахўрлик объекти ҳақида шундай ёзади: пора олишда жинойтнинг асосий объекти бошқа мансабдорлик жинойтларидагидек бир хил. Порахўрлик маълум маънода давлат аппаратининг ажралмас сифатларига, яъни: мансабдор шахсларнинг тўғри сўзлиги, ҳақ эвазига оғдирилмаслиги, улар томонидан бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан қатъи назар ўз хизмат бурчининг бажарилишига тажовуз қилади⁴.

Жинойт ҳуқуқининг махсус қисми бўйича дарсликлардан бирида давлат аппаратада мансабдор шахслар фаолиятининг ҳақ эвазига оғдирилмаслик, халққа сидқидилдан хизмат қилишдан иборат принципи пора олишнинг бевосита объекти деб белгиланади. С.Г.Закутский ҳисоблашича, давлат аппарати

¹ Кожевников М., Лаговлер Л. Должностные преступления и борьба с ними. – М.: Юрид.лит., 1925. – 17-бет.

² Жижиленко-А.А. Должностные (служебные) преступления. Практический комментарий. – М.: Юрид.лит. 1927. – 3-13-бетлар; Голунский С.А. О квалификации преступлений.

³ Уша жойда, - 14-бет.

⁴ Закутский С.Г. Уголовная ответственность за взяточничество по советскому уголовному праву. Автореф. канд. дисс. – Т., 1953. – 6-7-бетлар.

мансабдор шахсларнинг хизмат фаолиятига ҳақ тўлашнинг оммавий-ҳуқуқий хусусияти порахўрлик объектидир¹.

А.Я.Светлов «мансабдор шахслар меҳнатига ҳақ тўлашнинг белгиланган тартибини» мазкур жиноятнинг бевосита объекти деб ҳисоблаган². Ю.А.Афиногенов ҳам шунга яқин объект таърифини бериб, уни давлат аппаратининг обрўси деб белгилайди. Ушбу масала юзасидан шундай нуқтаи назарга В.Д. Меньшагин қўшилиб, порахўрлик объекти сифатида давлат аппарати обрўсини кўрсатади: «Мансабдор шахснинг хизмат бўйича ҳаракати учун хусусий шахсдан ноқонуний ҳақ олганликнинг ҳар қандай ҳолати ўзида давлат аппаратини обрўсизлантириш хавфини мужассамлаштиради... Шунинг учун порахўрликнинг умумий тушунчаси билан қамраб олинadиган жиноятларнинг бевосита объекти давлат бошқаруви аппаратининг обрўси ҳисобланади»³. Айнан шундай нуқтаи назарга Б.В.Волженкин ҳам қўшилади. Унинг фикрига кўра, мансабдор шахслар ўзларига берилган оммавий ҳокимиятни, ваколатларни суиистеъмол қилиб хизмат манфаатларига тажовуз қиладилар, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти давлат аппаратларининг, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари аппаратининг нормал фаолиятини бузадилар, уларнинг обрўсига путур етказдилар, натижада бу давлат ҳокимияти заифланишига олиб келади. Бу эса алоҳида ҳуқуқни муҳофаза қиладиган объектни ва бундай шахсларнинг жиноий қилмишларини ЖКнинг мустақил бобига ажратиш зарурлигини белгилайди⁴.

М.Ҳ.Рустамбоев бошқарув ва ижроия органларининг обрўсини, уларнинг нормал фаолиятини, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини порахўрлик объекти сифатида белгилайди⁵.

Н.П.Кучерявин, В.Ф.Кириченко, А.Ф.Осинников, Н.С.Лейкина ва бошқалар порахўрликнинг бундай таърифланишига қарши чиқадилар. И.Н.Кучерявиннинг фикрига кўра, «давлат

¹ Ўша жойда.

² Светлов А.Я. Ответственность за должностные преступления. – Киев: Наукова думка, 1978. – 35-бет.

³ Меньшагин В.Д., Пионтковский А.А., Чхиквадзе В.М. Курс советского уголовного права. Особенная ч. Т. 2, – М.: Госюриздат, 1957. – 135-бет.

⁴ Уголовное право. Особенная часть. Учебное пособие под ред. Кузнецовой Н.Ф. – М.: Зерцало ТЕИС, 1996. – 310-311-бетлар.

⁵ Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисми. – Т., 2000. – 311-317-бетлар.

аппаратининг барча юқорида санаб ўтилган сифатлари пора-хўрлик объекти деб эътироф этилиши мумкин эмас. Чунки, биринчидан, улар маънавий, яъни ҳуқуқий ҳамда жиноят-ҳуқуқий соҳадан ташқаридаги муносабатларни қамраб оладиган категориялар ҳисобланади. Иккинчидан, давлат аппаратининг деярли барча сифатлари нафақат порахўрликка, балки бошқа мансабдорлик жиноятлари таркибларига ҳам хосдир, ҳақ эвазига оғдирилмаслик бундан истисно». Масалан, хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлик, ваколатидан ташқарига чиққанлик, мансаб сохтакорлиги, ноқонуний ҳукм чиқарганлик ва бошқа хатти-ҳаракатлар мансабдор шахс ҳалоллигига ҳамда хизмат бурчига ҳам тажовуз қилади. Шунинг учун порахўрлик объектини ойдинлаштириш уни жиноят қонуни муҳофаза этадиган ижтимоий муносабатлар тури сифатида билиш учун аслида ҳеч нарса бермайди¹.

Ю.Ляпунов ҳам айнан шу нуқтаи назарни билдириб қуйидагича ёзади: «Давлат аппарати обрўси ҳам порахўрликнинг бевосита объекти ҳисобланади, деган фикрга қўшилиб бўлмайди».

Пора давлат аппарати обрўсига путур етказди, уни обрўсизлантиради. Аммо обрў – бу баҳолаш категориясидир. У ўз-ўзидан ижтимоий муносабат ҳисобланмайди, шунинг учун ҳам жиноят объекти бўлиши мумкин эмас².

Бошқа муаллифлар, масалан, К.Безносиков юқоридаги таърифларни танқид қилиб, давлат аппаратининг тўғри фаолиятини ва фуқароларнинг қонун томонидан кафолатланган манфаатларини мансабдорлик жиноятлари объекти сифатида кўрсатади. М.Қодиров ҳам бу фикрга қўшилади: «Бошқарув тартибига қарши жиноятларнинг бевосита объектини давлат аппарати фаолиятининг айрим соҳалари, унинг бўғинлари тўғри ишлаши, шунингдек, шахснинг қонун билан қўриқланадиган неъматлари ташкил этади»³. Лекин бундай таърифлашга ҳам қўшила олмаймиз. Мансабдорлик жиноятлари турли ижтимоий

¹ Кучерявий Н.П. Ответственность за взяточничество. ~ 57-58-бетлар.

² Ляпунов Ю.И. Ответственность за взятку. – М.: Знание, 1987. – 15-бет.

³ Безносиков К. Рецензия на работу А.Н. Трайнина. Должностные и хозяйственные преступления. (Социально-правовая законность). – М., 1939. – 104-бет; Кадыров М. Уголовное право Республики Узбекистан. – Т.: Адолат, 1997. – 253-бет.

муносабатларга зарар келтиради, аммо бу муносабатларнинг ҳаммаси ҳам жиноят объектлари деб эътироф этилиши мумкин эмас. Мазкур жиноятлар моҳиятини зарар етказиш ташкил қиладиган, уларни муҳофаза қилиш ушбу ҳуқуқий норма мақсади ҳисобланадиган ижтимоий муносабатларгина жиноят объекти деб эътироф этилиши керак.

↓ Объектни аниқлаш, тўғрироғи уни аниқлаб олиш алоҳида аҳамият касб этади. Жиноят объекти ёрдамида жиноят ҳуқуқининг ижтимоий-сиёсий мазмуни, тажовуз қилиш ижтимоий хавфлилигининг характери аниқланади¹.

Бу фикрларни ҳисобга олган ҳолда умуман мансабдорлик жиноятларининг объектини ва хусусан, порахўрликнинг объектини белгилаш лозим.

Мансабдорлик жиноятларининг хусусияти шундан иборатки, улар содир этилганда давлат аппаратининг нормал фаолияти албатта бузилади. Агар у ёки бу қилмиш унинг фаолиятини бузмаса, у ҳеч қачон мансабдорлик жинояти деб эътироф этилиши мумкин эмас. Бунда бошқа муносабатларга ҳам зарар етказилиши мумкин. Лекин мансабдорлик жиноятлари томонидан бошқа ижтимоий муносабатларга етказиладиган зарар давлат аппарати тўғри фаолияти бузилганлигининг оқибатидир. Шунинг учун мансабдорлик жинояти содир этилганлиги натижа-сида зарар етказилган ижтимоий муносабатларнинг ҳаммасини ҳам жиноят объекти деб ҳисоблаш мумкин эмас. Ўз моҳиятига кўра ҳар қандай жиноят шахснинг хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир этилиши мумкин, аммо бу уни мансабдорлик жиноятига айлантормади.

Ўйлаймизки, юқорида эслатиб ўтилган муаллифлар, Ю.А.Демидов тўғри кўрсатиб ўтганидек, тажовуз қилиш объекти тушунчасини таърифлаш масаласини кўрганда бир ҳолатни ҳисобга олмайдилар: «Жамият учун аҳамиятли бўлган ижтимоий муносабатларни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти сифатида эътироф этиш қуйидаги қондани истисно этмайди: ижтимоий муносабатлар ўзларининг турли томонлари орқали жиноят қонуни уларни муҳофаза қилиш остига қандай қўйишига ёки уларнинг қайси бири (муҳофаза қилинадиган ижтимоий

¹ Якубов А.С. Учение о преступлении по законодательству Республики Узбекистан. – Т., 1995. – 55-бет.

муносабат субъекти, ёки давлат ё жамият манфаати, ёки субъектив ҳуқуқ ё шахсий манфаат) у ёки бу интенсив жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш муҳтожлигига қараб жиноят қонунда ўз аксини топади»¹.

Шунга мувофиқ ҳамда мансабдорлик жиноятларининг характери ва йўналишини ҳисобга олиб, мансабдорлик жиноятларининг, шу жумладан порахўрликнинг тажовуз қилиш объектини давлат ва жамият аппарати тўғри фаолият кўрсатиши сифатида белгилайдиган муаллифларга қўшилиш керак. Тўғри фаолият кўрсатиш деганимизда давлат ва жамият аппаратининг қонунга ҳамда жамият ва давлат олдида мазкур ривожланиш босқичида турган мақсад ва вазифаларга тўлиқ мос бўлган фаолият олиб бориш тушунилади.

Аппарат тушунчаси мазмунини ҳам аниқлаб олиш муҳимдир. Бу, авваламбор, давлат бошқаруви фаолиятининг сиёсат, иқтисодиёт ва маданият, халқ таълими, одил судлов ва бошқа соҳалардаги ҳажми ва чегараларини аниқлаш, давлат аппарати ташкил этувчи органлар рўйхатини белгилаш, унинг нормал фаолияти билан боғлиқ бўлган мансабдор шахсларнинг амалий фаолияти соҳасини аниқлаш учун зарурдир. Давлат ва ҳуқуқ назариясида давлат аппарати тушунчаси етарли даражада ўрганилган. У давлат механизмининг ташкил этувчи барча органларни қамраб олади: давлат ҳокимияти органлари, ижроия-тақсимлаш фаолиятининг амалга оширувчи органлар, одил судлов ва прокуратура органлари. Жамият ҳаётида муҳим ўрин тутадиган жамоат ташкилотларининг нормал фаолиятини тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар ҳам мансабдорлик жиноятларининг объекти бўлиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, ҳамма криминалистлар ҳам бундай нуқтаи назарни қўллаб-қувватламайди. Масалан, Н.Ф.Кузнецованинг фикрига кўра, «давлат ёки муниципал хизматдаги шахслар ҳамда турли жамоат ташкилотлари ва тижорат тузилмаларида тегишли бошқарув вазифаларини бажарувчи шахслар мутлақо бир хил эмас. Биринчилар ўзларига берилган оммавий ҳокимият ва ваколатларни суиистеъмол қилиб, хизмат манфаатларига тажовуз қиладилар, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд

¹ Демидов Ю.В. Социальная ценность и оценка в уголовном праве. – М.: Юрид. лит., 1975. – 38-бет.

ҳокимияти давлат аппаратларининг, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш аппаратининг нормал фаолиятига путур етказдилар.

Муайян бошқарув вазифалари бўлган тижорат тузилмалари ва жамоат ташкилотларининг хизматчилари, жамоат ташкилотига бирлашган фуқаролар ёки мулкдор томонидан ҳокимият суиистеъмол қилинганда бундай ҳолатлар юз бермайди¹. Биз бу фикрга қўйидаги асосларга кўра қўшилмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасига биноан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин – қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади².

Санаб ўтилган жамоат ташкилотлари давлат аппарати ва халқ оммаси ўртасида муҳим боғловчи бўлин ҳисобланадилар. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун уларнинг раҳбарлари ва бошқа ходимларига мансабдор шахслар ваколатлари берилади. Бундан хулоса шуки, жамоат ташкилотлари тизимида ҳуқуқий асосда шартли равишда жамоат ташкилоти аппарати деб аталадиган махсус бошқарув аппарати мавжуд бўлади. У давлат аппаратига қўшилмаган ҳолда параллел равишда амал қилади³. Вазифалар ва аксарият ваколатларнинг умумийлиги уларни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ягона объекти сифати имкониятини беради. Баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда, бизнингча, қонун чиқарувчи Ўзбекистон Республикаси ЖК бешинчи бўлимида ҳокимият, бошқарув ва **жамоат бирлашмалари** органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни тўғри назарда тутати. (Таъкид бизники. – Р. 3.).

Шу билан бирга жамоат ташкилотлари сирасига диний ташкилотлар ва фуқароларнинг норасмий ташкилотлари киритилиши мумкин эмас. Жиноят қонуни уларнинг фаолиятини тартибга соладиган ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилмайди.

¹ Уголовное право. Особенная часть. Учебное пособие. Под ред. Н.В.Кузнецовой. – М.: Зерцало. ТЕИС, 1996. – 310-311-бетлар.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., Ўзбекистон, 2003. – 11-бет.

³ Здравомыслов Б.В. Должностные преступления. – М.: Юрид. лит., 1975. – 8-бет.

Бошқарув тартибига қарши жиноятлар турдош объектининг асосий белгиларини қисқача кўриб чиқишимизга яқун ясаб, уни давлат аппаратининг давлат қурилиши вазифаларига жавоб берадиган, тўғри фаолияти жараёнида вужудга келадиган сифат жиҳатидан бир хил ижтимоий муносабатлар йиғиндиси, деб таърифлаш мумкин.

Давлат интизомига қатъий риоя қилишга, қонунлар ҳамда фуқароларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ва манфаатларига қатъий риоя қилишга асосланган фаолият тўғри ҳисобланади. Айнан турдош объектни, давлат, кооператив, хусусий ёки бошқа муассаса, корхона, ташкилотнинг тўғри ишлашини ҳисобга олган ҳолда қонун чиқарувчи хизматчини пора эвазига оғдириш, товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш учун ҳуқуқий нормани бошқарув тартибига қарши жиноятлар бобида киритган.

Жиноят-ҳуқуқий адабиётда пора олишнинг турдош ва бевосита объектларининг ўзаро нисбатини белгилашга доир ҳар хил ёндашув мавжуд. Айрим муаллифлар ҳисоблашча, мансабдорлик жиноятларида улар бир-бирига тўғри келади¹.

Бошқа муаллифларнинг фикрига кўра, мансабдорлик жиноятларининг турдош объектини белгилаш мумкин эмас, шунингдек, содир этилган муайян мансабдорлик жиноятининг бевосита объекти ҳақидагина фикр юритиш мумкин². М.Д.Лысов тўғри таъкидлаганидек, бундай фикр назарий жиҳатдан мақбул бўлмасдан, амалий жиҳатдан жиноятларни квалификация қилишда катта қийинчиликлар туғдиради³.

М.Д.Лысов айтганларига қўшимча қилиб айтишимиз керакки, танқид қилинаётган фикрга амал қилсак, бу бевосита объектни ва жиноят оқибатларини бир-биридан фарқ қилишга олиб келади, натижада тажовуз қилиш объекти ўзининг мустақил маъносини йўқотади.

¹ Гельфанд И.А. Хозяйственные, должностные преступления в сельском хозяйстве. – Киев: Наукова думка, 1970. – 198-бет; Сахаров А.Б. Кўрсат. асар. – 38-39-бетлар.; Блиндер Б.А., Закутский С.Г. Уголовное право УзССР. – Т.: Уқитувчи, 1985. – 139-бет; Комментарий к Уголовному кодексу РСФСР.

² Светлов А.Н. Борьба с должностными злоупотреблениями. – Киев, 1970. – 15-бет; Кириченко В.Ф. Кўрсат. асар. – 20-бет.

³ Лысов М.Д. Кўрсат. асар. – 20-бет.

Аксарият муаллифлар турдош ва бевосита объектларни фарқ қиладилар¹. Аммо улар ўртасида бу масала юзасидан яқдиллик йўқ. М.Д.Лысов² вазифа белгисига амал қилишни таклиф этади ва айрим бошқарув вазифаларини мансабдорлик жиноятининг бевосита объекти деб тан олади. Б.С.Утеевский³ эса мансабдорлик жиноятининг бевосита объекти сифатида халқ хўжалиги ёки бошқарувнинг турли тармоқларини эътироф этади.

Келтирилган ва шу каби бошқа таърифларнинг таҳлили шундай хулоса қилишга имкон берадики, уларнинг ҳаммаси муайян турдаги мансабдорлик жиноятининг бевосита объектини эмас, балки содир этилган муайян жиноий қилмишнинг бевосита объектини аниқлашга қаратилган. Бевосита объект тушунчаси бу ерда аслида етказилган зарар тушунчаси билан алмаштириб қўйилади. Бундан ташқари, бевосита объектнинг бундай таърифи мансабдорлик жиноятларининг айрим турлари учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар мазмунидан келиб чиқмайди.

Буларнинг барчаси энг тўғри фикрга қўшилишга асос ҳисобланади. Унга кўра мансабдорлик жиноятларида турдош ва бевосита объект тўлиқ бир-бирига мос келади.

Масаланинг бундай ечими қонун мазмунидан келиб чиқади, шунингдек, у назарий жиҳатдан асосланган бўлиб ҳуқуқни қўллаш фаолиятида сунъий вужудга келадиган айрим қийинчиликларни бартараф этади.

Ҳамдўстлик мамлакатлари томонидан жиноят кодекслари қабул қилинганидан кейин юридик адабиётда яна 1960 йилда Е.А.Фролов томонидан таклиф этилган объектларни тўрт босқичли таснифлаш тўғрисидаги хилга оид деб аталадиган, турдош объектга бир қисмнинг бир бутун билан ёки хилнинг ўз тури билан каби ўзаро боғлиқ объектни ажратиш тўғрисидаги масала кўтарилди⁴.

¹ Здравомыслов Б.В. Кўрсат. асар. – 9-12-бет.; Кириченко В.В. Кўрсат. асар. – 21-бет.

² Лысов М.Д. Кўрсат. асар. – 79-82-бетлар.

³ Утеевский Б.С. Общее учение о должностных преступлениях. – М., 1948. – 308-309-бетлар.

⁴ Фролов Е.А. Спорные вопросы учения об объекте преступления. Сб. ученых трудов. Вып. 10. – Свердловск, 1968. – 203-204-бетлар.

Масалан, А.В.Наумовнинг фикрига кўра, янги ЖК тузилишидан келиб чиққан ҳолда (Махсус қисмнинг алоҳида бобларни бирлаштирувчи бўлимларга бўлингани) жиноятлар тажовуз қиладиган манфаатлар, башарти бу жиноятларни содир этганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар ягона бўлимга жойлаштирилган бўлса, турдош объект ҳисобланади. Тегишинча жиноятлар тажовуз қиладиган манфаатлар, башарти жиноятларни содир этганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар бир боб доирасида жойлаштирилса, (махсус қисм бобларга бўлинган тақдирда) хилга оид объект ҳисобланади¹.

Жиноят объекти тўғрисидаги умумий таълимот нуқтаи назаридан мазкур масала сўзсиз эътиборга моликдир. Бизнингча, ЖК бешинчи бўлими «Бошқарув тартибига қарши жиноятлар» (XV боб) ва «Одил судловга қарши жиноятлар» (XVI боб) бобларидан иборатлигига ҳамда уларнинг турдош объекти умумий бўлганлигига қарамасдан бу жиноятлар бир-биридан жиддий фарқ қилади. Биринчи ҳолатда, айтилганидек, турдош ва бево-сита объектлар бир-бирига мос келади, иккинчисида эса бево-сита объект сифатида одил судлов манфаатлари бўлади.

Тажовуз қилиш объекти ҳақидаги тўғри тасаввур кўриб чиқиладиган жиноятнинг пора предмети каби муҳим таркибий қисмини очиб бериш имкониятини яратди. Бу қилмишни квалификация қилиш ва қонунга хилоф равишда мукофот олган шахснинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш каби-ларга боғлиқдир.

Жиноят ҳуқуқида пора предмети деганда одатда мансабдор шахс нима эвазига оғдириладигани ёки у хизмат юзасидан пора берувчи манфаатларини кўзлаб қандайдир хатти-ҳаракат содир этгани ёки содир этмаслиги учун қандай ҳақ олаётгани тушунилади.

Бу жиноятларни содир этганда пора олиш ва пора беришнинг предмети кенг маънода моддий тусдаги ҳар қандай фойдани, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларни англа-тади. Масалан, пора олувчини қарзни тўлашдан, вақтинчалик фойдаланишга берилган мол-мулкни эгасига қайтаришдан озод этиш. Авваламбор, қонунга хилоф равишда ҳақ олиш моддий

¹ Наумов А.В. Уголовное право. Общая часть. – М.: Бек, 1996. – 152-153-бетлар.

дунёнинг айирбошлаш ва истеъмол қилиш қиймати бўлган ашё-лари шаклида ва бинобарин товар-пул шаклида бўлади: пул, облигациялар, пора олувчининг ёки тақдим қилувчининг номидаги омонат дафтарчалари, қимматли қоғозлар (вексель, чек, акция, депозит ва омонат сертификатлари), маиший техника, автомашиналар, мебель, қимматли тошлар ва металллар, ноёб ашёлар ва ҳ.к.

Қимматбаҳо ашё паст нархда сотилганида ҳам мулкый наф кўрилади. Пора олувчи учун бажарилган ишга ҳақ қисман тўланганда ҳам у қонунга хилоф равишда ҳақ олади. Масалан, фойдали ишга, сохта дипломга, меҳнат дафтарчаларига асоссиз эга бўлиш порахўрлик деб баҳоланади. Мансабдор шахсни қимматбаҳо ресторанда текин овқатлантириш, совғалар бериш ҳам пора деб эътироф этилади.

Шуни назарда тутиш керакки, агар эркин фуқаролик муомаласидан олиб қўйилган ашёлар, (масалан, ўқотар қурол, гиёҳвандлик воситалари) пора сифатида берилса ва қабул қилинса, айбдор шахслар содир этган жиноятлари учун уларнинг мажмуаси бўйича: пора олганлик - берганлик учун ва кўшимча тарзда тегишинча Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 247, 273-моддаларига кўра жавоб бериши керак. ✓

Айрим ҳолларда моддий неъмат хусусиятига қараб пора предмети мансабдор шахсга вақтинчалик фойдаланишга доир мулк ҳуқуқини қўлга киритмасдан берилиши мумкин. Масалан, ишончномага биноан муайян вақтга мансабдор шахс тасарруфига берилган автомашина пора предмети деб эътироф этилиши керак. Ижара ҳақисиз вақтинчалик яшаб туришга берилган квартира ёки дала ҳовлиси ҳам порани ташкил қилади. Бошқа сўз билан айтганда пора предмети хилма-хилдир.

Адабиётларда пора предмети бўлиши мумкин бўлган, эҳти-моли тутилган фойдалар рўйхатини кенгайтириш, бундай фойдаларга ҳам моддий, ҳам моддий бўлмаган неъматларни кири-тиш тўғрисида фикрлар билдирилган. А.К.Квициния қонунда пора предметини аниқлаштиришни таклиф этади. Унда моддий ёки ўзга фойда мансабдор шахс томонидан шахсан ёки воси-тачи орқали кўрилганлиги кўрсатилган бўлиши керак¹.

¹ Квициния А.К. Взятничество и борьба с ним. – Сухуми: Алашара, 1980. - 35-бет.

Бир қанча хорижий мамлакатлар жиноят қонунларининг нормаларида пора предметини таърифлаганда неъматларнинг моддий ва номоддий ажратилмайди. Масалан, пора АҚШдаги суд амалиётига кўра ва аксарият криминалистлар фикрига биноан хизматлар ёки умуман «ҳар қандай қиймати бўлган буюм» пора предмети бўлиши мумкин (айнан шундай изоҳ амалдаги 201-сонли федерал ЖКда поранинг ягона умумлаштирувчи таърифи сифатида ишлатилади). Пора муайян пул қийматига эга бўлиши шарт эмас. У фақат пора олувчининг назарида етарли даражада қийматга эга бўлиши лозим.

Аксарият назариётчи криминалистлар пора предмети сифатида моддий бўлмаган тусдаги хизматларни эътироф этишга қарши бўлмоқда¹ ва пора предмети пул, моддий тусдаги бойликлар бўлиши мумкин деган нуқтаи – назарни илгари суришадди. Масаланинг бундай ечилишини тўғри деб эътироф этиш лозим. У Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан ҳам маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Пораҳўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 2-бандида қуйидагича айтилган: «Пул, қимматбаҳо қоғозлар, моддий бойликлар, шунингдек, пора оладиганга қайтармаслик шарти билан, лекин мулкӣ моҳиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқалар) хизматлар пора предмети бўлиши мумкин»².

Номоддий тусдаги фойда кўриш пора олиш таркибини ташкил этмаслиги мумкин, чунки пора уни олган шахснинг бойишини назарда тутуди. Пора предметига моддий бўлмаган тусдаги неъматларни киритиш унинг юридик чегараларини мавҳум қилиб қўяди, пора тушунчасининг «протекционизм» кенгроқ тушунчаси ичида йўқ бўлишига олиб келади, шунингдек, бу жиноятнинг исботланишини қийинлаштиради. Агар мансабдор шахснинг илтимосига кўра у ёки унинг иши тўғрисида ҳақиқатга

¹ Герцензон А.А., Дурманов М.Д., Утеевский Б.С. Уголовное право. Учебник для юридических школ. – М.: Юрид. лит., 1943. – 229-бет; Трайкин А.Н. Уголовное право. Часть особенная. – М.: Юрид. лит., 1973. – 287-бет; Гришаев П. Ответственность за получение взятки // Сов.Юстиция, № 8, 1985. – 24-25-бетлар; Блиндер С.Г. Уголовное право УзССР. Часть особенная. – Т.: Ўзбекистан, 1985. – 155-бет; Закутский С.Г., Мирзажанов К.М. Уголовная ответственность за взяточничество. – Т.: Ўзбекистан, 1987. – 72-74-бетлар; Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. (Махсус қисми). – Т., 2000. – 311-бет.

² «Қонун номи билан». 1999, № 3-4, – 22-бет.

тўғри келмайдиган ижобий материал эълон қилинган бўлса, пора олиш таркиби мавжуд эмас. Мансабдор шахсни ижобий тавсифловчи мақола эълон қилиш, мажлисда мақбул тарзда сўзга чиқиш, мансабдор шахс танқид қилинган тақдирда ижобий тақриз бериш эвазига хизмат юзасидан қандайдир хатти-ҳаракатларни бажариш порахўрликни ташкил қилмайди. Бундай хатти-ҳаракатлар интизомий жазога сабаб бўлиши, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш аломатлари мавжуд бўлган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси ЖК 205-моддасига кўра жиноий жавобгарликка олиб келиши мумкин.

Хизмат бўйича тобе бўлган аёлни у манфаатдор бўлган хизмат юзасидан ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик хавфи остида жинсий алоқа қилишга мажбурлаш Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 121-моддасига биноан аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш учун жавобгарликка асос ҳисобланади. Шу билан бирга, назаримизда, пора берувчи фоҳишанинг секс хизматларига ҳақ тўласа, пора олувчи эса бу хизматлардан фойдаланса, буларни пора предмети деб эътироф этиш лозим. Биз биламизки, бундай фикр олимлар ва амалиётчилар ўртасида тўлиқ қўллаб-қувватланмайди, лекин ҳуқуқий адабиётларда ушбу назариянинг ҳам ўз тарафдорлари бор. Масалан В.М.Хомич кўрсатишича, мансабдор шахсга аён бўлган ҳолда унга кўрсатилган секс хизматлари иқтисодий жиҳатдан фойдали дейишга асослар етарли¹.

Ушбу масалани ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилиш долзарблиги айрим мамлакатларда аён бўлиб қолган. Масалан, Хитойда охириги вақтда коррупция тўғрисидаги катта ишлар «хун янь хо шуй» шиори остида ўтди. Буни хитой тилидан таржима қилсак, «гўзаллик - ёмонлик манбаи» дегани. Хитой ҳуқуқшуносларининг фикрига кўра, Хитойда «секс орқали пора олиш»нинг иккала таркибий қисмлари: пора ва секс кенг тарқалган. Бир қанча экспертлар фикрига кўра, жамият ва шахсга таъсир этиш даражасига қараб, «секс орқали пора олиш» пул ёки қимматбаҳо буюмлар тарзида оддий совға олишларга қараганда хавфлироқдир. Хитой Фемидаси хизматчиларининг бу борадаги

¹ В.М.Хомич. Взятничество через призму уголовного закона и судебной практики. Судовы веснік. Минск №2, 2003.

фикрлари бўлинди. Бу юридик янгиликка қарши бўлганлар бундай порани аниқлаш пул учун севги изҳор қилиш фактидан, яъни фоҳишабозликдан қийинрок эканлигини кўрсатадилар. Бундан ташқари, Жиноят кодексида пора олувчига тайинландиган жазо оғирлиги олинган пора миқдорига бевосита боғлиқдир. Сексни эса қандай ўлчаси бўлади? Хитойда «секс орқали пора олиш» тушунчаси қонунлаштирилди-йўқми - буни вақт кўрсатади. Бунинг атрофидаги мунозаранинг ўзи кўп нарсадан дарак беради¹.

Пора предметиға нисбатан яна битта савол туғилади. Порахўрлик таркиби мавжудлиги учун пора миқдори, пора предмети қиймати аҳамиятга эгами? Бу масалани тадқиқ қилган аксарият муаллифлар унга рад жавоби берадилар. Масалан, Н.П.Кучерявий ёзганки, «пора олиш – бериш учун жавобгарлик берилаётган мукофот миқдоридан ва мансабдор шахснинг порага сабаб бўлган хатти-ҳаракат содир қилганлиги ва қилмаганлигидан қатъи назар берганлик-олганлик фактининг ўзи учун вужудга келади. Шунингдек, порохўрлик таркиби учун пора миқдори, одатда, аҳамиятга эга эмас»².

Амалдаги жиноят қонун ҳужжатларида пора миқдори ҳақида ҳеч нарса айтилмайди. Суд амалиётида унча катта бўлмаган миқдорда пора олганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш ҳоллари учрайди. Бу ҳолат одатда суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олинади. В.Ф.Кириченко ҳисоблаганидек, пора миқдори жуда кам бўлганда, бу ҳаракатни кам аҳамиятли, ўзида жиноят таркиби бўлмаган қилмиш деб эътироф этиш эҳтимоли истисно этилмайди³.

Ўйлаймизки, С.Г.Закутскийнинг нуқтаи назари аниқроқ ва тўғрироқ ҳисобланади: мансабдор шахснинг қиймати бўйича унча катта бўлмаган совғалар олганлиги, башарти уларнинг олиниши шахсий ҳаётидаги қандайдир воқеалар билан боғлиқ бўлса (яъни юбилей муносабати билан совға тарзидаги қўл соати, диссертация ҳимояси, фахрий унвон, давлат мукофоти

¹ Привалов Д. Берут уже не борзыми? «Труд», 2001 йил. 18 январь.

² Кучерявий Н.П. Ответственность за взяточничество... - 60-бет.

³ Кириченко В.Ф. Курс советского уголовного права. – М.: Наука, 1971. Т. 6. - 59-бет.

берилиши муносабати билан гул дастаси, конфетлар коробкаси ёки духи флакони олиш ва ҳ.к.), пора ҳисобланмайди¹.

Б.В.Волженкин ҳам айнан шу нуқтаи назарни билдиради: "Дастлабки келишувга асосланмаган порахўрликда айбланаётган мансабдор шахсларнинг содир этган хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлиги масаласи ҳал қилинганда пора берувчи амал қилган сабабларга ва поранинг ўз предметига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шунинг учун агар раҳмат билдириш тарзида олинган предметнинг моддий қиймати унча катта бўлмаса (гул дастаси, конфетлар коробкаси ва ҳ.к.) ва уни топширган шахс томонидан бу миннатдорчилик (эътироф этиш) рамзи бўлган бўлса, унда жиноят учун талаб этиладиган ижтимоий хавф даражасида бўлмаган мансабдорлик қилмиши ҳақидагина гапириш мумкин"².

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги учун МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси томонидан 1995 йил 17 февралда қабул қилинган Жиноят кодекси моделида содир этилган қилмиш кам аҳамиятли эканлиги сабабли оммавий хизматчи томонидан илгари содир этилган, мазкур шахс хизмат вазифаларини бузмайдиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун мол-мулк, мол-мулкка доир ҳуқуқ ёки бошқа мулкӣ фойда кўрилганлиги, башарти совға қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг бир каррасидан ошмаган бўлса, бу қилмишни жиноят деб эътироф этмаслик тавсия қилинади³.

Россия қонунчилари буни янада ривожлантирди. Фуқаролик кодекси 575-моддаси совға берувчининг, шунингдек, мансаб мавқеига кўра ёки хизмат вазифаларини бажариш муносабати билан совға олаётган давлат хизматчисининг ёки муниципал хизматчининг умуман ҳеч қандай жавобгарлигига сабаб бўлмайдиган "оддий совға" миқдорини нафақат анча оширади, балки бундай хатти-ҳаракатлар қонунийлигининг бошқа қандайдир шартларини назарда тутмайди (пора миқдоридан ташқари).

Шу муносабат билан С.В.Максимов ёзганидек, "бу ҳолларда, албатта, фақат қонуний хатти-ҳаракатлар учун совғалар

¹ Блиндер Б.А., Закутский С.Г. Уголовное право УзССР. Часть особенная. – Т.: Узбекистан, 1985. – 155-бет.

² Волженкин Б.В. Квалификация взяточничества. Учебное пособие. – Л., 1984. – 38-39-бетлар.

³ Правоведение, № 6, 1995. – 145-бет.

қабул қилиш ҳақида фикр юритилади. Бу ҳолат кўпинча, Россия Федерациясининг ЖКга оид замонавий илмий-амалий шарҳларда нотўғри талқин қилинади¹. П.С.Яни ҳам шунга ўхшаш фикр билдиради².

Бизнинг назаримизда, “совғаларни” бундай қонунлаштириш мақсадга мувофиқ эмас ва фақат ҳақиқий миннатдорчилик рамзи сифатида бериладиган ашёларни совға деб эътироф этиш лозим.

В.Н.Борков пора чегарасини биров пасайтириб ҳисоблаганидек, муаммони ҳал қилиш йўлларида бири – Жиноят кодексига қонуний хатти-ҳаракатлар учун олдиндан шартлар қўйилмаган пора-ҳақнинг энг кам суммасини мустаҳкамлаб қўйиш. Унинг фикрига кўра, бу нормани аниқ қилишга, жиноий ва жиноий ҳисобламаган хулқ-атвори фарқлашга ҳамда пировард мақсадида умумий ва махсус равишда жиноятнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган³. Пора-мукофотнинг энг кам суммаси меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баробарини ташкил этиши мумкин. Бундай баҳолаш жиноят-ҳуқуқий сиёсат вазифаларига тўғри келади. Биринчидан, энг кам пора-ҳақ суммасининг миқдори аниқ белгиланган ҳуқуқий муносабатлар субъектлари учун равшан бўлиши керак. Иккинчидан, поранинг энг кам миқдорини қонун йўли билан мустаҳкамлаш фактининг ўзи амалдорларнинг жиноий ва жиноий ҳисобламаган хулқ-атворини фарқлаш масаласида ойдинлик киритишга қаратилган. Учинчидан, айнан меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баробари билан чекланган сумма мансабдор шахсга ўз ваколатларини ҳалол бажарганлиги учун миннатдорчилик изҳор этишга мутаносиб деб эътироф этилиши мумкин. Бундай совға, олим фикрига кўра, амалдорнинг келажакда бузилишига олиб келмайди⁴.

Шу муносабат билан АҚШ Жиноят қонуни тажрибаси қизиқарлидир. Мансабдор шахслар томонидан моддий бойлик-

¹ Максимов С.В. Коррупция, закон, ответственность. – М.: ЮрИнфоР, 2000. – 13-бет.

² Яни П.С. Актуальные проблемы квалификации служебных преступлений. // Проблемы борьбы с коррупцией (Issues of combating corruption). – М.: ЮрИнфоР, 1999. – 76-бет.

³ Борков В.Н. О некоторых спорных вопросах квалификации получения взятки. Реализация норм права. Межвузовский сборник научных трудов. Выпуск 2. – Омск, 1999. – 143-бет.

⁴ Примерный Уголовный кодекс (США). Официальный проект института американского права. – М., 1969. – 171-бет.

ларнинг жинойй равишда қабул қилинишини ҳамда оммавий хизматчиларга совғалар бериш, уларни меҳмон қилиш ва шу кабилар билан боғлиқ ҳаётий анъаналарни фарқлаш зарурлигини англаган ҳолда Намунавий жинойят кодексининг тузувчилари штатлар кодексларида бир қанча истисноларни назарда тутиб, уларда хизматчи томонидан моддий бойликларни қабул қилиб олишни жинойят деб ҳисобламайдилар. Булар қаторига қуйидагиларни қабул қилиб олиш киритилган: а) қонунда назарда тутилган ёхуд у учун оммавий хизматчи қонуний жавоб қайтардиган ё унга у бошқа тарзда ҳақли бўлган мукофот ёки ҳар қандай бошқа неъмат; б) қариндошлик ёки бошқа шахсий, касбий ёхуд ишга оид ўзаро муносабатлар билан боғлиқ ҳолда бериладиган совғалар ва бошқа неъматлар; в) шахсий, касбий ёки иш бўйича муносабатлар билан боғлиқ кам аҳамиятли бўлган ва мансабдор шахслар қатъийлигига зарар келтириш хавфини туғдирмаган неъматлар¹.

Бир қанча штатлар бу ғояни маъқуллаб қабул қилди. Масалан, Техас штатининг ЖКда қуйидагича айтилган. Порахўрлик учун жавобгарликни назарда тутадиган нормалар қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

Оммавий хизматчининг хатти-ҳаракатларига ҳақ тўлашга нисбатан – агар бундай ҳақ тўлаш қонун бўйича назарда тутилган бўлса; унинг хизмат вазибаларига кирмайдиган хатти-ҳаракатлар учун гонорар олишига нисбатан – агар гонорар 250 доллардан ошмаса ёхуд у молия органларида рўйхатга олинган бўлса; овқатга, меҳмонхоналардаги хоналарга ҳақ тўлаш, транспорт харажатларини қоплаш каби хизматларга нисбатан – агар бундай хизматлар оммавий хизматчи томонидан меҳмон сифатида қабул қилинса ва улар ҳақида қонунда белгиланган тартибда хабар қилинса; қабул қилувчининг расмий мавқеидан қатъи назар, қариндошлик ёки шахсий касбий алоқалар фикрига кўра бериладиган совғалар ва бошқа неъматларга нисбатан². Б.Волженкин фикрига кўра, қонунларда АҚШ намунаси бўйича келтирилган истисноларни назарда тутиш мақсадга

¹ Никифоров Б.С., Решетников Ф.М. Современное американское уголовное право. – М., 1990. – 161-бет.

² Закутский С.Г., Мирзажонов К.М. Уголовная ответственность за взяточничество. Повышение эффективности борьбы с должностными и хозяйственными преступлениями. – Т: Узбекистан. – 79-бет.

мувофиқ эмасдир¹. Биз унинг фикрига қўшилаемиз. (Биз ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини кўзда тутамиз (Р.3.).

Пора предмети объектив иқтисодий қийматга эга бўлиши керакми ёки у фақат муайян шахс учун қийматга, қизиқишга (масалан, оддий нархи бўлмаган коллекция ашёлари) сабаб бўлиши керак деган масала мунозарали ҳисобланади.

Бу масалада, назаримизда, С.Г.Закуцкий ва К.М.Мирзажанов нуқтаи назари тўғридир. Уларнинг фикрига кўра, пора олиш – қасддан содир этилган жиноятдир. Бу жиноят ноқонуний равишда бойишга интилиш билан тавсифланади. Шу боисдан ҳам объектив моддий қиймати бўлмаган ашёлар пора предмети бўлиши мумкин эмас².

1.3 Пора олишнинг объектив томонини тавсифловчи белгилар

Жиноят-ҳуқуқий назарияда жиноятнинг объектив томони деганда муайян ижтимоий хавфли ҳулқ-атворнинг жиноят қонуни муҳофаза қиладиган ижтимоий муносабатларга зарар келтирган ёки зарар келтиришга қодир бўлган ташқи кўриниши, шунингдек, жиноят содир этишнинг шароитлари, жойи, вақти ва вазияти тушунилади.

Пора олишнинг объектив томонига муайян мураккаблик хос, чунки у бир неча қисмдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддасига биноан, пора олиш "мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян хатти-ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкрий наф кўриши"дан иборатдир.

Бу муайян ҳолатларга боғлиқ. Ҳаёт кўп қиррали, жиноятчилар эса уддабуронки, порахўрлик содир этиш шакллари ва усулларининг ҳеч қандай рўйхати тўлиқ бўлиши мумкин эмас.

¹ Кўрсатилган асар. – 79-бет.

² Закуцкий С.Г., Мирзажанов К.М. Уголовная ответственность за взяточничество. Повышение эффективности борьбы с должностными и хозяйственными преступлениями. – Т: Ўзбекистан. – 79-бет.

Порахўрликка қарши курашнинг кўп йиллик жаҳон тажрибаси унинг бир қанча шакллари ажратишга имкон беради:

а) содир этилган ҳуқуқий хатти-ҳаракат учун ҳақ олиш тўғрисида дастлабки келишув бўлган ёки бўлмаган ҳолда мукофот, совға олиш;

б) ўша шартларда хизмат вазифаларини бузганлик билан боғлиқ ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун мукофот олиш;

в) товламачилик йўли билан порани талаб қилиш;

г) давлат хизматчисининг мойиллигига у ёки бу тарзда тобе бўлган бўйсунувчилар ва бошқа шахсларга нисбатан тadbиқ этиладиган мунтазам йиғим (ҳақ) олиш;

д) давлат хизматчисининг ҳомийлиги, совуққонлиги, мойиллиги ва шу кабилардан манфаатдор бўлган шахслардан хизмат бўйича муайян хатти-ҳаракати учун ҳеч қандай келишувсиз моддий бойликлар олиш ва хизматлардан фойдаланиш.

Бу шакллар очиқ ва яширин бўлиши мумкин.

Очиқ шаклдаги пора олишда мансабдор шахснинг руҳсати ва розилиги билан унга, унинг оила аъзоларига ёки бошқа шахсларга пора предмети бевосита топширилади.

Яширин пора ташқи қонуний шаклларга ўралади: сохта ўриндошлик асосида ишлаш, байрамга совғалар, мукофотлар, бир йўла бериладиган турли ҳақ тўловлари ва ҳ.к.

Ҳуқуқий назарияда пораларнинг турлари фарқланади. Масалан, америкалик тадқиқотчи В.Рейсман уларнинг учта турини ажратади: иш юзасидан пора, тўхтатиб турувчи пора ва мансабдор шахсни тўғридан-тўғри ҳақ эвазига оғдириш.

Иш юзасидан поралар – бу давлат хизматчисига ўз хизмат вазифаларининг бажарилишини таъминлаш ва тезлаштириш мақсадида ҳақ тўлаш. Тўхтатиб турадиган порада пора берувчи мансабдор шахсга тегишли норма амал қилишини тўхтатиб туриш ёки бу норма ишда қўлланилиши лозим бўлган тақдирда уни қўлламаслик учун тўлайди. В.Рейсман аниқлашига биноан мансабдор шахсни тўғридан-тўғри ҳақ эвазига оғдириш, яъни хизматчини ҳақ эвазига оғдириш алоҳида хавф туғдиради. Бу ерда мақсад муайян хатти-ҳаракат ижро этилишини эмас, балки мансабдор шахс ташкилотда ишда қолиб ташқи кўринишда тўлиқ қатъиятликка риоя қилиши, амалда эса, аслида пора

берувчининг қасддан бўлган манфаатлари ҳақида қайғуриши учун уни «қўлга олишни» таъминлаш ҳисобланади¹.

Профессор А.Яковлев деярли В.Рейсман таснифини акс эттириб, бу турдаги порани «тотал», мансабдор шахсни ҳақ эвазига тўлиқ оғдириш деб атайди ва таъкидлайдики, бундай ҳолда муайян қонуний ёки ноқонуний хатти-ҳаракат бажарилгани учун нафақат пора бериш, балки мансабдор шахсни шундай тарзда ҳақ эвазига оғдириш юз берадики, у доимо фақат пора берувчининг манфаатига мос бўлган хатти-ҳаракатни содир этади (ёки содир этмайди)².

Айнан шунга ўхшаш нуқтаи назарни Нобел мукофоти совриндори Коста-Рикадан Оскар Армас Саниес билдирган: «Коррупция бизнес юритиш оддий услуби тарзида глобал миқёсга эга бўлди».

Бизнесдаги поралар қуйидагича таснифланади.

Биринчи гуруҳни иш юзасидан поралар ташкил этади. Улар фирма хизматчисига ўз хизмат вазифаларини ижро этишни жадаллаштириш учун берилади. Натижада – пора берувчи фирмага мақбулроқ шартлар таклиф этиши мумкин бўлган, бошқа рақобатчиларга зарар келтирган ҳолда ўзига фойдали бўлган шартнома тузади.

Иккинчи гуруҳга “тўхтаб турувчи” поралар киради. Уларни пора берувчи ҳаракатнинг яширин равишда тўхтатиб қўйилганлиги учун тўлайди. Натижада, масалан, даъво муддатлари бузилади ёки тўлов муддатлари ўтиб кетади, пора берувчи эса фоизлар тарзида қўшимча даромад олади ёхуд сифатсиз товар олиб келганлиги учун жавобгар бўлмайди.

Учинчи гуруҳга мансабдор шахсни “тўғридан-тўғри ҳақ эвазига оғдириш” киради. Бунда пора ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракат бажарилганлиги (масалан, тижорат сири ҳисобланган ахборот тақдим этилганлиги) учун ёки ҳаракатсизлик (олиб келинган маҳсулотга оид тижорат ҳужжати тузилмаганлиги) учун берилади ва ҳ.к.

Ниҳоятда, поралар яширинган ҳаракатларнинг алоҳида гуруҳини Фарб адабиётида “вино бочкасига бўлган шартнома-

¹ Рейсман В.М. Скрытая ложь. Взяточники. Крестовые походы и реформы. – М., 1998. - 124-150-бетлар.

² Яковлев В.М. Социология экономической преступности. – М., 1988. - 151-155-бетлар.

лар” деб шартли равишда аталадиган “коррупцияга оид воситачилик шартномалари” ташкил этади. Бундай шартномаларнинг хусусияти халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги мутахассис С.Лебедев томонидан очиб берилган: “Кўпинча фуқаролик – ҳуқуқий шартномалар шаклига (кўрсатмалар, комиссиялар, маслаҳат бериш, кўмаклашишга) ўралган ушбу битимларнинг ўзига хос жиҳати (гарчи у ҳамиша ҳам фарқ қилинмайдиган жиҳат бўлса ҳам) воситачи томонидан “махфий ҳақ” тўлаганлиги ёки оддий қилиб айтадиган бўлсак, ўз хизмат мавқеига, алоқаларига ва шу кабиларга кўра керакли қарор қабул қилишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсларни ҳақ эвазига оғдиришдир”¹.

Россиянинг Халқаро ва сиёсий тадқиқотлар институти директори С.Гринкиннинг фикрига кўра, “тижорат тузилмалари давлат аппаратида “ўз одамларини” сақлашга ўз даромадларининг 30 фоизидан 50 фоизигача сарфлайдилар”².

Мансабдор шахснинг гўёки ўриндошлик ёки меҳнат шартномаси бўйича пора олишининг яширин шакллари тўғрисидаги масала тадбиркорлик ва кооператив ҳаракати ривожланган сари алоҳида долзарб бўлмоқда³.

“Кооперация тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида ва “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида айтилганки, “давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларининг раҳбар ходимлари **тадбиркорлик** (шунингдек, кооператив, биз тагига чизиб қўйдик. Р.З.) фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас”⁴. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил март ойида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш таъқиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхатини тасдиқлади. Бу таъқиқлаш бундай “аъзолик” ва тадбиркорлар ҳомийлигидан манфаатдор бўлган мансабдор шахслар билан меҳнат шартномаларининг расмийлаштирилишига боғлиқдир. Чунки мансабдор шахсларга нафақат кооперативлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этиш, балки уларнинг амал қилиши ҳам боғлиқдир: ишлаб чиқариш хонаси, асбоб-ускуналари, тақчил

¹ Зотов В. Отсхонет ли рука берущего. «Щит и меч», 1992. - 13-14-бетлар.

² Панов Е. Миллионы из подполья. «Труд» 1998 йил. 9 июнь.

³ Новые законы Узбекистана. Выпуск 3. – Т.: Адолат, 1992. - 30-бет; Республика Узбекистан. – Законы и Указы. – Т.: Узбекистан, 1992. - 2-3-бетлар.

⁴ СП Республики Узбекистан. - № 3, 1992. – 73-бет.

хом ашё билан таъминлаш, тадбиркорларнинг молиявий фаолияти устидан назорат қилиш, солиқларни тўғри тўлаш ва ҳ.к.

Қонунга биноан мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этган хатти-ҳаракатларига қонунга хилоф равишда ҳақ тўлаш пора ҳисобланади. Булар, авваламбор, унинг хизмат бурчлари ва вазифалари доирасига, яъни хизмат ваколатларига кирадиган ҳаракатлардир.

Мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб пора берувчи манфаатларида бошқа мансабдор шахсга таъсир этган ҳолда унинг ваколатига кирадиган хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги ёки содир этилмаганлиги учун ҳам пора олиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарорида кўрсатилганки, "пора берувчининг манфаати учун тегишли ҳаракатларни бажариш ваколатига эга бўлмаса-да, лекин ўзининг эгаллаб турган лавозими мавқеига кўра пора учун ушбу ҳаракатлар бошқа мансабдор шахс томонидан бажарилиши учун чора кўриш мумкин бўлган мансабдор шахсларни" ҳам пора олишнинг субъекти деб эътироф этиш лозим¹.

Республика суд амалиёти ҳам шу нуқтаи назардан келиб чиқади. Масалан, Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан судья Н. ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда М. адвокатлар ҳайъати рўйхатга киритилишига кўмаклашгани учун моддий мукофот олганлиги сабабли ЖК 210-моддасининг 1-қисми билан ҳукм қилинган.

√Порахўрлик учун жавобгарлик масалаларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган бир қанча криминалистлар шундай фикр билдирадиларки, унга кўра хизмат мавқеидан фойдаланиш кенг маънода тушунилиши керак. Яъни пора эвазига қилинадиган ҳаракатлар хизмат бўйича вазифалар билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолда улар хизмат мавқеига кўра ёки айбдор шахснинг обрўси туфайли содир этилиши мумкин бўлади. Мансабдор шахс бошқа шахсларга ўз хизмат обрўси орқали таъсир этганда, шахсий алоқаларидан

¹ «Қонун номи билан», 1999. - № 3-4. - 22-бет.

фойдаланганда ҳам хизмат мавқеидан фойдаланиш ҳисобланади¹.

В.Е.Мельникова ёзганидек, агар мансабдор шахс одатда, у эгаллаб турган лавозимининг обрўси, унинг давлат аппарати тизимидаги аҳамияти, шунингдек, бу мансабдор шахс ишлайдиган давлат аппарати муайян бўғинининг аҳамияти билан белгиланадиган ўз хизмат обрўсидан фойдаланиши мумкин бўлса, пора олувчи давлат аппаратидаги бошқа бўғинларнинг мансабдор шахслари билан бўлган ўз хизмат алоқаларидан фойдаланиши мумкин².

Мазкур нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаган ҳолда биз Б.В. Волженкин ва бошқа муаллифларнинг фикрига қўшилмаймиз. Улар ёзишича, мансабдор шахслар ўртасида шахсий алоқалар кўпинча уларнинг эгаллаб турган мавқеига кўра ўрнатилишига қарамасдан, ушбу алоқалардан фойдаланиш субъектнинг фаолиятига, лавозимига тааллуқли эмас³.

Ушбу муаммога яқун ясаб шуни айтиш керакки, хизмат мавқеидан фойдаланиш мансабдор шахснинг хизмат бўйича ҳуқуқлари ва ваколатлари билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар содир этишини назарда тутати. Бундай ҳолларда кўрсатиладиган таъсир ёки мансаб мавқеидан ёхуд бошқа муассаса ходимлари билан хизмат юзасидан алоқалардан фойдаланиш хизмат мавқеидан ғайриҳуқуқий равишда фойдаланишнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Аммо бу хусусиятлар ўз-ўзидан мансабга хос бўлиб, улар хизмат муносабатларидан ажралган ҳолда хизмат мавқеидан фойдаланиш деб кўрилиши мумкин эмас.

Агар фуқаро қайсидир муассасада мансабдор шахс ҳисобланса-да, ҳақ олган ҳолда ҳеч қандай хизмат муносабатларида бўлмаган ўз танишини, ўртоғини, қўшнисини учинчи шахсга маълум маънода кўмаклашиш ҳақида илтимос қилса, шунингдек, ваколатли шахс бу фактлардан хабардор бўлмаган ва

¹ Волженкин Б.В. Новое уголовное право России. Учебное пособие. Особенная часть. Под ред. Кузнецовой Н.Ф. – М.: Зерцало Теис, 1996. - 309-бет.

² Мельников В.Е. Ответственность за взяточничество. – М., 1982. –15-16-бетлар.

³ Волженкин Б.В., Квашиш В.Е., Цегиян С.Ш. Ответственность за взяточничество. – Ереван, Айстан; Қаранг: Трайкин А.Н. Должностные и хозяйственные преступления. – М., 1938. - 47-48-бет; Бакланов С.В. Ответственность за взяточничество. Автореф. канд. дисс... – Свердловск, 1970. - 8-бет.

хатти-ҳаракатларни беғараз амалга ошираётган бўлса, бунда пора олиш таркиби бўлмайди.

Суд амалиётида шундай ҳоллар ҳам маълумки, айрим шахслар ёлғончилик йўли билан ҳақ олиш учун ўзлари ҳақида фуқароларда у ёки бу масаласини пора берувчи манфаатларида ижобий ҳал этишга қодир ваколатли мансабдор шахс деб нотўғри тасаввур яратадилар (амалда эса бу учун ҳақиқий имкониятга эга эмаслар). Бундай ҳолларда мансабдор шахс томонидан ҳақ олиниши, гарчи у жинойий жазоланса ҳам, пора олиш таркибини ташкил этмайди. Агар мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда била туриб содир этолмайдиган хатти-ҳаракат содир этиш ваъдаси учун қонунга хилоф равишда ҳақ олса, унинг қилмиши пора олиш эмас, балки фирибгарлик деб квалификация қилиниши мумкин. Масалан, суд канцелярияси мудирини ҳукм қилинган шахсга нисбатан шартли ҳукм қилишни қўллаш учун моддий қимматликлар олади.

Пора эвазига содир қилинган хатти-ҳаракатлар хусусидаги кўрсатма ҳам кўриб чиқишга муҳтож. Қонунда (ЖКнинг 210-моддаси) бу пора берувчи манфаатларида ҳаракатни бажарганлик ёки бажармаганлик деб белгиланган.

«Адабиётларда мазкур масала бир хил ҳал қилинмайди. Масалан, А.Я.Светлов таъкидлашича, ҳаракат – бу ҳамма вақтда ҳам муайян ниманидир англатади. Умумий хайрхоҳлик учун ёки ҳар эҳтимолга қарши пора бериш мумкин эмас-ку. Чунки мансабдор шахснинг пора берувчига нисбатан муносабати жиноят-хуқуқий маънода ҳаракат деб ҳисобланмайди¹.

А.К.Квицинианинг фикрига кўра, «аксарият криминалистар эътироф этганидек, пора олганда ҳаммиша муайян ҳаракатлар учун мукофот берганлик ҳақида фикр юритилади»².

Бу масала юзасидан бошқа фикр-мулоҳазалар ҳам учрайди. Мисол учун, В.Ф.Кириченконинг назарида, «пора нафақат қандайдир муайян ҳаракат содир этганлик ёки содир этмаганлик учун, балки манфаатларини кўзлаб пора берилаётган шахсга нисбатан мансабдор шахснинг умуман хайрхоҳлиги учун ҳам берилиши мумкин. Одатда бу пора берувчи шахс ва пора

¹ Светлов А.Я. Ответственность за должностные преступления. - 205-бет.

² Квицини А.К. Взятничество и борьба с ним. - 71-бет.

олувчи шахс ўртасида узоқ вақт мобайнида хизмат муносабатлари (бошлиқ ва бўйсунувчи ўртасидаги муносабатлар) мавжуд бўлган ҳолларда бўлади»¹.

С.Г.Закутский, К.М.Мирзажановлар бу қондани бир мунча ойдинлаштирадilar: «Мансабдор шахсга ҳар эҳтимолга қарши совға беришни порахўрлик сифатида кўриш мумкин эмас. Лекин бундай ҳолатлар мансабдор шахснинг ҳақ бераётган ўз бўйсунувидаги ва назорат остидаги шахслар учун мақбул бўлган фаолият юрифтаётганлигини қонунга хилоф равишда ҳақ олишдан (бу эса кам учрайдиган ҳодиса эмас) фарқ қилади»².

Тергов ва суд амалиётида айрим мансабдор шахслар томонидан ўзларининг бўйсунувидаги ёки назорат остидаги шахслардан «даромадларидан ажратмалари» ҳисобланган ҳар кунги, ҳар ҳафтадаги, ҳар ойдаги бадаллар олиш ҳоллари учрайдилар. Ошхона директори ўзига бўйсунадиган ошпазлар, буфетчилар, официантлар, лоток дўкони мудирларидан ва бошқалардан мунтазам равишда муайян пул суммаларини олиб, ўзи эса ўз навбатида бир қисмини юқоридаги мансабдор шахсларга – ошхоналар трести директори ва бошқаларга бериши одатга айланган. Ёки солиқ қўмитаси инспектори ҳар ойда озиқ-овқат дўкони директоридан муайян мукофот олиб туради. Автобус парки линиядаги назоратчиси шаҳарлараро автобус ҳайдовчиларидан ҳар куни муайян пул суммасини олади. Бунда айтиб ўтилган мансабдор шахслар ноқонуний ҳақни муайян хизмат ҳаракатлари учун эмас, балки пора берувчиларга нисбатан хайрхоҳлик, ҳомийлик муносабатида бўлганликлари учун оладилар. Масалан, ошхона директори ўзига бўйсунадиган пора берувчилар фаолиятини назорат қилмайди, уларнинг харидорларни алдашига, бошқа товар ва молия билан боғлиқ маккорликлар содир этишига чек қўймайди, уларни назорат қилувчи органлар ходимлари томонидан фош этишдан ҳимоя қилади. Солиқ қўмитаси инспектори рўйхатга олинмаган товарни ва савдо қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолларини «кўрмайди». Линиядаги назоратчи пора берувчи - ҳайдовчилар

¹ Курс советского уголовного права. Т.6. – М.: Наука, 1971. – 60-бет; Кучерявый Н.П. Ответственность за взяточничество. – 76-77-бетлар.

² Закутский С.Г., Мирзажанов К.М. Уголовная ответственность за взяточничество. // Повышение эффективности борьбы с должностными и хозяйственными преступлениями. – Т.: Узбекистан. – 81-82-бетлар.

бошқарадиган шахарлараро автобусларни уларда паттасиз йўловчилар борлигини аниқлаш мақсадида текширмайди ва ҳ.к.

Тошкент вилоят суди томонидан Хусанов Ўзбекистон Республикаси ЖК 210-моддасининг 2-қисми ва бошқа моддалари билан ҳукм қилинган. Хусусан, у Чирчиқ жамоат овқатланиш трестининг кафеси мудирини бўлиб, ўзига бўйсунадиган буфетчилардан улар савдо қоидаларини бузишларига ва харидорларни алдашларига монелик қилмагани учун ҳар ойда пора олганликда айбдор деб топилган¹.

Ўйлаймизки, келтирилган мисоллардаги ҳам назоратчи механикларнинг, ҳам ошхона директорининг, ҳам солиқ қўмитаси инспекторининг, ҳам линиядаги назоратчининг ўзларига бўйсунадиган шахсларга нисбатан «умумий хайрхоҳлик муносабатида бўлганликлари ва ҳомийлик қилганликлари» учун қонунга хилоф равишда ҳақ олиб содир этган хатти-ҳаракатларини пора олиш деб эътироф этиш лозим. ✓

Мансабдор шахсларни ҳақ эвазига оғдириш, тотал пора олишнинг мазкур тизими – бу уюшган жиноятчилик вакиллари томонидан ҳокимият ва бошқарувнинг коррупциялашган вакили керакли пайтда тегишли вазиятда пора берувчилар кутганидек иш кўради деган мақсадда турли даражадаги давлат ходимларининг ўз қарамоғига олиниши, яъни «ҳақ эвазига оғдирилиши»дир. Тадқиқотлар маълумотларига қараганда уюшган жиноятчилик ҳамжамиятлари жиноий йўл билан қўлга киририлган маблағларнинг 30 фоизидан 50 фоизигача давлат аппаратининг коррупциялашган амалдорларига сарфлайдилар².

РСФСР ЖКнинг 285-моддасида пора олганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Унда тўғридан-тўғри кўрсатилганидек, жавобгарлик нафақат мансабдор шахснинг хизмат ваколатларига кирадиган хатти-ҳаракат содир этганлик (содир этмаганлик) учун ҳақ олинганда, балки мансаб мавқеидан фойдаланганлик, шунингдек, хизмат бўйича умумий ҳомийлик ёки совуққонлик қилинганда ҳам вужудга келади.

Охирги фикр айниқса муҳимдир. Чунки Ўзбекистон Республикаси ЖК 210-моддасининг ҳозирги таърифи жиноят-ҳуқуқий

¹ Тошкент вилоят судининг 1999 йилдаги архиви.

² Организованная преступность-2. Отв.ред. Долгова А.И., Дьяков С.В. – М., 1993. – 77-бет.

назарияда ва амалиётда мансабдор шахс ноқонуний мулккий фойдани хизмат бўйича муайян қилмиш учун эмас, балки умумий ҳомийлик учун кўрган ҳолларни ҳуқуқий баҳолаш юзасидан мунозараларга сабаб бўлиши мумкин. Маълум маънода, аввал таъкидланганидек, қонунни қўллаш даражасида бу мунозара Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1994 йил 24 сентябрдаги қарори билан бартараф қилинган.

Россия Федерациясининг Жиноят кодекси пора олишни қонун жиҳатидан тартибга солишга жиддий ўзгартиришлар киритди. Авваламбор, пора олишнинг икки таркибга бўлиниши: пора берувчининг ёки у вакили бўлган шахсларнинг фойдасига тааллуқли хатти-ҳаракат, башарти бундай хатти-ҳаракат мансабдор шахснинг хизмат ваколатларига кирса ёхуд у ўз хизмат мавқеига кўра бундай хатти-ҳаракатга кўмаклашса, ёки ҳаракатсизлик учун пора олиш (1-қисм) ҳамда мансабдор шахс томонидан ноқонуний хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун пора олиш (2-қисм). Иккинчи қисмда назарда тутилган қилмиш учун жавобгарлик кучлироқдир.

Мазкур ҳолда Россия қонун чиқарувчиси порахўрликнинг инқилобгача Россия жиноят ҳуқуқида мавжуд бўлган ҳақ тўлашга бўлинишини қабул қилиб эски терминологиядан фойдаланмади. Аммо бу новеллалар, бизнинг назаримизда, муайян изчилликка эга эмас. Чунки масъулиятли мавқега эга бўлган мансабдор шахс томонидан товламачилик йўли билан пора олишнинг квалификация қилинган турларида пора субъектнинг хизмат ваколатларига кирадиган хатти-ҳаракатлар учун ёки ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ноқонуний қилмиш содир этганлиги учун олинганлиги аҳамиятсиздир.

Россия олимлари орасида бу янгилик ҳам бир хил қабул қилинган эмас. Масалан, Б.В.Волженкин ёзишича, ҳақ олишни ва ҳақни ноҳақ олишни фарқлаш, башарти жиноятни квалификация қилувчи аломатлар мавжуд бўлганда уни эътиборга олмаслик мумкин бўлса, жавобгарлик учун унча аҳамиятли эмас. Агар қонунда порахўрлик турларини бевосита ажратадиган бўлсак, мансабдор шахсни ҳақ эвазига оғдириш пораси ва

миннатдорчилик порасига бўлиш жавобгарлик учун аҳамият-лироқдир¹.

Дорахўрликнинг ижтимоий хавфлилиги мансабдор шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши мумкин ёки содир этиши керак бўлган хатти-ҳаракатларни пора берувчи манфаатларида содир этганлик ёки содир этмаганлик учун қонунга хилоф равишда ҳақ олиш фактидан иборатдир. Агар мансабдор шахс пора эвазига пора берувчининг қонуний манфаатларини қондирса, пора олиш таркиби мавжуд. Масалан, мансабдор шахс пора берувчига пенсия миқдорини пенсия қонун ҳужжатларига тўлиқ мувофиқ ҳолда белгилайди. Агар мансабдор шахс пора эвазига жиноий қилмишлар содир этса, унинг қилмиши тегишли жиноятлар мажмуаси бўйича квалификация қилинади. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ назариясида ҳам, суд амалиётида ҳам бу масала бир хил ҳал қилинади.

Жиноятнинг объектив томонини кўриб чиққанда «пора берувчининг шахсий манфаати» белгисининг таҳлили талаб қилинади. Пора берувчининг манфаати деганда пора берувчининг ҳам шахсий манфаатларини, пора берувчи ўз қариндошлари, яқин танишлари, унинг ўзи ишлайдиган корхона ёки муассаса манфаатларида амал қилаётган ҳолларни ҳам тушуниш лозим. Масалан, пора юklar навбатдан ташқари жўнатилиши, корхона учун режадан ташқари хом ашё ёки бошқа материаллар ажратилиши учун олинган бўлиши ва пора берувчининг шахсий манфаатлари доирасига кирмаслиги мумкин.

Пора олиш тугалланган пайт ва порадан воз кечиш ҳақидаги масала назарий жиҳатдан қизиқишга эга ва муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг юқорида эслатиб ўтилган Пленуми тушунтириб берганидек, пора бериш, пора олиш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш мансабдор шахс томонидан ҳеч бўлмаганда поранинг бир қисми қабул қилинган пайтдан бошлаб тугалланган жиноятлар деб ҳисобланади.

¹ Волженкин Б.В. Новое Уголовное право России. Учебное пособие. Особенная часть. Под ред. Кузнецовой Н.Ф. – М.: Зерцало ТЕИС, 1996. – 320-бет.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, пора сабаб бўлган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилиши жиноят таркибидан ташқарида бўлаяпти. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси мансабдор шахс пора олиб, пора сабаб бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни бажариш ниятидан кайтганлиги аниқланган ҳолларда қўлланилиши лозим. Шундай қилиб, жиноят қонуни тўлиқ аниқлик билан порахўрлик таркиби тугалланганлигини айнан мансабдор шахс томонидан ҳеч бўлмаганда поранинг бир қисми олинганлиги билан боғлайди. Шу муносабат билан мансабдор шахснинг фақат порани олиш розилиги «қасдни аниқлаш»дан ташқарига чиқмайди ва шу боисдан у жиноят ҳисобланмайди.

Айрим илмий ва амалий ходимларнинг фикрига кўра, агар мансабдор шахс кимдандир пора берувчи манфаатида ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ҳаракат содир этганлик ёки содир этмаганлик учун моддий наф кўрган ҳолда бундай ҳаракатлар содир этиш ёки содир этмаслик ниятида умуман бўлмаган бўлса, унинг хатти-ҳаракатларини ЖКнинг 210-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим. Мансабдор шахснинг бундай хатти-ҳаракатларини, назаримизда, пора олиш деб эмас, балки фирибгарлик деб квалификация қилиш тўғрироқ бўлади. Чунки субъектнинг мақсади мол-мулкни ёлғон йўли билан қўлга киритишга қаратилган эди. Пора берувчининг мансабдор шахсга ҳақ бериш ваъдасининг ўзи, башарти мансабдор шахс бу ҳақни кейинроқ қабул қилишга розилик берган бўлса, пора олишнинг тугалланган таркибини ташкил этмайди. Масалан, мансабдор шахс ҳақ олишга розилик берган, ammo хизмат ҳақи унга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра унга берилмади (воситачи бойликларни ўзига олди, посылка почтада йўқолди ва ҳ.к.).

Жиноят-ҳуқуқий адабиётда мансабдор шахс хатти-ҳаракатларининг сабаби бўлмиш пора белгиси тўғрисидаги масала мунозарали ҳисобланади.

Айрим муаллифлар мансабдор шахс томонидан хизмат бўйича содир этилган ҳуқуқий қилмиш учун олдиндан шартлашиб қўйилмаган ноқонуний ҳақ олганликни пора деб ҳисоблайдилар. Б.Меньшагин, А.Светлов, Е.Фролов ва айрим бошқа олимлар шундай фикрдадирлар. М.Ковалев ва Г.Шелкован

ёзишларича, «поранинг хавфлиги шундан иборатки, мансабдор шахслар ўз вазифаларини ҳақ эвазига, ноқонуний мукофот учун бажарадилар. Бу шахслар манфаатдор шахс билан ҳақ олиш тўғрисида келишмаган ҳолларда улар қасддан эмас, балки бошқа фикрларга кўра ҳаракат қиладилар. Бундан ташқари, бундай ҳолларда пул мукофотини олаётганда шахс мансабдор шахс ҳисобланмайди, чунки у мансабдор шахснинг вазифаларини илгари ва қонуний асосда бажарган»¹. Шунга ўхшаш фикр Г.Мишин томонидан билдирилган. У ҳисоблашича, мансабдор шахсга қонуний қилмиш содир этганлиги учун пора бериш ижтимоий хавф туғдирмайди ва криминализацияга муҳтож эмас².

✓Мазкур масала бўйича бизнинг принципиал нуқтаи назаримиз қуйидагилардан иборат. Порахўрлик коррупциянинг ўзига хос кўринишларидан бири бўлиб, унинг моҳияти мансабдор шахснинг ўз хизмат имкониятларидан ноқонуний равишда бойиш учун фойдаланишидан иборатдир. Мансабдор шахснинг қонунда назарда тутилмаган, муайян хатти-ҳаракатларга ундаш мақсадида ёки содир этилган хатти-ҳаракат учун миннатдорчилик тарзида топширилган мукофотни олганлиги коррупциянинг хилларидан бири ҳисобланади. Жиноят қонуни пора олишни унинг эвазига у ёки бу хатти-ҳаракатларни содир этиш ҳақидаги дастлабки келишув билан боғламайди. Хизмат бўйича содир этилган, ҳатто дастлабки келишув билан шартлашиб қўйилмаган хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун моддий наф кўраётган мансабдор шахснинг хулқ-атворида пора олиш таркибининг барча зарур белгилари, шунингдек, ҳақ берган шахснинг хатти-ҳаракатларида эса – пора бериш мавжуд. ✓

Шу муносабат билан АҚШ Жиноят қонунининг тажрибаси маълум маънода қизиқиш туғдиради. Масалан, 1967 йилги Нью-Йорк штати жиноят кодекси АҚШ Намунавий жиноят кодексидаги тавсиялардан фойдаланган ҳолда порахўрликнинг жавобгарлик ҳар хил бўлган турларини назарда тутди: оммавий хизматчига пора бериш ёки уни ҳақ эвазига оғдириш тусидаги пора у томонидан олиниши; оммавий хизматчига хизмат вазифаларини илгари бузганлиги учун «миннатдорчилик ифодаси»ни,

¹ Ковалев М. Шелкован Г. Взятничество—тягчайшее преступление. Советская юстиция, 1961, № 24. -10-бет.

² Мишин Г. Дифференциация взятничества. Советская юстиция, 1989, № 11. - 29-бет.

чой пулини топшириш ва бу пулларнинг у томонидан қабул қилиниши¹. Мансабдор шахслар томонидан моддий қимматликларнинг жиноий равишда қабул қилинишини ва оммавий хизматчиларга совғалар бериш билан боғлиқ ҳаётий вазиятларни фарқлаш зарурлигини англаган ҳолда Намунавий жиноят кодексини тузувчилар штатлар кодексларида хизматчиларга моддий қимматликлар бериш ва уларни олиш жиноятлар ҳисобланмайдиган бир қанча истисно ҳолларни назарда тутишни тавсия этдилар.

Назаримизда, бундай қонун ижодкорлиги амалиёти бизнинг давлатимизга мақбул эмас. Порахўрликнинг жиноят сифатидаги моҳиятининг ўзи мансабдор шахс томонидан унинг хизмат вазифаларига кирмайдиган хатти-ҳаракат учун қонун бўйича унга тегишли бўлган ҳақ ёки гонорар олиш жиноий эмаслигини кўрсатиш зарурлигидан озод этади. Бошқа «истиснолар»га келадиган бўлсак, мансабдор шахсга совғалар ёки турли хизматлар қариндошлик ёхуд дўстлик муносабатлари туфайли берилганми, меҳмондўстлик кўринишими ё улар унга айнан унинг келгусида содир этиладиган ёки содир этилган хизмат ҳаракати туфайли берилганми - буларни аниқлаш тергов ёки суд ваколатига киради.

Жиноят-ҳуқуқий адабиётни ва суд амалиётини таҳлил этиш асосида амалдаги қонун ҳужжатларида пора олиш учун жавобгарлик тўғрисидаги модданинг таърифланиши бироз аниқлик киритишни талаб этади. Ўйлаймизки, ЖКнинг пора олганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги моддасини қуйидагича таърифлаш мумкин: «Пора олиш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши керак ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берувчи манфаатларини кўзлаб бажариши ё бажармаслиги эвазига ёки мансаб мавқеига кўра бундай ҳаракатга (ҳаракатсизликка) кўмаклашганлиги, шунингдек, умумий ҳомийлик ёхуд совуққонлик қилганлиги учун моддий қимматликларни шахсан ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб қабул қилишдир».

¹ Уголовное право США. Сборник документов. - М., 1986. - 159-161-бетлар.

1.3.1 Пора беришнинг объектив томонини тавсифловчи белгилар

Пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш ўзаро боғлиқ ва ўзаро бир-бирини келтириб чиқаради. Уларнинг таркибларида ўзлари мустақил жиноятлар бўлишига қарамасдан, бу жиноятлар ҳар бирининг характери ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига жиддий тарзда таъсир этадиган бир қанча ўзига хос хусусиятлар бор.

Пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш ва пора олиш айнан битта объектга қарши, яъни ҳокимият, бошқарув органлари ва жамоат бирлашмаларининг нормал тўғри ишлашига қарши қаратилгандир. Лекин пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш содир этилганида тажовуз қилиш пора олишда бўлганидек, ичкарида эмас, балки ташқарида юз беради. Шунинг учун ҳам кўриб чиқиладиган жиноятлар нисбатан унча хавfli эмас. Давлат ва жамоат ташкилотлари аппаратининг тўғри фаолиятини бузиб, бу шахслар пора олувчи (мансабдор шахс)нинг хатти-ҳаракатлари орқали давлат ва жамоат ташкилотлари аппарати обрўсига путур етказдилар. Бир қанча ҳолларда бу пора берувчи ташаббуси билан юз беради.

Суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, жиноятларнинг учдан бир қисми пора берувчи ташаббуси билан содир этилиб, уларнинг 71% ҳолларида қонунга хилоф равишда наф кўриш ёки жавобгарликдан бўйин товлаш мақсадлари кўзланган.

XX аср ўрталаридаги жиноят ҳуқуқига оид адабиётларда пора бериш иштирокчилиқнинг оддий тури ҳисобланади¹, деган нуқтаи – назарга ҳам биз қўшилолмаймиз. Маълумки, иштирокчилиқнинг асосий турлари - жиноят содир этишга далолатчилиқ қилиш ва унинг содир этилишига ёрдамлашидир.

Иштирокчилиқнинг бу турлари махсус субъектли жиноятларга ҳам хос бўлиши мумкин. Мансабдор шахслар жиноятнинг махсус субъекти ҳисобланади. Масалан, мансабдор шахс бўлма-

¹ Закутский С.Г. Уголовная ответственность за взяточничество по советскому уголовному праву. Автореф. канд. дисс. – Т., 1953.

ган эр ўзининг хотинини – мансабдор шахсни – тахмин этиладиган порани олишга мажбурлаши мумкин, у хотини номидан ва унинг топшириғи билан пора олиши мумкин, шунингдек, у ўз хотинига порани товламачилик йўли билан талаб қилишга кўмаклашиши, яъни мансабдорлик жиноятининг иштирокчиси бўлиши мумкин.

Лекин пора олиш кўрсатилган иштирокчилар, яъни далолатчилар ва ёрдамчилар бўлмаган тақдирда ҳам юз бериши мумкин. Агар порани иштирокчилик турларидан бири деб ҳисобласак, мантиқан қўйидаги хулоса чиқариш керак: пора берувчи (иштирокчи) бўлмаганда ҳам мансабдор шахс томонидан пора олиш юз бериши мумкин. Бу эса аслида бўлиши мумкин эмас.

Шунинг учун пора бериш пора олишнинг ажралмас қисми, ўз юридик табиатига кўра бу жиноятда иштирокчиликнинг зарур шакли ҳисобланади.

Пора бериш юридик табиатининг бундай таърифи қўйидаги саволни келтириб чиқариши мумкин: нима учун бу жиноят иштирокчиларининг жавобгарлиги ЖКнинг бир моддаси билан эмас, (масалан, иштирокчиликнинг зарур шакли ҳисобланмиш хизматчини пора эвазига оғдиришда қилинганидек (ЖК 213-моддаси – хизматчини пора эвазига оғдириш ва хизматчи томонидан моддий фойда ноқонуний олиниши), балки Жиноят кодексининг турли моддалари билан белгиланади?

Бу мазкур жиноятлар субъектидаги фарқ билан, шунингдек, ЖК 210-моддасида назарда тутилган жиноятни квалификация қилувчи ҳолатлар фақат пора олувчиларга, айти вақтда эса Ўзбекистон Республикаси ЖК 211 ва 212-моддаларининг изоҳида назарда тутилган жавобгарликдан озод этадиган ҳолатлар фақат пора берувчилар ва пора олиш-беришда воситачиларга тааллуқлилиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддасида кўрсатилганидек, «пора бериш – бу мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажарилмаслиги эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб,

моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкый манфаатдор этиш-дир».

Пора бериш учун жавобгарлик тўғрисидаги модда диспозициясининг ўзига хослиги шу билан изоҳланадики, бу жиноий хатти-ҳаракатнинг асосий белгилари пора олганлик учун жавобгарликни белгилайдиган модда диспозициясида баён этилган. Уларни биз аввалги параграфда батафсил кўриб чиқдик.

Пора берувчи – бу пора олувчининг муайян хатти-ҳаракатларидан манфаатдор бўлган шахсдир. Қонун мазмунига кўра, жиноятни квалификация қилиш учун пора шахсан пора берувчи манфаатларида ёки давлат ёхуд у вакили бўлган жамоат ташкилоти манфаатларида берилганлиги аҳамиятга эга эмас.

Пора берувчининг ҳам шахсий манфаатлари, ҳам у ҳимоя қиладиган қариндошлари, ўртоқларининг манфаатлари, шунингдек, у вакили бўлган ташкилот, муассаса, корхонанинг деб нотўғри тушуниладиган манфаатлари пора берувчининг манфаатлари деб эътироф этилади.

Профессор А.Н.Трайнин ёзганидек, «пора берувчи манфаатларида» деган сўзларни кенг тушуниш керак: пора берувчи шахс у ёки бу тарзда, бевосита ёки билвосита содир этилишидан манфаатдор бўлган ҳар қандай ҳаракат шундай маънодаги ҳаракат бўлади»¹.

Пора берувчининг пора сифатида топшириладиган мол-мулкка нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий муносабалари пораҳўрлик таркиби учун аҳамиятга эга эмас. Пора берувчи бу мол-мулкнинг эгаси, ҳуқуқий эгаси бўлиши мумкин ёки умуман бу мол-мулкка нисбатан ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаслиги мумкин. Пора берувчининг пора сифатида топшириладиган мол-мулкка нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари фақат пора берувчи жавобгарлигининг ҳажми учун аҳамиятга эга. Агар, масалан, пора дастлаб шу мақсадда ўзлаштирилган ёки ўғирланган мол-мулк билан берилган бўлса, пора берувчи нафақат пора берганлиги учун, балки жиноятлар мажмуаси қоидалари бўйича содир этган жинояти учун, мазкур ҳолда талон-тарож қилганлик ёки ўзга мол-мулкни ўзлаштирганлик учун ҳам жавобгарликка тортилади.

¹ Уголовное право. Особенная часть. – М., 1943. – 288-бет.

Суд амалиётида бу масала шубҳа туғдирмайди, чунки Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарорида тушунтирилганидек, бундай ҳаракатлар ўзганинг мол-мулкани талон-тарож ва шу каби бошқа жиноятлар билан бир вақтда жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак¹.

Айни вақтда мансабдор шахсга муайян моддий қимматликлар ёки моддий бўлмаган тусдаги хизматлар тақдим этиб, пора берувчи шу тарзда уни хизмат бўйича қандайдир, жиноят ҳисобланадиган, ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этишга кўндириши мумкин. Масалан, пора олган судья била туриб суднинг ноҳақ қарорини чиқаради. Бундай ҳолларда шуни эътибордан чиқармаслик керакки, пора берувчи айни вақтда пора олувчининг далолатчиси ҳам ҳисобланади, яъни уни ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда жиноят содир этишга ундайди. Бу эса жиноятни квалификация қилишда ўз аксини топиши керак. Шунга ўхшаш ҳолларда, эҳтимол, исботлаш керакки, айнан пора берувчи мансабдор шахсни пора эвазига оғдириб жиноят содир этишга кўндирган. Агар пора олувчининг ўзи бундай ташаббус билан чиққан бўлса, пора берувчининг ҳеч қандай далолатчилиги ҳақида фикр юритиш мумкин эмас.

Пора бериш усулини танлаш муайян ҳолатларга, яъни пора предмети, ҳажми, уни бериш вақти, жойи, пора олувчиларнинг эгаллаб турган мавқеи, пора олиш-бериш субъектларининг ўзаро муносабатларига ва шу кабиларга боғлиқдир.

Айрим ҳолларда пора олиш-бериш пора предметини бир қўлдан иккинчисига оддий топшириш орқали, бошқа ҳолларда эса – «ҳақ олиш», «таътил пули» сифатида «даромаддан ўзига хос ажратма» тарзида (у «байрам совғаси», «алмашиш», «ҳадя қилиш», «олди-сотди» шартномаси шаклида бўлиши мумкин), учинчи ҳолларда эса – қайсидир ҳужжатни (масалан, қарз берганлик ҳақидаги тилхатни йўқ қилиш ёхуд аксинча, мансабдор шахсга муайян мулкий фойда келтирадиган ҳужжатни, масалан, ижара шартномасини ижара ҳақи олинганлигини кўрсатган ҳолда) тузиш йўли билан амалга оширилади.

¹ «Қонун номи билан». - 1999, № 3-4, 23-бет.

Назаримизда, пора бериш ва олиш жиноят субъектлари ўртасида келишувга эришиш жараёнида юз бериб, бу масала бўйича келишувга эришиш у қайси шаклда ифода этилишидан қатъи назар пора қабул қилинганлигини англатади. Шунинг учун пора предмети бир қўлдан иккинчисига топшириш хусусиятларига эга бўлса ёки уни топшириш жараёни у ёки бу даражада давом этадиган вақтга мўлжалланган бўлса, тарафлар бу мол-мулк ва унинг тегишли шакли хусусида жиноий келишувга эришган пайдан бошлаб пора олинган деб ҳисобланиши лозим.

Шу билан бирга порахўрлик таркиби учун пора ифода этилиши мумкин бўлган шакллар ҳамда пора берилиши ва олиниши мумкин бўлган усуллар эмас, балки муайян моддий наф кўрилганлиги (олинганлиги) факти ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу муносабат билан порахўрлик тугалланган жиноят деб эътироф этиладиган пайтни аниқлаш зарурати юзага келади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, пора бериш ва пора олиш порахўрлик ягона мураккаб таркибининг зарур қисмлари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири иккинчиси бўлмаганда мустақил аҳамиятга эга эмас. Назаримизда, пора олиш – бериш тугалланган пайтни порахўрликнинг иккала таркибий қисмига нисбатан белгилаш лозим, чунки жиноят иккала иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари бир бутун қилмишни ташкил этади. Пора бериш пора олишдан содир бўлади ва унинг амалга оширилишига ҳақиқий имконият туғдиради. Шундай қилиб, объектив томондан қараганда, порахўрлик таркиби порани беришдан бошланиб, унинг олиниши билан тугайди. Шунинг учун агар порахўрликнинг биринчи таркибий қисми (пора бериш) бўлмаса, унинг иккинчиси ҳам (пора олиш) бўлмайди ва аксинча. Чунки пора беришдан порахўрликни ташкил этувчи хатти-ҳаракатлар бошланади, пора олиш билан эса улар тугалланади. Пора олинган пайтни, бошқа сўз билан айтганда, порахўрлик, шу жумладан пора бериш тугалланган пайтни ушбу мураккаб таркиб тамом бўлган пайт деб белгилаш лозим.

Шундай қилиб, бизнинг назаримизда, мансабдор шахс томонидан ҳар қандай шаклда пул ёки бошқа мулккий фойда олинган пайтда, пора берувчи фойдасига пора сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар бажарилган-бажарилмаганлигидан қатъи

назар пора бериш тугалланган деб эътироф этилиши лозим. Бу Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарорига тўғри келади. Унинг бешинчи бандида кўрсатилганидек, «агар тасаввур қилинган пора мансабдор шахс томонидан олинмаган ёки олишдан бош тортилган бўлса, пора беришга ҳаракат қилган шахснинг ҳаракатларини пора беришга суиқасд қилиш каби тавсифлаш лозим бўлади. Аммо пора бериш ва олиш нафақат мансабдор шахснинг ўзи уни олганда, балки унинг топшириғи бўйича бошқа шахслар қабул қилганида тугалланган жиноят ҳисобланади»¹.

Айни вақтда мансабдор шахс олиши учун почта орқали қандайдир моддий қимматликларнинг унга юборилиши ёки бу қимматликларни мансабдор шахсга бериш учун воситачига топшириш, шунингдек, пора олишга доир таклиф рад этилган ҳолларда пора беришга суиқасд қилиш деб кўрилиши керак.

Порахўрлик содир этишнинг нафақат яширин, балки кишини йўлдан оздирувчи тусга эга. У, одатда шикоятларга сабаб бўлмайди, чунки айбдор тарафлар ноқонуний келишувдан фойда оладилар. Шу боисдан ҳам бу ҳодиса кўпинча қандайдир давлат чегарасидан ташқарига чиқади.

Халқаро ҳамжамият трансмиллий коррупциядан хавфсираб хорижда мансабдор шахсни ҳақ эвазига оғдириш учун жиноий жавобгарликни миллий қонунларга киритишни тавсия этади. Уни биринчи бўлиб киритган мамлакат – бу АҚШ. АҚШнинг йирик коррупциялари томонидан тўлаган поралар фош этилганидан сўнг 1977 йилда Хорижий коррупциялашган амалиёт тўғрисида қонун (ФКПА) қабул қилинган. Бу қонунда хорижда берилган пора учун корпорацияларга – 2 млн. АҚШ доллари миқдоридан жарима ва жисмоний шахсларга – 5 йилгача қамок жазоси каби санкциялар назарда тутилган.

Бу қилмиш андозага тушган нархлар бўлмаган, лекин турли даражадаги мансабдор шахслар учун комиссия таксалар бўлган самолётлар, кемалар, қурол-яроғ, ҳарбий техника, нефт маҳсулотларининг халқаро савдосида, шунингдек, ҳарбий ва фуқаролик қурилишига доир шартномалар тузишда алоҳида тарқалган.

¹ «Қонун номи билан», 1999, № 3-4.

«Транперенси Интернейшнл» ноҳукумат ташкилоти маълумотларига кўра, 5 %, яъни 100 минг АҚШ долларидан бошлаб сумма катта мансабдор шахсни, 100 млн. АҚШ долларидан ошиқ сумма эса – давлат бошлиғини қизиқтириши мумкин. Гарчи корпорациялар учун битим суммасининг 5 % комиссия ҳақнинг кулгили паст нархи ҳисобланади¹. Табиий монополиячи – Россиянинг «Росвооружение» компанияси 10 ва ҳатто 20 фоиз комиссия ҳақ олади².

Айтилганларни ҳисобга олган ҳолда Н.Косякованинг қуйидаги фикрини нотўғри ҳисоблаймиз. Унинг фикрига кўра, «пора берувчи кўпинча охириги зарурат ҳолатида, яъни қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатларда бўлади. Янги каттароқ зарарни бартараф этиш учун пора берувчи кичикроқ зарар келтиради. Пора берган шахс боласини Шимолий Кавказда ҳарбий хизмат қилиш хавфидан, «додахўжалик»дан қутқаришга, бир бурда нонга пул топишга, уй-жойидан маҳрум бўлмасликка интилади... Бундай ҳолларда ҳатто охириги зарурат чегараларидан четга чиққанликни кўриш қийин»³.

Мазкур таклифнинг жиддий эмаслиги қуйидагилардан иборат. Биринчидан, пора бериш (шунингдек, умуман порахўрлик)нинг мақсадлари ва мотивлари жиноят таркибининг мажбурий белгилари ҳисобланмайди. Иккинчидан, пора беришда охириги зарурат ҳуқуқийлиги шартлари қилмишнинг жиноийлигини истисно этадиган ҳолатларнинг барча ўзига хос хусусиятлар мавжуд эмас.

✓ Порахўрлик – қийин очиладиган жиноятдир. У содир этилганда, икки манфаатдор шахс ҳаракат қилади: пора берувчи ва пора олувчи, баъзан уларга воситачи ҳам қўшилади. Тушунарли сабабларга кўра бу ҳодиса одамларнинг кўз олдида юз бермайди ва бундай ишлар бўйича гувоҳлик негизи одатда жуда чекланган. Бу жиноят юқори латентлик даражасига эга ва пора берувчининг порани топшириш факти тўғрисидаги хабари порахўрликни очишнинг муҳим воситаси ҳисобланади ва унга қарши кураш самарадорлигини оширади. Пора берганлик тўғрисидаги

¹ Справочный документ о международной борьбе с коррупцией, подготовленный секретариатом ООН А/CONF. 169/14/13 Apt/

² Фельдгегадер П. Торговля оружием в России. // Сегодня, 1966 йил 27 сентябрь.

³ Косякова Н. Дача взятки – преступление или крайняя необходимость? Российская юстиция, № 5, 1999.

ихтиёрий хабар шахс ўз қилмишидан пушаймон бўлганидан ва бинобарин, пора берувчининг ижтимоий хавфи камлигидан далолат бериши мумкин. Шу ҳолатларни инобатга олган ҳолда қонун чиқарувчи бундай ҳолларда пора берувчини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги махсус нормани таърифлайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-моддасининг 4-қисмида кўрсатилганидек, «башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ёки бу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, бундай шахс жавобгарликдан озод этилади».

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорига мувофиқ таъмагарлик деганда мансабдор шахс томонидан пора берувчининг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилишни ёки пора берувчини унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасддан туширишни тушуниш керак¹. (Бу ҳақда иккинчи бобда батафсил тўхталамиз.)

Ўз ихтиёри билан арз қилиш – бу пора берувчининг содир этилган жиноятдан хабардор бўлган ёхуд пора берувчи ҳеч бўлмаганда бу уларга маълум деб ҳисоблаган давлат органларига ёки жамоат ташкилотларига мажбурий равишда эмас, балки ихтиёрий берилган аризадир.

Ихтиёрий берилган ариза сабаблари турли бўлиши мумкин: жазодан кўрқув, пора олувчи ваъда берган ҳаракатларни бажармаганлиги учун қасос олиш, ўз қилмишига пушаймон бўлиш ва ҳ.к. Арз қилиш ташаббуси ҳам пора олувчининг ўзидан, ҳам пора берувчига бу ҳақда хабар беришни маслаҳат берган бошқа шахслардан (қариндошлар, ўртоқлар ва ҳ.к.) келиб чиқиши мумкин. Пора берганлик тўғрисида ихтиёрий ариза берилган тақдирда нафақат пора берувчилар, балки барча иштирокчилар жавобгарликдан озод этилади.

Ҳокимият органларига пора берганлик ҳақида маълум бўлган тақдирда пора берувчи бу тўғрисида билиб қолиб ўз

¹ «Қонун номи билан», 1999, № 3-4, 24-бет.

аризасини берса, арз қилишнинг ихтиёрийлиги истисно этилади. Шунинг учун, башарти пора берувчи тергов органлари томонидан пора беришда гумон қилинувчи сифатида чақирилиб, биринчи марта сўроқ қилинганида чин кўнгилдан ҳаммасини айтиб берган бўлса-да, ариза ихтиёрий ҳисобланмайди. Бу ҳолда айбни ўз бўйнига олиш кўрсатувлари, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш фақат жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида ҳисобга олиниши мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, пора берганлик тўғрисидаги ихтиёрий ариза айбни ўз бўйнига олиш тўғрисида арз қилишнинг кўринишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун у пора берувчининг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби мавжудлигини истисно этмайди. Пора берувчи бу ҳолларда жабрланувчи деб топилмайди ва мансабдор шахсга пора тариқасида берилган бойликларни қайтариб олишни талаб қилишга ҳақли эмас. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 1999 йил 24 майдаги қарорида ҳам шу нуқтаи – назарда тўхталиб, пора сифатида топширилган мол-мулкни пора берувчига қайтариш мумкинлиги ҳақидаги шарт назарда тутилмаган. Лекин шунинг ҳам айтиш жоизки, пора сифатида топширилган қимматликларни содир этилганлик тўғрисида ихтиёрий равишда арз қилган пора берувчига қайтариш фуқароларнинг порахўрларни фош этиш борасида фаоллигини оширишга кўмаклашади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқорида келтирилган қарорига қуйидаги шартни киритиш лозим деб биламиз: **«Шахсга нисбатан пора берганлик ҳақида талаблар арз қилинган ёки бу қимматликлар топширилгунга қадар шахс бу ҳақда тегишли органга хабар берган ва уларнинг топширилиши бу орган назорати остида бундай талаблар қўйган шахсни далилий ашёлар билан ушлаш мақсадида ўтган ҳолларда пул ва бошқа қимматликлар давлат фойдасига қаратилиши мумкин эмас. Бу ҳолларда пора предмети ҳисобланган пул ва бошқа қимматликлар қайтарилиши лозим».**

Назаримизда, ариза айнан қаерга берилиши кераклигини ҳам белгилаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 майдаги қарорида айтилганидек,

«пора берганлик тўғрисида ихтиёрий равишда хабар берганлик бир вақтнинг ўзида мансабдор шахс томонидан пора олингани ҳақида ҳам хабар ҳисобланади, шу сабабли судлар ЖКнинг 237-моддасига биноан ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик тўғрисида аризачига тушунтирилган-тушунтирилмаганлигига эътибор беришлари зарур. Агар ёлғон ариза берганлик ҳолати аниқланса, суд аризачини қонуний жавобгарликка тортиш чорасини кўриши керак»¹. Бу қондани «кенг» талқин қилганда бундай органлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари эмас, балки жинойт ишини кўзгатиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ҳисобланади. Чунки аризачига била туриб ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик ҳақида тушунтириш вазифаси бундай органлар ходимларининг зиммасига юкланган.

Шуни ҳисобга олган ҳолда ҳамда мазкур қондани бир хил тушуниш мақсадида ЖК 211-моддаси ва 212-моддаси 4-қисми таҳририда «бу ҳақда» деган сўзлардан кейин «жинойт ишини кўзгатиш ҳуқуқига эга бўлган органларга» жумласини қўйишни таклиф этамиз.

А.Якименконинг қонунда ариза бериш учун муддат белгилаш таклифи ҳам, бизнинг назаримизда, тўғридир². Бизнингча, қонунда қуйидаги қондани назарда тутиш лозим: «Агар пора берувчи пора берганлиги тўғрисида олти ой мобайнида арз қилмаса, у умумий асосларда жавобгар бўлиши керак». Чунки амалиётда шундай ҳоллар бўладики, узоқ вақт мобайнида, ҳатто пора берувчи фош этилганда ва унга нисбатан тергов олиб борилаётганда ҳам поралар берилади ва олинади. Пора берувчилар ўзларидан қўрқиб пора берганлик тўғрисида ариза берадилар. Вақт оралиғи катта бўлганда кўп нарса хотирадан чиқиб кетади, гувоҳлар, ашёвий далиллар йўқолади, тикланмайди - буларнинг барчаси бу жинойтга қарши кураш самарадорлигига путур етказилади.

¹ «Қонун номи билан», 1999й, № 3-4, 25-бет.

² Якименко А. Как усилить борьбу со взяточничеством. // Соц.законность, 1999, № 8. - 11-12-бетлар.

1.3.2 Пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг объектив томонини тавсифловчи белгилар

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 212-моддаси пора олиш-беришда воситачилик учун жиноий жавобгарликни белгилайди. Пора олиш-беришда воситачилик деганда пора олиш ёки бериш тўғрисидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек, манфаатдор шахслар топшириғи билан порани бевосита топшириш тушунилади.

«Посредничество» сўзининг маъноси тарафлар ўртасидаги битим ёки келишувга кўмаклашиш, кимлардир ўртасида муомалани йўлга қўйишга, кимлардир ўртасида битим тузишга ёрдам бериш деб изоҳланади¹.

Пора олиш-беришда воситачилар деб – бу пора берувчи ёки пора олувчи ташаббуси билан улар ўртасида алоқа ўрнатишга, пора олиш-бериш тўғрисидаги келишувга эришишга кўмаклашган («интеллектуал воситачилик») ёки бевосита порани топширган («жисмоний воситачилик») шахсларни билиш лозим. Воситачиликнинг бундай тушунилиши илмий адабиётда тарқалган². Бизнинг назаримизда, бу тўғри.

Юридик адабиётда шундай фикрлар ҳам учрайдики, гўёки воситачилик пора берувчи шахсга ёрдамлашиш ва мансабдор шахсга пора олишда кўмаклашиш бўлиб, у пора олиш-беришда воситачилик деб эмас, балки пора беришда иштирокчилик деб квалификация қилиниши керак.

Россиянинг амалдаги қонунларида ҳозирги пайтда пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун жавобгарлик тўғрисида мустақил норма йўқ, шунингдек, Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг 2000 йил 10 февралдаги қарори 8-бандига мувофиқ пора олиш-беришда воситачининг жиноий жавобгарлиги иш бўйича муайян ҳолатларга ва унинг пора бериш ёки олишдаги ролига қараб иштирокчилик тўғрисидаги моддаларда назарда тутилган ҳоллардагина вужудга келади.

¹ Даль В.И. Толковый словарь русского языка.

² Волженкин Б.В. Квалификация посредничества во взяточничестве. // Советская юстиция, 1971, № 21. - 22-23-бетлар; Общая характеристика преступлений против интересов службы. Новое уголовное законодательство России. Учебное пособие. Особенная часть. Под ред. Кузнецовой Н.Ф. - 322-323-бетлар; Бражник Ф., Толкаченко А. Некоторые актуальные вопросы квалификации получения взятки. Уголовное право. № 1, 2000. - Ч. т. - 7-8-бетлар.

Назаримизда, Россия қонун чиқарувчиси ва унинг юрист олимлар ўртасидаги тарафдорларининг нуқтаи назари унча асосли эмас.

Воситачининг фаолиятини фақат порани бериш билан чеклаш, шунингдек, унга «пора бериш ёки олишга кўмаклашиш» сифатида қараш бу тушунчанинг мазмунини асоссиз чеклаш ва ҳатто нотўғри талқин қилиш ҳамда уни пора бериш-олишдаги иштирокчиликнинг бошқа шакллари билан, хусусан ёрдамлашиш билан аралаштириш демакдир.

Адабиётларда таклиф этилаётган пора олиш-беришдаги воситачиликни ва пора олиш-беришдаги иштирокчиликни фарқлаш мезони тўғрисидаги ечим, афсуски, аниқлик ва изчиллик билан тавсифланмайди. Масалан, Б.В.Здравомысловнинг фикрига кўра пора олиш-беришдаги воситачилик мустақил таркибга ажратилган ёрдамлашиш кўринишида бўлган жиноятдаги иштирокчиликдир. Бунда «пора олиш-бериш ҳақидаги келишувга эришишга ёки унинг тадбиқ этилишига кўмаклашишнинг ҳар қандай шакли пора бериш-олишда воситачиликнинг таркибини ташкил этади»¹.

А.Я.Светлов ёзишича, «пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг пора беришдан асосий фарқи шундан иборатки, воситачи ўз манфаатида бўлмаган қилмишларнинг содир этилишида пора берувчига ёки пора олувчига пора эвазига кўмаклашади. Агар тарафлардан бирининг кўмаги воситачи манфаатларида бўлса ёки бу манфаатлар пора берувчининг манфаатларига тўғри келса, бунда воситачилик эмас, балки пора берганлик ёки бу жиноятда иштирокчилик бўлади»².

Пора олиш-беришда иштирокчилик ва воситачиликни фарқлаш учун таклиф этилган мезонларининг асосланганлиги жиддий шубҳалар туғдиради. Масалан, пора олиш-беришдаги кўмаклашишнинг айрим турлари пора олиш-беришда воситачилик сифатида кўрилиши мумкин эмас: пора учун ишлатилишини билган ҳолда қарзга пул берганлик, пора берувчи ва пора олувчига жиноий қилмишлар содир этиш юзасидан маслаҳатлар бериш ва ҳ.к. Чунки воситачилик сўзининг ўзи, Б.В.Волженкин

¹ Здравомыслов Б.В. Должностные преступления. – М., 1975. – 152-бет.

² Светлов А.Я. Уша ерда. – 237-бет.

тўғри таъкидлаганидек, тарафлар келишувига, битимига кўмаклашишни назарда тутар экан, табиийки, порахўрликнинг иккала субъектлари билан боғлиқ бўлган воситачилик жинойи тусда бўлади, яъни пора бериш ва олишга бир вақтнинг ўзида кўмаклашиш ҳисобланади¹.

Воситачининг ўз манфаатларида бўлмаган хатти-ҳаракатларни пора берувчи ёки пора олувчининг пора учун содир этишига кўмаклашаётганлигини воситачиликнинг ўзига хос асосий белгиси деб ҳисоблаш мумкин эмас. Пора берувчининг манфаатлари – бу нафақат унинг шахсий манфаатлари, балки унинг яқинларининг манфаатлари, давлат ёки жамоат ташкилотининг нотўғри тушунилган манфаатлари ва ҳ.к. Бу қоида умум эътироф этилган деб ҳисобланади. Воситачиликда ҳам шундай бўлиши мумкин. Шунинг учун манфаатдорлик туси пора бериш (унда иштирок этиш), пора олиш-беришда воситачиликнинг ўзига хос белгиси бўлиши мумкин эмас. Бу иккала жинойатларнинг фарқини пора олиш-беришдаги ва уларда иштирок этишдаги хатти-ҳаракатларнинг хусусияти ва йўналганлигида, бир томондан ҳамда бошқа томондан, пора олиш-беришдаги воситачиликда қидириш лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўзининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори пора олиш-беришда воситачиликнинг анча торроқ талқинини беради: «пора олувчининг ёки пора берувчининг топшириғига кўра ҳаракат қилиб пора буюмини бевосита бераётган шахс воситачи» ҳисобланади. Шу билан бирга, ЖКнинг 212-моддасида «келишувга эришишга қаратилган фаолият» ҳам назарда тутилган.

Пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг бундай тушунилиш таклифи бу тушунчани асоссиз торайтиради. Унинг доирасидан ташқарида пора олиш-беришга кўмаклашиш ҳисобланган барча хатти-ҳаракатлар қолмоқда, пора предметини жисмоний равишда топшириш бундан мустасно. Воситачилик бундай талқин қилинар экан бу нормани жинойат қонун ҳужжатларида сақлаш умуман аҳамиятга эга эмас. Чунки пора предметини

¹ Волженкин Б.В., Квашиш В.Е., Цагиқян С.Ш. Ответственность за взяточничество. – Ереван: Айастан, 1988. – 114-бет.

топшириш ҳам пора олиш ёки беришда иштирокчилик турларининг бири ҳисобланади.

Пора олиш-бериш ҳақидаги келишувга эришишга ёки унинг амалга оширилишига кўмаклашадиган шахсни воситачи, деб ҳисоблайдиган олимларнинг нуқтаи назари тўғрироқдир. Пора олиш-беришдаги ҳар қандай воситачилик иккала жиноятчига (пора берувчига ва пора олувчига) объектив кўмаклашишда ифода этиладиган ёрдамлашишнинг алоҳида тури ҳисобланади. Бу эса жиноят қонунига пора олиш-беришда воситачилик қилиш тўғрисида мустақил норма киритиш зарурлигини тақозо этади.

Амалиётда кўпинча воситачи пора берувчини пора олувчи билан боғловчи шахс бўлиб, уларни таништиришга ва пора олиш-бериш тўғрисидаги келишувга эришишга кўмаклашади. Одатда мансабдор шахс пора берувчини, пора берувчи эса мансабдор шахсни билади. Лекин пора берувчи бевосита пора олувчи билан учрашмаган ёки улар бир-бирини умуман билмаган ҳамда пора бериш тўғрисидаги келишув, шунингдек, пора берилишининг ўзи ҳам воситачи орқали амалга ошириладиган ҳоллар ҳам учрайди. Бу ҳолларда воситачи жиноятни содир этиш ва яширишда жуда муҳим ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Аmmo айтилганлар пора олиш-беришда воситачилик қилиш билан бирга пора бериш ёки олишга ёрдамлашиш ҳам бўлиши мумкинлигини истисно этмайди. Шу муносабат билан пора олиш-беришда воситачиликни пора олиш ёки беришда иштирокчиликдан фарқлаш керак.

Пора олиш-беришда воситачиликнинг хусусияти авваламбор шундан иборатки, субъект бир вақтнинг ўзида икки жиноят содир этилишига: пора беришга ва пора олишга кўмаклашади. Пораҳўрликнинг икки асосий субъекти (пора берувчи ва пора олувчи) ўртасида боғловчи бўғин ҳисобланиб, у улар ўртасида келишувга эришишга ва унинг амалга оширилишига кўмаклашади. Пора олиш-беришдаги воситачидан фарқли ўлароқ пора бериш ёки пора олишдаги ёрдамчи фақат пора берувчи ёки пора олувчи билан боғланади.

Демак, воситачиликнинг биринчи асосий белгиси – пораҳўрликнинг иккала субъектлари билан боғлиқликдир.

Порахўрликнинг ташкилотчиси, шунингдек, далолатчиси айни вақтда воситачилик вазифаларини ҳам бажариши мумкин. Масалан, порани топшириш. Лекин унинг жинояти бу билан чекланмайди. Далолатчи тегишинча пора берувчи ёки пора олувчини жиноятга бошлайди.

Порахўрликнинг ташкилотчиси, одатда, иккала жиноят субъектлари билан боғланган. Лекин воситачидан фарқли ўлароқ у пора берувчини ва пора олувчини уларнинг ташаббуси билан эмас, балки ўз ташаббуси билан таништиради.

Шундай қилиб, пора олиш-беришда воситачиликнинг иккинчи фарқ қиладиган белгиси шундан иборатки, воситачи ўз ташаббуси билан эмас, балки пора берувчи ёки пора олувчининг ташаббуси (илтимоси ёки топшириғи) билан ҳаракат қиладди. Бундан ташқари, воситачи пора берувчининг манфаатларида пора эвазига қилмишлар содир этилишига эришиб, унга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида тушунтирилганидек, порани бериш ёки олишни ташкиллаштирувчи бунга йўналтирилган турли хил фаолият юритувчи ёки олишда ёрдамчи бўлган ва бир вақтнинг ўзида воситачилик ҳаракатларини бажарган шахс пора бериш ёки олишда иштирокчиликда жавобгар бўлади. Бу ўринда иштирокчининг ҳаракатини тавсифлаш масаласи у кимнинг манфаатини, ким томонидан ва кимнинг – пора берувчинингми ёки олувчининг ташаббуси билан ҳаракат қилганидан келиб чиқиб, унинг қасди нимага қаратилганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш лозим бўлади. Бундай ҳолларда ЖКнинг 212-моддаси билан қайта тавсифлаш талаб қилинмайди.

Бунда содир этилган жиноятлар мажмуасини ташкил этмаслигини аниқлаш лозим, чунки воситачилик қилиш пора олиш-беришда ёрдамлашишнинг шакллари билан бири ҳисобланади.

Мазкур қарорда, жиноят ҳуқуқи назариясида воситачилик қилганлик учун жавобгарликни назарда тутадиган ҳуқуқ нормаси пора олиш-беришда ёрдамлашишга нисбатан махсус ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28-м., 5-қисми, 210, 211-м.). Агар содир этилган қилмиш ёрдамлашиш доирасидан

ташқарига чиқса, у бу воситачи умумий ёки махсус субъект (мансабдор шахс) бўлишидан қатъий назар, порахўрликни ташкил этиш ёки унга далолатчилик қилиш - деб квалификацияси қилиниши керак. Башарти субъект ўз хизмат мавқеидан пора берувчининг манфаатида фойдаланмасдан, фақат (воситачи) техник ролини бажарса (бу учун махсус ваколатлар талаб қилинмайди), бунда пора олиш-беришда иштирокчилик бўлмайди.

Пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг объектив томонини тавсифловчи белгиларни таҳлил қилиш асосида шундай хулосага келамизки, қонун чиқарувчимизнинг пора олиш-беришда воситачилик қилишга нисбатан мустақил жиноят деб қарайдиган нуқтаи назари тўғри.

1.4 Жиноятнинг субъектив томонини тавсифловчи белгилар

Жиноятнинг субъектив томони субъектнинг ўзи содир этган ижтимоий хавfli қилмишига нисбатан руҳий муносабатини тавсифлайди. У жиноят содир этиш айби, мотиви ва мақсадидан иборатдир.

Айб – жиноят субъектив томонининг мажбурий белгисидир. Айбсиз жиноят таркиби бўлмайди ва бўлиши мумкин эмас. Бу жиноий қилмишни жиноий бўлмаган қилмишдан фарқ қиладиган белгидир. қонун чиқарувчи айбга муҳим аҳамият беради. Айбдорлик жавобгарлиги Жиноят кодекси принципи даражасига кўтарилган. ЖКнинг 9-моддасига мувофиқ шахс айби исботланган ижтимоий хавfli қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

Айбдорлик жавобгарлиги принципи – юристлар ўйлаб чиққан нарса эмас, балки А.В.Наумов одилона таъриф қилганидек, инсон хулқ-атворини тўғри юридик ва ижтимоий-маънавий баҳолашнинг оддий шартидир¹. Мазкур қоида объектив айб қўйишни, яъни айбсиз жавобгарлик мумкин эмаслигини белгилайди. А.С.Якубовнинг тўғри берган таърифига кўра, жавобгарликка тортиш ва бундай ҳолларда жазолаш мақсадсиз бўлар

¹ Наумов А.В. Уголовное право. Общая часть. – М.: Бек, 1996. - 203-бет.

эди, чунки улар «қасос олишдан» бошқа ҳеч нарсадан иборат бўлмас эди¹.

Юридик адабиётда порахўрлик қасддан содир этилган жиноят эканлиги инкор қилинмайди. Ҳам пора олиш-бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш тўғри қасд билангина содир этилиши мумкин. Лекин порахўрлик субъектлари қасдларининг мазмуни бир қанча хусусиятларга эга бўлиб, улар аниқлик киритишни талаб этади. Шунини ҳисобга олган ҳолда порахўрлик ҳар бир субъекти қасдининг мазмунини алоҳида кўриб чиқамиз.

Пора берувчи қасдининг мазмуни. Ҳам ҳуқуқий назарияда, ҳам суд амалиётида пора олишнинг мотиви ва мақсадлари тўғрисидаги масала бир хил ҳал қилинади. Бу жиноятнинг мотиви ғаразлик, мақсади эса – ўз хизмат фаолияти учун қонунга хилоф равишда ҳақ олишдир.

“Айбдорлик тўғрисидаги масала мураккаброқдир. А.Э. Жалинский бу масала хусусида қуйидагиларни ёзади: «Мансабдорлик жиноятларида айб қандай таърифланмасин, шуниси равшанки, субъект ўз қилмишини содир этган пайтда унинг ижтимоий хавфлилигини англаш имкониятига эга бўлиши керак»².

Агар шахс содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англамасдан, фақат уни англаш имкониятига эга бўлиши керак дейилса, демак у эҳтиётсизлик туфайли ҳаракат қилган бўлади. Пора олиш сўзсиз мансабдорлик жинояти. Шунинг учун масаланинг бундай қўйилишини вариантлардан бири деб кўрилиши ҳам мумкин эмас.

Юридик адабиётда қуйидаги фикр устун ҳисобланади: пора олишнинг субъектив томони айбдор шахсда тўғри қасд борлиги билан тавсифланади. Бундай фикр тарафдори А.В.Квициния³ пора олишда субъектнинг тўғри қасди мазмунини очиб ёзганидек, мансабдор шахс пора олаётганини, яъни пора берувчи манфаатида ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир

¹ Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении. – Т., 1996. – 62-бет.

² Жалинский А.Э. «Советское государство и право», 1981, № 1. – 104-бет.

³ Квициния А.К. Должностные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты. – Тбилиси: Сабгота Сектарвелло, 1988. – 177-бет.

этиши мумкин бўлган у ёки бу ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик учун қонунга хилоф равишда ҳақ олаётганини ва уни олишни истаётганини англайди. Бошқа муаллифлар ҳам пора олишда тўғри қасднинг тушунчасида тахминан шундай мазмун борлигини таъкидлайдилар.

Жинойят қонунининг нормасида (ЖКнинг 13-м., 1-қ.) шундай қоида мавжудки, унда жиноят содир этилган вақт у формал ёки моддий таркиб билан содир этилганлигига боғлиқ ҳолга қўйилади. Жиноят қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш ижро этилган вақтни формал таркибли жиноят содир этилган вақт деб эътироф этиш лозим. Жиноят қонунда назарда тутилган жиноий оқибатлар юзага келган вақтни моддий таркибли жиноят содир этилган вақт деб эътироф этиш лозим.

Қонунга (ЖКнинг 21-м.) биноан тўғри қасд шу билан тавсифланадики, жиноят содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан билган ва бу оқибатлар юзага келишини истаган. ЖКнинг 21-моддасига кўра, қонун тўғри қасд жиҳатининг мазмунини субъектнинг содир этаётган жиноятнинг ижтимоий-хавфли оқибатлари вужудга келишини истаётгани билан боғлайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: тўғри қасд билан фақат моддий таркибли жиноятни содир этиш мумкин. Улар сирасига пора олиш кирмайди.

ЖКнинг 210-моддасига биноан бу қонунда назарда тутилган ҳаракатнинг ўзи, яъни мансабдор шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда пора берувчи манфаатида қандайдир ҳаракатлар бажариш ёки бажармаслик учун қонунга хилоф равишда ҳақ олганлик жиноят ҳисобланади. Бунда ноқонуний ҳақнинг ҳеч бўлмаганда бир қисми олинган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

Юридик адабиётда шундай фикр билдирилганки, формал таркибли жиноят, башарти бундай жиноятни содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англаган бўлса, қасддан содир этилган деб эътироф этилиши лозим. Субъектнинг ўз жиноий қилмишига нисбатан

рухий муносабати оддий қасд деб аталади¹. Лекин у ҳам собиқ Иттифоқ жиноят қонун ҳужжатларида, ҳам Ҳамдўстлик мамлакатлари жиноят кодексларида ўз аксини топмаган.

Бизнинг назаримизда, қонун чиқарувчи томонидан ЖКнинг 21-моддасида жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган вақт деб ҳисобланганлиги, шунингдек, башарти уни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилиши белгиланганлиги тўғридир. ✓

Адабиётларда кўрсатилганидек, қасднинг интеллектуал белгиларини жиноятнинг формал ва моддий таркибларида киёслаш қуйидаги ҳулоса қилишга имкон беради: уларнинг мазмуни турличадир. Жиноий оқибатлари бўлган таркибларда у анча тўлиқроқ бўлиб, у қилмишнинг ижтимоий хавфлилик характерини нафақат англашдан, балки ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан кўра билишдан иборатдир. Тўғри қасднинг интеллектуал белгиси содир этилаётган қилмишнинг ҳақиқий характери ва ижтимоий хавфлилигини тушуниш билан тавсифланади. Ижтимоий хавфли оқибатларни, шунингдек, интеллектуал белгининг таркибий қисмини олдиндан кўра билиш бу оқибатлар вужудга келиши муқаррарлигига ишонч ҳосил қилиш билан тавсифланади. Тўғри қасднинг иродали белгиси шахс томонидан ўз интеллектуал қобилиятлари ва имкониятларини қўйилган мақсадга эришиш бўйича ният ва истакларни амалга оширишга қаратилганлигидан иборатдир².

3 ✓ Пора олувчи қасдининг иродали жиҳати қонунга хилоф равишда ҳақ олиш истагидан иборат. Бу эса унинг пора берувчининг ўзига ваъда қилинган ва ўзи учун мақбул бўлган ҳаракатларни бажариш истаги билан боғлиқ мумкин бўлиши шарт эмас. Ҳатто мансабдор шахсда дастлаб бундай ҳаракатлар бажариш истаги ёки имконияти йўқлиги, башарти ҳақ мансабдор шахс томонидан олинган бўлса, пора олиш таркибини истисно этмайди.

¹ Злобьев Г.Д., Никифоров Б.С. Умысел и его формы. – М., 1972. – 105-бет.

² Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении. – Т., 1996. – 114-бет.

Мазкур жиноят қасддан, яъни ноқонуний наф кўриш мақсадида содир этилади. Бундай ғаразли мақсад мансабдор шахс олинган мол-мулкни ўзига керакли қандайдир ҳаракатлар бажарилиши ёки у ўзи тобе бўлган бошқа мансабдор шахсга топширишга ҳозир бўлган ҳолларда ҳам истисно этилмайди. Бунда пора олувчи олган ҳақни ўз хохишига кўра тасарруф этиб, порани бошқа мансабдор шахс топширади. Агар субъектда ғаразли мақсад бўлмаган ва айбдор шахс барча олинган мол-мулкни давлат ёки жамоат ташкилоти эҳтиёжларига сарф қилаётган бўлса, бошқа гап. Бу ерда порахўрликнинг асосий белгиси, мол-мулкни ўз фойдасига олиш мавжуд эмас. Айбдор шахснинг бу ҳоллардаги хатти-ҳаракатлари, бизнинг назаримизда, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш сифатида квалификация қилиниши керак. Шундай қилиб, пора беришнинг субъектив томони пора берувчининг у келтираётган моддий фойда мансабдор шахснинг хизмат фаолиятига ноқонуний ҳақ тўлаш эканлигини англаш, шунингдек, бундай ҳаракатлар содир этиш истаги билан тавсифланади.

Пора берувчи қасдининг мазмуни. Пора бериш, шунингдек, уни олиш – тўғри қасд билан содир этиладиган жиноятдир. Пора берувчи пора бериш объекти ва объектив томонини тавсифлайдиган асосий белгиларни, яъни: а) моддий фойда мансабдор шахсга пора берувчининг манфаатларида хизмат ҳаракатлари содир этилиши ёки содир этилмаслиги учун берилаётганини; б) мансабдор шахс хизмат фаолиятига ҳақ тўлаш ноқонунийлигини, яъни мансабдор шахслар хизмат фаолиятига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳақ тўлашнинг оммавий-ҳуқуқий характери бузаётганлигини англайди ва истайди. Мансабдор шахсга пора берувчининг манфаатларида хизмат ҳаракатларини содир этиш ёки содир этмаслик учун моддий фойда келтириш пора беришнинг объектив томонини тавсифловчи зарур белги ҳисобланар экан, пора берувчи томонидан бу ҳолатларни англаш ҳам бундай жиноят таркиби учун мажбурийдир.

Пора берувчининг бу ҳолатларнинг жиҳатларини англаши талаб этилмайди. Пора берувчи порани «керакли одамга» «зарур ҳамма нарсани» қилиш учун пора топширишни ўз

зиммасига олган воситачи орқали ҳаракат қилиб, у айнан қайси мансабдор шахсга пора топширилишини ва айнан қандай хизмат ҳаракатлари содир этилишини билмаслиги ҳам мумкин. Пора бериш таркиби учун бундай ҳолатларни умумий жиҳатларда, чунончи мансабдор шахсга унинг хизмат фаолиятига ҳақ тўлаш сифатида моддий фойда берилишини англаш етарлидир.

Моддий фойда мансабдор бўлмаган шахс томонидан кўрилганлиги ёки мансабдор шахснинг у эгаллаган хизмат мавқеи билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатлар содир этилиши учун фойда кўрилганлиги, шунингдек, пора берувчи мансабдор шахсга унинг хизмат фаолиятига ҳақ тўлаш сифатида моддий фойда келтираётганини англамаганлиги пора бериш таркибини истисно этади. Ва аксинча, моддий фойда мансабдор деб хато ҳисобланган шахс томонидан кўрилганлиги ёки муайян ҳаракатлар содир этиш эвазига келтирилганлиги пора бериш учун жавобгарликни истисно этмайди, шунингдек, жиноят таркибининг бошқа қисмлари мавжуд бўлган тақдирда бундай жиноят содир этишга суиқасд деб кўрилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддасида пора берувчи кўзлайдиган мақсадлар айтилмайди. Шунга қарамасдан пора берувчида муайян мақсадлар борлиги шубҳа туғдирмайди. Пора беришнинг маъноси шахснинг хизмат фаолиятини муайян йўналишда тўғрилаш йўли билан ўз мақсадига эришишдан иборат. Шахсга моддий фойда ўз навбатида унинг хизмат фаолиятидан қандайдир фойда кўриш мақсадисиз келтирилиши пора бериш сифатида кўрилмайди. Чунки пора тушунчаси билан бу жиноятни, шу жумладан мансабдор шахс хизмат фаолиятидан қандайдир фойда кўришни тавсифловчи барча белгилар йиғиндиси қамраб олинади. У нимада ифода этилади? Авваламбор, шуни таъкидлаш лозимки, фойда кўриш мақсадини кўзлайдиган пора олувчидан фарқли ўлароқ пора берувчининг манфаатлари турли бўлиши мумкин. Пора шахснинг хизмат фаолиятидан қандайдир моддий фойда кўриш учунгина эмас, балки ўз субъектив мақсадларини қондириш учун ҳам берилиши мумкин. Масалан, матбуотда исталган тақриз эълон қилиниши учун, ижобий тавсифнома берилиши учун, рағбатлантиришга тақдим қилиш учун ва ҳоказо.

Пора берувчининг шахсий манфаатлари, у томонидан ҳимоя қилинадиган қариндошларининг, ўртоқларининг манфаатлари, шунингдек, у вакили бўлган ташкилот, муассаса, корхонанинг деб хато тушуниладиган манфаатлари пора берувчининг манфаатлари деб эътироф этилади.

Пора бир ташкилот вакили томонидан бошқа ташкилотда ишлайдиган пора олувчига топширилган ҳолларда давлат ёки жамоат воситалари пора предмети бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда жавобгарлик тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарори 4-бандига мувофиқ пора бериш ва ўзганинг мол-мулкани талон-тарож қилиш сифатида ҳал қилиниши лозим.

Пора беришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, пора берувчи ўз мақсадига фаолияти қандайдир мансабдорлик жинояти белгиларидан иборат бўлиши мумкин бўлган мансабдор шахс орқали эришади. Шу муносабат билан била туриб мансабдорлик жинояти содир этиш учун пора берилган тақдирда пора берувчи жавобгарлигининг ҳажми тўғрисидаги масала юзага келади.

Пора учун мансабдорлик жинояти содир этган мансабдор шахс жавобгарлигининг ҳажми тўғрисидаги масала шубҳа туғдирмайди, чунки бундай хатти-ҳаракатлар пора олиш ва пора учун содир этилган жиноятларнинг ҳақиқий мажмуаси қоидаларига кўра квалификация қилиниши лозим.

Била туриб мансабдорлик жинояти содир этиш учун пора берилган тақдирда пора берувчининг жавобгарлигига келсак, жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд амалиёти бундай ҳолларда пора берувчиларнинг жавобгарлигини ЖКнинг фақат пора бериш тўғрисидаги моддалари бўйича чеклаш йўлидан боради.

Айни вақтда, агар шахс мансабдор шахсни хизмат бўйича жиноят содир этишга ҳақ эвазига оғдириш орқали эмас, балки бошқа воситалар ёрдамида, масалан, илтимос қилиш, уни тўғри йўлдан оздириш, таҳдид қилиш ва ҳ.к. орқали мажбурласа, мансабдор шахс томонидан содир этилган жиноятда бу шахснинг иштирокчилиги (далолатчилиги) учун жавобгарлик шубҳа туғдирмайди.

Пора бериш, пора олиш субъектив томонининг ўзига хос хусусиятлари. Пора бериш ва олиш, таъкидлаганимиздек, ўз юридик табиатига кўра иштирокчиликнинг зарур шакли ҳисобланади. Бу жинойт субъектларининг фаолияти шундай маҳкам ўзаро боғланганки, шундай бир-бирини тўлдирадики, бир бутуннинг, яъни икки шахс томонидан содир этиладиган пора бериш-олишнинг, ягона жинойтнинг қисми ҳисобланади.

Пора берувчи ва пора олувчи фаолиятларининг бевосита ва ўзаро боғлиқлиги айниқса бу жинойтнинг субъектив томонида кўринади.

Пора олиш-бериш субъектлари қасдининг мазмуни, айтиб ўтилганидек, келтириладиган ва кўриладиган фойда мансабдор шахснинг пора берувчи манфаатларида йўналтириладиган хизмат фаолиятига ноқонуний ҳақ тўлаш ҳисобланганини англашдан иборатдир. Бу жинойт субъектив томонининг ўзига хос хусусияти шундаки, пора берувчи шахс томонидан яратиладиган ҳолатлар пора олувчи шахс томонидан англаниши лозим ва аксинча. Субъектлардан бири порахўрлик бошқа субъекти хатти-ҳаракатларининг субъектив томонини тавсифловчи биронта таркибий қисмини англамаса, пора олиш-беришнинг таркиби истисно этилади.

Агар пора беришнинг субъектив томонини тавсифловчи ҳолатлар фақат пора берувчи томонидан англаниб, моддий фойда кўраётган шахс эса уларни англамаса, пора берувчининг хатти-ҳаракатлари фақат пора беришга суиқасд қилиш деб кўрилиши мумкин. Пора берувчи пора олишнинг субъектив томонини тавсифловчи ҳолатларни англамаса ва улар фақат моддий фойда кўраётган мансабдор шахс томонидан англанса, мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларига пора олиш сифатида қараш мумкин эмас.

Агар шахс бошқа шахсга кемада саёҳатга бориши учун ўз йўлланмасини бергани учун маълум суммадаги пулларни тўласа, пулларни олган шахс эса келишувга кўра ўз йўлланмасини бермасдан, балки ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда унга сотиб олинган бошқа йўлланмани топширса, бу ҳолда мансаб-

дор шахснинг хатти-ҳаракатлари пора олиш эмас, балки хизмат мавқеини суиистеъмом қилиш деб кўрилиши керак.

Шунингдек, мансабдор шахс шахсларни янглиштириш орқали фойда кўрганда унинг хатти-ҳаракатларини ҳам квалификация қилиш лозим.

Пора олиш-бериш муайян келишувга асосланган ўзига хос шартнома ҳисобланиб, унга кўра бир шахс (пора берувчи) бошқа шахсга моддий фойда келтиради, бошқа шахс (пора олувчи) эса пора берувчи манфаатларида шартлашилган хизмат ҳаракатларини содир этиш ёки содир этмаслик учун ҳақ тўлаш сифатида фойда кўради. Субъектларнинг бу жиноят таркибини ташкил қиладиган ҳаракатларнинг бажарилишини нафақат англаётгани, балки истаётгани ҳам бундай ўзаро фойдали жиноий битимнинг зарур шarti ҳисобланади.

Шунинг учун пора олиш-беришнинг таркиби пора берувчи мазкур таркибни ташкил қиладиган ҳаракатларни нафақат англаган, балки истаган тақдирдагина мавжуддир. Бу ҳаракатларни содир этиш истаги бўлмаганида (масалан, мансабдор шахс томонидан товламачилик натижасида пора берилганда) пора олиш-беришнинг таркиби мавжуд эмас. Чунки ЖКнинг 211-моддаси 4-қисмига биноан пора берган шахс, башарти унга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса, жавобгарликдан озод этилади. Талаб қилинган ҳақни қабул қилувчи шахснинг хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 210-моддаси 2-қисмининг «в» банди билан квалификация қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-моддасининг 4-қисмида жиноий жавобгарликдан озод этишнинг иккита асоси назарда тутилган, унга кўра, пора берувчига нисбатан пора сўраб товламачилик қилган бўлса ёки мазкур шахс жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Айни вақтда юридик адабиётда бу шартларни қўллаш мақсадга мувофиқлиги хусусида айрим мулоҳазалар мавжуд. Масалан, Л.Лобанова ҳисоблаганидек, ихтиёрий арз қилиш жиноий жавобгарликдан озод қилиш асоси бўлиб хизмат қилиши мум-

кин эмас, чунки пора берувчининг арз қилиши ҳамма вақтда ҳам чин кўнгилдан пушаймон бўлишга баробар эмас.

Мазкур шахсни содир этилган қилмиш ҳақида арз қилишга ундаган мотивлар, масалан, жавобгарликдан қочиш, ваъдани бажармаган ёки пора берувчи хоҳлаганидек бажармаган пора олувчидан қасос олиш нияти билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай шароитларда жиноий жавобгарликдан озод этилган шахс ўз хатти-ҳаракатларини такрорлашдан воз кечишига ҳеч қандай кафолатлар йўқ¹.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бундай жиноятларни очиш ва тергов қилиш мураккаблиги туфайли жиноятни очиш ва тергов қилишга фаол кўмаклашган ҳолда пора бериш тўғрисида ихтиёрий арз қилганлик, пора берувчи томонидан пора олувчи унинг манфаатида содир этган ҳар қандай ҳаракатдан фойдаланмаганлик, шунингдек, порахўрликнинг энг хавфли иштирокчиси ҳисобланмиш мансабдор шахс – пора олувчини аниқлаш факти бўйича қонун чиқарувчининг нуқтаи назари, бизнингча, тўғридир.

Бундан ташқари, Л.Лобанованинг фикрига кўра, қонун чиқарувчининг пора беришга товламачилик йўли билан мажбур этилганида шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг иккинчи асосини таърифлашга доир ёндашуви мутлақо нотўғри. Чунки айнан бир қилмиш учун жиноий жавобгар бўлиш ва жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлиш мумкин эмас. Шу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаган ҳолда, бизнингча, жиноий жавобгарликдан озод этишнинг асослари фақат жиноят содир этилганидан кейин юзага келган ҳолатларгина бўлиши мумкин, қолганлари эса жиноят содир этилган пайтда таҳлил этилаётган товламачилик факти сифатида рўй берган ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида ҳисобга олиниши керак.

Айтилганларни инобатга олган ҳолда товламачилик йўли билан пора беришни талаб қилишда жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига айрим қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Л.Лобанова, В.Леонтьевский «Стоит ли освобождать взяточника от уголовной ответственности?» Российская юстиция, 2001, № 11.

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан товламачилик йўли билан пора беришни талаб қилишда жавобгарликдан озод қилиш учун умуман содир этилган қилмиш тўғрисида ҳеч қандай ариза талаб этилмайди. Товламачилик йўли билан пора талаб қилишда пора берувчилар товламачилик фактининг ўзига кўра жавобгарликдан автоматик равишда озод этиладилар.

Бундай ҳолатларда пора берувчиларни жавобгарликдан автоматик равишда озод этиб қонун чиқарувчи, эҳтимол уларни жабрланувчилар сифатида кўради. Бу тўғримикин? Ҳақиқатан ҳам бу шахслар жиноятдан жабрланганми?

Товламачи талаб қилган порани бераётган шахс бу жиноятдан маълум зарар кўраётганини инкор этиш мумкин эмас. Лекин у жабрланган ҳисобланади деганими? Ўз ташаббусига кўра пора берувчи шахс ҳам айнан шундай (моддий ва маънавий) зарар кўрмайдими? Шу билан бирга кимдadir унинг хатти-ҳаракатлари жиноийлигига ва жазоланиши лозимлигига шубҳа туғилмайдими? Пора берган шахсни (ҳатто пора товламачи томонидан талаб қилинган бўлсада) ўғрилиқ ёки босқинчиликдан жабрланган шахс билан (гарчи уларнинг ҳар бирига муайян моддий зарар келтирилган бўлса) таққослаш мумкинми? Равшанки, босқинчиликдан жабрланган шахс ва товламачи талаб қилган порани берган шахс мутлақо бир-бирига ўхшамайди.

Маълумки, порахўрликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, пора пора берувчи манфаатларида қандайдир хизмат ҳаракатлари содир этиш ёки содир этмаслик учун берилади. Рухий мажбурлаш натижасида, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган, ҳар қандай жиноятда товламачилик қилинганида ҳолат ўзгармайди. Хусусан таҳдид таъсири остида товламачилик қилинганида умумий қоидага кўра уни содир этган шахснинг жавобгарлиги истисно этилмайди, чунки рухий мажбурлаш таъсири остида содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун жавобгарлик бу ҳаракат ёки ҳаракатсизлик охириги зарурат ҳолатида содир этилган деб эътироф этилгандагина истисно этилиши мумкин. Порахўрликда нима ўзгаради? Нима учун пора берган (яъни жиноят содир этган) шахс товламачилик (яъни рухий мажбурлаш) натижасида содир этган жинояти учун жиноий жавобгар бўлмаслиги керак?

Бу саволга асосли жавоб тополмаймиз. Пора товламачилик йўли билан талаб қилинган шахс, башарти у бунда ўзи учун қандайдир фойда кўзламаган бўлса, порани бермас эди. Агар у талаб қилинаётган порани бериб, бу ҳолатни ҳатто яшираётган бўлса, унинг бундан манфаатдорлиги шубҳа туғдирмайди. Бу жинойий битимдан у (ҳеч бўлмаса билвосита) манфаатдор бўлса, жинойятнинг содир этилишида айбдор бўлади. Чунки жабрланувчи ўзига қарши содир этилаётган жинойятдан манфаатдор бўлишининг зарурати йўқ.

Агар мансабдор шахс талаб этган порани берган шахс бу ҳолатни яширса, демак у ўзини жабрланувчи деб ҳисобламайди, чунки жабрланувчи ҳеч нарсани яширмайди. Шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларида бўлганидек, уни сунъий равишда жабрланувчи қилиш лозим эмас.

Товламачилик натижасида пора берган шахсларни автоматик равишда жавобгарликдан озод қилиш жинойий жавобгарликдан озод этиш шартлари вазифаларининг нуқтаи назаридан ҳам нотўғри. Чунки бу унга нафақат мос эмас, балки зиддир.

Товламачи талаб қилган порани берган шахсларни жавобгарликдан автоматик равишда озод этишда пора берувчи амалдаги қонун ҳужжатларига биноан жинойятчи эмас, балки «жабрланувчи» эканлигини билиб, содир этган жинойяти учун жавобгарликдан қўрқмайди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бу тўғрида арз қилиш орқали жавобгарликни ўзидан соқит қилиш ҳақида ўйламайди, натижада жинойят очилмай қолади. Ва аксинча, агар пора берувчи ўзини «жабрланувчи» деб ҳисобламасдан, ўзига маълум бўлган жинойят ҳақида хабар беришни ўз ҳуқуқий вази-фаси деб билса, бу жинойят очилган бўларди. Масаланинг бундай қўйилиши порахўрлик тўғрисидаги ишлар очилишини анча енгиллаштирар эди.

Товламачилик натижасида пора берган шахсларни жавобгарликдан автоматик равишда озод этиш бошқа фикрларга кўра ҳам асоссиздир.

Мансабдор шахснинг фаолиятини унда товламачилик белгилари мавжудлиги нуқтаи назаридан баҳолаш суд муҳокамасининг мураккаб масалаларидан биридир. Порани товламачилик йўли билан талаб қилишда, яъни квалификация қилинган тур-

даги жиноятни содир этганликда айбдор мансабдор шахс қаттиқроқ жавобгарликдан қочиш мақсадида аксарият ҳолларда товламачилик фактини инкор этишга ўринади. Пора берганликда айбланаётган шахс эса бунинг аксини таъкидлашга ҳаракат қилади. Чунки у жавобгарликка тортилса, у жазодан қочишнинг фақат битта имкониятига, яъни у товламачилик «қурбони» эканлигини таъкидлаш имкониятига эга бўлади.

Ушбу энг қийин исботланадиган ва айни вақтда ўта жиддий ҳолатни аниқлаш одатда тарафлар курашида ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан ўрганиш орқали амалга оширилади. Бу масала бўйича якуний хулосалар суд ҳукмида баён этилади. Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан суднинг бу ўта мураккаб ва масъулиятли вазифаси. Аслида у терговчи томонидан ишнинг дастлабки тергов қилиниши босқичида бажарилади. Терговчининг якка ўзи ўз хохишига кўра бу масалани ҳал қилади. Бунда терговчининг хато қилиши, шунингдек, унинг холис эмаслиги эҳтимоли истисно этилмайди. Буларнинг барчаси суд томонидан тўғриланади, лекин бу хатоларни тузатишга, айниқса терговчи томонидан «жабрланувчилар» деб эътироф этилган пора берувчиларни жавобгарликка тортиш зарурати билан боғлиқ ҳолда ишнинг қўшимча терговга юборилганида вақт ва меҳнат сарфланади.

Баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш керакки, амалдаги жиноят қонунда белгиланган товламачилик оқибатида пора берган шахсларни жавобгарликдан автоматик равишда озод қилиш тўғри, порахўрлик тўғрисидаги ишларни максимал очиш талабларига жавоб беради деб эътироф этиш мумкин эмас. Порахўрликка қарши курашнинг манфаатлари мансабдор шахснинг товламачилиги натижасида пора берган шахсларни жавобгарликдан Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган асослардагина озод этишни тақозо қилади. Яъни «башарти шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ёки бу шахс талаб қилинган ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, бундай шахс жавобгарликдан озод этилади».

Пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг субъектив томони. Пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг объектив томонини тавсифловчи жиҳатларни таҳлил қилиб биз кўрсатган эдикки, пора бериш-олишда воситачилик порахўрликда иштирокчилиқнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Воситачи ўз ҳаракатлари билан пора олиш-бериш содир этилишининг ҳақиқий имкониятини яратади ёки порахўрлик субъектлари ўртасида келишувга эришишга кўмаклашади.

Пора бериш-олишда воситачилик қилиш тўғри қасд билан содир этиладиган жиноят. Шунинг учун субъектив томондан воситачининг фаолияти ушбу жиноят таркибини ташкил қилувчи ҳаракатлар содир этишни англаганлик ва истаганлик билан тавсифланади. Воситачи порахўрликнинг бўлажак субъектларини «одамгарчилиги зўр» ва «ишончли» кишилар деб тавсия қилган, учрашувлар ташкил этган, бу шахсларни таништирган ва бу жиноят содир этиш юзасидан музокараларда қатнашган ҳолда ўз хатти-ҳаракатлари билан пора олиш-бериш содир этилишига кўмаклашаётганини ва бунинг содир этилишини истаётганини англайди. Шахсда бу ҳолатни англаш йўқлиги айбдорликни ва шу тариқа воситачилик учун жавобгарликни истисно этади.

Масалан, агар фуқаро А. ўз таниши бўлмиш, фуқаро Б. илтимосига кўра уни фуқаро В. билан таништириб, бунда ўз хатти-ҳаракатлари билан у аслида пора олиш-бериш содир этилишига кўмаклашганлигини англамаган бўлса, унда фуқаро А. хатти-ҳаракатларида пора олиш-беришда воситачилик қилиш таркиби бўлмайди.

Пора бериш-олишда воситачилик қилишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, воситачи – бу бошқа шахслар, хусусан пора берувчилар ташаббуси ва топшириғига кўра ҳаракат қиладиган шахсдир. Шунинг учун бошқа шахсни пора олиш ёки беришга ундаган ва сўнгра воситачи ролида бўлган шахс пора олиш-беришда воситачилик қилгани учун эмас, балки пора бериш ёки олишда иштирокчилиқ (далолатчилиқ) учун унинг мақсадини, ким томонида ва кимнинг ташаббуси билан

ҳаракат қилаётганини ҳисобга олган ҳолда жинойй жавобгарликка тортилиши лозим¹.

Порахўрлик субъектларига кўмаклашишда воситачи кўзланган мақсади турли бўлиши мумкин ва жинойят таркиби учун аҳамиятга эга эмас. Воситачи «ўртоқчилик ёрдами» кўрсатиш мақсадида қасддан ҳаракат қилиши ҳам мумкин.

Суд амалиётида мансабдор шахсга пора сифатида топшириш учун олинган сумманинг бир қисми аслида воситачи томонидан ўзлаштирилган ҳоллар (сохта воситачилик) учрайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 15-бандига мувофиқ бу қилмиш фирибгарлик деб квалификация қилиниши керак. Бойликларни қўлга киритиш мақсадида пора берувчи улар томонидан пора беришга оғдирилган тақдирда, айбдорнинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга қизиқтирувчи тариқасида кўшимча тавсифланиши керак. Пора берувчининг ҳаракати бундай ҳолларда пора беришга суиқасд деб тавсифланиши лозим бўлади. Бу ўринда пора берилиши мўлжалланган муайян мансабдор шахс айтилган-айтилмаганлигининг аҳамияти бўлмайди².

Шундай қилиб, пора олиш-беришда воситачилик қилиш субъектив томондан шахснинг ўз хатти-ҳаракатлари билан пора олиш-бериш содир этилишининг имкониятини амалда яратаётганини ёки бу жинойй келишув тузилишига кўмаклашаётганини англаши, шунингдек, бу ҳаракатлар содир этилишини исташи билан тавсифланади.

ИҒВО. Амалдаги жинойят қонун ҳужжатларида жинойят иғворгарларининг жавобгарлиги тўғрисида махсус норма йўқ. Уларнинг хатти-ҳаракатлари муайян ҳолатларга кўра одатда иғво қилинаётган жинойят содир этишга далолатчилик қилиш сифатида, айрим ҳолларда эса, башарти иғво мансабдор шахс томонидан у эгаллаб турган хизмат мавқеи муносабати билан содир этилса, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш (ЖК 205-м.) ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-м.) тарзида квалификация қилинади.

¹ «Қонун номи билан», 1999, № 3-4, 22-26-бет.

² «Қонун номи билан», 1999, № 3-4, 22-бет.

Шу маънода порахўрликка қарши кураш тарихи истисно ҳисобланади. Пора иғвоси учун жиноий жавобгарлик РСФСР қонунларида белгиланган эди. РСФСРнинг 1926 йилги жиноят қонунида шундай новелла бўлардики, унга кўра нафақат пора бериш иғвоси, балки пора олиш иғвоси, яъни пора олувчини кейинчалик фош этиш мақсадида пора бериш ҳам жиноий таъқиб қилиниши лозим эди. Ундан кейин пора иғвоси бошқа республикаларнинг ЖКларига киритилган эди, Ўзбекистон ва Тожикистон ЖК бундан мустасно. Ҳозирги пайтда пора иғвоси учун жиноий жавобгарлик МДХ давлатларида фақат Россия жиноят қонунида назарда тутилган.

Бизнинг фикримизга кўра, Россия қонун чиқарувчисининг бундай нуқтаи назари тўғри эмас. Жиноят ҳуқуқи назариясида порахўрликда пора бериш, пора олиш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг объектлари бир хил, деган ягона фикр мавжуд. Пора иғвосида, яъни жиноятни содир этган шахсни фош этиш мақсадида жиноятни сунъий равишда вужудга келтиришда иғвогар-мансабдор шахснинг фаолияти ҳақидаги оммавий-ҳуқуқий тусдаги йўлдан оздиришдан иборат эмас. Бу фаолият одил судлов нормал фаолиятига ва унга пора олиш учун иғво қилинган манфаатларга бевосита зарар келтиради. Бундан ташқари, бу махсус норма билан бирга жиноят қонун ҳужжатларида айбсиз бўлган шахсни жавобгарликка тортиш, ноқонуний ушлаш ёки хибсга олиш, кўрсатувлар беришга мажбурлаш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Россия жиноят қонуни 250 дан кўпроқ жиноят таркибини назарда тутди ва фақат уларнинг иккитаси бўйича (пора бериш ва мансабдор шахсни тижорат мақсадида ҳақ бериш эвазига оғдириш) бу жиноятлар «иғвоси» учун жавобгарлик белгиланган.

1.5 Жиноят субъекти

Порахўрлик – мураккаб жиноий фаолият бўлиб, унинг хусусияти жиноятнинг иккита, воситачини ҳисобга олганда эса урта субъекти мавжудлигидан иборат. Уларнинг биргаликдаги фаолияти тугалланган жиноятни – пора бериш-олишни ташкил қилади.

Порахўрлик субъекти 16 ёшга тўлган, ақли расо шахс бўлиши мумкин. Агар ҳар қандай шахс пора берувчи ёки пора олиш-беришда воситачи бўлиши мумкин бўлса, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддасига биноан пора олиш фақат мансабдор шахс томонидан содир этилиши мумкин.

Амалиётда пора олишнинг субъекти ҳақидаги масалани ҳал қилишда баъзан қийинчиликлар юзага келади. Уни нотўғри таърифлаш кўпинча суд хатоларига олиб келади, бу эса пора олиш субъектларини таърифлаш билан боғлиқ масалаларни янада назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш заруратидан дарак беради. Жиноят қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш заруратини белгилайдиган омиллар орасида мансаб жиноятлари учун жавобгарликни назарда тутадиган нормаларни Ўзбекистонда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда мувофиқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мансабдорлик жиноятларининг субъекти муаммоси долзарблиги шу билан ҳам белгиланадики, жамият илмий-техникавий инқилоб асрида бошқарув фаолияти мураккаблашаётганлиги, хизматчи ҳамда ишчилар, ишлаб чиқариш ҳамда давлат аппарати ва бошқа тоифадаги ходимларнинг ваколатлари доимий равишда кенгайиб бориши кузатилмоқда.

Жиноят қонун ҳужжатларида, жиноят-ҳуқуқий адабиётда жиноят субъектининг умумий белгиларини таърифлашга кўп эътибор берилади. Улар одатда юридик ва ижтимоий-психологик белгиларга ажратилади¹.

Мансабдорлик жинояти умумий тушунчасининг асосини, юқорида айтилганидек, субъект хусусиятини – унинг ҳуқуқий мақомини, давлат-ҳокимият муносабатлари тизимидаги алоҳида ҳолатини тасдиқлайдиган белгилар ташкил қилади. Бундай жиноятнинг субъекти Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 17-18-моддаларида таърифланган, уни махсус субъектлар тоифасига киритишга имкон берадиган белгилардан ташқари бир қанча қўшимча белгилар билан тавсифланади.

¹ Лазарев А.М. Субъект преступления. – М.: ВЮЗИ, 1981; Лейкипна М.С. Личность преступника и уголовная ответственность. – Л.: ЛГУ, 1968; Рашковская Ш.С. Субъект преступления. – М.: ВЮЗИ, 1960; Квициния А.К. Взятничество и борьба с ним. – Сухуми: Алашара, 1980; Волженкин Б.В. К вопросу о субъекте коррупционных правонарушений. Актуальные проблемы борьбы с коррупцией и организованной преступностью в сфере экономики. Материалы научно-практической конференции. – М., 1995. – 50-57-бетлар ва бошқлар.

Жинойят содир этилган пайтда 18 ёшга тўлган шахс Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 17-моддасига мувофиқ мансабдорлик жинойятларининг субъекти бўлиши мумкин. Шахснинг жинойий жавобгар бўладиган ёшга етганлиги қонунда бу ёшда шахс содир этган жинойятнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини қанчалик тўғри баҳолаши, давлат ёки жамият бошқаруви соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларга етказиладиган зарарни қанчалик англаши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, охириги уч йилда ёши йигирмадан кам бўлган шахсларни жинойий жавобгарликка тортишнинг биронта ҳолати бўлмаган. Умуман олганда республика судлари томонидан порахўрлик учун жинойий жавобгарликка тортилган шахслар ёши бўйича қуйидагича тавсифланади: 18-20 ёшдагилар - 1,6%; 20-24 ёшдагилар - 4,6%; 25-29 ёшдагилар - 45,3%; 30-49 ёшдагилар - 31,7%; 50 дан катта ёшдагилар - 16,8%.

Шахсни жинойий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун ақли расолик белгиси муҳим аҳамият касб этади¹.

Шуни айтиш керакки, пора олиш содир этилиши ақли норасо бўлган шахслар учун хос бўлган ижтимоий хавфли қилмишларга кирмайди. Шунга қарамасдан мансабдорлик жинойяти ҳисобланган қилмиш айбдор ўз олдига қўйган мақсадлар мантиққа тўғри келмаслиги, эришолмаслиги ёки мутлақо қилмишга хос эмаслиги билан тавсифланса, бу ҳолда унинг ақли расолиги ҳақидаги масалани аниқлаш учун қонунда назарда тутилган чоралар кўрилиши керак.

Мансабдор шахс пора олишнинг субъекти бўлиши мумкин бўлиб, унинг тушунчаси Жинойят кодексининг саккизинчи бўлимида ёритилган. У ташкилий бошқарув ва маъмурий-хўжалик ваколатларига эга бўлган, аммо жавобгар мансабдор шахс ваколатига эга бўлмаган шахс сифатида белгиланади.

Бу норманинг таҳлили мансабдор шахснинг асосий баҳолаш белгиларини ажратишга имкон беради. Улар қуйидаги тарзда вазифаларни бажаришдан иборатдир:

¹ Лунц О.Р. Проблема невменяемости в теории и практике судебной психиатрии. – М.: Медицина, 1996.

а) ташкилий бошқарув ёки маъмурий-хўжалик тусидаги ҳаракатлар сифатида;

б) доимо ёки вақтинча;

в) ҳақ эвазига ёки ҳақ олмасдан;

г) алоҳида топшириққа кўра;

д) тайинланганлиги ёки сайланганлиги тўғрисида.

Санаб ўтилган белгиларнинг ҳар бирини таҳлил қиламиз.

Корхона, ташкилот, муассаса аппарати бошқарувнинг турли вазифаларини бажаради. А.В.Галахова одилона таъкидлаганидек, мансабдор шахсни таърифлашда бошқарув вазифаларини, яъни маъмурий бошқарув ва ташкилий-хўжалик вазифаларини кўрсатиш «моддий» белги (кенг маънода) ҳисобланади¹. Шахсда бундай вазифалар бўлмаган тақдирда уни мансабдор деб топиш истисно этилади. Бундай ҳуқуқлар, ваколатлар, вазифаларнинг асосий негизи шахснинг муайян мансабга эга эканлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси мансабга эгалликни мансабдор шахснинг белгиси сифатида тўғридан-тўғри кўрсатмайди. Шу маънода биз А.А.Пионтковский фикрига қўшиламиз. Унинг фикрига кўра, қонун чиқарувчи бу билан қуйидаги тафтологик фикрни такрорлашдан қочган: «Мансабдор шахс – бу мансабга эга бўлган шахсдир»².

Юридик адабиётда мансабдор шахс тушунчасини асоссиз кенгайтиришга уринишлар учрайди. Масалан, Н.И.Коржанский мансабдор шахслар қаторига «рахбарлик лавозимларини эгалламаган, лекин ташкилот номидан фуқаролар ёки давлат ё жамоат ташкилотлари учун муайян ҳуқуқлар ёхуд мажбуриятларни вужудга келтирадиган, юридик аҳамиятли ҳаракатлар содир этишга ваколатли бўлган шахсларни киритади»³. Унинг фикрига кўра, бу мансабдорлик жиноятлари учун ўз маъмурий-бошқарув ёки ташкилий-хўжалик вазифаларини бажармаган шифокорлар, сотувчилар, ўқитувчилар ва бошқа шахсларни жинойий жавобгарликка тортиш имконини беради. Мансабдор

¹ Галахова А.В. Должностные преступления. – М.: Российская правовая академия, 1998. – 6-7-бетлар.

² Пионтковский А.А. Курс советского уголовного права. Т. 6. – М., 1971. – 15-бет.

³ Коржанский Н.И. Понятие должностного лица. «Советская юстиция», № 21. – 10-бет; Здравомыслов Б.В. Должностные преступления. – М. 1965. – 32-бет; Махонин В.М. Служба и служащие в Российской Федерации: правовое регулирование. – М., 1997. – 39-бет; Новоселов В.И. Должностные лица организации. // Становление правового порядка в Российском государстве: реальность и перспектива. – Саратов, 1995. – 90-92-бетлар.

Шахсларни эътироф этиш чегарасини йўқ қиладиган бундай тахмин билан рози бўлиш мумкин эмас. Бунда умуман мансабдорлик жиноятининг хусусияти йўқолади, қонун ҳужжатларида унинг юқори ижтимоий хавфлилиги ўз аксини топмайди.

➤ / Шахсни мансабдор, деб топиш учун унинг зиммасига юкланган ваколатларини ижро этишдаги вақт оралиқлари, яъни у мансабни доимо ёки вақтинча эгаллаши аҳамиятга эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарорида айтилганидек, жиноий жавобгарликка фақат давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик вазифасини доимий ёки вақтинчалик бажараётган ходимлар тортиладилар. Ҳозирги пайтда фуқаро жамоат комиссияси аъзоси бўлганда ва Балиқназорат, Овчилар жамияти инспектори ёрдамчиси, судда халқ маслаҳатчиси ва шу каби вазифаларни бажарганда мансабдор шахс вазифаларини вақтинча ижро этиш ҳисобланади. Бу вазифалар бажарилмаган тақдирда у ҳокимият ваколатларига эга эмас ва шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш борасида у содир этган қилмиш ЖКнинг мансабдорлик жиноятлари тўғрисидаги моддалари бўйича квалификация қилиниши мумкин эмас.

✓ Қонунчилик ва амалиёт ўз вазифаларини ҳақ эвазига ёки ҳақ олмасдан бажараётган мансабдор шахсларни фарқламайди. Мансаби бўйича ўз вазифаларини бажарганлиги учун аксарият мансабдор шахслар иш ҳақи оладилар. Лекин мансабдор деб эътироф этиладиган шахслар тоифаси ҳам борки, улар ҳақ олмасдан давлат ишлари бошқарувида фаол иштирок этадилар. Бу сайланидиган жамоат ташкилотларининг ходимлари, суд маслаҳатчилари, ҳокимлик комиссияларининг жамоат аъзолари ва бошқалар. ▽

Мансабдор шахслар тайинлаш бўйича ёки сайланиш натижасида тегишли мансабга эга бўладилар. Саноат, савдо, маориф, соғлиқни сақлаш корхона, муассаса ва ташкилотларининг раҳбарлари одатда тегишли буйруқ билан тайинланадилар. Ҳозирги вақтда улар меҳнат жамоалари томонидан сайланишлари ҳам мумкин.

Амалиётда тегишли лавозимларга тайинланган бўлса ҳам аслида мансабдор шахс вазифаларини бажараётган шахсларни мансабдорлик жиноятларининг субъектлари деб эътироф этиш тўғрисидаги масала қийинчилик туғдиради. Башарти улар ташкилий бошқарув ёки маъмурий-хўжалик мажбуриятларини, шунингдек, махсус ваколати бўйича ҳокимият вакилларининг вазифаларини бажараётган бўлсалар, улар мансабдор шахслар деб эътироф этилиши мумкин.

Муайян шароитларда шахснинг асосий эгаллаб турган лавозими (ишчилар, муҳандис-техник ходимлар) уни мансабдор деб эътироф этишга имкон бермаслиги муносабати билан зиммаларига мансаб мажбуриятларини бажаришга доир махсус ваколатлари юкланадиган шахслар мансабдор ҳисобланиши мумкин. Бундан ташқари, улар сирасига асосий эгаллаб турган лавозими муносабати билан боғлиқ бўлмаган мансаб вазифаларини бажаришга махсус ваколат зиммаларига юкланадиган шахсларни ҳам киритиш лозим (жамоат назоратчилари, инспекторлар, тафтишчилар, халқ маслаҳатчилари). Пенсияонерлар ҳам мансабдор шахслар деб эътироф этилиши мумкин.

Махсус ваколатларни шунга ваколатли бўлган органлар ёки мансабдор шахслар (одатда раҳбарлар), меҳнат жамоалари (умумий мажлиси) беради. Махсус ваколат буйруқ, меҳнат шартномаси, ишончнома, меҳнат жамоаси қарори ва шу каби ҳужжатлар орқали расмийлаштирилади.

Башарти: а) махсус ваколатнинг муддати тугаган бўлса; б) ваколат берилишига мўлжалланган топшириқ бажарилган бўлса; в) бундай ваколат берган шахс ёки ташкилот уни бекор қилган бўлса, махсус ваколат амал қилиши тугайди.

В.В.Здравомыслов ёзишича, «махсус ваколатлар муайян лавозимни эгалламаган ҳолда мансаб тусидаги бир мартали деб расмийлаштирилган топшириқлар бажарилишини ёки махсус ҳуқуқий ҳужжат (буйруқ, меҳнат шартномаси, ишончнома) асосида мансабдор шахснинг ташкилий бошқарув ёки маъмурий-хўжалик мажбуриятларини, яъни вазифаларини бажаришни англатади».

Юридик адабиётда ва амалиётда ташкилий бошқарув мажбуриятларини бошқа кишилар фаолиятига, иш иштирокчисига,

ишлаб чиқариш жараёнига раҳбарлик қилиш деб тушуниш сингиб кетган. Ташкилий мажбуриятларни амалга ошириш¹ – бу жамоат ишлаб чиқаришида алоҳида жамоалар ва ижтимоий гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш бўйича ҳаракатлардир. Ижтимоий ташкиллаштириш одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг барча соҳаларига таъсир этишнинг турли механизмларини назарда тутди. Бу механизмлар жамоат ишлаб чиқаришида, хўжалик қурилишида барча фуқаролар иштирокининг зарур заминини яратади. Жамоат назорати турли шакллارнинг тизими, санкцияларнинг тизими ёрдамида улар алоҳида шахслар ҳаракатларини йўл қўйиладиган, ижтимоий фойдали томонга қаратадилар.

Ишлаб чиқариш соҳасида мансабдор шахсларнинг ташкилотчилик ҳаракатлари меҳнат самарадорлигини ошириш, хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан оптимал фойдаланган ҳолда қўйилган вазифаларни қисқа муддатларда бажариш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнини оқилона ташкил этишга қаратилгандир. Ташкилий вазифалар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини яхшилаш ва янги маҳсулот ишлаб чиқаришини йўлга қўйишдан иборат бўлиб, улар маҳсулот чиқаришнинг барча босқичларини қамраб олади, ишлаб чиқариш бўғинлари ишининг тартибга солиниши ва мувофиқлаштирилишини таъминлайди. Шундай қилиб, бу мажбуриятларга (ва ҳуқуқларга), хусусан қуйидагилар киради: муассаса ёки ташкилот ишини бутунлай ёки алоҳида соҳаларда ташкил қилиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ишга қабул қилиш ва ишдан озод этиш, ишни ташкил қилиш ва режалаштириш, ижрони назорат қилиш ва текшириш.

Маъмурий-хўжалик вазифалари давлат ва бошқа мулк шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тасарруф этиши ва бошқаришидан иборатдир. Моддий қимматликларни тасарруф этиш, улар сарфланишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш, пул маблағларини олиш ва бериш мажбуриятларига кирадиган барчаси ходимларнинг хизмат иерархиясида эгаллаб турган мавқеидан

¹ Аҳрамов Б., Оқйўлов О. Фермер мансабдор шахси? // Инсон ва қонун. 2002 й. 5 март.

қатъи назар - бу маъмурий-хўжалик вазифалари мавжудлигининг белгиси бўйича мансабдор шахслардир.

Мансабдор шахс ва масъул мансабдор шахс тушунчаларини таққослаганда қуйидагилар аён бўлади. Ҳодимларнинг ваколатларида «ташкилий тасарруф қилиш ёки маъмурий-хўжалик вазифалари» мавжудлиги бу иккала тушунчаларнинг асосий белгилари ҳисобланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимига мувофиқ мансабдор шахс тушунчасида бу ваколатлар қаерда амалга оширилиши мумкинлиги белгиланмас экан, уни кенгроқ талқин қилганда (таъқиқланмаган дегани рухсат этилган дегани) улар давлат органларида, бошқа мулк шаклидаги органларда, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органларида амалга оширилиши мумкин. «Масъул мансабдор шахс»ни таърифлашда асосан юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар содир этишга доир ваколат факти бўйича ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ташкилий бошқарув ва маъмурий-хўжалик вазифалари бўйича фарқ қилинади¹.

Собиқ СССР айрим давлатларида қонун чиқарувчи оддий йўл танлади. Масалан, Эстонияда 1992 йил 7 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги Жиноят кодексининг 160-моддасида ҳар қандай мулкдаги муассаса, корхона ёки ташкилотда мансаб мавқеига эга бўлган шахс, башарти унинг зиммасига давлат ёки мулкдор томонидан моддий қимматликлар ҳаракатини тартибга солиш бўйича ҳокимият вакилининг маъмурий, назорат қилиш, тасарруф қилиш, тезкор, ташкилий мажбуриятлари юкланган бўлса, мансабдор шахс деб белгиланади.

Беларуссия Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган янги таҳрирдаги Жиноят кодексининг 166-моддасида кўрсатилганидек, мулк шаклидан қатъи назар муассаса, ташкилот ёки корхоналарда тегишли мансабга эга бўлган шахслар мансабдорлик жиноятлари учун жавобгар бўладилар. Шу тарзда масала Украинада, Молдовада ва бир қанча яқин хорижий мамлакатларда ҳал этилади.

Шуни таъкидлаш керакки, бундай қилмишлар субъектлари сифатида одатда у ёки бу тарзда давлат бошқаруви вазифа-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Саккизинчи бўлим. Масъул мансабдор шахс. 2 ва 4-бандлар.

ларини амалга оширишга жалб қилинган оммавий мансабдор шахслар (оммавий хизматчилар) эътироф этилганида ушбу нормалар жаҳон қонунчилиқ тажрибасига зиддир.

Айрим штатларда жиноят қонунчилигини кодификациялашда тавсиялари ҳисобга олинадиган АҚШнинг Намунавий Жиноят кодексида кўрсатилганидек, «оммавий хизматчи» атамаси «давлатнинг ҳар қандай мансабдор шахсини ёки хизматчисини, шу жумладан қонун чиқарувчи ва судьяни ҳамда давлат вазифасини амалга оширишда ёки бошқа тарзда иштирок этувчи ҳар қандай шахсни англатади»¹.

Германия ҳуқуқшуносларининг фикрига кўра, мансабдорлик жиноятлари нафақат субъект – мансабдор шахснинг белгиси бўйича, балки ҳимоя қилинадиган объект – давлат аппарати нормал амал қилиши бўйича ҳам бирлаштирилган. «Башарти шахс: а) амалдор ёки судья ҳисобланадиган; б) бошқа оммавий-ҳуқуқий хизмат муносабатларида бўлса; ёки в) оммавий бошқарув вазифаларини қайсидир ҳокимият органида ёхуд бошқа муассасада ё унинг топшириғига кўра амалга оширишга даъват этилган бўлса, у мансабдор шахс ҳисобланади». Бундан ташқари, «бевосита оммавий хизмат қилишга даъват этилган», яъни «мансабдор шахснинг ўзи бўлмаса-да, ҳокимиятнинг қайсидир органида оммавий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган ёки бундай вазифаларни амалга оширувчи муассаса ёхуд бирлашмада банд бўлган ходим мансабдорлик жиноятларининг субъекти ҳисобланади»².

Францияда оммавий мансабдор шахсларнинг фаолияти турли норматив ҳужжатлар: ҳам қонунлар, ҳам қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади. 1992 йилда қабул қилинган ва 1994 йилнинг сентябрида кучга кирган Франциянинг Жиноят кодекси оммавий мансабдор шахсни қуйидагича таърифлайди: 1) давлат ҳокимиятига эга бўлган шахслар (Франция Республикаси олий мансабдор шахслари); 2) давлат хизматида бўлган шахслар (тўртта тоифадаги амалдорлар); 3) сайланганлик мандатига эга бўлган шахслар.

¹ Примерный уголовный кодекс США. Под ред Б.С. Никифорова. - М., 1969. - 167-бет.

² Ответственность за должностные преступления в зарубежных странах. Отв. Ред. Решетников Ф.М. - М., 1994. - 41-42-бетлар; Уголовное право буржуазных стран: Общая часть. Сборник нормативных актов. Под ред. Игнатова А.Н. и Козочкина И.Д. - М., 1990. - 295-бет.

Биз таъкидлаганимиздек, қонун чиқарувчи масъул мансабдор шахс тушунчасини бериб, унинг ташкилий бошқарув ва маъмурий-хўжалик вазифаларидан ташқари юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар содир этишга ваколатли эканлигини ҳам кўрсатади.

Юридик адабиётда бунда хизмат бўйича ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қодир бўлган, яъни ташкилий бошқарув тусига эга бўлган ҳаракатлар содир этиш тушунилади¹.

Демак, давлат ёки жамоат ташкилоти номидан расмий ҳужжатлар бериш ҳуқуқига эга бўлган, ҳуқуқлар берадиган ёки вазифалардан озод этадиган, муайян юридик фактни тасдиқлайдиган ва шу тарзда бошқа, ҳатто хизмат бўйича ўзига бўйсунмайдиган, лекин улар учун бу ҳужжат юридик кучга эга бўлган шахсларнинг хулқ-атворини қандайдир ташкил этадиган, йўналтирадиган субъектни мансабдор шахс деб эътироф этиш лозим. Шу муносабат билан меҳнатга лаёқатсизлик варақасини ёзиб берадиган, ногиронлик гуруҳини белгилайдиган, касалхонага йўлланма берадиган шифокорни, нотариусларни ва ҳ.к. масъул мансабдор шахс деб эътироф этиш лозим.

Афсуски, бу тушунчаларнинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарорида очиб берилмайди. Бу талқинларнинг камчилиги – умумий, ушбу тоифадаги барча шахсларга тааллуқли «одатдаги вазифалар» йўқлигидадир. қарорда амалиётда энг кўп учрайдиган айрим ташкилий бошқарув ва маъмурий-хўжалик вазифалари кўрсатилмаган, уларни бажарадиган шахсларнинг намунавий рўйхати берилмаган. Шунинг учун бу суд амалиётида муайян қийинчиликлар туғдиради.

Юридик адабиётни, бир қанча хорижий давлатлар тажрибасини ва суд амалиётини таҳлил қилиб, биз қуйидаги хулосага келдик:²

¹ Здравомыслов Б.В. Должностные преступления – понятие и квалификация. - М., 1975.-32-33-бетлар; Галахова А.В. Кўрсат. асар, 46-бет.; Волженкин Б.В., Квашне В.Е., Цагинян С.М. Ответственность за взятничество. – Ереван, Айкастан, 1988. - 184-185-бетлар.

² Масалан қаранг: Ахраров Б. Мансабдор ва масъул мансабдор шахс тушунчаси.//Ҳаёт ва қонун. 2001 й. №6; Ахраров Б., Оқйўлов О. Фермер мансабдор шахси?//Инсон ва қонун. 2002 й. 5 март.

1. Давлат органининг «мансабдор шахси» ва «масъул мансабдор шахси» ўртасида сезиларли фарқларни аниқлаш қийинчилик туғдиради, чунки уларнинг ҳар бири ҳам «ташкилий бошқарув», ҳам «маъмурий-хўжалик» вазифаларига эга. Фарқланиши лозим бўлган «юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар содир этишга» ваколат деярли кўринмас, чунки бу «юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар» ҳам «ташкилий бошқарув, ҳам «маъмурий-хўжалик» вазифаларининг (ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, ишдан бўшатиш ва ҳ.к.) белгиларини ўз ичига олган.

2. Давлат хизматидаги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги шахсларнинг ҳамда турли жамоат ташкилотларида ва тижорат тузималарида тегишли бошқарув вазифаларини бажараётган шахсларнинг қилмишлари ижтимоий мазмун жиҳатидан мутлақо бир хил эмас. Биринчилар ўзларига берилган оммавий ҳокимият ваколатларини суиистеъмол қилиб, хизмат манфаатларига тажовуз қиладилар, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятлари давлат аппаратларининг, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари аппаратининг нормал фаолиятини бузадилар, уларни обрўсизлантирадилар. Натижада эса бу давлат ҳокимияти заифланишига, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларга ишончсизлик билдиришга олиб келади.

Муайян бошқарув функциялари берилган мулкдор ёки жамоат ташкилотига бирлашган фуқаролари бўлган тижорат тузилмалари ва жамоат ташкилотларининг хизматчилари томонидан суиистеъмоллик қилганда бундай ҳолат юз бермайди.

Баён этилганларга асосан мансабдор шахснинг қуйидаги тушунчасини таклиф этамиз:

Жамоат, кооператив ва бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларда амалга ошириладиган ташкилий бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатларига эга бўлган шахсларни мансабдор шахслар деб эътироф этиш лозим.

Кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори қабул қилинганлигига қарамасдан мутахассис-

ларнинг мансабга ва касбга оид фаолиятини фарқлаш масаласи яна очик қолди. Кўп муаллифларнинг фикрига кўра, мутахассис - мансабдор шахслар ўз касбий вазифаларини бажарганлари учун ноқонуний мукофот олган ҳолларда уларнинг ҳаракатлари пора олишдан иборат бўлмайди. Аини вақтда бу мутахассислар ташкилий бошқарув ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини бажарганларида, агар бу вазифаларни бажарганликлари учун хусусий тартибда ҳақ олсалар, пора олиш субъектлари деб эътироф этиладилар¹.

ξ ✓ Мисол учун, С.В.Бакланов ёзишича, «шифокор ўз касбий вазифаларини бажариб, касални кўрганда ва ундан моддий ҳақ олганда пора олувчи деб ҳисобланмаслиги керак, чунки у мансабдор шахс сифатида ҳаракат қилмаган. Агар бу шифокор касалларни қабул қилиб, ноқонуний равишда касаллик варақасини ҳақ эвазига берса, бу ҳолда у мансабдор шахс бўлади. Чунки унинг хатти-ҳаракатлари «ҳуқуқий оқибатларга олиб келади»².

А.К.Квициния ёзишича, «тиббий муассасада ишлайдиган ҳар қандай шифокор мансабдор шахс ҳисобланади. Чунки ўз фаолияти давомида у юридик оқибатларга (касаллик варақаларини, маълумотномаларни, касалхонага йўлланмаларни ёзиш ва ҳ.к.) олиб келадиган муайян ташкилий бошқарув вазифаларини бажариши мумкин. Унинг касбий фаолияти тўғридан-тўғри юридик оқибатларни келтириб чиқармаслигига ва ташкилий бошқарув вазифалари билан боғлиқ бўлмаслигига қарамасдан у тиббиёт ходими – шифокор мақомидан ажралмасдир.

Фуқароларнинг онгида хусусий амалиётчи бўлмаган шифокор фуқароларнинг соғлиқни сақлашга оид ҳуқуқини таъминлашга даъват этилган тиббий муассасанинг вакилидир. Шунинг учун шифокорнинг ўз касбий вазифаларини бажариши жараёнида тиббий ёрдам кўрсатганлиги учун ҳақ олиши унинг ташкилий бошқарув фаолиятига тенг ҳисобланади. Чунки фуқаролар онгида бу тиббиёт хизмати обрўсига ҳам путур етказди, ҳам ижтимоий хавф туғдиради»³. Биз бу фикрга қўшилмаймиз.

¹ Социалистическая законность, 1990. - № 7.

² Бакланов С.В. Ответственность за взяточничество. Канд. дисс. – Свердловск, 1970. - 130-бет.

³ Квициния А. Должностные преступления. Уголовно-правовые и криминологические аспекты. - Тбилиси. - 1988. - 84-бет.

Бизнингча, агар шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, касбга ва мансабга оид вазифалар ўртасидаги чегара йўқ бўлиб қолади. Бу эса мансабдор шахс тушунчасининг асоссиз кенгайишига олиб келади. Биз Б.В.Волженкин ва бошқа муаллифларнинг фикрига қўшилаемиз¹. Унга кўра, шахс бир вақтнинг ўзида касбга ва мансабга оид вазифаларни бажаролмайди, чунки бири иккинчисини истисно этади.

Тиббиёт ходимлари билан ҳуқуқий мақом хусусиятига кўра олий, ўрта махсус ўқув юртлари, мактаб ўқитувчилари, шунингдек, ўқув юртлари ва болалар муассасаларининг тарбиячилари бир-бирига ўхшашдир. Айрим ҳолларда бу тоифадаги шахслар мансаб вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатларни бажарадилар (масалан, ректор, проректор, деканлар, кафедра мудирлари, ўқув бўлимларининг раҳбарлари). Суд амалиёти бир қанча ҳолларда ва қатор ишлар муаллифлари томонидан барча тоифадаги ўқитувчилар мансабдор шахслар деб эътироф этиладилар. Бу ерда А.Квициния фикрига қўшилиш керак. Унга кўра, ўқитувчилар ўқувчиларни ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш бўйича ўз касбий вазифалари билан бирга муайян ташкилий-тасарруф қилиш вазифаларини ҳам бажарадилар. Улар сирасига хусусан имтиҳонда баҳо қўйиш киради².

В.И.Соловьёв ҳам шундай фикрга қўшилиб таъкидлаганидек, гарчи ўқитувчилик фаолияти бошқарув фаолияти бўлмаса ҳам, унга айрим бошқарув вазифалари хосдир. «Ўқиётганларнинг ўқишни давом эттириши, битириш имтиҳонларида аттестат, диплом ёки бошқа ўқув юртини, олий ёхуд бошқа ўрта махсус ўқув юртини битирганлик ё олинган иш малакаси тўғрисида гувоҳнома олиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган имтиҳон ва зачётлар қабул қилиш ҳуқуқи. Бу вазифаларни тўғри бажариш давлат аҳамиятига эга бўлиб, улар ҳисобга олинмаслиги мумкин эмас»³.

Аmmo бу фикрга Б.Д.Ахраров қўшилмаган ҳолда қуйидагича ёзади: «Аксарият ҳолларда ўқитувчилар фақат касбий вазифаларни амалга оширадилар: контрол ишларни текширадилар,

¹ Волженкин Б.В., Квашиш В.Е., Цагилян С.Ш. Кўрсат. Асар. - 184-бет.

² Кўрсат. асар. - 85-бет.

³ Соловьёв В.И. Кўрсатилган асар.-46-6; Ляпунов Ю.И. Ответственность за взятку.-М., Знание, 1987.-28-бет.

имтиҳонлар, зачётлар қабул қиладилар, яъни ўқитиш ва тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни бажарадилар, ҳеч қандай ташкилий вазифаларни бажармайдилар. Синфда ёки талабалар аудиториясида зарур даражадаги билимларни таъминлаш техник (касбий) тусга эга»¹.

Б.В.Здравомыслов ҳам айнан шу фикрни қўллаб-қувватлайди: «Демак, мансабдор шахснинг белгиларини белгилайдиган нормалар таъсири остига кўрсатилган тоифадаги ходимлар тушмайди»². М.Д.Лысов фикри бироз бошқача. Унга кўра, ўқитувчи кириш ёки битириш имтиҳонларини қабул қилишга жалб қилинганда ўз фаолиятини олий ўқув юрти ректори, директорининг махсус буйруғи асосида амалга оширади, шунингдек, ўша асосда мансабдор шахс ҳисобланади. Бошқа сўз билан айтганда, ўқитувчи давлат имтиҳон комиссияси аъзоси сифатида мансабдор шахс деб эътироф этилиши мумкин³.

Лекин бу барча далиллар, назаримизда, ўқитувчиларни мансабдор шахслар деб ҳисобламаслиги учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас. Ўқитувчилар аудиторияда лекциялар ўқиб, семинар машғулотлари ўтказиб, контрол ва курс ишларини текшириб ўз касбий вазифаларини бажарадилар. Жорий, кириш ва давлат имтиҳонларини қабул қилиб, улар ўз вазифаларини имтиҳон олувчилар сифатида амалга оширадилар, яъни ташкилий бошқарув вазифаларини бажарадилар. Суд амалиёти айнан шундан келиб чиқади. Масалан, Тошкент шаҳар судининг судлов ҳайъати имтиҳонда ижобий баҳо қўйиш учун талабалардан поралар олган Текстил ва енгил саноат институти доценти Х.ни мансабдор шахс деб эътироф этди⁴.

Амалиётда баъзан суд-тиббиёт экспертларини жиноий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ масалалар вужудга келади.

Бу масалага юридик фан бир хил ёндашмайди. Масалан, Ш.Папашвили гувоҳни, суддаги таржимонни, экспертни пора олиш субъекти деб эътироф этади⁵.

¹ Ахраров Б. Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы со злоупотреблениями властью или служебным положением. - Т., 1989.

² Здравомыслов Б.Д. Кўрсатилган асар. - 35-бет.

³ Лысов М.Д. Ответственность должностных лиц по советскому уголовному праву. - Казань, 1972.- 46-48-бетлар; Мельникова В.Е. Должностные преступления (вопросы уголовно-правовой квалификации). - М., 1985. - 46-бет.

⁴ Тошкент шаҳар суди архиви, 1983.

⁵ Папашвили Ш. Спорные вопросы взяточничества. Социалистическая законность, 1980. - № 11. - 44-бет.

Шу билан бирга бир қанча муаллифлар суд экспертлари мансабдор шахс сифатида эътироф этмайдилар. Уларнинг ёзишларича: «Бизнинг назаримизда, суд экспертлари ҳеч қандай мансаб ваколатларига эга эмас. Суд процессида иштирок этишга жалб қилинган ҳамда экспертиза ва илмий тадқиқот ўтказувчи мутахассис ташкилий бошқарув ва маъмурий-ҳўжалик вазибаларига эга бўлмади ҳамда уларни амалга оширмади»¹.

Суд-тиббиёт экспертлари мансабдор шахслар ҳисобланмайдилар, деган фикр билдирган муаллифларни қўллаб-қувватлаймиз. Процессуал қонун ҳужжатларида кўрсатилганидек, илмий, техник ва бошқа махсус масалалар бўйича зарур билимларга эга бўлган ҳар қандай шахс эксперт сифатида чақирилиши мумкин. Эксперт олдида қўйилган масалалар, унинг хулосалари, башарти эксперт ўзини хулоса бериш учун малакасииз деб ҳисобласа, экспертнинг махсус билимлари доирасидан четга чиқиши мумкин эмас. Шундай қилиб, эксперт хулосаси - бу унинг махсус билимларидан иборат бўлган якунловчи фикр ҳисобланади. Унинг натижаларини баҳолаш учун эксперт ваколатининг доирасини аниқлаш лозим, чунки ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ваколатига киради. Шунингдек, экспертнинг ҳаракатлари мансаб тусига эмас, балки касбий тусга эга бўлади.

Спорт мусобақалари вақтида спортчилар ва судьяларнинг хулқ-атворини жинойят-ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш тўғрисидаги масала охириги пайтда юридик нуқтаи назардан ва суд амалиётида кўриб чиқилмаган. Аммо бу масаланинг қўйилиши, назаримизда, жуда долзарбдир².

Шу маънода АҚШ жинойят қонун ҳужжатларининг тажрибаси қизиқарлидир. Масалан, порахўрликнинг тўртта асосий шаклларида бири спорт соҳасидаги порахўрликдир. Р.Перкинс таъкидлаганидек, ҳам профессионал, ҳам ҳаваскор спорт соҳаси Америка халқининг эътиборини шунчалик жалб қиладики, бу спорт мусобақалари натижаларига таъсир кўрсатишга уриниш-

¹ Волженкин Б.В., Квашиш В.Е., Цагикия С.Ш. Ответственность за взяточничество. – Айстан, 1988. - 96-бет.

² 1991 йил 16 ноябрдаги «Футбольный курьер» газетасида, арбитр В.Агаев баён қилганидек якуний ҳисоб олдиндан маълум бўлган футбол ўйини учун такса беш рақамли суммагача боради. Қаранг: Игнатов А. Спорт и уголовная ответственность. – Советская юстиция, 1989. - № 7.

лар учун жазо белгилашни тақозо этди¹. Спорт мусобақаларининг иштирокчиларини, шунингдек, судьялар, мураббийлар, секундантлар, стартёрларни ва шу кабиларни ҳақ эвазига оғдириш учун жиноий жавобгарлик «тижорат» ёки «касаба уюшмаси» порахўрлигидан фарқли равишда аксарият штатлар қонунларда ва федерал қонунларда назарда тутилган. Мақолада бу тадбирларда «иштирокчи, ташкилотчи, сахналаштирувчи, судья ёки бошқа тарзда банд бўлганларга улар ўз қоидалари ва одатларига мувофиқ ўтказилишига тўсқинлик қилиш мақсадида» қандайдир неъмат берилиши ёки олиниши ҳақида айтилган².

Кўриб турганимиздек, Америка жиноят қонун ҳужжатлари спорт мусобақаларининг иштирокчиларини ҳам жиноий жавобгарликка тортади. Назаримизда, ўйинчилар, секундантлар мансабдор шахслар тоифасига кирмайди. Спорт судьясининг фаолиятини эса мансабдор шахснинг фаолияти деб эътироф этиш лозим. Чунки муҳим ижтимоий тадбир ҳисобланган спорт ўйинлари ўтказиш бўйича у ташкилий бошқарув вазибаларига эга ва унинг ҳаракатлари нафақат томошабинларнинг руҳий ҳолатига ҳамда алоҳида спортчилар ва командаларнинг спорт кўрсаткичларига таъсир этади, балки спорт фаолиятининг иқтисодий натижалари билан боғлиқдир. Бу эса спорт судьяси мусобақа ўтказилган пайтда мансабдор шахс ҳисобланиши, бинобарин пора олишнинг субъекти деб эътироф этилиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради.

Шифокорлар, ўқитувчилар, спорт судьяларини мансабдор шахслар деб эътироф этишнинг хусусиятлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, биз бу тоифадаги ходимларнинг касбий ва хизмат фаолиятининг моҳиятини кўриб чиқиш мақсадини ўз олдимизга қўйган эдик. Чунки Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 1999 йил 24 сентябрдаги қарорида ўз нуқтаи назарини билдирмаган, шунингдек, олимлар ўртасида, юридик адабиётда ҳам яқдиллик йўқ.

Мансабдор шахсни таърифлаш бўйича бизнинг таклифимизни инобатга олган ҳолда ҳисоблаймизки, санаб ўтилган

¹ Никифоров Б.С., Решетников Ф.М. Современное американское уголовное право.- М.: Наука, 1990.-173-бет.

² Ўша ерда. - 167-168-бет.

ходимларни, башарти улар ўз фаолиятини давлат муассасаларида амалга оширсалар, ўз хизмат вазифаларини ижро этиш борасида масъул мансабдор шахслар деб эътироф этиш лозим.

ЖКнинг Махсус қисмининг саккизинчи бўлимида берилган атамаларнинг, шу жумладан «масъул мансабдор шахс» атамасининг ҳуқуқий маъносига мувофиқ мансабдорлик жиноятлари субъектларининг тўртта тоифаси кўрсатилган:

1) ҳокимият вакиллари;

2) давлат корхоналарида, муассасаларида ёки ташкилотларида сайлаш ёхуд тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар;

3) мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларнинг раҳбарлари давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколоти берилган жамоатчилик вакиллари;

4) иккинчи бандда назарда тутилган вазифаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бажариш билан боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар (Бундан кейин «мансабдор шахс» атамаси ишлатилади. Р.3.).

Мансабдорлик жиноятларининг субъектлари бўлиши мумкин бўлган шахслар тоифаларини кўриб чиқишдан олдин шуни таъкидлаш лозимки, бу муаммо бошқарув тартибига қарши жиноятларида тажовуз қилиш объекти билан боғланган бўлсагина уни тўғри ҳал қилиш мумкин.

Таъкидлаганимиздек, мансабдорлик жиноятларида, шу жумладан порахўрликда тажовуз қилишнинг объекти давлат ва жамоат ташкилотлари аппаратининг тўғри фаолияти ва унинг обрўси ҳисобланади. Давлат ва жамоат ташкилотлари аппарати тўғри фаолиятининг ўрни ва аҳамиятини таъкидлаган ҳолда объект тушунчасининг бундай талқин қилиниши айни вақтда мансабдорлик жиноятларининг субъекти фаолиятларига давлат ва жамият аппарати ишининг сифати ва унинг обрўси боғлиқ бўлган мансабдор шахслар ёки улар вазифаларини расман бажарадиган шахслар ҳисобланганлиги ҳолатини ҳам изоҳлай-

ди. Жиноятларнинг кўпчилиги давлат аппаратининг нормал фаолиятини бузади (иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар ва ҳ.к.). Лекин фақат мансабдорлик жиноятлари юқорида кўрсатилган сифатларга эга, яъни улар давлат томонидан алоҳида ишонч билдирилган, муайян ва кўпинча катта ваколат берилган шахслардан келиб чиқади. Бу айниқса, энг хавфли мансабдорлик жинояти ҳисобланган пора олишга тааллуқлидир.

Мансабдорлик жиноятлари ва улар объектининг бундай тушунилиши объектга хос бўлган белгиларни тўғри очишга ёрдам беради.

Илгари кўрсатилганидек, эслатиб ўтилган барча тўртта тоифадаги шахсларни мансабдорлик жиноятининг субъекти деб эътироф этиш учун улар лавозимни доимий равишда ёки вақтинча, сайлаш ёки тайинлаш бўйича, шартномага биноан ёхуд бошқа шаклда, ҳақ эвазига ё ҳақ олмаган ҳолда эгаллашлари деярли аҳамиятга эга эмас ва бу асослидир. Чунки кўрсатилган ҳолатлар эмас, балки давлат ва жамоат ташкилотлари аппаратининг тўғри фаолиятига таъсир этадиган, бажарилаётган вазифаларнинг хусусияти ҳал қилувчи ҳисобланади. Бу шахсни мансабдор деб эътироф этиш асосида ётадиган белгиларнинг учта гуруҳини ажратишга имкон беради:

- шахс томонидан бажариладиган вазифалар (ваколат ва мажбуриятлар)нинг хусусияти;

- унинг зиммасига бу вазифаларни юклашнинг ҳуқуқий асоси;

- шахс меҳнат қилаётган органлар, муассасаларнинг мансублиги (тавсифи).

Бунда шахс томонидан бажариладиган вазифалар характери билан бир қаторда мансабдор шахслар деб эътироф этиладиган шахслар доирасини аниқ белгилашга имкон бўлади ҳамда бундай жиноятларнинг субъектини кенг талқин қилиш имконини истисно этади. Бу белги субъектни давлат органларида, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида, давлат ва муниципал муассасаларда ишлайдиган, лекин бошқа техник вазифаларни бажарадиган бошқа шахслардан фарқлашга имкон беради.

«Оммавий мансабдор шахс» тушунчасини таърифлашнинг халқаро тажрибасига мурожаат этмоқчи эдик. БМТ Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят одил судлови бўйича комиссияси 2001 йил 8-17 майда Венада бўлиб ўтган ўнинчи сессиясида халқаро ҳамкорлик ва трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш масаласини кўриб чиқди.

Комиссиянинг «оммавий мансабдор шахс» атамаси (таъриф)ни ишлатиш бўйича тавсияси қизиқиш уйғотади. У қуйидагилардан иборат:

1. Аксарият ҳуқуқий ҳужжатлар «оммавий мансабдор шахс» атамаси таърифидан иборат. Аммо бу билан боғлиқ ҳолда муайян фарқлар кузатилмоқда.

2. АДТ (Америка Давлатлари Ташкилоти)¹ Конвенциясига мувофиқ «оммавий мансабдор шахс» (ёки «ҳукумат мансабдор шахси» ёхуд «оммавий хизматчи») «давлат ёки унинг муассасаларининг ҳар қандай мансабдор шахси ёхуд хизматчисини, шу жумладан давлат номидан ё ҳар қандай даражадаги давлат хизматида фаолият кўрсатиш ёхуд вазифалар бажариш учун танланган, тайинланган ё сайланган шахсларни» (1-модда) англатади. «Оммавий вазифа» ИХРТ Конвенциясида² ишлатилган оммавий мансабдор шахс таърифида ҳам бор.

3. «Оммавий хизматлар» концепцияси БМТ Конвенциясидаги оммавий мансабдор шахслар таърифи учун ишлатилиб, унда кўрсатилганки, «оммавий мансабдор шахс» «оммавий мансабдор шахсни ёки бундай вазифаларни мазкур шахс бажараётган иштирок этувчи давлатнинг ички қонун ҳужжатларида белги-

¹ Межамериканская Конвенция по борьбе с коррупцией (Конвенция ОАГ). Америкалараро Коррупцияга қарши кураш бўйича Конвенция (Америка давлатлари ташкилоти конвенцияси). Конвенциянинг мақсади ҳар бир иштирок этувчи давлатда коррупциянинг олдини олиш, уни аниқлаш ва тугатиш ҳамда у учун жазолашга зарур бўлган механизмларни яратиш бўйича фаолиятни рағбатлантириш ва кучайтиришдан, шунингдек, оммавий вазифаларни бажаришда коррупциянинг олдини олиш, уни аниқлаш ва тугатиш чора-тадбирлари ва ҳаракатларининг самарасини таъминлаш мақсадида иштирок этувчи давлатлар ўртасида ҳамкорликни рағбатлантириш, ривожлантириш ва тартибга солишдан иборатдир. // Десятый Конгресс Организации Объединенных Наций по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями. // Доклад, подготовленный Секретариатом (издание Организации Объединенных Наций, в продаже под № R.00.IV.8) – Вена, 10-17 апреля, 2000.

² Конвенция о борьбе с подкупом иностранных государственных должностных лиц в международных коммерческих сделках (Конвенция Организации экономического сотрудничества и развития – ОЭСР). Бу Конвенция халқаро тижорат битимларида коррупцияни криминализациялаш доираларини таъминлайди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) конвенциясининг тарафлари хорижий давлатларнинг шахсларини, шу жумладан хорижий давлатларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек Конвенция тарафлари ҳисобланмаган мамлакатлардаги мансабдор шахсларни жазолашни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. – Уша ерда.

ланганидек ёхуд бу иштирок этувчи давлатнинг жинойт қонун ҳужжатларида қўлланилганидек, ҳар қандай оммавий хизмат кўрсатувчи шахсни» англатади (8-модда).

4. Европа Кенгашининг коррупция учун жинойт жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси «мансабдор шахс», «оммавий мансабдор шахс», «мэр», «вазир» ва «судья» тушунчаларини таърифлашда мазкур шахс бундай вазифаларни бажарадиган давлатнинг миллий қонун ҳужжатларига ва бу мазкур давлатнинг мустақамлаб қўйилган жинойт қонун ҳужжатларига мурожаат қилишни тавсия этади (1-модда). Европа иттифоқининг молиявий манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенциясига доир Биринчи баёнда ва Европа иттифоқининг коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенциясида «миллий мансабдор шахс» ёки «оммавий мансабдор шахс» атамасини иштирок этувчи давлатнинг миллий қонун ҳужжатларида таърифлашда ҳам шу тарзда баён этилган.

5. Бошқа томондан, ИХРТ Конвенциясида «оммавий мансабдор шахс» тушунчасига алоҳида таъриф беришга ҳаракат қилинган. Ушбу Конвенцияга мувофиқ «хорижий оммавий мансабдор шахс» атамаси аслида «хорижий давлатнинг қонун чиқарувчи, маъмурий ёки суд органларида қандайдир мансабни, у тайинланган ёки сайланганлигидан қатъи назар, эгаллайдиган ҳар қандай шахсни; хорижий давлатда, шу жумладан оммавий муассасаларда ёки оммавий корхоналарда оммавий вазифаларни бажарадиган ҳар қандай шахсни; ва оммавий халқаро ташкилотнинг ҳар қандай мансабдор шахсини ёки вакилини» англатади (1-модда).

Жинойт қонунида ҳокимият вакили тушунчасининг умумий таърифи берилмайди, лекин аксарият муаллифлар ҳисоблаганидек, ҳокимият вакили ва мансабдор шахс тушунчалари бир хил эмас. Ҳокимият вакили ҳисобланган шахс ҳокимият ваколатига, хизмат бўйича кўп тоифадаги шахслар, баъзан барча фуқаролар, шу жумладан бўйсунувида бўлмаган фуқаролар учун мажбурий бўлган ҳаракатлар содир этиш ҳуқуқига эга эканлиги ўзига хос хусусият ҳисобланади¹. Ҳокимият вакиллариининг кўпчилиги хизмат бўйича ўзларига бўйсунадиган

¹ Волженкин Б.В. Новое уголовное право России.-314-315; Галахова А.В. Должностные преступления.-7-9-бетлар.

шахсларга умуман эга эмас, лекин шу билан бирга кенг, номаълум доирадаги шахсларга нисбатан ҳоқимият ваколатларига эгадирлар. Б.В.Здравомыслов ҳоқимият вакилига мансабдорлик жинойти субъекти сифатида хос бўлган учта асосий хусусиятни тўғри кўрсатади: а) ҳоқимият вазифалари (ваколатлари)га эга эканлик; б) барча ёки бир қанча фуқаролар учун ҳуқуқий оқибатлар келтирадиган ҳаракатлар содир этиш ҳуқуқи; в) хизмат фаолияти идоровий доира билан боғланмаганлиги»¹.

Ҳоқимият вакиллари давлат (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд) ҳоқимиятининг вазифаларини амалга оширадилар.

Қонун чиқарувчи ҳоқимиятни давлат ҳоқимияти вакиллик органи – Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес депутатлари, шунингдек, бошқа вакиллик органларининг депутатлари амалга оширадилар.

Ижро этувчи ҳоқимият номидан Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукумати, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбарлари иш кўрадилар.

Суд ҳоқимияти Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди судьялари, барча даражадаги ҳудудий судларнинг судьялари томонидан амалга оширилади.

Юқорида таъкидланганимиздек, ҳоқимият вазифасининг мазмуни, бинобарин ҳоқимият вакили ҳаракатларининг хусусияти у вакили ҳисобланган орган олдида турган вазифалар билан белгиланади. Масалан, ҳоқимият вакили – милиция ходими ўз вазифаларини жамоат тартибини, фуқаролар, корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг мулкани, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини жинойий тажовузлардан ҳамда бошқа жамиятга қарши ҳаракатлардан сақлаш, шунингдек, жинойятлар ва бошқа, жамиятга қарши ҳаракатларнинг олдини олиш, жинойятларни тез ҳамда тўлиқ очиш, жинойятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини бартараф этиш соҳасида амалга оширади. Унинг бутун фаолияти маъмурий бўйсунувида бўлмаган шахслар билан ўзаро муносабатларга асосланади. Бу

¹ Здравомыслов Б.В. Должностные преступления. - 44. Бундан ташқари, бу масалалар атрофлича таҳлил қилинган ишлар қуйидагилар: Сташис В.В., Бабажанов М.И. Преступления против порядка управления. - Харьков, 1971; Сулайманов М.Х. Уголовно-правовая борьба с преступлениями, посягающими на деятельность представителей власти и общественности по охране общественного порядка. Автореф. канд. дисс. - Т., 1984. ва бошқалар.

номаълум даражада кенг доирадаги шахслардир. Ҳокимият вакили ўзига берилган ва қатъий белгиланган ваколатларга кўра аниқ вазифаларни амалга ошириш учун улар билан муносабатларни ўрнатади.

Айрим ҳокимият вакилларининг ваколатлари номаълум доирадаги шахсларга нисбатан тааллуқли бўлса ҳам муайян идоравий чегараларда кучга эга. Масалан, солиқ инспекцияси, божхона органлари ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажарганда вужудга келадиган муносабатлар доирасидагина ҳокимият вакиллари номидан иш кўрадилар; суд ижрочилари турли ундирувлар бўйича суд қарорларини ижро этганда ҳокимият вакиллари сифатида ҳаракат қиладилар.

Ҳокимият вакилининг фаолияти алоҳида фуқаролар, мансабдор шахслар, муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарга нисбатан, уларнинг идоравий мансублигидан ва бўйсунувидан қатъи назар, юридик аҳамиятга эга бўлган қонунга асосланган фармойишларда ёки ҳаракатларда ифода этилади. Масалан, ҳокимият вакили – милиция ходими муайян ҳолларда фуқаролар ва мансабдор шахсларда шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни текшириш, монеликсиз фуқароларнинг турар хоналари ва бошқа хоналарига кириш ҳуқуқига эга.

Ҳокимият вакилининг ўзига берилган ваколатларидан келиб чиқадиган қонуний фармойишлари ижро этиш учун мажбурийдир. Ҳокимият вакили қонуний фармойишларини ижро этиш мажбурийлиги унга ваколат берган ҳокимият давлат органининг обрўси билан таъминланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳокимият вакилининг фаолияти мажбурий таъсир этиш билан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин. Масалан, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган тажовуздан уларни ҳимоя қилиш мақсадида милиция ходимлари айрим ҳолларда охирги чора сифатида жисмоний куч, махсус воситалар ва ўқотар қурол ишлатиш ҳуқуқига эга.

Шундай ҳуқуқ, божхона органлари, чегарани муҳофаза қилиш органларининг ходимларига ҳам берилган.

Айрим шахсларни ҳокимият вакиллари деб эътироф этганда алоҳида ёндашиш керак. Масалан, оддий милиционер алоҳида фуқароларга нисбатан ҳокимият вазифаларини амалга оши-

рар экан, у юридик аҳамиятга эга бўлган буйруқ бериш ёки ҳаракатлар содир этиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолда у мансабдорлик жиноятининг эҳтимоли бўлган субъектидир. Милиция турли бўлинмаларининг бошқа ходимлари билан ўзаро муносабатларда оддий милиционерлар мансабдор шахслар бўлишлари мумкин эмас. Чунки бундай ҳолларда улар юридик аҳамиятга эга бўлган буйруқлар бериш ёки ҳаракатлар содир этиш ҳуқуқига эга эмас. ✓

Ҳокимият вакилининг фақат қонуний буйруқлари ёки ҳаракатлари ижро этилиши лозимлиги ҳақидаги талаб ҳар бир муайян ҳолда унинг ҳаракатларининг қонунга мос келиши жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарликнинг белгилари мавжудлиги масаласини ҳал қилишга, унинг ваколатларини, шунингдек, бу билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлашга мажбур этади. Одатда бу масалалар қонунларда ва бошқа норматив ҳужжатларда тартибга солинади.

4 ✓ Масьул мансабдор шахсларнинг яна бир тоифасига қонун чиқарувчи бошқа шакллардаги (давлат шаклидан ташқари) корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларнинг раҳбарларини, давлат бошқаруви бўйича ҳокимият ваколатларига эга бўлган жамоатчилик вакилларини киритади.

Мазкур ҳолда белгилаш керак бўлган биринчи нарса – бу «ҳокимият ваколатларига эга бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари» тушунчасидир. Бу ваколатларни аниқлаш учун у ёки бу раҳбарнинг вазифаларига оид мажбуриятларни белгиловчи йўриқномалар, буйруқлар, қоидалар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат этиш зарур.

Юқорида кўрсатилганидек, жамоатчилик вакиллари ҳам масьул мансабдор шахслар ҳисобланади. Бизнинг назаримизда, «жамоатчилик вакиллари» тушунчасининг «кенг» талқини мавжуд. Чунки бунда ҳам жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари, ҳам жамоатчилик вакиллари (масалан, меҳнат жамоаси, маҳалла, талабалар, жамоат ҳимоячиси, айбловчиси ва ҳ.к.) тушунилади. ✓

Айни вақтда жамоатчилик вакили давлат бошқаруви бўйича ҳокимият ваколатларига эга бўлиши керак. Бизнинг фикримизча, ҳокимиятга эга бўлиш вазифаси ҳокимият вакилининг

асосий белгиларидан бири бўлиб, у кўп тоифадаги шахслар учун, баъзан эса барча фуқаролар учун мажбурий бўлган оқибатлар келтирадиган хизмат ҳаракатлари содир этиш ҳуқуқида ўз аксини топади.

Шундай қилиб, бу ерда «масъул мансабдор шахс» тушунчасининг 1-бандида белгиланган ва биз аввал кўриб чиққан ҳокимият вакиллари ҳақида гап кетяпти. Шу боисдан ҳам, назаримизда, қонун чиқарувчи жамоат бирлашмаси вакилини назарда тутган. Бундан ташқари, ҳокимият ваколатлари давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилиши керак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ давлат бошқаруви бўйича ваколатлар «ижро этувчи ҳокимият»га, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишлидир. Унинг вазифаларига «иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлаш» киради¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасига биноан «қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади». Бизнингча, бундайлар сирасига қайсидир жамоат ташкилоти топшириғи билан иқтисодий ёки ижтимоий соҳада ижро этувчи ҳокимият органлари вазифаси ҳисобланган мажбурий текширув ўтказаетган касаба уюшмаларининг меҳнат бўйича ҳуқуқий инспектори, аудитор кириши мумкин.

Қонун чиқарувчи «масъул мансабдор шахс» сирасига киритган ходимларнинг охириги тоифаси – бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ташкилий бошқарув ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ мансабларни эгаллаб турган шахслардир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органларининг тизимига кирмайди. Шу муносабат

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003.

билан қонун чиқарувчи бу органларнинг тегишли шахсларини масъул мансабдор шахсларнинг мустақил тоифаси сифатида мантиқан тўғри кўриб чиқади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир»¹.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан бири шаҳарча, қишлоқ ва овулнинг, шунингдек, шаҳар маҳалласи, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини ҳисобланади. Унинг ваколатига бошқалар қаторида тафтиш комиссиясини, маъмурий комиссияни сайлаш, қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоат назоратини амалга ошириш, тегишли округ сайлов комиссияларига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, шунингдек, Олий Мажлис сайлови бўйича сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар тақдим этиш, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимларининг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан ахборотларини, шунингдек, ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхона, муассаса, ташкилотлар раҳбарларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш бўйича ҳисоботларини тинглаш киради.

Кўриниб турибдики, ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатларининг белгиларига кўра давлат органларига яқиндир. Демак, улар порахўрликнинг бир хил объектига тажовуз қилади. Уларда фуқаролар йиғини раиси (оксоқол), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини асосий фаолияти йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари мансабдор шахслар бўлишлари мумкин.

Шундай қилиб, таҳлил қилинаётган масала бўйича жиноят-ҳуқуқий нормаларни, турли нуқтаи назарларни, суд ва халқаро тажрибани умумлаштириш шуни кўрсатмоқдаки, давлат тузилмаларининг ташкилий бошқарув ва маъмурий-хўжалик вазифа-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999, № 5. – 35-36-бетлар.

ларига эга бўлган барча ходимларини «масъул мансабдор шахслар» («оммавий мансабдор шахслар») сифатида эътироф этишга оид бизнинг нуқтаи назаримиз асослидир. Бунда ЖК саккизинчи бўлимнинг иккинчи бандида «масъул мансабдор шахс» атамасининг ҳуқуқий маъносида юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар содир этиш ваколат берилганлигини кўрсатиш истисно этилиши лозим. Давлат бошқаруви бўйича ҳокимият ваколатларида эга бўлган жамоатчилик вакиллари деганда қонунлар ижроси устидан назорат қиладиган, жамоат тартибини сақлайдиган, жиноятчиликка қарши кураш олиб борадиган, миллий радиацион, ёнғинга қарши ва жамоат хавфсизлигини таъминлайдиган ҳокимият тузилмаларининг, яъни прокуратура, Давлат божхона хизмати, Солиқ полицияси департаменти, Давлат солиқ хизмати, Санитария-эпидемиология хизмати, Давлат архитектура-қурилиш назорати, Давлат ўрмон муҳофазасининг ва шу каби тузилмаларнинг ходимларини ҳам тушуниш лозим.

ПОРАХЎРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ОФИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР

2.1 Порахўрликнинг такроран содир этилганлиги

Жинойят ҳуқуқида жиноятни квалификация қилувчи белгилар деганда, мазкур турдаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигини жиддий тарзда оширадиган ҳолатларнинг квалификациясига таъсир этадиган белгилар тушунилади.

Порахўрликнинг ҳар хил турлари: пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун жавобгарлик уни офирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда ортиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида порахўрликни квалификация қилувчи белгилар 210, 211, 212-моддаларнинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилади.

Агар жиноят:

а) такроран, хавfli рецидивист ёки илгари порахўрлик жиноятларидан бирини содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) таъмагирлик йўли билан;

г) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, айбдорларнинг ҳаракатлари тегишли моддаларнинг иккинчи қисми билан квалификация қилинади.

Агар жиноят:

а) жуда кўп миқдорда;

б) масъул мансабдор шахс томонидан;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, айбдорларнинг ҳаракатлари тегишли моддаларнинг учинчи қисми билан квалификация қилинади.

Деярли барча бу ҳолатлар порахўрликнинг ҳамма турларини квалификация қилувчи белгилар ҳисобланади, бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан пора олганлик, таъмагирлик бундан мустасно. Пора олиш ва пора бериш ўртасида мавжуд

бўлган яқин боғлиқлик туфайли охирги ҳолат пора олувчи учун оғирлаштирувчи ҳисобланади. Айтиш вақтда у бошқа ҳолатлар билан бирга пора берувчини жавобгарликдан озод этиш ва жазолаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Эслатиб ўтилган ҳолатларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқсак, чунки, назария ва суд амалиётида уларни тушуниш ва талқин қилишда кўпгина қарама-қарши ёндашувлар учрайди.

Порахўрлик оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган деб эътироф этиш ва содир этилганни квалификация қилиш учун юқорида тилга олинган жиноятни квалификация қилувчи белгилардан бири етарлидир.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарорининг 13-бандига мувофиқ ЖК 210, 211, 212-моддаларининг 1, 2, 3-қисмларида назарда тутилган белгиларга тушувчи жиноятларни ушбу моддаларнинг фақат учинчи қисми билан, ЖКнинг 33-моддасида кўрсатилган қоидаларга асосан квалификация қилиш лозим. Бунда ҳукмнинг тавсифловчи қисмида қилмишни квалификация қилувчи белгилар ва содир этилиши учун ҳукм қилинган шахс айбдор деб топилган барча ҳаракатлар кўрсатилиши керак.

Пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш такроран, хавфли рецидивист ёки ЖКнинг 210, 211, 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни илгари содир этган шахс томонидан содир қилинганлиги квалификация қилувчи белги сифатида намоён бўлади.

Порахўрликнинг такроран содир этилганлиги. ЖК 32-моддасининг 1-қисмига мувофиқ ушбу Кодекс махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда, алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг биронтаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 1999 йил 24 майдаги қарорида жиноят такроран содир этилганлигини тушунтириб, кўрсатган эдики, пора олиш, пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг такроран содир

этилганлиги белгиси бўйича квалификация қилинганида, башарти жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетмаган бўлса, айнан бир жиноят камида икки марта содир этилганлигини назарда тутати. Бизнинг фикримизча, бундай тушунтиришга «бўлса» сўздан кейин қуйидаги қўшимча қилиш лозим: «шунингдек, илгари содир этилган шунга ўхшаш жиноят бўйича жиноий жавобгарлик қонунда кўрсатилган бошқа асосларга кўра (агар у амнистия қилинмаган, афв этилмаган бўлса ва ҳ.к.) истисно этилмаса». Бундан кейин эса матн бўйича давом эттирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Суд амалиётида бир вақтнинг ўзида бир неча шахслардан пора олишни такроран содир этилган жиноят деб ҳисоблаш мумкинми деган савол ечимида қийинчиликлар туғдиради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми юқорида эслатиб ўтилган қарорининг 8-бандида тушунтириш берилганидек, «мансабдор шахснинг бир вақтнинг ўзида бир неча шахсдан пораларни олиши, башарти пора берувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида қилмиш содир этилса, такроран пора олиш деб тавсифланиши лозим. Шунингдек, бир неча шахсларнинг пора беришлари ёки пора олиш-беришда воситачилик қилишларини ҳам кўрсатилган ҳолатларда такроран содир этилган жиноят деб квалификация қилиш зарур.

Исталган натижага эришишини таъминлайдиган муайян ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик учун порани бўлиб-бўлиб қабул қилиш орқали пора бериш ёки пора олишга ё кўрсатилган ҳолатларда пора олиш-беришда воситачилик қилиш такроран содир этилган жиноят деб қараш мумкин эмас.

Шундай қилиб, мансабдор шахс қонунга хилоф равишда ҳақни қуйидаги тарзда олаётганида такроран пора олиш ҳисобланади:

- 1) турли вақтда бир неча пора берувчилардан уларнинг ҳар бири учун мустақил алоҳида ҳаракат содир этганлик учун;
- 2) турли вақтда мустақил ҳаракат қилган бир неча пора берувчилардан улар ҳар бирининг манфаатида умумий ҳаракат содир этганлик учун;

3) бир вақтнинг ўзида бир неча пора берувчилардан улар ҳар бирининг манфаатида алоҳида ҳаракат содир этганлик учун;

4) турли вақтда битта-ю-битта пора берувчидан унинг манфаатларида алоҳида мустақил ҳаракатлар содир этганлик учун.

г. ✓ Бир неча пора берувчилардан бир вақтнинг ўзида пора олиш вазияти, башарти пора берувчилар ҳар бирининг манфаатида алоҳида ҳаракат содир этилса, энг катта қийинчиликлар туғдиради.

✓ «Пора берувчилар ҳар бирининг манфаатида алоҳида ҳаракат» тушунчасини аниқлаш жараёнида бир қанча саволлар вужудга келади: бундай алоҳида ҳаракатлар ўз хусусиятига кўра бир хил бўлиши мумкинми ёки улар мутлақо ҳар хил бўлиши керакми? Башарти пора берувчилар ҳар бирининг манфаатида масаланинг ижобий ҳал этилиши мансабдор шахснинг бир қарори билан, бир ҳужжат билан амалга оширилса, бунда такроран пора олиш бўладими ва ҳ.к. Назаримизда, мансабдор шахс бир вақтнинг ўзида бир неча шахслардан пора олиб уларнинг ҳар бири учун алоҳида, лекин ўз характериға кўра бир хил ҳаракатлар (вақтинча меҳнатга лаёқатсизликнинг қалбаки варақасини бериш, имтиҳонда юқори баҳо қўйиш, турар жойда рўйхатдан ўтказишни таъминлаш ва ҳ.к.) содир этиш мажбуриятини ўз зиммасига олган ҳолларда ҳам такроран пора олиш деб ҳисоблаш лозим. Бунда бир неча субъектлардан пораларни топширишнинг жисмоний ижрочиси бир шахс бўлганлиги жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас. Пора олувчининг ўзи топширилаётган моддий ҳақ камида икки нафар шахсдан эканлигини ҳамда у уларнинг ҳар бири учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда муайян хатти-ҳаракатлар содир этиш кераклигини англаши муҳимдир. Акс ҳолда жиноятнинг такроран содир этилганлик белгиси бўл-майди.

Масалан, жиноят ишларининг бири бўйича автоматомактаб ўқитувчисининг ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш имтиҳони олди-дан ўқув гуруҳи ўқувчилари томонидан йиғилган ва имтиҳонда шароит яратиш мақсадида унга берилган пулларни олганликдан

иборат хатти-ҳаракатлари такроран пора олиш деб квалификация қилингани тўғри.

Такроран пора олиш тўғрисидаги масала вужудга келиши мумкин бўлган яна бир неча мисоллар келтирамиз. Ёлланган ишчилар бригадаси ўзларини қурилиш материаллари билан таъминлаш учун биргаликда пул йиғиб корхонанинг бош муҳандисига пора берадилар. Мансабдор шахс бригада томонидан бажарилган ишга доир нарядни тасдиқлаб бригаданинг барча аъзоларидан тегишли ҳақ талаб қилган сингари бу ерда жиноятни такроран содир этилганлик белгиси йўқ. Чунки пора учун пора берувчилар барчасининг манфаатида бир умумий ҳаракат бажарилади. ✓

Аксинча, ДАН ходими ўзи ушлаган икки нафар ҳайдовчидан ноқонуний юк ташиш учун бир вақтнинг ўзида 1000 сумдан пул олиб, пора эвазига уларга ҳайдовчилик гувоҳномаларини қайтариб беради. Бу ерда у такроран пора олганликда айбдор ҳисобланади, чунки у аслида ҳайдовчилар ҳар бирининг манфаатида алоҳида ҳаракатлар содир этди.

Қуйидаги ҳолларда такроран пора бериш ҳисобланади:

1) мансабдор шахсларга мустақил ҳаракатлар содир этиш учун турли вақтда пора берганлик;

2) битта-ю-битта мансабдор шахсга мустақил (алоҳида) ҳаракатлар содир этиш учун турли вақтда пора берганлик;

3) бир жинойий гуруҳни ташкил этмайдиган бир неча мансабдор шахсларга уларнинг ҳар бири турли мустақил ҳаракатлар содир этиши учун бир вақтнинг ўзида пора берганлик.

Пора бир неча мансабдор шахсларга пора берувчининг манфаатида бир хил ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этиш учун берилган вазият ҳуқуқий баҳолаш учун энг катта қизиқиш ва муайян қийинчиликлар туғдиради.

Хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган И. Жамбул шахрида бўлганида Қарши шахрида реализация қилмиш учун «Экстра» унининг катта партиясини сотиб олади. Божхона постида унинг юки ошганлигини ва у учун бож тўловидан ташқари комиссия ҳақ тўланиши кераклигини билиб юкини монеликсиз ўтказиш учун божхона сменаси бошлиғи Ж. ва солиқ инспектори Ч.ларга пора беришга уринган. Тошкент

вилоят суди кўрсатганидек, икки нафар шахсга ҳатто бир киши манфаатида бир ҳаракат содир этиш учун пора беришга уриниш такроран пора беришга суиқасд қилиш деб квалификация қилинади¹.

Мазкур иш айбдор томонидан айнан бир ҳаракат учун поралар пора берувчиларнинг жиноий гуруҳини ташкил этмаган икки нафар ҳокимият вакилига ва бироз вақт оралиғи билан таклиф этилганлиги билан тавсифланади. Бир хил ҳаракатлар содир этиш учун бир неча мансабдор шахсларга бир вақтнинг ўзида пора берилганда эса қандай иш тутиш керак?

Олдиндан тил бириктириб ҳаракат қилаётган бир неча мансабдор шахслар пора олганларида уларнинг барчаси бир жиноят учун жавобгар бўладилар. Ўйлаймизки, агар пора олувчиларни бир гуруҳ тарзидаги порахўрлик учун жавобгарликка тортиб, айнаи вақтда пора берувчида такроран пора беришни кўриш, башарти у уларга биргаликда ҳаракат қилувчилар деб қараса, мантиқан тўғри эмас. Бундан ташқари, олдиндан тил бириктириб ҳаракат қилаётган жиноят иштирокчилари – мансабдор шахслар томонидан олинган ҳақнинг умумий миқдори кўп ёки жуда кўп ҳисобланса, улар айнан кўп ёки жуда кўп миқдорда пора олганлик учун жавоб берадилар. Агар бу вазиятда такроран пора бериш деб эътироф этилса, яъни пора берувчи бир неча поралар берди деб ҳисобланган бўлса, бундай иш тутиш мумкин бўлмас эди.

Амалиётда ўзига нисбатан порани товламачилик йўли билан талаб қилиш бўлганлиги ёки содир этилган қилмиш ҳақида ихтиёрий арз қилинганлиги сабабли қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликдан озод этилган пора берувчи кўрсатилган ҳолатлар йўқлигида яна пора берган ҳоллар учраши мумкин. Бундай ҳолларда такрорийлик белгиси бўйича пора беришни квалификация қилиш учун асослар йўқ. Ушбу ҳолат бўйича пора бериш чоғида порани товламачилик йўли билан талаб қилиш ёки содир этилган қилмиш ҳақида ихтиёрий арз қилиш бўлган тақдирда бу учун ҳукм қилиш қонунга зид бўлар эди.

Воситачилик қилишнинг нафақат икки ва ундан ортиқ мустақил, турли вақтда содир этилган ҳолати, балки икки ва ундан

¹ Тошкент вилоят судининг 1999 йилги архиви.

ортиқ пора берувчиларга ёки жиноий гуруҳни ташкил этмайдиган икки ва ундан ортиқ пора олувчиларга бир вақтнинг ўзида воситачилик хизматлари кўрсатиш пора олиш-беришда такроран воситачилик қилиш деб эътироф этилади. Бунда баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда воситачи орқали порани мансабдор шахсга топшираётган бир неча пора берувчиларга бир вақтнинг ўзида воситачилик қилиш, башарти пора олувчи уларнинг ҳар бири учун алоҳида ҳаракат содир этиши керак бўлса ва бу воситачи томонидан англанса, такроран воситачилик қилиш деб квалификация қилинади.

Б.В.Волженкин ёзганидек, пора олиш, бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг бир неча маротаба-лигидан давом этадиган порахўрликни фарқлаш лозим. Давом этадиган жиноятнинг хусусияти шундан иборатки, жиноятчининг қасди дархол, бир ҳаракат орқали эмас, балки изчиллик билан, босқичма-босқич, бир неча, бир-бирига ўхшаш ҳаракатлар содир этиш йўли билан амалга оширилади¹.

Шубҳасиз, агар пора берувчи ва пора олувчи мансабдор шахс томонидан у ёки бу ҳаракат бажарилиши ёки бажарилмаслиги учун муайян сумма бериш-олиш ҳақида келишиб олса ва бу сумма шахсан ёки воситачи орқали бўлиб-бўлиб бир неча мартаба берилса-олинса, бунда бу такроран содир этилган порахўрлик эмас, балки битта «давом этадиган» поради (пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш). Бундан ташқари, пора миқдори олдиндан шартлашилган бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин ҳақ муайян бир ҳаракат бажарганлик — бажармаганлик учун бўлиб-бўлиб бир неча мартаба берилса, бу давом этадиган ягона жиноятдир.

Тегишинча мансабдор шахс шартлашилган ҳақни олиб, сўнгра эса пора берувчидан бу ҳаракат учун қўшимча ҳақ талаб қилиб олган ҳолларда ҳам порахўрлик жинояти такроран содир этилган бўлмайди.

Қонун мазмунига кўра қайта пора берганлик ёки пора олиш-беришда қайта воситачилик қилганлик порани бўлиб-бўлиб беришдан фарқли равишда пул ёки бошқа моддий қимматликларнинг ҳар бир топширилиши пора берувчи манфаа-

¹ Волженкин Б.В. Неоднократность как квалифицирующий признак взяточничества. - 27-28-бетлар.

тида хизмат бўйича мустақил ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этиш билан боғлиқликни назарда тутати. Агар иккинчи мартаба пора худди ўша пора берувчидан, лекин мансабдор шахс томонидан бошқа янги ҳаракат содир этиш учун олинса, бу ҳолда бу такроран пора бериш ва пора олиш ҳисобланади. Мисол учун, пора эвазига икки хонали турар жой берган мансабдор шахс бу пора берувчини қониқтирмаган тақдирда яхшироқ турар жой, алоҳида квартира бериш учун ундан яна пора олганлиги учун такроран пора олганлиги учун, пора берувчи эса тегишинча такроран пора берганлиги учун асосли ҳукм қилинади.

Такрорлик белгисининг аниқланишидаги баъзи бир қийинчиликлар «ҳақ тўлаш-пора» деб аталмиш вазиятларда ҳам вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарорининг 3-бандига мувофиқ «мансабдор шахснинг ўз қўли ёки назорати остидаги шахслардан уларни хизмат юзасидан ҳимоялаш ёки қўллаб туриш ваколати доирасига кирувчи масалаларни ушбу шахслар манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳал қилганлиги учун улардан пул маблағлари ёхуд бошқача бойликлар олишини пора олиш деб баҳолаш лозим». Одатда бундай ҳолларда мансабдор шахснинг ҳеч қайси ҳаракати ҳар галда шартлашилмайди.

Ўйлаймизки, пора бериш ва пора олиш - бу ягона давом этадиган жиноятлардир. Пора олувчининг хатти-ҳаракатларини, башарти у олган бойликларнинг умумий суммаси кўп ёки жуда кўп миқдоргача етса, ЖК 210-моддасининг 2 ёки 3-қисми билан квалификация қилиш лозим. Аксинча, агар поралар мунтазам равишда айнан бир пора олувчига, лекин ҳар галда муайян қилмиш учун топширилган бўлса, унда такроран содир этилган порахўрлик бўлади.

Хавfli рецидивист томонидан пора олиш, пора бериш ёки бунда воситачилик қилиш вазифаларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси ЖК 210, 211, 212-моддалари 2-қисмининг «а» бандида жиноятни квалификация қилувчи иккинчи белги ҳисобланади.

ЖКнинг 34-моддасининг 2-қисмига мувофиқ «илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда

алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади» ва қонун чиқарувчимиз томонидан рецидив жиноятни жиноят кўплигининг бир тури сифатида кўрсатилади¹.

Рецидив - «recidivus» лотинча атама бўлиб, у «қайтиб келувчи» деган маънони билдиради.

Рус тилининг изоҳли луғатида бу атама қайталаш, қайтиш, (одатда нимадирнинг кўнгилсиз такрорланиши) жиноятлар такрорланиши, такрорий жиноят деб таърифланади².

Порахўрлик жинояти хавфли рецидивист томонидан содир этилганлигини квалификация қилувчи белги мавжудлигини назарда тутиб, қонун чиқарувчи шунга ўхшаш ёки бир хил жиноят содир этишнинг юқори хавфлилигидан келиб чиқади. Чунки бунда шахс жиноий ҳулқ-атворининг ягона барқарор хусусияти акс этади.

Адабиётларда бошқа нуқтаи назар ҳам учрайди. Масалан, Э.Х.Норбўтаев ҳисоблаганидек, жиноят такроран содир этилганлиги ва рецидив жиноят қоидалари ижтимоий адолат тамойилига мос келмаслиги туфайли улардан воз кечиш мақсадга мувофиқдир³. Чунки «қонун чиқарувчи рецидив жиноят, жиноят такроран содир этилганлиги ва ўта хавфли рецидив жиноят учун юқори жавобгарликни назарда тутиб, жамиятга қарши ҳаракат учун жавобгарликни кўзда тутди⁴.

Юридик адабиётда иккинчи жиноятни, башарти биринчи жиноят учун судланганлик қонунда белгиланган тартибда тугатилган ёки олиб ташланган бўлса, такроран содир этилган жиноят деб эътироф этиш тўғрисидаги масала узоқ вақт мобайнида мунозарали бўлиб турибди. Айрим муаллифларнинг фикрига кўра, илгари содир этилган жиноят учун судланганлиги (тугатилган ёки олиб ташланган бўлса ҳам иккинчи жиноятни такроран содир этилган деб эътироф этишда ҳисобга олиниши

¹ Кўплик шакллари жиноятлар такрорийлиги, рецидив ижтиният ва жиноятлар мажмуаси ташкил этиши ҳақидаги анъанавий тасаввурни жиноят-ҳуқуқий доктринанинг ҳамма вакиллари ҳам қўллаб-қувватламайди. Бу тўғрисида қаранг: Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы. - Т., 1996. - 233-249-бетлар.

² Толковый словарь русского языка. Под ред. Д.Н.Ушакова. Т.3. - М., 1939.- 353-бет.

³ Нарбутаев Э.Х. Борьба с преступностью: закон и практика.Т., 1991. - 52-59-бетлар.

⁴ Нарбутаев Э.Х.Уголовный закон и его эффективность.Т., 1991. - 54-бет.

мумкин. Бу фикрдагилар ушбу нуқтаи назарни жиноятнинг юридик оқибатлари ўз кучини йўқотган бошқа ҳолларга (амнистия, афв этиш, жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб келганлиги) ҳам тадбиқ этишар эди¹.

С.В.Бородин қасддан одам ўлдириш ва бошқа ўта хавфли жиноятларнинг юқори ижтимоий хавфлилигини рўқач қилиб, масалани бундай тарзда ечиш истисно тариқасида фақат шу категорияли жиноятларга тааллуқли бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, у қонунни тегишли махсус шарт билан тўлдиришни ҳам таклиф этган².

Масаланинг бундай ечимларини тўғри деб топиш мумкин эмас. Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик шахснинг ҳуқуқий мақомига таъсир этиши ва хусусан янги жиноят учун жазо тайинлашда жиноятнинг ҳуқуқий оқибатлари сақлангунга қадар, улар қонунга кўра тугатилгунга қадар ҳисобга олиниши мумкин. Шунинг учун бу масалани ҳал қилиш борасида ЖК 77-моддасининг 4-қисмидан тугатилган ёки олиб ташланган судланганлик у билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатларни бекор қилиши тўғрисидаги аниқ кўрсатмалардан келиб чиқиш лозим. Бу муаммони тадқиқ этган аксарият муаллифларнинг шахсини жавобгарликдан ёки жазодан озод этишнинг ҳуқуқий аҳамиятига доир нуқтаи назари ҳам худди шундай³.

Шундай қилиб, порахўрликда хавfli рецидивлик ўзининг порахўрлик учун ҳукм қилингандан сўнг ҳам судланлик ҳолатининг тугалланмаганлиги ёки судланганлигининг олиб ташланмаганлиги ҳолда қайта пора олиш, бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилиш ўхшаш ва турдош хавfli рецидив жиноятларни қайд этишга имкон беради. Демак, илга-ри, яъни пора олгунга, бергунга ҳамда пора олиш-беришда воситачилик

¹ Бессонова А.В. Уголовно-правовая ответственность за злостное нарушение правил административного надзора. Автореф. канд. дисс. - Свердловск, 1974. - 12-бет. Шубин В. Учитывать личность виновного при назначении наказания - обязанность суда. // Соц. Законность, 1976, №: 4. - 28-бет.

² Бородин С.В. Квалификация преступлений против жизни.-М.: Юрид. лит., 1976. - 118-119-бетлар.

³ Аллабергенов А.П. Уголовная ответственность за повторное хищение социалистического имущества. // Проблемы совершенствования мер борьбы с преступностью. -Т., 1986. - 35-36-бетлар; Блиндер Б.А. Повторность как обстоятельство, отягчающее изнасилование. //Вопросы уголовного права, уголовного процесса и криминологии. - Душанбе: Ирфон, 1966. - 104-106-бетлар; Блиндер Б.А. Квалификация вымогательства по уголовному законодательству Узбекской ССР. //Бюллетень Верховного суда Узбекской ССР, 1990, № 1. - 64-бет; Уголовный закон. Опыт теоретического моделирования. Под ред. В.Н.Кудрявцева и С.Г. Келиной. - М.: Наука, 1987. - 165-бет; Ахмедов Г.А. Концепция союзной республики в области уголовного законодательства. - Т.: Фан, 1972. - 95-бет; Рустамбаев М.Х., Тохиров Ф., Кодиров А. Обстоятельства, отягчающие наказание в уголовном законодательстве Республики Узбекистан. - Т., 2000. - 158-бет.

қилгунга қадар бундай жиноят учун ҳукм қилинган ва бундай жиноят учун судланганлиги бўлган шахс порахўр-ликда хавфли рецидивист деб эътироф этилиши керак.

А.С.Якубов жиноятлар такроран содир этилишининг мустақил шакли сифатида рецидив жиноятни ажратишни батафсил асослаб беради. Унинг фикрига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига рецидив жиноят бўйича тадбиқ этилган ёндашувлар етарли даражада асосли ва қандайдир қўшимча такомиллашувни талаб этмайди¹.

Бу фикрга қўшилган ҳолда, шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, биз ўтказган изланишлар кўрсаткичларига кўра порахўрликда шахсни хавфли рецидивист деб эътироф этишнинг ўзи жиноят ҳуқуқи назариясида ва суд амалиётида қийинчиликлар туғдирмайди.

Жиноят кодексининг пора олиш-бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш бандларида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатларнинг охиригиси - бу уларнинг илгари бошқа ҳар қандай шаклдаги порахўрликни содир этган шахс томонидан содир этганлигидир. Мазкур оғирлаштирувчи ҳолатнинг қонун чиқарувчи томонидан кўрсатиб ўтилганлиги одатда жиноят такроран содир этилганлиги илгари биронтаси учун шахс ҳукм қилинмаган, икки ва ундан ортиқ ўхшаш жиноятлар уйғунлиги орқали вужудга келишига боғлиқдир. Ўхшашлик эса шу билан белгиланадики, содир этилган икки ва ундан ортиқ жиноят ЖК моддаси ёки моддаларининг айнан бир қисмида назарда тутилган. Шу билан бирга ЖК 32-моддаси 1-қисмининг мазмунига кўра муайян моддаларда махсус назарда тутилган истисно ҳолларда жиноят такроран содир этилганлиги турдош ҳамда турдош бўлмаган жиноятлар уйғунлиги орқали вужудга келиши мумкин. Пора бериш, пора олиш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш турдош жиноятлар ҳисобланади, уларнинг турли кетма-кетликда содир этилганлиги махсус кўриниш, такрорийлик сифатида кўрилиши лозим бўлиб, унга юқорида кўриб чиққан умумий такрорийликнинг барча ўзига хос хусусиятлари тааллуқлидир.

¹ Якубов А.С. Учение о преступлении по законодательству Республики Узбекистан . - Т., 1995. - 109-115-бетлар.

Ўйлаймизки, шу боисдан қонун чиқарувчи бу тушунчани «кенг» ва «тор» маънода талқин қилишнинг олдини олиш мақсадида қонунда жиноят такроран содир этишнинг бу турини бевосита кўрсатган.

Айни вақтда, жиноятни такроран содир этишнинг ўзи (ЖК 32-м. 1-к.) умумий (асосий) ва махсус (истисно этувчи) турларига бўлинганлигини ҳисобга олган ҳолда ўйлаймизки, ЖК 210, 211, 212-моддалари 2-қисмининг «а» бандлари қуйидаги таҳририй ўзгартишни талаб этади. «Пора олиш (пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш):

а) такроран ёки илгари ушбу Кодекснинг 211, (212) 213-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс ёхуд хавфли рецидивист томонидан».

2.2 Пора миқдорининг порахўрликни квалификация қилишга таъсири

Порахўрликнинг барча турларини квалификация қилишда поранинг «кўп миқдор» ва «жуда кўп миқдор»и кўзда тутилади. Жиноят кодекси саккизинчи бўлимнинг матнига кўра энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор кўп миқдор деб, энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан ортиқ миқдор эса жуда кўп миқдор деб тушунилади.

Бундай нуқтаи назарнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, у нафақат баҳоланишни бартараф этади, балки юз бераётган табиий инфляция жараёнларини ҳам ҳисобга олиш имкони беради.

Таъкидлаганимиздек, мансабдор шахсларнинг жиноий фаолияти баъзан узоқ вақт мобайнида давом этади ва бу вақт давомида улар бир неча маротаба поралар оладилар. Савол туғилади: пора олишнинг кўп ёки жуда кўп миқдорини белгилаб, айбдор томонидан турли вақтда олинган пул суммаларини қўша бўладими? Қуйидаги жавоб тўғри кўринади: агар айбдорнинг хатти-ҳаракатларида такроран пора олганлик белгилари мавжуд бўлса, уларни жамлаш нотўғридир. Хусусан, хизмат бўйича ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлмаган, мустақил ҳаракатлар учун турли шахслардан турли вақтда пора олинганида бир

вақтнинг ўзида бир неча шахсдан уларнинг ҳар бири учун алоҳида ҳаракат содир этиш эвазига пора олинганида ва такроран пора олишнинг бошқа ҳолатларида бундай иш тутиш мумкин эмас. Аксинча, агар мансабдор шахс бир вақтнинг ўзида бир неча шахсдан улар учун ягона умумий ҳаракат содир этиш эвазига пора олган бўлса ёки пора бўлиб-бўлиб топширилганда, у ягона давом этадиган жиноят ҳисобланса, пора миқдори умумий якуний сумма билан белгиланади.

Савдода, жамоат овқатланиши, аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатишда кенг тарқалган пора бериш – ҳақ тўлаш деб аталмиш вазиятни кўриб чиқамиз. Бунда пора олиш-бериш фактлари қоидалари қатъий белгиланган тизим хусусиятларига эга бўлади: мансаби кичик бўлган ходим ҳар ойда мансаби юқорироқ шахсга пора бериши шарт, у эса олинган маблағларнинг бир қисмини мансаби юқорироқ раҳбарга топширади ва ҳ.к. Шундай ҳолларда пул мукофотини айнан бир шахсдан мунтазам, ошкора, доимий равишда олишдан иборат жиноий фаолиятга давом этадиган пора олиш деб қарашга асос беради. Поранинг умумий миқдори эса мансабдорлик жиноятининг квалификациясини белгилаши керак.

Суд амалиёти ҳам ана шу нуқтаи назардадир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1993 йил 24 майдаги қарорининг 10-бандида айтилганки, агарда кўп ёки жуда кўп миқдорда ноқонуний тақдирлаш бўлиб-бўлиб олинган бўлса ва бу ҳаракатлар ягона давомли жиноятнинг бир қисми бўлса, содир этилган ҳаракатлар тегишлича кўп ёки жуда кўп миқдорда пора олиш деб баҳоланиши лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, агар бир неча маротаба олинган (берилган) пораларнинг умумий суммаси жуда кўп миқдорни ташкил этса, унда жиноятни квалификация қилувчи икки белги: 210, 211, 212-моддаларнинг 2-қисмида назарда тутилган такроран жиноят содир этганлик ва бу моддаларнинг 3-қисмида назарда тутилган жуда кўп миқдор ўртасида рақобат юзага келади. Бу ҳолларда жиноят-ҳуқуқий назарияга биноан ҳамда Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарори 13-бандига мувофиқ бу жиноятни ушбу моддаларнинг учинчи қисми билан тавсифлаш керак.

Таҳлил этилаётган масалага якун ясаб юқоридаги қарорининг яна бир бандида тўхталиб ўтмоқчи эдик. Ушбу қарорнинг 10-бандида айтилганки, жиноятни тавсифлаш пора миқдорига боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда ҳар қандай пора предметининг қиймати товарларнинг нархи, хизматларнинг ҳақи ёки тарифи асосида, улар бўлмаганда – экспертлар хулосаси асосида аниқланади. Назаримизда, айтилганлар «жиноят содир этилган кун»га қадар амалга оширилиши лозим.

2.3 Товламачилик йўли билан пора олиш

Товламачилик йўли билан пора олиш ЖК 210 моддаси 2 қисмининг «в» пункти квалификация қилувчи белгиси ва пора берувчининг жавобгарликдан озод қилиниши (ЖК 211 модда 4 қисм) белгиси сифатида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарорида белгиланганидек, таъмагирлик – мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки фуқарони унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасддан тушириш демакдир.

Шу билан бирга,¹ адабиётларда шахснинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларига таҳдид йўқлигида ҳам порани товламачилик йўли билан талаб қилиш мумкин¹ деган нотўғри фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, гарчи пора бажарилиши ёки бажарилмаслиги керак бўлган ҳаракатлар, пора берувчининг баъзи бир қонунга зид берилаётган бўлса порани товламачилик йўли билан талаб қилиш моҳиятини тўғри тасаввур қилишнинг зарур, чунки бу белги мавжуд бўлган тақдирда нафақат пора олувчининг жавобгарлиги кучаяди, балки пора берувчининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала ҳам мутлақо бошқача тарзда ҳал этилади. Амалдаги қонунга мувофиқ пора берувчи бундай ҳолда жиноий жавобгарликдан озод этилиши керак. Ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга эришиш учун пора беришга мажбур бўлган субъектнинг хавфлилиги

¹ Светлов А.Я. Ответственность за должностные преступления. – Киев, 1978. – 217–219-бетлар.

даражаси унча катта эмаслиги бундай озод этишнинг асоси бўлиши мумкин. Пора берувчига қонуний ҳаракатлар, яъни мансабдор шахс тегишли ҳолларда қилиши (ёки қилмаслиги) мажбур бўлган ҳаракатлар содир этиш таҳдиди солинганида бундай вазият вужудга келмайди.

Шу боисдан ҳам А.Я.Светлов ва уни қўллаб-қувватлайдиган бошқа муаллифларнинг юқорида келтирилган нуқтаи назарига қўшилиб бўлмайди.

Шунинг учун мансабдор шахс томонидан, масалан камомадни кўрсатмаслик, ўқув юртларига тартиб-қоидаларини бузган ҳолда қабул қилиш, жиноят ишини ноқонуний тугатиш ва бошқа ҳолларда пора талаб қилиш ҳаракатларида товламачилик аломатлари мавжуд бўлмайди.

Масалан, Сирдарё вилоят суди томонидан ички ишлар бошқармаси уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг катта тезкор ходими Н. фуқаро У. дан унинг иккита хотини борлиги, ўғли эса катта пул эвазига институтга кирганлиги ҳақидаги аризани тўхтатиб туриши учун бир минг АҚШ доллари ва 45000 сум талаб қилганлиги учун ЖК 210- моддасининг 3-қисми бўйича ҳукм қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича Коллегияси ҳукми ўзгартиришсиз қолдирган¹. Назаримизда, бу ҳолда товламачилик факти мавжуд, чунки аризадаги иккала ҳолат исботланмаган, яъни мазкур шахснинг қонуний манфаатлари камситилган. Айтиш мумкин бу маълумотлар ҳақиқатга тўғрилиги ва шубҳа туғдирмаслиги деган ҳолат ҳам бўлиши мумкин. Унда товламачилик бўлмайди, чунки шахснинг қонуний манфаатлари камситилмайди.

Шундай қилиб, товламачилик пора олишни квалификация қилувчи ҳолат ҳамда пора берувчини жиноий жавобгарликдан озод этувчи ҳолат ҳисобланади. Бу ҳолда пора берувчи пора беришга мажбур, чунки пора олувчи унинг қонуний манфаатларини бузишга таҳдид солади ёки қасддан уларни бузган ҳолда пора беришга ундайди.

Агар пора берувчи мансабдор шахснинг ноқонуний, ғайриҳуқуқий хулқ-атворидан манфаатдор бўлса, қонунни четлаб ўтишга ноқонуний имтиёзлар олишга, ўзининг ноқонуний ман-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1999 йилги архиви.

фаатларини қондириш учун эришишга ҳаракат қилса, унда поранинг товламачилик йўли билан талаб қилинганлиги субъект порани беришга мажбур бўлганлиги ҳақида гапириш, бинобарин уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғри бўлмас эди.

Баён этилганларга кўра қуйидаги ҳолларда порани товламачилик йўли билан талаб қилиш бўлмайди: савдо назоратчиси харидорларни алдаш фактларини аниқлаб акт тузиш хавфи остида сотувчилардан пора беришни талаб қилганда, ДАН ходими йўл ҳодисаси тўғрисида акт тузилмаслиги, бухгалтер аниқланган товарлар камомадини яширганлиги, шифокор соф пациентга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берганлиги учун поралар берилганида, муайян ишлар ёки навбатдан ташқари буюртма бажарилганлиги, шахсни ноқонуний равишда шаҳарнинг турар жойидаги рўйхатга киритганлик учун пора талаб қилинганда товламачилик ҳолати бўлмайди.

Порани товламачилик йўли билан талаб қилишнинг бошқа шакли – мансабдор шахс томонидан пора берувчини қасддан шундай аҳволга солиб қўйишки, унда пора берувчи ҳуқуқ билан кўриқланадиган ўз манфаатлари учун зарарли оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур бўлади. Товламачиликнинг бу шаклига мажбурлов хос бўлиб, у яширин характерга эга. Чунки пора беришни тўғридан-тўғри талаб қилиш ва очиқдан-очиқ таҳдид солиш мавжуд эмас. Аммо мансабдор шахс шундай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қиладики, натижада пора товламачилик йўли билан талаб қилинадиган шахснинг ҳуқуқлари ёки манфаатлари бузилиши мумкин бўлган ёки бузилган ҳақиқий вазият вужудга келади. Бундай вазият шахснинг пора беришга қарор қилишига мажбур этади. Порахўрликнинг бундай шакли учун пора берувчи олдида ёки пора бериш, ёки ўз қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларининг мансабдор шахс томонидан бузилиши ва зарар етказилиши остига қўйиш каби муқобил қарор қабул қилиш имконияти бўлганлигини аниқлаш лозим. Пора берувчининг ўзи мансабдор шахсга пора таклиф этаётгани бу шакл учун хосдир. Лекин бу мажбурий таклифдир. Масалан, мансабдор шахс ишга мутахассисни қабул қилишга оғзаки розилик берган вазиятни олайлик. Бунда бу мутахассис илгариги ишидан бўшаганлигини, шунингдек, меҳнат стажиди,

башарти бўшаганидан кейин ишга жойланмаса узилиш бўладиган бир ойлик муддат бошланганлигини била туриб мансабдор шахс унинг ишга қабул қилинишини расмийлаштиришни пайсалга солади. Мазкур ҳолда пора беришнинг талаби тўғридан-тўғри билдирилмайди. Лекин мансабдор шахс расмийлаштириш масаласини пайсалга солиб, ишга жойлаштиришда кўнгилсиз вазиятни вужудга келтиради. Бунда шахс меҳнат стажига узилиш бўлмаслиги учун пора беришга мажбур бўлади.

Агар мансабдор шахс томонидан порани товламачилик йўли билан талаб қилиш исталган натижага олиб келмаса, бу хатти-ҳаракатлар товламачилик билан уйғунлашган пора олишга суиқасд қилиш деб квалификация қилиниши лозим.

2.4 Бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олиш

Жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши кўп жиноятларни квалификация қилувчи белги ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқи назариясида ҳам, суд амалиётида ҳам жиноятни квалификация қилувчи бундай белги деганда жиноят содир этилиши бошлангунга қадар иштирокчиларнинг ўзаро тил бириктириши деб тушунилади. Пора олинганда мансабдор шахсларнинг порани олиш тўғрисида ўзаро тил бириктириши назарда тутилган. Айнан шундай талқин Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарори 9-бандида берилган: «Жиноятни содир этишда аввалдан, яъни жиноят бошлангунча келишиб олган икки ва ундан ортиқ мансабдор шахс иштирок этган бўлса, пора олиш бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда содир этилган деб ҳисобланади».

Олдиндан тил бириктириш, башарти у жиноят бошлангунга қадар юз берган бўлса, эътироф этилади. Бунда мансабдор шахслар муайян пора берувчи уларга мурожаат этгунга қадар, шунингдек, улардан бирига мурожаат этилганидан кейин тил бириктириши мумкин. Иккинчи ҳолда ҳам жиноят иштирокчиларидан бири пора олган пайтгача гуруҳ ташкил этилганлиги

туфайли олдиндан тил бириктириш деб эътироф этилиши лозим. ✓

Агар пора олувчилар пора ё бир неча поралар олиш ҳақида олдиндан келишиб бир бутун сифатида ҳаракат қилганда улар олдиндан тил бириктирган деб ҳисобланади. Бунда пора олувчиларнинг гуруҳига кирувчи мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ўз мазмунига кўра бир хил ёки турли бўлиши мумкин. Аммо улар пора берувчининг манфаатида содир этилади. Бир марта пора олиш ёки умуман порахўрлик билан шуғулланиш учун тил бириктирилган бўлиши мумкин.

(1) ✓ Олдиндан тил бириктирган ҳолда пора олаётган мансабдор шахслар ҳар бири фаолиятининг характери ва мазмуни тўғрисидаги масала юзага келади. Н.И.Коржанский ҳисоблаганидек, айбдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноятни квалификация қилувчи мазкур белгининг мавжудлиги уларнинг қайси бири пора берувчининг манфаатида ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этиш кераклигига, уларнинг ҳар бири қандай улуш олганлигига, шунингдек, уларнинг хизмат мавқеига таъсир этмайди¹. Ю.И. Ляпунов ҳам тахминан шундай фикр билдиради. Унга кўра, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олишни квалификация қилувчи белги учун «ҳар бир мансабдор шахс пора берувчининг манфаатида муайян хизмат ҳаракатлари содир этиши шарт эмас. Дастлабки келишувга кўра гуруҳ иштирокчилари бирининг розилиги билан ва унинг кўмагида бошқа мансабдор шахс кўрсатилган ҳаракатларни бевоқифа содир этган ва ноқонуний ҳақни пора берувчидан қабул қилган, сўнгра эса унинг бир қисмини бошқа иштирокчига берган тақдирда ҳам гуруҳ ҳисобланади. Масалан, турар жойни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўйича бўлим ходими ўз бошлиғи билан тил бириктириб манфаатдор шахсдан пора олади ва пулнинг бир қисмини бўлим бошлиғига топширади»². ✓

Б.В.Волженкин бу нуқтаи назарга қўшилган ҳолда айрим изоҳлар беради. Масалан, Ю.И.Ляпунов келтирган мисолда турар жойни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўйича бўлим бошлиғини бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил

¹ Коржанский Н.И. Кўрсат. асар. – 44-бет.

² Ляпунов Ю. Кўрсат. асар. – 33-бет.

бириктириб пора олганлик учун жавобгарликка тортиш учун у ҳам пора берувчи манфаатида нимадир қилаётганини асослаб бериш керак. Бу фикрлар, назаримизда, пора олувчилар жиноий гуруҳининг иштирокчисини пора олишга кўмаклашаётган, унинг далолатчиси ёки ҳатто ташкилотчиси ҳисобланган мансабдор шахслардан ажратишга ёрдам беради¹.

Ф.Бражник ва А.Толкаченко деярли шундай фикр билдирадilar: Олдиндан тил бириктириб ҳаракат қилувчи шахслар гуруҳини бевосита ижрочилар ҳисобланган мансабдор шахслар, яъни пора олиш субъектининг белгиларига эга бўлган ҳамда ўз ҳуқуқлари ва ваколатларидан пора берувчининг манфаатида ҳаракат содир этиш мақсадида фойдаланадиган икки ва ундан ортиқ киши ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда, пора олишда иштирокчиликнинг мажбурий белгиси – субъектнинг пора олиш учун лавозими бўйича ўз ваколатидан бошқа иштирокчилар билан биргаликда ҳаракатлар содир этиш орқали фойдаланганлигидир»².

Шундай қилиб, олдиндан бўлган келишувга кўра, иштирокчилар бирининг розилиги ва кўмагида бошқа мансабдор шахс кўрсатилган хатти-ҳаракатларни бевосита содир этган ва пора берувчидан ноқонуний ҳақ қабул қилган, сўнгра эса унинг бир қисмини бошқа иштирокчига таклиф этган тақдирда гуруҳ ҳисобланади.

Бошқа субъектларнинг хатти-ҳаракатлари ЖКнинг 28-моддасига биноан квалификация қилиниши керак. Мансабдор шахс, башарги ўзи ваколатларидан фойдаланмаган ҳолда хизмат фаолияти манфаатларига зид равишда бошқа мансабдор шахснинг пора олиши учун кўмаклашаётган бўлса, иштирокчи ҳисобланмайди. У бошқа шахс томонидан пора олишдаги иштирокчилик: ташкилотчилик, далолатчилик (жисмоний ёки интеллектуал), ёрдамчилик учун жавобгар бўлиши керак.

Маълумки, порахўрлик ғаразли мақсадда содир этилган жиноятдир. Унинг ҳар бир иштирокчиси фойдани пора предметининг бир қисми тарзида бевосита олишга интилади. Агар жиноят иштирокчиси кўрсатган хизмати учун бевосита пора олиш

¹ Волженкин Б.В. Кўрсат. асар. – 123-бет.

² Бражник Ф., Толкаченко А. Некоторые актуальные вопросы квалификации получения взятки. Уголовное право, 2000, № 11. - 10-бет.

ижрочисидан ўзининг ғаразли мақсадини қондиришга интилиб, ўзи эса иштирокчи бўлишга розилик бермаса, унда у «гуруҳ тарзида» пора олишнинг иштирокчиси ҳам ҳисобланмайди.

Аммо нафақат Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарорида айтилган ҳолларда (пора олишда уни олиш тўғрисида дастлаб келишиб олган икки ва ундан ортиқ киши иштирок этганда), балки пора олишда иштирок этувчи мансабдор шахсларнинг ҳар бири пора берувчининг манфаатида у талаб этаётган ҳаракатни қисман ёки тўлалигича содир этган ҳамда гуруҳ таркибида гуруҳ ташкилотчиси топшириғи билан жиноятни муваффақиятли содир этиш учун ҳар қандай қилмишни бажаришга рози бўлган тақдирда ҳам бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ томонидан олдиндан тил бириктириб пора олиш бўлади. Бу пора олишнинг объектив белгиларига кирадиган ва пора олишнинг объектив томонидан ташқарида бўлган хатти-ҳаракатлар бўлиши мумкин. Бошқа сўз билан айтганда, бир гуруҳ шахслар томонидан олинган пора иштирокчилиги нафақат пора предметини қабул қилган шахснинг хатти-ҳаракатларида, балки олдиндан тил бириктирган гуруҳ ёки уюшган гуруҳ иштирокчисининг хатти-ҳаракатларида ҳам бўлади. У пора беришнинг далолатчиси бўлиб, пора берувчи манфаатида талаб этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилишини таъминлашни ваъда қилган ҳолда бошқа мансабдор шахслар билан биргаликда ҳаракат қилади.

Шундай қилиб, ўз зиммасига ёрдамчи ёки далолатчи вазифасини олган ва жиноят ташкилотчиси ёки ижрочиси талаби билан порахўрлик таркибининг объектив томонига бевосита кирадиган ҳаракатни бажаришдан бош тортган мансабдор шахс бир гуруҳ шахсларнинг таркибига кирмайди.

Пора олиш ижрочиликнинг объектив томонига (формал таркиб сифатида) пора берувчи ёхуд у вакили бўлган шахсларнинг фойдасига шахснинг хизмат ваколатидаги қандайдир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этиш учун ёки эгаллаб турган лавозими бўйича ўз хизмат обрўсидан фойдаланиш ва ҳаракатларидан пора берувчининг илтимосини қондириш билан боғлиқ бўлган бошқа мансабдор шахсларга таъсир этиш муносабати билан пора берувчидан бевосита ёки воситачи орқали пора

предметини ёки унинг бир қисмини (ноқонуний моддий ҳақни) қабул қилиш киради.

Порахўрлар гуруҳининг таркибида масъул мавқега эга бўлган мансабдор шахс бўлиши мумкин. Жиноят ҳуқуқи фани ва суд амалиётида шундай қоида мавжудки, унга кўра жиноят иштирокчисига тааллуқли жиноятни квалификация қилувчи белгилар жиноят бошқа иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини квалификация қилганда ҳисобга олинмаслиги мумкин. Муқаддам порохўрлик учун ҳукм қилинган ёки масъул мавқега эга бўлган мансабдор шахснинг - пора олиш иштирокчисининг хатти-ҳаракатлари ЖК 210-моддасининг 3-қисми бўйича, бошқа иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатлари эса ЖК 210-моддасининг 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

Пора берувчи порани бир неча мансабдор шахсга бераётганини англаши керакми? Мутлақо шарт эмас. Таҳлил этилаётган жиноятни квалификация қилувчи белги фақат пора олувчиларнинг жавобгарлигини кучайтиради. Шунинг учун, башарти порани битта мансабдор шахс олса ва пора берувчи унинг пораси тил бириктирган мансабдор шахслар ўртасида бўлишини билмаса, пора бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб олинган, деб ҳисобланади. Бундай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарорини талқин қилишдан келиб чиқади.

Пора олган мансабдор шахс пора берувчининг манфаатини тўлалигича қондирилмаслигини тушунган ҳолда ўз ташаббусига кўра поранинг бир қисмини олдиндан тил бириктирмаган бошқа мансабдор шахсга берган ҳоллар ҳам бўлиши мумкин. Бундай вазиятда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқорида тилга олинган қарорига мувофиқ у пора олганлиги (ЖКнинг 210-м.) ва пора берганлиги (ЖК 211-м. 1-к.) учун жавобгар бўлади.

Агар пора берувчи мансабдор шахс билан алоқа ўрнатиб, унга пора топширган ҳолда масала ечими бошқа ходимга ҳам боғлиқ эканлигини тушуниб ҳақнинг бир қисмини ўша ходимга топширишни илтимос қилса, бунда пора берувчи - бир неча маротаба пора берганликда, биринчи мансабдор шахс - пора олганликда (ЖК 210-м. 1-к.) ва пора олиш-беришда иштирок

этганликда (ЖК 28-м. 1-к., 210-м.) ёки пора олиш-беришда воситачилик қилганликда (агар пора топширилиши керак бўлган муайян шахс кўрсатилган бўлса), иккинчи мансабдор шахс эса - пора олганликда (ЖК 210-м. 1-к.) айбдор ҳисобланадилар.

Лекин мансабдор шахслар пора олишга олдиндан тил бириктирган бўлса, ҳатто бу ҳақда пора берувчи хабардор бўлмаган тақдирда ҳам улар ЖК 210-моддаси 2-қисмининг «г»-банди бўйича жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг эслатиб ўтилган қарорига мувофиқ пора бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб кўп миқдорда олинганида бундан хабардор бўлган гуруҳ иштирокчиларига нисбатан ҳар бири олган пул суммаси миқдоридан қатъи назар бундай жиноятни квалификация қилувчи ҳолатлар тадбиқ этилади.

Порани товламачилик йўли билан талаб қилишни квалификация қилувчи белги пора олишнинг бундай усули ҳақида билган жиноий гуруҳнинг барча иштирокчиларига тадбиқ этилади. (Бунда уларнинг биригина пора берувчининг қонуний манфаатларини бузиш таҳдиди остида пора талаб қилиб пора берувчи билан мулоқотда бўлган бўлиши мумкин.).

Шуни таъкидлаш лозимки, суд амалиётида пора гуруҳ томонидан олинishi мансабдор шахсларнинг бири порани олган пайтдан бошлаб тугалланган деб ҳисобланади¹.

Порахўрлик жиноятини квалификация қилувчи мазкур белги хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ҳаракат қилувчи воситачини бошқа мансабдор шахслар билан тил бириктирган пора олувчининг ҳақи эвазига ҳаракат қилувчи воситачидан ажратиш масаласини келтириб чиқаради. Бизнинг фикримизча, агар мансабдор шахс бошқа мансабдор шахслар билан тил бириктириб улардан ҳақ олиш эвазига ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда анъанавий воситачилик ҳаракатлари ҳисобланган хатти-ҳаракатларни содир этса, у олдиндан тил бириктириб ҳаракат қилаётган пора олувчилар жиноий гуруҳининг иштирокчисига айланади.

Бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарори

Бўлган ҳолда пора олиш. Жиноятни квалификация қилувчи мазкур белги ЖК 212-моддаси 2-қисмининг «в»-бандида назарда тутилади.

Олдиндан тил бириктириб ҳаракат қилган бир гуруҳ мансабдор шахсларнинг хусусиятлари ва белгиларини юқорида кўриб чиқдик.

Пора олиш-беришда воситачига аён бўлганлик шуни англадики, у олдиндан тил бириктириб пора олаётган бир гуруҳ мансабдор шахсларнинг манфаатида воситачилик вазифаларини амалга оширади. Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида ҳам тахминан шундай талқин берилган. Бу эса уни ҳам ҳуқуқ назариясида, ҳам суд амалиётида бир хил тушуниш имконини беради.

Айни вақтда воситачи учун жиноятни квалификация қилувчи бундай белгининг мавжудлигини асослаб беришга оид ўз нуқтаи назаримизни билдирмоқчимиз.

Маълумки, порахўрлик иштирокчиларининг ижтимоий хавфлилиги даражаси турлидир. Унинг асосий иштирокчилари пора олувчи ва пора берувчи ҳисобланади. Пора олиш-беришда воситачи бу «мулоқотда» ҳозир бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам унинг ижтимоий хавфлилиги даражаси пастроқдир. Шу билан бирга ЖКнинг пора олиш жавобгарлигини назарда тутувчи 211-моддасида жиноятни квалификация қилувчи бундай белги кўрсатилмайди. Ва бу тўғридир. Чунки, аввал айтганимиздек, жиноятни квалификация қилувчи мазкур белги фақат пора олувчиларнинг жавобгарлигини кучайтиради. Бундан ташқари, Олий суднинг 1999 йил 24 сентябрдаги қароридан тўғридан-тўғри айтилганки, мансабдор шахсларнинг бири порани олган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган деб эътироф этилиши керак. Бунда пора берувчи пора олишда бир неча мансабдор шахслар иштирок этаётганини англаган – англамаганлиги аҳамиятга эга эмас. Айтилганларни ҳисобга олган ҳолда табиий савол туғилади: нега пора берувчи учун пора олдиндан тил бириктирган бир гуруҳ мансабдор шахсларга берилаётганини англаш аҳамиятга эга бўлмайди-да, унинг илтимоси билан ҳаракат қилган воситачи учун эса, бу жиноятни квалификация қилувчи ҳолат ҳисобланади?

Баён этилганларнинг асосида ҳисоблаймизки, жиноятни квалификация қилувчи мазкур белги ЖКнинг 212-моддаси мазмунидан чиқариб ташланиши лозим.

2.5 Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш

Жиноятни квалификация қилувчи мазкур белги ЖК 210, 212-моддалари 3-қисмининг «в»-бандида ва 211-моддаси 3-қисмининг «б» бандида назарда тутилади.

Республикамизда коррупцияга қарши кураш муаммосининг долзарблиги авваламбор давлатнинг жамоат ишларини бошқаришдаги роли бир вақтнинг ўзида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар юз бераётган шароитда аҳолининг, шу жумладан вужудга келаётган тадбиркорлар қатламининг ҳуқуқни қўллайдиганларга нисбатан тобелиги ортиб бораётган даврда объектив кучайиб боришига боғлиқдир. Ҳозир уюшган жиноятчилик феноменини чуқур ўрганиш, унинг моҳиятини, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, республикада уюшган жиноятчилик вужудга келишига, унинг ривожига ва ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсир этишига сабаб бўлган ҳолатларни ҳар томонлама тадқиқ этиш, бу борада муайян истиқбол режаларини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир. Ушбу мураккаб, салбий ҳодисани тўғри тушуниш амалий аҳамият касб этади.

ЖК 29-моддасининг 4-қисмига мувофиқ «икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади».

Назарияда иштирокчилик турларини фарқлаш муаммоли масалаларнинг бири ҳисобланади. Тадқиқотчилар турли вақтда ва турли кетма-кетликда жиноий қилмишда иштирокчиликнинг қуйидаги турларини ажратган: оддий иштирокчилик ва кенг маънодаги иштирокчилик. Оддий иштирокчилик деганда кўпинча биргаликдаги ижрочилик ва биргаликдаги айбдорлик тушунилади. Кенг маънода иштирокчилик деганда олдиндан келишилган ҳолда иштирокчилик ҳисобланган жиноий бирлашма, жиноий ташкилот, жиноий гуруҳ, уюшган гуруҳ, жиноий тудашакллари ажратилади. Ҳозирга қадар тегишли гуруҳларнинг

мураккаблиги ва мустаҳкамлиги кенг маънодаги иштирокчилик турларини ажратишнинг мезонлари бўлиб хизмат қилади. Масалан, ЖК 29-моддаси 4-қисмининг мазмунига кўра уюшган гуруҳ жинойий гуруҳдан жинойий бирлашманинг жипслиги ва мустаҳкамлиги даражаси бўйича фарқ қилади. Ўз навбатида, жипслик даражаси жинойий алоқалар мустаҳкамлиги билан белгиланади. Жинойий алоқалар мустаҳкамлиги жинойий тузилма аъзоларига мўлжалланаётган жинойятнинг асосий жиҳатларини олдиндан келишиб олишга, жинойят режасини тузишга, ўзаро вазифаларни тақсимлашга имкон беради.

Мустаҳкамлик даражасини гуруҳ узоқ вақт мобайнида амал қилиши, гуруҳ томонидан бир неча жинойий қилмиш режалаштирилиши, шунингдек, жинойий алоқалар кучлилиги ташкил этади.

Мустаҳкамлик даражасини кўриб чиқар эканмиз, ЖК 29-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган «бирлашиш» мезонида тўхталиб ўтиш лозим.

Бирлашиш мақсади деганда биз жинойий фаолият режасини тузиш, уни ўтказиш ва яшириш учун воситалар тайёрлаш ҳамда усулларга ишлов бериш, гуруҳнинг барча аъзолари учун мажбур бўлган ахлоқ нормаларининг тизимини ишлаб чиқиш, башарти гуруҳ аъзоларидан бири жинойий жавобгарликка тортилган ва ҳукм қилинган бўлса, жинойий гуруҳ аъзолари ёки уларнинг қариндошларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш қоидаларини, ташкилий-бошқарув тузилмалари, уларнинг иерархияси мавжудлигини, уюшган жинойятчилик тузилмасида «олий қатлам» ажратилган бўлишини, шунингдек, бу қатлам вакиллари раҳбарлик вазифаларини бажаришини, энг катта фойда кўриш нияти борлигини тушунамиз.

Бирлашиш мақсади уюшган гуруҳнинг жинойятини бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган жинойятдан фарқлаш имконини беради. Уюшган гуруҳ бўлмаганда гуруҳни фақат битта белги, яъни олдиндан тил бириктириш тавсифлайди. Бу ерда келгуси ва бир неча маротабалик жинойий фаолият учун махсус бирлашиш мақсади йўқ. Бундан ташқари, гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси жинойят ижрочиси ҳисобланади. Акс ҳолда жинойятни квалификация қилувчи

бундай белги истисно этилади. Бунда бу бирлашиш қачон юз берган пайтни аниқлаш лозим. «Олдиндан тил бириктирган шахслар гуруҳи» учун жиноят содир этиш учун бирлашганлик ва жиноятнинг ўзи ўртасида вақт жиҳатидан оралиқ энг кичик бўлиши мумкин. «Уюшган гуруҳ» учун бирлашиш олдиндан юз бериши керак¹. Бу унинг аъзоларини жуда катта синчковлик билан танлаш ва жиноий фаолиятни ишлаб чиқиш тартиботи билан изоҳланади. «Уюшма» уюшган гуруҳларнинг бирлашиши йўли билан ҳам ташкил этилади.

Амалиётда жиноий уюшма ва уюшган гуруҳни фарқлаш учун жипслик ва мустаҳкамликдан кўра аниқроқ мезонлардан фойдаланилади. Тузилиши мураккаб бўлган, иштирокчилари бир-бирига бўйсунадиган, давлат хизматчилари билан муносабатлар ўрнатилган тизимга эга бўлган тузилма жиноий уюшма ҳисобланади.

Уюшган гуруҳлар мустақил тарзда амал қилиши, шунингдек, улар хавфлироқ ва мураккаброқ жиноий уюшманинг таркибий қисми ҳам бўлиши мумкин.

А.С.Якубов тўғри таъкидлаганидек, ЖКнинг махсус қисмида жиноятни квалификация қилувчи белги сифатида «уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган жиноят» назарда тутилганида бу белги мазкур жиноятнинг нафақат бевосита ижрочиси, балки унинг бошқа барча иштирокчиларига нисбатан, башарти улар бу жиноятни тайёрлашда иштирок этган ва у уларнинг қасди билан қамраб олинган бўлса, тадбиқ этилиши лозим. Лекин бу белги уюшган гуруҳ аъзолари ҳисобланмаган, уюшган гуруҳ таркибида муайян жиноят содир этишда бир мартаба иштирок этган ёки жиноятни мустақил тарзда, аммо уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб ўз ташаббуси билан ёхуд унинг топшириғи билан амалга оширган шахсларга нисбатан ҳам тадбиқ этилиши зарур².

Шундай қилиб, баён этилганларга асосан биз қуйидаги хулосаларга келдик:

1) уюшган гуруҳ ёхуд унинг алоҳидаги иштирокчиларининг манфаатларини кўзлаб пора олинганида пора берувчи мансаб-

¹ Зуфаров Р. Уюшган жиноий гуруҳ ва коррупция.// Давлат ва ҳуқуқ, 2000, № 2. – 36-бет.

² Якубов А.С. Қўрсатилган асар. – 137-138-бет.

дор шахс уларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилаётганини англамаслиги ҳам мумкин;

2) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб пора берилганида пора берувчи пора олувчининг ҳам унинг ўзи, ҳам бутун гуруҳ учун мақбул бўлган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан манфаатдордир.

Бунда пора олувчи уюшган гуруҳнинг манфаатларини кўзлаб қилмиш содир этаётганлигини англамаслиги ҳам мумкин.

3) воситачилик ҳаракатларини амалга оширишда воситачи ҳар қандай ҳолда (у кимнинг тарафида бўлишидан қатъи назар) ўз вазифаларини уюшган гуруҳнинг, ҳеч бўлмаса тарафлардан бири манфаатларида бажараётганини англаши керак.

2.6 Пора олиш-беришда ҳақ эвазига содир этилган воситачилик

Пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг субъектив томони айбдорда тўғри қасд мавжудлигини назарда тутиб, унинг мазмуни билан бу жиноят объектив томонининг юқорида кўриб чиқилган белгилар қамраб олинади. Воситачи амал қиладиган мотив ва мақсадлар турли, башарти воситачи «хизмат ҳақи» олса, ғаразли бўлиши мумкин. Хизмат ҳақи ҳисобланган предметлар пора олиш-беришдагидек эътироф этилади. Бунда моддий тусдаги предметлар ҳам пора олувчи, ҳам пора берувчи, ҳам иккала тараф томонидан топширилиши мумкин. Яна бир қарра таъкидлаш керакки, бу жиноят оғайнигарчилик ёки шахсий одамгарчилик юзасидан, амалпарастлик ниятида содир этилиши мумкин.

Таҳлил этилаётган жиноятни квалификация қилувчи белгилари жиноят қонун ҳужжатларида сақлаб қолиш юзасидан айрим шубҳаларимизни билдирмоқчи эдик.

Аввал таъкидлаганимиздек, порахўрлик – ғаразли мақсадни кўзлайдиган жиноят бўлиб, у ноқонуний равишда бойишни ва албатта, биринчи навбатда пора олувчининг ноқонуний равишда бойишини назарда тутди. Айни вақтда, бундай мотивлар воситачилик қилишда ҳам бўлиши мумкин (ва одатда улар бор). Лекин қонун чиқарувчи бундай қилмишни жиноятни ква-

лификация қилувчи белгига ажратиш орқали у учун таъқиқ белгилаб қўяди.

Бундан ташқари, пора олганлик учун жавобгарликни ва энг кам иш ҳақининг 50 баробаридан 100 баробаригача миқдорда жарима тарзида ва 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутувчи ЖК 210-моддасининг 1-қисмини ҳақ эвазига пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун жавобгарликни, шунингдек, 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутувчи ЖК 212-моддаси 3-қисмининг «а»-банди билан солиштирсак қўйидагилар келиб чиқади. Агар пора олувчи энг кам иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда пора олса, жазо жарима ёки 6 ойдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарзида белгиланиши мумкин. Пора олиш-беришда воситачилик қилишда эса (ижтимоий хавфлилик даражаси анча паст бўлганда), «хизмат ҳақи» энг кам иш ҳақининг 1-5 миқдорини ташкил қилганда жазо энг камида озодликдан 5 йилга маҳрум қилишни, яъни пора олувчи учун назарда тутилган энг катта миқдорни ташкил этиши мумкин.

Шуниси қизиқарлики, Ҳамдўстлик мамлакатларининг жиноят кодексларида жиноятни квалификация қилувчи мазкур белги назарда тутилмайди.

Келтирилган далилларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаймизки, ЖКнинг 212-моддасидан жиноятни квалификация қилувчи мазкур белгини – «ҳақ эвазига» пора олиш-беришда воситачилик қилишни чиқариб ташлаш лозим.

ПОРАХЎРЛИКНИНГ ЎХШАШ ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛАРИ ВА УНИНГ ЖАЗОГА САЗОВОРЛИГИ МУАММОЛАРИ

3.1 Порахўрликнинг ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлари

Ўхшаш таркибли жиноятларни ўзаро фарқлаш жиноят-хуқуқий нормаларни қўллаш амалиётидаги энг мураккаб ишлар жумласига киради.

Бу борада кўпгина хатоликларга йўл қўйилади. Буни шундай изоҳлаш керак, жиноятларни бир-биридан фарқлаш масаласини ҳал этиш вақтида тергов органлари ва судлар кўпинча эътиборни фарқловчи аломатларни таҳлил этиш ва таққослашга қаратадилар, холос. Бироқ, ўқтирилган аломатлардаги фарқлар ўхшаш таркибли жиноятлардаги дастлаб қараганда бир хилдек туюлган белгиларнинг ўзгаришига олиб келиши муқаррар. Ўхшаш таркибли жиноятларни бир-биридан тўғри фарқлаш учун ҳар иккала жиноятни уларнинг таркибларидаги барча белгилар бўйича таққослаш зарур.

Порахўрлик билан хизматчини пора эвазига оғдириш ёки хизматчининг қонунга хилоф эканлигини била туриб, ҳақ олиши ҳолатларини бир-биридан фарқлаш. Ушбу жиноят учун жавобгарлик ЖКнинг 213-моддасида назарда тутилган. Чунончи, хизматчини пора эвазига оғдириш ва мансабдор шахс бўлмаган хизматчининг қонунга хилоф эканлигини била туриб, ҳақ олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши учун жавобгарлик белгиланган.

Бундай жиноятлар порахўрликка ўхшаш қатор аломатларга эга:

1. Худди порахўрликда бўлгани каби хизматчини пора эвазига оғдиришда ҳам турли моддий бойликлар (пул, чет эл валютаси, қимматбаҳо нарсалар, қимматли қоғозлар, озиқ-овқат ва саноат товарлари ҳамда шу каби бошқалар), шунингдек, мулкий

тусдаги турли хил хизматлар оғдириш предмети бўлиши мумкин.

2. Хизматчини пора эвазига оғдиришнинг усули ва кўриниш шакли ҳам аҳамиятга эга эмас. Қонунга хилоф тарзда моддий ҳақ олиш ёки мулкӣ наф кўриш хизматчининг шахсан ўзи томонидан ёки воситачи орқали, почта, телеграф ва шу каби бошқа хизматлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Хизматчини пора эвазига оғдириш очиқ ёки ниқобланган шаклда бўлади. Оғдириш предметининг бир қисми хизматчига топширилганидагина эмас, балки у қабул қилиб олганидан кейингина хизматчини пора эвазига оғдириш тамомланган ҳисобланади. Шунинг учун оғдириш предметини хизматчи қабул қилиб олманган бўлса, унга моддий қимматликлар олиш ёки мулкӣ наф кўришни таклиф этиш, почта, хат орқали ёки посилкада жўнатиш ва ҳатто қариндошлари ёки воситачига топшириш, худди порахўрликда бўлгани каби, тамомланган жиноят сифатида эмас, балки жиноятга суиқасд қилиш сифатида квалификация этилиши лозим.

3. Ҳар иккала жиноят ҳам тўғри қасд мавжуд бўлишини тақозо этади. Айбдорлар моддий қийматликлар топшираётганлигини (олаётганлигини) ёки моддий наф келтираётганлигини (кўраётганлигини) англаб етади. Жиноятларнинг мотивлари ва айбдорнинг хизматчини пора эвазига оғдириш орқали эришаётган мотивлари ва мақсадлари турлича, чунончи, шахсий тусдаги таъмагирлик нияти, айбдор шахс меҳнат қилаётган корхона, ташкилот, муассаса манфаатлари бўлиши мумкин.

4. Хизматчи пора эвазига олиш туфайли ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, ўз-ўзидан жиноят ҳисобланган қилмиш содир этган ҳолда ҳам пора олишда бўлгани каби жиноятларнинг реал мажмуи мавжуд ҳисобланади.

5. Худди пора олишда бўлгани каби қонунга хилоф равишда ҳақ олиш шартлари махсус равишда келишиб олинманган бўлса-да, жиноят қатнашчилари хизматчини пора эвазига оғдириш пора бераётган шахсларнинг манфаатларини қондириш мақсадида қилинаётганлигини англаб етган ҳолларни ҳам қонунга хилоф равишда ҳақ олиш деб баҳолаш зарур.

Айни бир вақтда таҳлил этилаётган жиноятларни қуйидаги асослар бўйича фарқлаш лозим:

1. Муқаддам уқтириб ўтилганидек, пора олиш субъектлари фақатгина мансабдор шахслар бўлса, ЖК 213-моддасида назарда тутилган жиноятлар учун эса, аксинча, давлат органининг, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахс белгиларига эга бўлмаган хизматчиларининг жавобгар бўлиши белгиланган. Хусусан, улар жумласига: сотувчиларни, темир йўл, авиация ва бошқа чипталар сотувчи кассирларни, шунингдек, томоша муассасалари кассирларини; маиший-рўзғор техникаларини таъмирловчи мутахассисларни, коммунал хизмат хўжалигининг турли мутахассисларини (слесарлар, сантехниклар, электрчилар ва бошқаларни), автомобилларга техника хизмати кўрсатувчи ходимларни, йўловчи ташиш вагонларининг хизматчиларини, касбий вазифаларини бажариш вақтида врачларни ва бошқа ходимларни киритиш мумкин.

2. Башарти, порахўрлик учун пора миқдори жиноят асосий таркиби объектив томонининг шарт бўлган белгиси эмас, балки жиноятни квалификация қилиш белгиси ҳисобланса, хизматчини пора эвазига оғдириш ва била туриб, қонунга хилоф равишда ҳақ олиш деб топиш учун эса, сумма миқдори катта бўлиши, яъни энг кам иш ҳақи миқдорининг 30 бараваридан 100 бараваригача атрофида бўлиши керак.

Пора олишни товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилишдан фарқлаш. Мазкур жиноятларнинг ижтимоий моҳияти бир-бирига жуда яқин. Пора олувчиларнинг ҳам, товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилувчиларнинг ҳам ҳуқуқий онги бузилган бўлиб, улар ўз мансабидан ҳам, хизмат мавқеидан ҳам қўшимча «даромад» манбаи сифатида фойдаланишни ахлоқий жиҳатдан тўғри, адолатли иш деб билдилар. Пора олувчилар ва товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилувчилар психологияси ва ахлоқининг умумий эканлиги бундай жиноятларнинг специфик сабаблари айнан бир хил, деб хулоса чиқаришга асос бўлади. Таққосланаётган

жиноятларнинг содир этилишига йўл очиб берадиган шарт-шароитларда ҳам умумийлик кўп.

Фикримизча, ана шундай шарт-шароитлар жумласига ош-на-оғайнигарчиликни, давлат органининг, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, шунингдек, жамоат бирлашмасининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг у ёки бу иш участкасида назорат йўқлигини, мазкур жамоаларда ғайриқонуний ишларда бир-бирини қўллаш белгиларининг мавжудлигини киритиш мумкин.

Таққосланаётган жиноятларнинг бевосита объектлари турлича. Ушбу жиноятларнинг объектив томонидаги ўхшашлик фақат битта: улар таркибининг тузилиши расмий эканлигидан иборат. Содир этиладиган хатти-ҳаракатларнинг характери ҳақида гапирадиган бўлсак, улар бир-биридан жиддий фарқланади.

ЖК 213-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони ходимнинг ўз хизмат вазифалари доирасига кирадиган муайян ишни бажарганлик ёки хизматни кўрсатганлик учун товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилишидир. Шундай қилиб, товламачилик – ушбу жиноят асосий таркибининг шарт бўлган белгисидир.

Пора олиш вақтида товламачилик жиноятнинг асосий таркиби объектив томонининг шарт бўлган белгиси ҳисобланмайди, балки жиноят квалификация қилиш белгиларининг бири сифатида намоён бўлади. Бу ўринда жиноят таркиби мавжуд бўлиши учун ташаббус кимдан чиққанлиги, хусусан, пора берувчидан чиққанлиги аҳамиятга эга эмас. Бундан фарқли ўлароқ, товламачилик мавжуд бўлмаган бир пайтда фуқаронинг ташаббуси билан берилган ҳақни олганлик ЖК 213 моддасининг 2 қисми билан квалификация қилинади.

ЖК 214-моддасининг маъносига кўра, товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш дейилганда ходимнинг нафақат ўз хизмат вазифаси доирасига кирадиган муайян ишни бажариши ёки хизматни кўрсатиши эвазига фуқародан ҳақ беришни тўғридан-тўғри талаб қилишини, балки фуқароларни ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатлари

қасддан бузилишининг олдини олиш учун ҳақ беришга мажбур
этадиган аҳволга солиб қўйишни ҳам тушунмоқ керак.

Жиноятчининг характери ва мазмунига қараб, товламачи-
лик йўли билан ҳақ беришни талаб қилишни пора олишдан
фарқлаш мумкинми, деган савол пайдо бўлади.

Товламачилик йўли билан пора олиш дейилганида ман-
сабдор шахснинг ўз хизмат вазифалари доирасига кирадиган
хатти-ҳаракатларни пора берувчининг қонуний манфаатларига
зиён етказадиган тарзда содир этиш ёки содир этмаслик таҳди-
ди билан пора талаб қилиши ёхуд пора берувчини қасддан
қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларига ёмон оқибатларга дуч
келишининг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган
шароитларга солиб қўйиши тушунилади. Бинобарин, товламачи
– мансабдор шахс пора олаётганида жабрланувчига нисбатан ўз
хизмат мавқеидан фойдаланиб, қонунга хилоф хатти-ҳаракат-
лар содир этиши мумкин эканлиги билан таҳдид қилади.

Фуқародан ҳақ олиш мақсадида товламачилик содир этил-
ганда эса, айбдор муайян ишни бажаришни ёки хизматни кўрсат-
тишни рад этиш билан таҳдид қилади. Бундай рад этиш очик
ёки ниқобланган шаклда ифодаланиши мумкин. Бироқ, ҳар
иккала ҳолатда ҳам айбдор ҳаракатсизлик қилиш билан таҳдид
қилса, товламачилик йўли билан пора талаб этганда эса, айб-
дор ҳаракатсизлик билан ҳам, ҳаракат қилиш билан ҳам таҳдид
қилади.

Таъкидлаш жоизки, кўриб чиқиладиган жиноятлар бир-
биридан содир этиш услубига ва содир этилиши оқибатида
бузилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатларнинг ҳажмига
қараб фарқланади. Бундай муносабатлар доираси пора оли-
наётган вақтда товламачилик йўли билан ҳақ бериш талаб
қилинаётган вақтга нисбатан кенг бўлади. Негаки, товламачи-
лик йўли билан пора талаб қилинганида ўз хизмат мавқеидан
фойдаланаётган мансабдор шахс субъект сифатида, ҳокимият
органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари фаолиятининг барча томонларини қамраб
олувчи ижтимоий муносабатлар эса, жиноят объекти сифатида
намоён бўлади.

Нихоят, фуқародан товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш субъектларининг хатти-ҳаракатлари унинг касбий мажбуриятлари доирасида содир этилиши шарт бўлган бир пайтда пора олувчининг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилади. Бунинг маъноси шундаки, пора олувчининг хатти-ҳаракатлари бевосита унинг касбий мажбуриятлари доирасига ҳам кириши мумкин, унинг доирасидан чиқиши ҳам мумкин, бироқ айбдорнинг хизмат мавқеидан келиб чиқилмаган бўлса, бундай хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши товламачиликка айланиб қолади.

Таққосланаётган жиноятлар субъектив томони жиҳатидан ҳам фарқланади. Зеро, жиноятларнинг ҳар иккаласи ҳам қасддан содир этилса-да, бироқ уларда айбдорлар қасдининг моҳияти турлича бўлади. Товламачилик йўли билан пора талаб қилинганида айбдор пора берувчининг манфаати йўлида ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши керак бўлган ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатларни бажариши ёки бажармаслиги учун шахсан ўзи ёки муайян тарзда воситачи орқали пора олишини англаб етади. Товламачилик йўли билан ҳақ бериш талаб қилинганида эса, айбдор ўзининг касбий мажбуриятлари доирасига кирадиган ишни бажариши ёки хизматни кўрсатиши учун қонунга хилоф равишда пора олишини англаб етади, шундай йўл орқали ҳақ олишни истайди.

Мазкур жиноятлар субъекти жиҳатидан яққол фарқланади. Агар товламачиликнинг субъекти фақатгина ўзининг хизмат ваколатларини амалга ошираётган мансабдор шахс бўлиши мумкин бўлса, товламачилик йўли билан ҳақ бериш талаб қилинганида эса, жиноят субъекти ўзининг касбий ваколатларини амалга ошираётган, мансабдор шахс ҳисобланмаган ходим бўлади.

Пора олувчи доимо «зарур иштирокчи» сифатидаги пора берувчиларга эга бўлади, бунда улар ҳам жиноят субъекти ҳисобланади. Бундай «зарур иштирокчи» товламачилик йўли билан пора олинган ҳолатдагина истисно қилиниши мумкин. Бундай ҳолда пора берган шахсга нисбатан жиноятнинг – пора беришнинг субъекти сифатида қаралмайди.

Ҳамонки, товламачилик – ҳақ олиш объектив томонининг шарт бўлган аломати экан, ходимга ҳақ берган шахсга нисбатан жиноят субъекти сифатида қаралиши мумкин эмас ва қонунга мувофиқ у жабрланувчи деб эътироф этилади.

Кўриб чиқиладиган жиноятлар оғирлаштирувчи ҳолатларига қараб ҳам бир-биридан фарқ қилади. Масъул мансабдор шахслар гуруҳининг олдиндан тил бириктириши, уюшган гуруҳнинг манфаатлари йўлида, жуда кўп миқдор кабилар оғирлаштирувчи ҳолатлар жумласига киради. Фуқародан товламачилик йўли билан ҳақ талаб қилиш оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланмайди.

Миқдорнинг кўплиги таққосланаётган жиноятлар учун умумий оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Бироқ, бизнинг фикримизча, «кўп миқдор» мазмунининг ўзи ҳар иккала жиноятда бир-бирига айна ўхшаш бўлмадлиги керак. Ушбу миқдор пора олиш вақтида қонунга хилоф равишда ҳақ олишдагига нисбатан кўпроқ бўлиши лозим. Акс ҳолда кўриб чиқиладиган жиноятларни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этганлик учун назарда тутилган жазолар ўртасидаги жиддий фарқни тушунтириш қийин бўлади.

Порахўрлик ва ўзганинг мулкани талон-тарож қилишдан фарқлаш. Ҳуқуқ қўллаш амалиётида порахўрлик ва ўзганинг мулкани талон-тарож қилиш жиноятларини таққослаш нуқтаи назаридан олганда амалиётда қуйидаги муаммолар юзга келади: 1) ўзганинг мулкани талон-тарож қилишни давлат мулки ҳисобига пора олиш-беришдан фарқлаш; 2) талон-тарож қилиш билан бирга жамлаган ҳолда жиноятни квалификация қилиш ҳолатлари.

Башарти, мансабдор шахс бошқа субъектлар билан бирга талон-тарож қилишда иштирок этса, унинг талон-тарож қилинган мулкдан олинган улушига нисбатан порахўрлик сифатида қаралмайди.

Адабиётда талон-тарож қилиш ва порахўрликни ўзаро фарқлаш керак. Унда қуйидаги ҳолларда:

1) мансабни суиистеъмол қилиш натижасида давлат мол-мулки фондларига қарашли моддий бойликлар тортиб олиниши ҳисобига уларни сотиб олганлик;

2) талон-тарож қатнашчилари ёки жиноятга дахлдор бўлмаган шахслар томонидан моддий қийматликларни ўз хизмат вазифаси юзасидан бирор-бир ҳаракат қилганлиги учун эмас, балки қонунга хилоф равишда тортиб олинган ёки талон-тарож қилинган мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағларини бўлиш натижасидаги улуш сифатида мансабдор шахсга берганлик;

3) талон-тарож қилинган мол-мулкнинг улуши сифатида ёки моддий бойликларни ғайриқонуний бегоналаштирганлик учун тўлов шаклида берилганлигига қарамай, мансабдор шахснинг ҳаракатларида давлат мулкни ўз мулки сифатида бегоналаштиришга қаратилган қасд мавжуд бўлса, айбдорнинг хатти-ҳаракатларида пора олиш эмас, балки ўзгалар мол-мулкни талон-тарож қилиш таркиби мавжуд бўлади.¹

Бу тўғри қоида, бироқ уни амалиётда қўллаш бироз мураккаб ҳисобланади. Масалан, қуйидаги асосий масалани қандай ҳал этиш мумкин: мансабдор шахс ўз мансабидан фойдаланган ҳолда содир этган ва натижада талон-тарож қилиш учун йўл очиб берган хатти-ҳаракатлари учун олган маблағи талон-тарож қилинган мулкдан улуш ёки пора сифатидаги ҳақ ҳисобланадими?

Талон-тарож қилиш ва порахўрликни ўзаро фарқлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун қуйида келтириладиган ёндашувни тўғри ва амалда қўллаш мумкин, деб биламиз. Башарти, мансабдор шахс хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этган хатти-ҳаракатлари учун моддий бойликлар олган бўлиб, унинг бу хатти-ҳаракатлари ана шу моддий бойликларни талон-тарож қилишнинг объектив томонининг белгиларини ташкил этса, бу тарзда моддий бойликлар олганлик порахўрлик эмас, балки айна талон-тарож қилинган мулкдан улуш олганлик ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, бундай ҳолларда ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилаётган мансабдор шахс мол-мулк тортиб олинишининг иштирокчиси, мол-мулк талон-тарож қилинишининг ижрочиси ҳисобланади.

Мансабдор шахс хизмат мавқеидан фойдаланиб, ташкилот тасарруфидаги мол-мулкни қонунга хилоф равишда тортиб

¹ Владимиров В.А. Ляпунов Ю.И. Указ. раб. С. 119

олиб, ҳақ эвазига хусусий шахсларга берган ҳоллар ҳам талон-тарож қилганлик ҳисобланади. Аксинча, агар мол-мулк ана шу фондлардан тортиб олинмай, балки ҳақ эвазига қонунга ҳилоф равишда бир ташкилотдан олиб, бошқасига берилса, бу ишни бажарган субъект пора олганликда ва эҳтимол хизмат мавқеини суиистеъмол қилганликда айбдор ҳисобланади.

Мансабдор шахс талон-тарож қилишда бевосита иштирок этмаса-да, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир қилган хатти-ҳаракатлари учун қонунга ҳилоф тарзда ҳақ олган ва бу хатти-ҳаракатлар талон-тарож қилишга ёрдамлашганига қарамай унинг объектив томони белгиларини ташкил этмаган бўлса, бойликларни талон-тарож қилганлик эмас, балки пора олганлик содир бўлган деб ҳисобланади.

Адабиётларда шундай ҳол ҳам таъкидланадики, била туриб, давлат ёки жамоат маблағини пора тарзида олган мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларини квалификация қилиш учун унинг ролини талон-тарож иштирокчиси сифатида аниқлаш лозим¹.

Бундай ҳолларда пора олувчи мансабдор шахс пора берувчи билан биргаликда талон-тарож қилишда иштирокчи ҳисобланади. Негаки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам била туриб ва биргаликда ўзганинг мол-мулкни талон-тарож қилишнинг объектив томонини бажаришда бевосита иштирок этади. Талон-тарожнинг усули – хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш. Ушбу қилмишни талон-тарож қилганлик, деб эътироф этиш учун иштирокчилардан бирида пора тарзида топширилаётган мол-мулкни тортиб олиш вақтида шахсий таъмагирлик бўлмаганлиги ва эҳтимол у ўз ташкилотининг манфаатларини нотўғри тушунганлиги аҳамиятга эга бўлмайди.

Е.Фролов ва Г.Шелковкиннинг ёзишича, талон-тарож қилишда иштирокчилик қилинганда айрим иштирокчилар таъмагирлик мотиви билан эмас, балки бошқа ниятларда ҳаракат қилиши мумкин. Бундай ҳолда иштирокчилардан бирида, аниқроқ қилиб айтганда, пировард оқибатда кимнинг манфаатлари йўлида талон-тарож содир этилаётган бўлса, ана шу иштирокчида таъмагирлик мотиви ва тегишли мақсад мавжуд эканли-

¹ Владимирова В.А., Ляпунов Ю.И. Кўрсатилган асар, 119-бет.

гининг ўзи кифоя. Башарти, субъект талон-тарож қилиш ҳисобига бошқа бировнинг қонунга хилоф равишда бойишига ёрдамлашаётганлигини англаб етса, унинг ҳаракатларида иштирокчилик белгилари мавжуд бўлади¹. Бундай мавқе адабиётда эътироф қилиниб, амалиётда қўлланмоқда².

Пора олувчининг ҳисобдорлигида моддий бойликлар мавжуд бўлади. Мансабдор шахс билан унинг пора эвазига қандайдир хатти-ҳаракатларни содир этиши тўғрисида тил бириктирган пора берувчи бойликни ўз эгалигидан олиб, пора олувчига топширади. Мансабдор шахс эса, давлат ёки жамоат маблағини пора тарзида олаётганлигини билади. Талон-тарож пора олиш вақтида содир этилади ва пора олувчи тегишинча талон-тарожда иштирок этади. Ҳар иккала жиноятчи ҳам бир гуруҳ шахслар томонидан, олдиндан тил бириктириб, ўзлаштириш йўли билан содир этилган порахўрлик ва давлат мол-мулкани талон-тарож қилишда айбдордир.

Башарти, давлат ёки жамоат ташкилоти мол-мулки ҳисобидан пора олиш бериш тўғрисида олдиндан тил бириктирилган-у, бироқ пора олувчи мол-мулк тортиб олинишида иштирок этмаган бўлса, фақат пора берувчигина талон-тарож қилиш иштирокчиси ҳисобланади. Бу ўринда мансабдор шахс фақатгина талон-тарож иштирокчиси: талон-тарож қилинадиган мол-мулкни сотиб олишга олдиндан ваъда берган ёрдамчи ёки агар у моддий бойликларни талон-тарож қилиш ва уларни пора тарзида топшириш содир этилишига мойил қилган бўлса, далолатчи ҳисобланади.

Ниҳоят, пора берувчи томонидан ҳеч қандай олдиндан тил бириктирмаган ҳолда ва мансабдор шахс – пора олувчининг иштирокисиз муайян усулда талон-тарож қилинган мол-мулк пора тарзида берилиши мумкин. Бундай ҳолда пора берувчининг хатти-ҳаракатларида иккита мустақил жиноят: ўзганинг мулкани талон-тарож қилиш ва пора беришнинг реал мажмуи мавжуд бўлади. Пора олувчининг хатти-ҳаракатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, агар у пора сифатида талон-тарож қилиниб, яқка тартибда аниқланадиган бойликлар топшириляётган-

¹ Фролов Е., Шелковкин Г. Кўрсатилган асар, 14-бет.

² Қаралсин: Волженкин Б.В., Квашиш В.Е., Кабякин С.Ш. Кўрсатилган асар, 174–175-бетлар.

лигидан хабардор бўлса, пора олганлик ва била туриб жиной
йўл билан топилган мол-мулкни олганлик учун жавобгардир.
Акс ҳолда, у фақатгина пора олганлик учун айбдор бўлади.

Шундай қилиб, порахўрликни мол-мулкни талон-тарож қи-
лиш жинойтлари билан бир туркумда квалификация қилишда:
1) пора олувчи ўзига давлат ёки жамоат мулки ҳисобидан
берилаётганлигини билган-билмаганлигини; 2) пора кимнинг
(шахсий ёки ташкилот, муассаса ёхуд ташкилотнинг сохта) ман-
фаатини кўзлаб берилганлигини; 3) мансабдор шахс давлат ёки
жамоат мол-мулки ҳисобидан пора олар экан, ўзганинг мол-
мулки қонунга хилоф тарзда, текинга тортиб олинишида бево-
сита иштирок этган-этмаганлигини аниқлаш лозим. Ана шу
вазиятларга қараб, юқорида кўрсатилганидек, жинойтчининг
хатти-ҳаракатларини квалификация қилиш жиддий ўзгаради.

Пора олиш баъзида фирибгарлик билан чалкаштириб юбо-
рилади. Зеро, фирибгарлик алдаш ёки ишончни суиистеъмол
қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўл-
ган ҳуқуқни қўлга киритишни англатади. Бундай пора олишда,
принцип жиҳатдан қараганда, пора бериш ҳолати мавжуд бўли-
ши шарт эканлиги эътибордан четда қолади. Башарти, пора
топшириш ёки жуда бўлмаганда пора топширишга уриниш
далили мавжуд бўлмаса, пора олиш масаласи ўз-ўзидан йўққа
чиқади.

Баъзида судьялар фуқаро моддий бойликларни топширган
айбдор умуман мансабдор шахслар доирасига кирмаган ҳолат-
ларда фирибгарликни пора олишдан фарқлаш вақтида хато-
ликларга йўл қўядилар.

Юридик адабиётда ва суд амалиётида порахўрликдаги
воситачилик ҳаракатларини фирибгарликдан фарқлашда қи-
йинчиликлар мавжуд бўлган. Ўзбекистон Республикаси Олий
суди Пленумининг «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти
тўғрисида»ги қарорида тўғридан-тўғри таъкидланадики, башар-
ти, мансабдор шахслар доирасига кирмайдиган киши гўёки пора
сифатида мансабдор шахсга топшириш учун пора берувчидан
пул ёки бошқа моддий бойликлар олиб, уларни топширишни
уйламаёк ўзи ўзлаштириб юборса, бундай қилмиш фирибгарлик
сифатида квалификация қилиниши зарур. Шахс бирор мулкни

қўлга киритиш мақсадида пора берувчини пора беришга мойил этса, айбдорнинг хатти-ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари яна қўшимча равишда далолатчилик сифатида ҳам квалификация қилиниши керак. Бунда пора топшириш мўлжалланган шахснинг номи тилга олинган-олинмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

Фикримизча, бу ўринда Пленумнинг тутган мавқеи тўғри бўлиб, энг низоли масалаларни ҳал этишда судьяларга ҳақ йўлни кўрсатади.

Пора олиш билан ҳокимиятни ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишни бир-биридан фарқлаш ҳамда пора олувчининг ўз хизмат манфаатларига зид ўлароқ, пора берувчининг фойдасига содир этган хатти-ҳаракатларини квалификация қилишга доир масалани ҳал этиш вақтида муайян қийинчиликлар юзага келади.

Аксарият муаллифлар, пора эвазига содир этиладиган хатти-ҳаракатлар, башарти, мустақил жиноят таркибини ташкил этса, пора олиш жинояти таркибига киритилмай пора олиш ва мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш жиноятларининг мажмуи сифатида квалификация қилиниши керак, деган фикрни қўллаб-қувватлайди.¹

Айни вақтда олим А.Я.Светловнинг фикрича, пора олиш жиноятининг таркиби ҳокимиятни ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш жиноятининг таркибига нисбатан махсус ҳисобланади, бу ҳол эса, уқтирилган жиноятларни бир туркумдаги жиноят сифатида квалификация қилишни истисно этади. Унинг таъкидланишича, айбдор мансабдор шахс пора эвазига махсус мансаб жинояти содир этган, масалан, ҳужжатларни қалбақлаштиргани ҳоллардагина истисно бўлиши мумкин².

Ҳақиқатан ҳам, ЖКнинг 205 ва 210-моддаларида баён этилган нормалар умумий ва махсус нормалар жумласига киряди. Шунинг учун пора олиш жиноятига нисбатан пора олиш ва мансабни суиистеъмол қилишнинг идеал мажмуи сифатида деб қараб бўлмайди. Шу билан бирга унутмаслик керакки, пора берувчининг содир этадиган хатти-ҳаракатларидан қатъи назар,

¹ Волженкин Б.В., Квашиш В.Е., Цагилян С.Ш. Ответственность за взяточничество. - Ереван: Айастан, 1988. - С. 114.

² Светлов А.Я. Борьба с должностными злоупотреблениями. Киев, 1970, 108-110-бетлар.

пора олинган пайдан бошлаб пора олиш жинояти тамомланган ҳисобланади. Бунда мансабдор шахс пора эвазига қонуний ҳаракатларни ҳам, қонунга хилоф ҳаракатларни ҳам содир этиши мумкин. Шу сабабли ҳар иккала ҳолатда жиноятларни квалификация қилиш ҳам бир хил бўлиши мумкин эмас.

Аксарият ҳолларда қонунга мувофиқ хатти-ҳаракатлар пора эвазига содир этилади. Шунинг учун А.Я.Светловнинг қонунда қонуний ҳаракатлар учун пора олганлик ҳақида тўғридан-тўғри айтилмаганлигини¹ таъкидлаши, бизнинг фикримизча асоссиздир. Жиноят ҳуқуқи нормасида белгиланганига мувофиқ, шахс порани пора берувчининг манфаатлари йўлида бирор бир ҳаракатни **бажарганлиги ёки бажармаганлиги** учун олади, бундай ҳаракатларни эса, шахс ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши **керак** (Ўзимиз ажратиб кўрсатдик. Р.З.) ёки мумкин. Шунинг учун ҳар қандай жиноят, шу жумладан мансабдорлик жинояти ҳам жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак.

Олий суднинг 1999 йил 24 сентябрда бўлиб ўтган Пленумида алоҳида таъкидланадиги, пора берганлик ва олганлик учун жавобгарлик бир вақтнинг ўзида жиноятлар мажмуи бўйича жинойий жавобгарликка тортишни истисно қилмайди.

Олий суд Пленумининг юқорида баён этилган мавқеига тўлиқ қўшилаемиз. Айни вақтда, пора олганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддани жиноятни квалификация қилувчи яна бир белги билан, яъни пора эвазига мансабдорлик жинояти содир қилганлик мазмунидаги гап билан тўлдириш фикрига қаршимиз².

Ушбу параграфда ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар тизимида порахўрликнинг урни аниқланди, ушбу жиноятларни мансабдор шахслар, хизматчилар томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган ўхшаш жиноятлардан фарқлаш мезонлари кўрсатилди.

¹ Светлов А.Я. Борьба с должностными злоупотреблениями. Киев, 1970, 115-бет.

² Светлов А.Я. Ответственность за должностные преступления. Научная думка. 1978. 225-бет.

3.2 Жинойт қонунини либераллаштириш муносабати билан порахўрликка жазо тайинлаш муаммолари

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида жинойт, жинойт-процессуал қонунларнинг янги моҳиятини белгилаб берувчи ўта муҳим қарорлар қабул қилинди. Диққатга сазовор жойи шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шахсан ўзи қонунчилик ташаббуси билан чиқиб, сессияда қонун чиқарувчи орган олдида қилган маърузасида амалдаги қонун ҳужжатларига киритиш таклиф этилаётган ўзгартиришларни ҳар томонлама ва чуқур асослаб берди.

Жинойт учун жазоларни эркинлаштириш ўз моҳиятига кўра мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини эркинлаштиришнинг мантикий давомидир. Бундай эркинлаштиришнинг асосий чизгиларини Президент И.Каримов 1999 йил 14 апрель кўни Олий Мажлисининг XIV сессиясида аниқ-равшан кўрсатиб берган эдилар. Ҳуқуқий тизимни эркинлаштириш – қонун талабларини шунчаки юмшатиш, бўшаштириш эмас. Эркинлаштириш – қонунларнинг демократик, инсонпарварлик асосларини кучайтиришдир. Эркинлаштириш – ҳуқуқ нормаларини, шу жумладан жинойтга доир қонун ҳужжатларининг нормаларини қайта кўриб чиқиш жараёнидир. Ушбу жараённинг асосини – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг концептуал ғоялари, амалий ҳаракатлари ташкил этади.

Давлатимизнинг Асосий қонуни – жинойтларга доир қонун ҳужжатларини эркинлаштиришнинг манбаларидан бири эканлиги юқорида уқтириб ўтилди. Бу манбалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 ва 14-моддаларида ўз ифодасини топган. Хусусан, мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши мустаҳкамлаб қўйилган¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов иккинчи чақи-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Адолат», 1998.

риқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида таъкидлаганларидек, «Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ»¹.

Мана шу мавқени назарда тутган ҳолда порахўрликнинг жазога сазоворлиги масаласини кўриб чиқмоқчимиз. Зеро, ҳар қандай қонун ҳужжати ҳам мукамал эмас ва у ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга мувофиқ ҳолда такомиллаштирилиши мумкин.

Маълумки, айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазони назарда тутлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Мулк ҳуқуқини таъминлай олмаган давлат чинакам демократик давлат бўла олмайди. Ҳуқуқий жамиятда фақатгина етказилган зиённи қоплаш ҳисобига ёки мулк жиноят қуроли бўлиб хизмат қилган бўлсагина мулкдан маҳрум этиш мумкин. Собиқ совет империясида мол-мулкни мусодара қилиш қўшимча жиноий жазо сифатида қўлланарди. Содир этилган жиноят учун нафақат жиноятчи, балки унинг оиласи ҳам жавобгар бўларди, негаки, мол-мулк давлат фойдасига мусодара қилиниб, оилада энг зарур арзимас нарсаларгина қолдириларди. Бундан давлатнинг иқтисодий манфаат кўриши ҳақиқатдан йироқ, аммо инсон иродасининг ўзил-кесил букилиши турган гап. Бу большевиклар мафкурасининг буткул маънавий қашшоқлигининг исботи эди. Жиноий жазо сифатида мол-мулк мусодара қилинишининг жазолар тизимидан мутлақо чиқариб ташланганлиги Ўзбекистон Республикасининг жиноятга доир қонун ҳужжатлари демократлаштирилиши ва эркинлаштирилишининг муҳим кўрсаткичидир. Шу ўринда жиноят предмети бўлган ёки жиноий йўл билан топилган мол-мулкни тортиб олишни назарда тутувчи процессуал нормалар (Жиноят-процессуал кодексининг 284 – 285-моддалари) сақлаб қолинганлигини таъкидлаш жоиз.

¹ Каримов И.А. «Адолат – қонун устуворлигида». Халқ сўзи. 2001 йил 30 август.

Юридик адабиётда жиноий-ҳуқуқий санкцияларнинг аксиологик таҳлиллари ўтказилган бўлиб, қонун ҳужжатларининг тузилишида диспозиция ёки санкцияга дахлдор нуқсонлар мавжудлиги туфайли, одатда, амалий самарадорликнинг пасайиб кетиши таъкидланган¹.

Ҳозирги кун нуқтаи назаридан қараганда, фикримизча, қонун чиқарувчи конкрет қилмиш учун жазонинг миқдори турини белгилаш вақтида жиноий-ҳуқуқий санкцияларнинг аксиологик таҳлилини талаб қилинган даражада тўлиқ ўтказмаган. Бинобарин, бундай санкциялар жиноят билан жазо, жазо билан бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши ўртасида тенгликка эришишни талаб қиладиган ҳуқуқнинг азалий принципи асосига кўрилиши керак.

Қилмишга яраша жазо воситаси сифатидаги одил судлов тарозининг тимсоли – ҳуқуқий тенглик ва унинг замирида ётган адолатнинг рамзий ифодасидир.

Амалдаги жиноят қонунини юқоридаги каби тенгликнинг мукамал тимсоли, деб бўлмайди. Санкциялардаги ҳар хиллик асосан белгиланган жазонинг жиноий тажовуз туфайли етказиладиган ижтимоий зарар ҳажмига номувофиқлиги билан боғлиқ. Масалан, шикаст етказилаётган пайтда ёки кейинчалик кўриш, нутқ, эшитиш қобилиятининг ёки бошқа бир органнинг йўқолишига ёхуд орган ўз функциясини тамоман йўқотишига ёки ҳомиланинг тушишига ёинки юз тузилишининг тузалмайдиган даражада хунуклашишига олиб келадиган қасддан баданга шикаст етказганлик уч йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Кўп миқдордаги пора олиш беришда воситачилик қилганлик учун ҳам энг кўп ва энг кам муддати кўрсатилган ҳолда юқоридагига ўхшаш жазо белгиланган.

Номусга текканлик учун 3 йилдан 7 йилгача, масъул мансабдор шахс томонидан пора берганлик учун 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо назарда тутилган, ҳақ эвазига (1000, 2000, 5000 сум) пора олиш беришда воситачилик қилганлик эса, 5 йилдан 8 йилгача озодликдан

¹ Ковалев М.И. «Пути повышения эффективности криминологических исследований». «Вопросы эффективности уголовно-правовых норм» китоби. № 66. Свердловск. 1978. 10-бет.

махрум этиш билан жазоланади. Ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга, ўта шафқатсизлик билан, оммавий тартибсизликлар жараёнида, киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида ёки таъмагирлик **мақсадларида** (Биз ажратиб кўрсатдик. Р.З.) қасддан баданга оғир шикаст етказганлик 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан, масъул мансабдор шахс томонидан пора берганлик 5 йилдан 10 йилгача, ҳақ эвазига (таъмагирлик мақсадларида дейиш ҳам мумкин) пора олиш беришда воситачилик қилганлик ҳам 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Санкциялардаги бу каби очиқ-равшан номувофиқликларни изоҳлаш ҳам қийин.

Мана шу ҳолатларни ҳисобга олиб, чамаси, М.Д.Лысов фикрига қўшилиш лозим. Олимнинг фикрича, мансабдорлик жиноятларига қарши курашда жазонинг муқаррарлиги асосий аҳамиятга эга. Мансабдор шахс учун бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо ҳам, ундан ортиқ муддатга маҳрум этиш ҳам уни бирдай қонунбузарликдан тийиб туради¹.

Шахс психологияси нуқтаи назаридан олганда криминалистнинг таклифини тушунса бўлади. Бироқ, бу фикр судларнинг қарор топган жазолаш амалиёти тўғрисида эътиборсиз қолган. Албатта, маданият, онг, маълумот, тарбия, муомала савияси ва ақлий ривожланиши билан ажралиб турадиган шахсларга зўравонликка ўрганиб қолганларнинг хатти-ҳаракатлари хос эмас. «Зўравонлар»нинг хулқ-атворини «равон йўл»га солиш учун эса, уларни озодликдан маҳрум этиш жойларида узоқ вақт сақлаш зарурлиги, шак-шубҳасиз.

Бир нарса равшанки, пора олувчилар ўзлари содир этган қилмиш хавфли ва зарарли эканлигини англаб етишлари учун уларни жамиятдан қисқа муддат ажратиб қўйишнинг ўзи кифоя. Зеро, улар алоҳида фикрлаш ва турмуш тарзига эга бўлганлиги учун суд томонидан белгиланган чекловларга ва жазонинг таъсир кучига тезда муносабат билдиришлари мумкин. Улар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилса, аксинча, пора олганлик учун маҳрум этилиб, тузалиш йўлига ўтган шахс ашаддий

¹ Лысов М.Д. Наказание и его применение за должностные преступления. – Казань, 1977, 52-бет.

жиноятчига айланиши учун шароит юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, оралиқдаги муайян вақт салбий роль ўйнаб, ёмон оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Ўз вақтида П.П.Осипов жиноят-ҳуқуқий санкцияларни қўллаш жараёни мустаҳкам илмий асослардан маҳрум эканлигини эътироф этиб, ушбу муаммони қонунчилик йўли билан эмас, балки суд фаолиятини такомиллаштириш орқали ҳал этишни таклиф қилганди. Унинг фикрича, бунга судьяларнинг ҳуқуқий онг савиясини назарий жиҳатдан кўтариш, жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим бўлган яхлит (тизимли) ва етарли даражада конкрет (муайян шаклга солинган) ижтимоий талаблар ва объектив омиллар жамланмасини жорий этиш орқали эришиш мумкин. П.П.Осипов айбдорлар шахсини турларга ажратишга тадбиқан қонун санкцияларини шкалалар бўйича ажратишни таклиф қилган. Бундан мақсад – ҳар бир турдаги айбдорга қилмишига яраша, оқилона ва инсоний жазо туркуми мос бўлиши керак¹. Олим таклифини амалда руёбга чиқариш жуда катта меҳнат талаб қилиши турган гап. Янада аниқроқ қилиб айтганда, таклифни амалга ошириш ҳақиқатдан йироқ.

Айбдор шахс содир этган хатти-ҳаракатларнинг характери ва етказилган зиённинг ҳажмини ҳисобга олгандагина санкцияларни бир-бирига солиштириб, ўзаро мувофиқ ҳолга келтириш мумкин бўлади, деган фикр мавжуд².

Айтиш мумкинки, жазо тайинлаш ёки жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини белгилаш давлат томонидан мажбурлашнинг ҳажми, чегаралари ва қай даражада қатъийлигига боғлиқдир. Булар эса, конкрет ижтимоий шароитларда у ёки бу тоифадаги ижтимоий хавfli қилмишларнинг типик хусусиятларига, шунингдек, ана шу қилмишларни содир этган жиноятчиларнинг типик хусусиятларига қараб белгиланади.

Агарда амалдаги жиноят қонунининг пораҳўрлик учун жавобгарлик тўғрисидаги моддасига мурожаат қилинадиган бўлса, таъкидлаш лозимки, жавобгарлик ва жазони дифференциациялаш принципидан айрим чекинишлар борлиги сезилади. Бу эса, тегишли жиноий-ҳуқуқий нормалар ва жазони эркин-

¹ Осипов П.П. Теоретические основы назначения наказания: Автореферат доктор. дис.. М. 1979. - 25-бет.

² Ушбу таклиф Э.Х.Норбўтаевнинг докторлик диссертациясида асослаб берилган. Норбўтаев Э.Х. Проблемы эффективности правовых мер борьбы с преступностью (теория и практика). Автореферат док. дис., Т. 1991.

даштириш соҳасида жиноятга доир сиёсатнинг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан олганда, юқорида таъкидланганидек, оғирлаштирувчи ҳолатлардаги порахўрликнинг жазога сазоворлиги қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш ва бошқа шу каби ўта оғир жиноятларнинг жазога сазоворлиги билан тахминан бир хил даражада эканлигини кўриш мумкин. Мутлақо равшанки, порахўрлик ва юқорида уктириб ўтилган жиноятлар судир этилганида қилмишнинг ижтимоий хавфлилик характери, айниқса, шахснинг хавфлилигини ўзгартириб бўлмайди.

Порахўрлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддаларнинг ичида ҳам санкцияларнинг номутаносиблиги кўзга ташланади.

1. Амалдаги қонунда пора берганлик ва пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун тахминан бир хил жазо чораси белгиланган. Ўз характери, ижтимоий хавфлилиги, бинобарин, ўзининг жамият учун хавфлилик даражаси жиҳатидан турлича бўлган қилмишлар учун жавобгарликни тенг қилиб қўйишни мақсадга мувофиқ, деб бўлмайди.

2. ЖК 213-моддасининг 3-қисмида ҳақ эвазига пора олиш беришда воситачилик қилганлик учун жавобгарлик ҳақида гап боради, бундай қилмиш учун 3 йилдан 8 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо назарда тутилган. Айни вақтда, мансабдор шахс оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд бўлмаган ҳолда пора олганлиги учун, яъни поранинг миқдори энг кам иш ҳақининг юз бараваригача бўлса, ЖК 210-моддасининг 1-қисмига мувофиқ жазо чораси сифатида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ундириш (бу эса амалда олинган поранинг миқдорини ташкил этади. – Р.3.) ёки 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган.

Шундай қилиб, иш ҳақининг бир, беш, ўн баробари миқдоридagi сума эвазига пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс (порахўрлик жинояти тизимида хавфлилиги энг кам бўлган шахс) камида 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум этилиши керак. Бошқача қилиб айтганда, пора олувчи учун белгиланган энг катта жазо пора олиш-беришда воситачилик учун белгиланган энг катта жазога тенг бўлиб қолмоқда.

Этиборингизни яна бир бор шу нарсага қаратмоқчимизки, порахўрлик каби иллатнинг илдизи айрим мансабдор шахслар – пора олувчиларнинг маънавий ва ижтимоий жиҳатдан бузилган-лигидадир. Улар давлат томонидан ўзларига ишонч билдирилганига қарамай, виждонсизлик йўлига ўтиб, ўзларининг таъма-гирлик мақсадларига эришиш учун давлат ва жамият аппара-тининг обрўйини тўкадилар.

Айрим мансабдор шахсларнинг хулқ-атворида ана шундай жамият манфаатларига зид иллатларга мойиллик бўлмаганда эди, пора берувчи ҳам, воситачи ҳам уларга пора топширишга ботинолмасди.

ЖК 210-моддаси 2-қисмининг «а» бандида жиноят такро-ран, хавfli рецидивист ёки илгари пора берган ёхуд пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс томонидан содир этил-ганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, бундай қил-мишлар 5 йилдан 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Шундай қилиб, қонун чиқарувчи нуқтаи назаридан қара-ганда, ушбу қисмда уқтирилган жиноятни квалификация қи-лишининг барча белгилари бир хил даражада хавfli деб баҳо-ланади, бу эса ушбу модданинг санкциясида ўз ифодасини топ-ган.

Фикримизча, бу қўйида келтирилган асослар бўйича баҳс-лашувга сабабдир¹.

Барча тегишли ҳолатлар тўғри аниқланиб, жиноятни ква-лификация қилиш масаласи ҳал этилганидан кейин яна бир жуда мураккаб ва муҳим вазифа – жазо тайинлаш масаласи суд олдида кўндаланг бўлади.

Ҳурматга сазовор криминалистлардан бири И.С.Таганцев ушбу вазифага таъриф бериб, қўйидагича ёзади: Ишга дахлдор шароитларга мувофиқ ҳолда айбдор томонидан содир этилган жиноий тажовузнинг юридик хусусиятларини аниқлаб, жиноят таркибини аниқлаб ва айбдорга нисбатан жазо тайинлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган қонунни қидириб топганидан кейин, судья жавобгарлик чорасига таъсир кўрсатадиган шарт-шароитларни ва ана шу таъсирнинг миқдорини аниқлашга

¹ Қаралсин: Зуфаров Р.А. О некоторых квалифицирующих признаках взятничества. Давлат ва ҳуқуқ, 2000. № 4.

киришади¹. Айни мана шу ўринда, мана шу босқичда, энг аввало, ЖКнинг 4 ва 8-моддаларида назарда тутилган қонунийлик ва адолатлилик принциплари амалга оширилади.

Қонунийлик принципи, жумладан, суд жазо тайинлаш вақтида, шунингдек, бошқа жинойий-ҳуқуқий мажбурлов нормаларини қўллаш вақтида жинойят кодексига қатъий риоя этиши шартлигида ўз ифодасини топади. Бирок, қонун жинойят ва жинойятчининг турига дахлдор белгиларинигина назарда тутаяди, уларнинг шахс сифатидаги хос хусусиятларини ҳисобга ололмайди. Шунинг учун жазонинг адолатлилиги принципи, энг аввало, конкрет қилмиш ва айбдор шахснинг жамият учун қай даражада хавфлилигини ҳисобга олган ҳолда адолатли жазо тайинлаш орқали амалга оширилади.

Юқорида уқтириб ўтганимиздек, қонун чиқарувчи жинойятнинг кўплаб шакллари орасида (32, 34-моддалар) рецидив жинойят ва такрорий жинойятга турлича жинойят-ҳуқуқий маъно бериб қилган дифференциацияси ЖКнинг 210, 211, 212-моддаларида ўз ифодасини топмаган, негаки, уларда такроран содир этилган жинойят учун ҳам, хавфли рецидив жинойят учун ҳам бир хилдаги жазо назарда тутилган.

А.С.Якубовнинг рецидив жинойят объектив воқелик факти бўлиб, яхлит салбий кўринишнинг жинойий қисмини ташкил этади ва буни эътиборга олмаслик учун қонун чиқарувчининг ҳаққи йўқ, деган фикрига қўшиламмиз. Мазкур фикрни қатор омиллар билан асослаш мумкин. Рецидив жинойят содир этган одамларнинг кўпчилиги ўзаро бирлашишга интилади, ҳозирги шарт-шароитларда иштирокчиликнинг барқарор шакллари доирасида ҳаракат қилишни маъкул кўради, иштирокчиликнинг бундай шакллари эса, уюшган жинойятчиликнинг негизини ташкил этади².

Рецидив жинойятчилик бутун жинойятчиликнинг асоси, ички ҳаракатлантирувчи кучининг манбаи бўлиб, доимо жинойятчиликни юзага келтиради, айни вақтда ўз-ўзини ривожлантириш, ўзини сақлаб қолиш, жумладан, ўзини янгилаб туриш хусусиятларига ҳам эгадир. Ҳуқуқшунос олим А.М.Яковлевнинг таъкид-

¹ Таганцев Н.С. Русское уголовное право. Лекции. Общая часть. Т. 1. 1902.

² Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении. ИИВ академияси, Т.1996.

лашича, рецидивист жинойтчилар жамоат тартибига зид фикрлар ва турмуш тарзини онгли равишда танлайдилар, ўзларининг таъмагирлик шахсий интилишларини жамият манфаатларига кескин қарши қўядилар, онгли равишда жинойтга қўли уриб, текинхўрлик билан яшашга интиладилар¹.

Айни бир вақтда ЖК 32-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, такроран содир этилган жинойт дейилганида айни бир қисмининг ўзида назарда тутилган икки ва ундан ортиқ жинойт содир этганлик, кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида махсус кўрсатилган ҳолларда эса, шахс содир этган жинойтларининг бирортаси учун ҳам маҳкум этилмаганлиги тушунилишини эътиборга оладиган бўлсак, шахс хавфли рецидив жинойт содир этганда унинг жамият учун хавфлилик даражаси такроран жинойт содир этганга нисбатан юқори бўлади. Негаки, шахс хавфли рецидив жинойт учун озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаб бўлган, бироқ давлат томонидан ўзига нисбатан мажбурлов чоралари қўлланилган бўлишига қарамай, у тегишли хулоса чиқариб олмаган. Ушбу ҳолат жинойт қонунида ҳам ўз ифодасини топиши керак. Аниқроқ қилиб айтганда, ЖКнинг 210 ва 211 (212)-моддаларида назарда тутилган муқаддам жинойт содир этган шахснинг хатти-ҳаракатларини такроран содир этилган жинойт сифатида квалификация қилувчи белгиларни хавфли рецидив жинойтдан алоҳида бошқа бандда назарда тутиш зарур.

Юқорида таъкидлаганимиздек, таҳлил этилаётган жинойтлар оғирлаштирувчи ҳолатларга қараб, уч қисмга дифференциация қилинади. Мазкур ҳолатлардан ҳар бирининг мавжуд бўлиши қонунга мувофиқ энг кўп жазони 5 йилга озодликдан маҳрум этишга узайтиришга сабаб бўлади. Бироқ, оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги учун жавобгарликни шу даражада ошириб юбориш кўп ҳолларда жинойтнинг ҳам, жинойтчининг ҳам жамият учун қай даражада реал хавфли эканлигини ифодаси бўлолмайди. Бу орқали, масалан, йирик ва майда порахўрлик, катта миқдордаги ва жуда катта миқдордаги пора бир-бирига яқинлаштирилиб қўйилади, улар ўртасидаги фарқ баъзан энг кам иш ҳақининг ярмигача тушиб қолиши мумкин.

¹ Яковлев А.М. Борьба с рецидивной преступностью. М., 1964. - 197-бет.

Чунончи, мансабдор шахс икки нафар кишидан 500 сумдан пора олган бўлса, бу ҳол такроран содир этилган жиноят деб топилиб, ЖК 210-моддасининг 2-қисмига мувофиқ квалификация қилишни талаб этади. Агар энг кам иш ҳақининг тўқсон тўққиз баробари миқдорида пора олинса, бу ҳол ЖК 210-моддасининг 1-қисмига мувофиқ квалификация қилиниши керак. Ҳар иккала мисолни таққослайдиган бўлсак, судья қонуннинг пора-хўрлик учун жавобгарлик нормалари бўйича айбдорларга яқка тартибда жазо белгилаш вақтида қандай қийин аҳволга тушиб қолишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Давлатнинг жазоларни эркинлаштириш соҳасида амалга ошираётган жиноят-ҳуқуқий сиёсати порахўрлик билан боғлиқ жиноятлар учун жазо тайинлашда ўз ифодасини топиши лозим. Бу борада биз Р.Қобулов фикрига қўшилаемиз. Олимнинг ёзишича, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси тузилишидаги муайян нуқсонлар жумласига жазонинг чегараларини қонун йўли билан белгилаш нооқилона бўлганлигини ҳамда озодликдан маҳрум этишга муқобил бўлган жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари каби жазоларни қўллаш механизмларининг мукамал эмаслигини киритиш мумкин. У қуйидаги рақамларни келтиради. ЖКнинг Махсус қисми 216 та моддадан иборат бўлиб, 458 та жиноят таркибини ўз ичига олади. Шундан озодликдан маҳрум этиш жазосига муқобил ҳисобланган жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари фақат 102 та жиноят таркибининг санкциясида назарда тутилган¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Олий Мажлиснинг VI сессиясидаги маърузаларида таъкидлаганларидек, колония – ёшларни тарбиялашнинг энг яхши воситаси эмас, аксинча улар айни колонияларда жиноят оламининг турмуш тарзига яқинлашадилар, салбий кўникмалар ҳосил қиладилар.

Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазоларнинг иқтисодий жиҳатдан қай даражада мақсадга мувофиқ эканлиги масаласини ҳам унутмаслик керак. Озодликдан маҳрум этишга маҳрум этилган минглаб кишиларнинг муайян мuddатда жазони

¹ Кабулов Р. Расширение пределов наказаний, альтернативных лишению свободы. // Суд-хуқуқ ислоҳоти: назария ва амалиёт. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари //, Т. 2001. 82-бет.

Ўташи давлат бюджети зиммасига оғир юк бўлиб тушади. Аксинча, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш катта харажатларни талаб қилмайдигина эмас, балки бюджетни тўлдиришга ҳам имкон яратади.

Олим А.К.Қодировнинг таклифи ҳам диққатга сазовор. Унинг фикрича, қаттиқ ва ўта қаттиқ режимли колонияларда манзил-отрядлари ташкил этиш лозим. Уларда суд томонидан манзил-колонияларига ўтказилган маҳкумлар жазони ўтайдилар¹. Бу эса, маҳкумларга, айниқса, жуда узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилганларга ижобий таъсир кўрсатади.

Юридик адабиётда жиноятнинг ҳар хил турлари бўйича “de lege ferende” таклифи кўплаб учрайди, бунда муаллифлар жазога сазоворликнинг аниқ доирасига тез-тез эътиборни қаратадилар, уларнинг фикрича бундай доира қонун чиқарувчи томонидан эътироф этилиши керак². Айрим олимлар эга бўлган ижтимоий-криминологик маълумотлар мавжуд бўлган бир пайтда, фикримизча, қонун чиқарувчига бундай кескин тарзда тавсия бериш, мумкин эмас.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, адабиётлардаги мавжуд бўлган ва ўтказган тадқиқотларимиз давомида олган маълумотларни назарда тутган ҳолда порахўрлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонун қуйидаги тарздаги кўрилишга эга бўлиши лозим.

1. Оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаганда пора олганлик учун жарима суммасини энг кам иш ҳақи миқдорининг уч юз бараваригача кўтариш керак. Бунинг учун қуйида келтириладиган иккита ҳолат асос бўлади. Биринчидан, ҳозирги мавжуд бўлган жарима миқдори олинган пора суммасига тенг бўлиши мумкин. Иккинчидан, пора олиш таъмагирлик жиноятдир, шунинг учун моддий жазонинг суммаси ҳам тегишинча бўлиши керак.

2. Ушбу жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо муддатини камайтириш керак, негаки, бундай жазо билан жарима ва унинг миқдори каби жазони таққослаганда ўртада муайян узилиш кўзга ташланади. Бундан ташқари, оғирлашти-

¹ Қодиров А.К. О дальнейшей гуманизации исполнения уголовных наказаний. // Суд-хуқуқ ислоҳоти: назария ва амалиёт халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т. 2001.

² Қаралсин: Масалан, М.Д.Лысов. Кўрсатилган иш. 72-бет.

рувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаганда содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этиш анчагина оғир жазо эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Бунга муқобил сифатида санкцияга жазонинг ахлоқ тузатиш ишлари каби турини қўшимча қилиш мумкин.

3. ЖКнинг 210-моддаси 2-қисмида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатларда пора олганликка доир санкцияни жазонинг жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари каби турлари билан тўлдириш керак. Озодликдан маҳрум этиш жазосининг энг кам муддатини 2-3 йил ва энг кўп муддатини 5 йилгача қилиб белгилаш керак.

4. ЖКнинг 210-моддаси 3-қисмида ҳам жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазони назарда тутиш, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо муддатини 7-8 йилгача камайтириш лозим.

Пора беришнинг ва порахўрликда воситачилик қилганликнинг жазога сазоворлиги пора олганлик жиноятига таққослаганда муайян даражада, агарда бундай қилмишлар оғирлаштирувчи ҳолатларсиз содир этилган бўлса, анча даражада камдир. Шу жиҳатдан олганда Р.Кабуловнинг тутган мавқеи диққатни ўзига тартади. Унинг озодликдан маҳрум этиш охириги чора сифатида фақатгина қонун билан қўриқланадиган объектлар учун катта хавф соладиган тарзда жиноят содир этган шахсларга ёки бошқа турдаги жинойий жазоларни уташдан бўйин товлаган шахсларга нисбатан қўлланиши керак, деган фикрида асос бор. Жиноят содир этган бошқа барча шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилиши керак. Бунда, олимнинг фикрича, қасддан одам ўлдирганлик, баданга оғир шикаст етказганлик каби жиноятларга дахлдор айрим истиснолар қилиниши керак¹.

Порахўрликнинг жазога сазоворлиги даражасига тааллуқли янада конкрет тавсияларни, бизнинг фикримизча, бутун мамлакатимизга доир маълумотлар базасида жуда чуқур ва ҳар томонлама ижтимоий-криминологик тадқиқотлар ўтказиш натижасида бериш мумкин.

¹ Кабулов Р. Қўрсатилган иш. 83-бет.

Қонун ҳужжатларининг порахўрликнинг жазога сазоворлиги қисмига киритиш таклиф этилаётган ўзгартиришлар жазони юмшатиш билан боғлиқ бўлса-да, сира ҳам ана шу оғир жиноятга қарши курашни сусайтирмайди, бунинг учун эса, жавобгарликнинг муқаррарлиги ва жазони индивидуаллаштириш принципларига изчил риоя этиш керак.

ТЎРТИНЧИ БОБ.

ПОРАХЎРЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ АЙРИМ КРИМИНОЛОГИК МУАММОЛАРИ

4.1. Порахўрликнинг криминалогик тавсифи

Ҳар қандай турдаги жиноятларнинг криминалогик тавсифи умумий жиноятчиликнинг тавсифга мувофиқ бўлади. Бирок, (юқорида биз амалга оширган таҳлилдан кейин) ушбу мувофиқликка баҳо беришнинг зарурати йўқ. Алоҳида-алоҳида олинган ҳар қандай турдаги, тоифа ва гуруҳдаги жиноятларнинг қонуниятини бемалол кўрсатиш мумкин. Муҳими бунда унинг сабаблари ва шарт-шароитларини, ана шу жиноятларни содир этган шахсларнинг тавсифи муҳимдир. Энди, буларнинг ҳаммасига диалектик бирлик нуқтаи назаридан баҳо берилиши керак.

Юқорида айтилганлар порахўрликка ҳам тўла-тўқис тааллуқлидир¹. Яъни, порахўрликка боғлиқлиги кузатилганда унинг криминалогик тавсифи, жиноят сабабларига комплекс баҳо бериш, порахўрлик жиноятини содир этган шахсларни ўрганиш назарда тутилмоқда. Биргаликда ана шуларнинг ҳаммаси криминалогик тавсифдир.²

Порахўрликнинг криминалогик тавсифи қуйидаги муаммоларнинг таҳлилинини назарда тутуди: ягона жиноят сифатида умуман порахўрликнинг (пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш) таҳлилинини; порахўрлик содир этган шахсларни ўрганиш; порахўрликнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганишни; омилларни (криминоген ва антикриминоген); ижтимоий шарт-шароитлар ва шу кабилар. Бунга эътибор қаратганда олимлар айни порахўрликнинг криминалогик тавсифини назарда тутадилар³. Шу билан унда ҳам умумий, ҳам хусусий қоидалар кўрсатилган комплекс тавсиф эканлигини алоҳида таъкидлайдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, порахўрликнинг таҳлили вужудга келган вазиятда бизга нафақат ўрганилаётган жиноятларининг

¹ Клепицкий И.А., Резанов В.И. Получение взятки в уголовном праве России. М. 2001, 82-бет.

² Эминов В.Е., Максимов С.В., Мацкевич И.М. Коррупционная преступность и борьба с ней. - М., 2001.

³ Антонян Ю.М. Голубев В.П., Кудряков Д.Н. Личность корыстного преступления. М. 1989. 40 – 41-бетлар.

балки уларни содир этаётган шахсларнинг ҳам анча ташхисини топишимизга ёрдам берди.¹ Бизнинг фикримизча тегишли криминалогик вазиятни тавсифловчи айрим омиллар қуйидагилардир:

1. Криминологик нуқтаи назардан порахўрлик (пора олиш, пора бериш ва пора олиш беришда воситачилик қилиш) гуруҳ томонидан содир этиладиган жиноят ҳисобланади. Сабаби - бундай жиноий фаолиятга воситачилар сифатида – курьерлар, порахўрлик натижасида олинган моддий бойликлар ва пулларни сақлаш учун бошқа одамлар жалб этилади.

2. Порахўрлик – одатда, олдиндан ўйланган ва тайёрланган, давомли, яъни узоқ вақт мобайнида вақт-вақти билан содир этилиб туриладиган жиноятдир. Порахўрларнинг юзаки хулқ-атвори эса, одатда, қонунга итоат этувчи кишиларникига ўхшайди.

3. Кенг кўламлилиқ – порахўрликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, бунинг натижасида яширин шаклдаги кескин оператив вазият юзага келади, ташқаридан қанчалиқ тинч кўринмасин, бу – хавfli вазиятдир. Бунга яна порахўрлик жиноятини очилишининг жуда паст кўрсаткичи ҳам таъсир этади. Бу ҳол жавобгарликнинг муқаррарлиги муаммосининг ҳал этилишига, бинобарин, жиноятнинг олдини олишга қаратилган тегишли чора-тадбирларга айниқса салбий таъсир кўрсатади. Порахўрларнинг жазосиз қолиши, боз устига, «гуллаб-яшнаши» яширин тезкор вазиятни янада кескинлаштиради, уни ҳақиқатан ҳам жиддий муаммога айлантиради.

4. Порахўрлик коррупция билан жипс боғлиқ², мафияни вужудга келтиради. Бу эса, порахўрликнинг ижтимоий-психологик базасини янада мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикасида ўтказилган тадқиқотлар порахўрликнинг ҳақиқий ҳолатини кўрсатиб беради. Бу тадқиқотлар кўрилатаётган жиноятнинг турли хил жиҳатларини намоён этади.

Порахўрликнинг сабаблари қулай шароит мавжуд бўлган жойда, одатда шахснинг хулқ-атвори, аниқроғи, биринчи навбатда унинг маънавий тарбияси билан боғлиқ бўлган шахснинг

¹ Бобырев В.В. Теневая экономика: деятельность международных и правоохранительных организаций. – М., 2002. – с. 18-20.

² Лужев В.В. Преступность XX века. Мировой криминологический анализ. – М., Норма, 1999. – С.267-279.

мохиятида илдиз отади. Бунда шахснинг очкўзлиги, ноқонуний бойлик йиғишга ўчлиги, бой турмуш кечирришга интилиши ва шу каби жиҳатларини кўрсатиб ўтиш лозим¹. Ахлоқ-одоб борасида ҳам уларнинг даражаси унчалик баланд эмас. Бу ўринда маънавий тарбиянинг алоҳида даражаси тўғрисида сўз юритиш мумкин. Бу босқич аввало порахўрларнинг турли тоифаларига:

- ашаддий ва "тасодифий" порахўрларга тегишлидир. Шу восода амалга оширилган таснифлаш бизнинг назаримизда, амалий қизиқиши намоён этади.

Тасодифий жиноятчи-порахўрлар – муқаддам ноқонуний ишларга йўл куймаган ҳолда бундай қилмишни бир марта содир этган, шахслардир. Улар қилмишлари учун афсусланадилар, ҳатто айбни бўйниларига олиб, ҳозир бўладилар. Аслида порахўрнинг психологияси улар учун ёт². Улар содир этган жиноят вазиятли тусга эга бўлиб, бунга сабаб – товламачилиқдан кўра ҳам кўнгил бушлик, тазйиқ ва шу кабилардир. Бу ўринда (манфаатдор бўлган ва моддий наф кўришни мақсад қилган) воситачи ёки (масалани ҳал этишнинг пора беришдан бошқа воситаси йўқ деб ҳисоблаган) пора берувчининг ўзи кўпроқ роль уйнаши мумкин. Тасодифий порахўрлар унчалик кўп эмас. Ашаддий порахўрлар жумласига эса, узоқ вақт давомида, баъзи-баъзида эмас, балки мунтазам равишда пора олиб, жазосиз қолаётган, масъул лавозимни эгаллаб туриб жазосиз қолган шахслар киради.

Порахўрлик учун жавобгарликка тортилганлар сафидан (олдин судланмаган), охириги беш йил ичида пора олганми? - деган саволга

- Ҳа, олган деб жавоб берганлар – 82% ни, йўқ, олмаган деб жавоб берганлар – 18% ни ташкил этди. Агар олган бўлса, неча марта? – деган саволга, бир марта деб жавоб берганлар – 25% ни, икки марта деб жавоб берганлар – 6% ни, уч марта деб жавоб берганлар – 45% ни, охириги беш йил ичида доимий деб жавоб берганлар – 24% ни ташкил этди.

Бироқ, ушбу маълумотлар мансабдор шахснинг у ёки бу муайян ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун муайян сумма (ёки

¹ Яни П.С. Взятничество и должностное злоупотребление: уголовная ответственность. – М., 2002 с. 8.

² Кенгрок маъл.: Домова.А.И. Преступность, ее организованность и криминальное общество. - М., 2003 с.439-440.

киймати у ёки бу суммадаги бойлик) «тўпланган» ҳол – тўғридан-тўғри порахўрликка тааллуқли. Бу ҳисобга «ҳурмати юзасидан» ва аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ҳар эҳтимолга қарши қилинадиган совға-инъом кирмайди. Бундай «ҳотамтойлик»-нинг маъноси шундаки, совға-инъомнинг шартлари махсус келишиб олинмайди, бироқ бундай ишлар тортиқ этувчининг муайян манфаатларини қондиришга эришиш мақсадида қилиниши ўз-ўзидан равшан.¹

Порахўрлик учун маҳкум этилганлар қаторидан бўлган юқоридаги шахсларга пора олган-олмаганлик тўғрисидаги биринчи савол билан бир қаторда яна қуйидаги савол ҳам берилди: сўнгги 5 йил ичида совға деб аталмиш тортиқ-инъом олганмисиз? Биз сўров ўтказган кишиларнинг 93 фоизи тасдиқловчи жавоб, 3 фоизи эса, рад жавобини берди (4 фоизи жавоб қайтармади).

Биз сўров ўтказган шахслардан 0,8% и – бир марта, 1,7% и – икки марта, 2,2% и – уч марта, 3,8% и – тўрт марта, 8,2% и – беш марта, 83,3% и – беш йил давомида доимий тарзда тортиқ-инъом олганини айтди.

Таъкидлаш лозимки, бу кишилар сўнгги беш йил ичида ўз иш жойларида атиги 2 фоиз ҳолатда танбеҳ ёки жазо олганлар, 68 фоиз ҳолатда эса, рағбатлантирилганлар. Мазкур мансабдор шахслар назоратсиз бўлганликларинигина эмас, балки имтиёзли мавқени эгаллаб келганликларини пайқаб олиш қийинчилик туғдирмайди. Раҳбарнинг беш йил давомида ўз бўйсунувидаги ходимларнинг порахўрлик ва «назирхурлик»дан иборат, моҳиятан жиноий, фаолият билан шуғулланаётганлигини сезмаслиги мутлақо шубҳали ҳол.

Бу, айниқса, рецидивистларга тааллуқли. Бизнинг материалларимизга кўра, порахўрлик учун маҳкум этилганлар орасида муқаддам ҳам худди шундай жиноят учун судланганлар 4,8 фоизни ташкил қилади. Олимларнинг адолатли ёзишларича, рецидив жиноятчилик муаммоси, энг аввало, алоҳида тоифасининг жиноятчилар шахсининг муаммосидир². Ҳар қандай

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарори. Рустамбаев М.Х. Уголовное право республики Узбекистан. Особенная часть. – Т., 2002. с.308.

² Алексеев А.И. Солопанов Ю.В. Криминологическая характеристика и профилактика рецидивной преступности. М., 1979. 5-бет. Земский А.Ф. Рецидив преступлений: структура, связи, прогнозирование. Харьков, 1980. - 10–12-бетлар.

рецидив жиноятнинг, айниқса бизнинг фикримизча, порахўрликнинг ижтимоий хавфлилиги юқори эканлиги ана шундадир. Шунинг учун рецидивистларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ўрганиш ва улардан амалиётда фойдаланиш лозим¹.

Порахўрлик жиноятини содир этувчи рецидивистларга келсак, биз уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқладик. Энг аввало, улар ўзларининг жиноий фаолиятларини пухта ниқоблай оладилар. Шунинг учун порахўрлик содир этаётган рецидивистларга нисбатан кўнгилчанлик қилиш - рецидивистлар томонидан юқоридаги каби жиноятларни содир этишга қарши фаол ва ҳужумкор курашга зид келади. Бу ўринда асосийси – мажбурлов чораларидир. Шу муносабат билан, порахўрлик учун жиноий жавобгарликка жалб қилинган шахсларнинг 25 фоизи озодликдан маҳрум қилиш жойидан озод қилинганидан сўнг беш йил давомида янги жиноят – яна порахўрликни содир этганлар. Янги жиноятлари эса, усталик билан содир этилган ва қатъий ниқобланган, деб тавсифланади. Порахўрлик учун озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаётган рецидивистларнинг шахсига хос хусусият – ижтимоий ҳаромтомоқликдир. Бу шахслар жазони ўтаб чиққанларидан кейин яна пора олиш мумкин бўлган жойда ишлашга интиладилар. Уларнинг таъмагирлик-ҳаромтомоқлик интилишлари янги жиноятларга, жиноятлар содир этиш учун турли кишиларни жалб этишга, жиноий гуруҳлар тузишга олиб- келади. Бу гуруҳларда рецидивистларнинг ўзлари ташкилотчи бўладилар.

Айтиш керакки, таъмагирлик мотивига эга гуруҳлар², шу жумладан порахўрларнинг жиноий гуруҳлари одамга жуда ҳам салбий таъсир кўрсатиб, унда очкўзлик, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, бойишга интилиш, масалан, ўғрилик йўли билан «пул қилиш» иллатларини шакллантиради. Боз устига, меҳнаткаш одамларга нисбатан салбий, ҳурматсизлик муносабати, бошқаларнинг фаровонлигига нисбатан ҳасад уйғотади³. Биз ўрганиб чиққан гуруҳлардаги порахўрлик содир этган шахслар 58

¹ Попов И.А. Деятельность органов предварительного следствия в системе МВД России по расследованию коррупции. // Проблемы борьбы с коррупцией. Сборник статей. - М., 1999.

² Смирнов Г.А. за решительный поворот философских исследований к социальной практике. Вопросы философии. №11. 1983. – С.11; Галиакбаров Р.Р. Совершение преступлений группой лиц. – Омск, 1980.

³ Кудрявцев В.Н. Правовое поведение: норма и патология. –М., 1982. – С.207.

фоизининг айтишича, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, пул топишга интилиш гуруҳнинг бошқа иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланган. Бундай гуруҳлар аъзоларининг фақат 4,5 фоизигина ҳар қандай йўл билан пул қилиш мақбул эмаслигини айтганлар, шундай бўлса-да, порахўрлик жиноятини содир этганлар. Улар ўзларини ҳамма одамга хос ишни қилган ҳисоблайдилар.

Порахўрликнинг криминологик тавсифи учун бундай жи-оятларни содир этаётган шахсларга доир умумий маълумотлар деб аталмиш: яшаш жойи, оилавий шароити ва бошқа шу каби-ларга дахлдор маълумотлар ҳам аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикасига тааллуқли материаллар бўйича порахўрлар-нинг асосий қисми, аҳоли сони жиҳатидан, ўрта ва йирик ҳисоб-ланган шаҳарларда ҳам, кичик шаҳарларда ҳам истиқомат қилади. Биз ўрганган материалларга кўра, мазкур шаҳарларда порахўрларнинг 82 фоизи, қишлоқ жойларда эса, - 18 фоизи истиқомат қилган. Уларнинг 88 фоизи оилали, 6 фоизи ажраш-ган, бўйдоқлар эса (муқаддам оила қурмаганлар) 8 фоиз. Оила-си билан ажрашганларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда деярли 92 фоизининг 2 ва ундан ортиқ, шу жумладан 56 фоизининг 3 на-фардан ортиқ, 42 фоизининг 5 нафардан ортиқ фарзанди бор.

Порахўрларнинг ўртача маълумоти турлича: 9 – 11 синф маълумотига эгалар – 3 фоиз, ўрта махсус маълумотлилар – 58 фоиз, олий маълумотлилар – 39-фоиз.

Порахўрлик предметлари тўғрисидаги масала алоҳида қизиқиш уйғотади. Бироқ, шу ўринда таъкидлаш лозимки, ай-рим предметлар инъом (ҳурмат юзасидан) ва совға сифатида алоҳида кунларда: бай-рамларда (жумладан диний байрамлар-да), туғилган кун ва шу кабиларда олинган.

Биз қуйида пора-хўрлик предметларини келтирамиз.

- Пул	- 42%
- Радио ва телевизион техника	- 7,2%
- Заргарлик буюмлари	- 12%
- Тилла тангалар	- 3%
- Автомобиль	- 0,5%
- Авто эҳтиёт қисмлар	- 0,8%
- Мебель	- 1,5%

- Гилам	-	19%
- Кийим – кечак	-	11%
- Бошқа буюмлар	-	3%

Пора олганларнинг ўзлари, шунингдек, пора берувчилар ва воситачилар бошқа предметларни, масалан, бинокорлик материаллари, турли сервизлар ва бошқа нарсаларни ҳам тилга олиб ўтишди. Бунда айрим масалалар исбот қилиш қийин бўлган муаммолар жумласига киради. Дейлик, (тадқиқот давомида кўпинча дуч келинган) айтиш пора сифатида тақдим этилган квартиралар ёки уй кўриш ёхуд дала ҳовли учун ер участкалари тақдим этиш. Бундай «предметлар»нинг ўзи пора эвазига олиниши билан бир вақтда пора предмети сифати тақдим ҳам этилади. Уқтирилган предметларнинг қиймати турлича: миқдори 100,000 сўмгача бўлгани 3,5 фоизни, 100000 сўмдан 300000 сўмгача бўлгани 15 фоизни, 300000 сўмдан 500000 сўмгача бўлгани 17,5 фоизни, 500000 сўмдан 1000000 сўмгача бўлгани 58,5 фоизни, 1 миллион сўмдан 2 миллион сўмгача бўлгани 3,5 фоизни, 2 миллион сўмдан ортиғи 2 фоизни ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу пораларнинг аксарият қисми 5 йиллик даврга тўғри келади, яъни порахўрлик беш йил давомида айтиш бир шахслар томонидан содир этиб келинган. Ушбу шахслар билан профилактика ишлари олиб борилмаган. Бу яхши эмас, аммо бундан баттари ҳам бор. Аянчлиси шундаки, биз ўрганиб чиққан порахўрларнинг атиги 12 фоизи ана шу беш йиллик муддат давомида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, хусусан; милиция, КРТҚК, участка инспекторлари, жиноят қидирув ходимлари диққат марказида бўлган. Улардан фақат 6 фоизигина пора олиш вақтида милиция, КРТҚК ташаббуси билан, 3 фоизи эса, пора берувчининг аризасига биноан қўлган олинган. 90 фоиздан ортиғи эса, тергов вақтида аниқланган, тўғри, КРТҚК, уларнинг тезкор ходимлари фаол иштирок этишган, аммо такроран айтамикки, тергов вақтида маълум бўлган. Бундан шу нарса маълум бўладики:

- пора олувчилар, пора берувчилар ва воситачилар тўғрисида жамоатчилик томонидан маълум қилинмайди;
- моҳиятан олганда, пора берувчилар пора беришга қарор қилганликлари тўғрисида маълум қилмаганлар;

- порахўрлик тўғрисидаги тезкор-қидирув маълумотлари жуда ҳам саёз эканлиги келиб чиқади.

Экспертлар ёрдамида конкрет текширув ўтказиб, ички ишлар органлари ва прокуратура ходимларидан, асосан КРТҚҚ, коррупцияга қарши кураш ходимларидан 100 нафарини сўровга тутдик. «Порахўрлик тўғрисида етарли даражада тўлиқ ахборотга эгамисиз?» деган саволга уларнинг атиги 6 фоизи ижобий жавоб қайтарди. Кўпчилиги, яъни 36 фоизи маълумотга эга эканлиги, бироқ улар жуда умумий бўлиб, конкрет тезкор-қидирув чора-тадбирлари ўтказиш учун асос бўлмаслигини айтди. Шунга қарамай, тезкор-қидирув ишлари олиб борилмоқда (экспертларнинг 50 фоизи шу фикрда), маълумотлар тўпланмоқда, порахўрларни ушлаш ва фош этиш чоралари кўрилмақда. Бу ўринда чуқур профессионал маҳорат, тезкор-қидирув ишлари талаб қилинади. Жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан тезкор-қидирув ишлари ҳам зарур.

Қуйидагилар алоҳида муҳим аҳамиятга эга, чунончи:

- порахўрлик тўғрисида жамоатчилик маълумотларини йиғиш, улар устида ишлаш, уларни тизимлаштириш ва тўплаш;
- порахўрлик тўғрисидаги тезкор-қидирув ва тергов материалларини йиғиш, улар устида ишлаш, уларни тизимлаштириш ва тўплаш;

- бундай маълумотлар банкини яратиш;

- порахўрликни очиш, пора олувчилар, воситачилар ва пора берувчиларни фош этиш учун мавжуд маълумотлардан фойдаланиш юзасидан илмий асосланган услублар ишлаб чиқиш.

Бизнингча, ҳамма гап маълумотда ва ундан оқилона фойдаланишда. Бу – порахўрликни тергов қилиш жараёнида зарур далил-исботлар базасини яратиш имконини бериши, шак-шубҳасиз.

Порахўрликка доир маълумотлар мазмунига кўра турли-туман бўлиши мумкин. Бу ўринда (энг аввало) порахўр, пора берувчи қандай хатти-ҳаракат қилаётганлигини ва пора олиш беришдаги воситачи қандай ҳаракат қилаётганлигини ҳисобга олиш зарур. Пора қачон ва қандай топширилади? Пора қандай масалаларни ҳал этиш учун олинади? Бу масалалар биринчи навбатда амалиёт нуқтаи назаридан муҳимдир.

Биз айни уқтирилган масалаларга тааллуқли конкрет текширувлар ўтказдик. Текширувларимиз пора «керакли» масала ҳал этилгунига қадар қайси муддатда топширилишини, пора нечага бўлиб топширилишини, «керакли» масала ҳал этилгунига қадарми ёки ундан кейин топширилишини, пора қандай масалаларни ҳал этиш учун олинишини аниқлашга қаратилди. Бу масалалар ҳақиқатан ҳам амалий аҳамиятга эга. Уларни ўрганиш порахўрликнинг олдини олиш, бу борадаги тезкор-қидирувни амалга ошириш, тайёрланаётган ва қасд қилинган жиноятларни аниқлаш юзасидан хатти-ҳаракатлар қилиш учун зарур маълумотларга эга бўлиш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, айни амалий аҳамиятга молик маълумотлар тўпланади.

Ўтказган текширувларимизга доир маълумотлар қуйидагича. Пора мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларига қадар берилган:

- Масала ҳал бўлишидан 1-2 кун олдин	-	26%
- Масала ҳал бўлишидан 10 кун олдин	-	12%
- Масала ҳал бўлишидан 1 ой олдин	-	13%
- Масала ҳал бўлишидан 3 ой олдин	-	5%
- Масала ҳал бўлишидан 6 ой олдин	-	2%
- Масала ҳал бўлишидан 1 йил олдин	-	2%
Жами	-	60%

Кўриниб турибдики, 10 та ҳолатнинг 6 тасида пора «керакли» масала ҳал этилгунига қадар, бунда 51 фоизи бир ой атрофида топширилади. Бироқ, деярли ҳаммаси (38 %) масала ҳал бўлишидан 1-2 кун ва 10 кун олдин содир бўлади. Бу, бизнинг фикримизча, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалий масалаларни: тезкор-қидирув тадбирларини, профилактика ишлари ва шу кабиларни ҳал этиши учун жуда муҳим, бироқ буларнинг ҳаммаси порахўрликнинг олдини олишга қаратилган ишлардир.

Бунинг муҳимлиги, эҳтимол, шундаки, пора берувчи порани пора олувчига топширишидан олдин улар шахсан ўзлари ёки воситачилар орқали музокаралар олиб боришади. Биз эга бўлган маълумотларга қараганда порани «керакли» масала ҳал этилгунига қадар бир ой ичида топширганларнинг (улар эса

61 % ташкил этади) учдан икки қисми (72 %) пора олувчи билан камида 2 марта, 28 фоизи бир марта музокара олиб борган (бошқача айтганда, тўлиқ 100 фоиз олдиндан музокара олиб борганлар). Ушбу маълумотни порахўрликнинг олдини олиш юзасидан иш олиб бораётган амалиётчи ходимларнинг билиши жуда муҳимдир. Бу ўринда тезкор-қидирув ишлари жуда зарурдир.

Пора мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларидан кейин берилган:

Масала ҳал бўлганидан 1-2 кун кейин	-	21%
Масала ҳал бўлганидан 10 кун кейин	-	8%
Масала ҳал бўлганидан 1ой кейин	-	6%
Масала ҳал бўлганидан 3 ой кейин	-	3%
Масала ҳал бўлганидан 1 йил кейин	-	2%
Жами	-	40%

Масаланинг бу тарзда ҳал этилиши моҳиятини фақатгина тезкор-қидирув ҳаракатлари ёрдамида, маълум даражада эса тергов ҳаракатлари ёрдамида тушуниш мумкин. Бироқ бу ўринда гап энди порахўрликнинг олдини олиш, уни тўхтатиш ёки унга барҳам бериш ҳақида эмас, балки жиноятни очиш, пора олувчи ва пора берувчини фош этиш ҳақида бормоқда. Натижада эса, албатта, бу ҳам порахўрликнинг олдини олиш вазифасини бажаради. Зеро, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ҳам ўзига хос тарзда жиноятчиликнинг олдини олишдир.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб, порахўрликнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш, шунингдек, ушбу жиноятни очиш, жиноятчиларни фош этиш учун аҳамиятли бўлган яна бир нарса устида тўхталмоқчимиз. Пора – қисм-қисмга бўлиб, «керакли» масала ҳал этилгунига қадар ҳам, ундан кейин ҳам топширилиши мумкин. Бизнинг маълумотларга қараганда 70 фоиз ҳолларда пора бир мартада яхлит топширилади, 30 фоиз ҳолларда эса, 2 ва ундан кўп қисмларга бўлиб берилади. Масала ҳал этилганидан кейин 82 фоиз ҳолда пора бир мартада яхлит топширилади. 18 фоиз ҳолда 2 ва ундан кўп қисмларга бўлиб берилади. Бу ўринда кўп нарса сумманинг миқдорига боғлиқ: кичик сумма бир мартада, катта сумма эса, одатда, икки ва

ундан ҳам кўпроқ қисмларга бўлиб берилади. Бу – ҳал этилаётган масаланинг қай даражада мураккаблиги ва муҳимлигига ҳам боғлиқ: кийин, муҳим ва долзарб масала бўлса, пора бир мартада яхлит, одатда, «керакли» масала ҳал этилгунига қадар топширилади. Бу ўринда ўзига хос икр-чикирлар кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳам порахўрликнинг олдини олиш учун алоҳида маълумотдир. Ички ишлар органлари уларга эга бўлишлари шарт, негаки, бундай маълумотлар улар порахўрликнинг олдини олиш борасидаги фаолиятларининг асосини ташкил этади.

Пора орқали қандай масалалар ҳал этилади? Бу масалани ўрганиш учун ҳам биз қуйида келтирилган тадқиқотни ўтказдик.

Пора қуйидаги масалаларнинг ҳал этилиши учун берилган:

- хизматга доир масалалар	- 58 %
а) ишга қабул қилиш	- 9 %
б) лавозимини кўтариш	- 12 %
в) бошқа ўзи хоҳлаган лавозимга ўтказиш	- 26 %
г) хизматга доир бошқа масалалар	- 11 %
- уй – жой масаласи	- 19 %
а) янги квартира олиш	- 4 %
б) квартира алмаштириш	- 9 %
в) уй қуриш ёки боғдорчилик, дала ҳовли учун ер участкаси олиш	- 3 %
г) турар жойида қайд этиш (прописка) масаласи	- 3 %
- ўқиш билан боғлиқ масалалар	- 8 %
- кооператив масалалар	- 9 %
- бошқа масалалар	- 6 %

Кўриниб турганидек, ушбу маълумот амалий аҳамиятга эга. Ундан моҳирона фойдаланиш эътиборни аниқ мақсадга қаратиш, муайян доирада ишлаш, порахўрликнинг объектларини аниқлаш имконини беради. Мазкур объектларга тезкор-қидирув нуқтаи назаридан «хизмат кўрсатиш» мумкин. Гап қасд қилинган ва тайёрланаётган жиноятларни аниқлаш, порахўрликнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш ҳақида бормоқда.

Амалиётнинг кўрсатишича, бу ерда порахўрликнинг бошқа жиноятларнинг ғаразли мотивацияси билан¹ ўзаро ўзвий боғ-

¹ Карпец И.И. Проблема преступности. –М., 1969. – С. 116

лиқлиги кузатилади. Жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини таснифлаш турли мезонлар бўйича ўтказилади.

Аммо бундай текшириш кўпинча жиноят содир этган шахсларнинг таснифига мос келади¹. Бундай ҳолда олимлар инсонга ижтимоий муҳит таъсирининг ғайриқонуний хулқ-атвор билан боғлиқ вариантлари ҳақида фикр юритадилар². Бунда улар жамиятга зид мотивлар, эҳтиёж, нормалар ва одатларни шакллантирувчи объектив шарт-шароитларни жиноятнинг сабаблари, деб ҳисоблайдилар³. Шундай қилиб, шахс ва уни шакллантирувчи муҳит жинойий хулқ-атворнинг асосий сабаблари ва шарт-шароитларига айланиб қолади. Айни пайтда у ёки бу тоифадаги, турдаги жиноятнинг специфик сабаблари ва шарт-шароитлари ҳам кўзга ташланади. Мана шу услубиёт асосида давлат ёки жамоат мол-мулкани талон-тарож қилиш, порахўрлик жиноятини таҳлил этиш орқали ушбу жиноятларнинг ўзаро алоқасини ҳам кўриб чиқамиз. Асосийси ғаразнинг талон-тарож қилиш ва порахўрлик учун умумийлигидир.

Кўриб чиқилаётган талон-тарож қилиш ва порахўрлик жиноятларининг илдизлари ижтимоий шарт-шароитларга бориб тақалса-да, бироқ бундай шарт-шароитлар психологик жиҳатдан мақбул объектни – талончилик ва порахўрликка мойил шахсни топсагина ҳақиқатан таъсир кучига эга бўлади.

Шундай қилиб, асосийси – шахс. Биз ҳозирги ҳолатда талончи ва порахўрнинг шахсини назарда тутмоқдамиз. Уларнинг криминологик хулқ-атворида умумийлик кўп.

Биз эга бўлган маълумотларга кўра, пора олувчилар ва пора берувчилар, одатда, талон-тарож қилиш жиноятини ҳам, асосан ўзлаштириш ёки растрата ёхуд хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан талон-тарож жинояти содир этадилар. Тадқиқотларимизга доир муайян маълумотлар қуйидагича: пора олганлик учун маҳкум этилган шахсларнинг 62 фоизи бир вақтнинг ўзида талон-тарож қилганлик учун ҳам, шу жумладан 52 фоизи ўзлаштириш ёки растрата ёхуд хизмат мавқеини

¹ Кузнецова Н.Ф. Криминологические проблемы детерминации. М., 1984, - 48–49-бетлар.

² Яковлев А.М. Детерминизм и «свобода воли» (перспективы изучения личности преступника). Правоведение, 1978, № 6, 40-бет.

³ Криминальная мотивация. М., 1986, 61, 76-бетлар. Яна қаралсин: Тузов А.П. Мотивация противоправного поведения несовершеннолетних. Киев, 1982, 26-бет.

суиистеъмол қилганлик учун айбланган, пора берганлик учун маҳкум этилган шахсларнинг 68 фоизи талон-тарож қилганлик учун ҳам, шу жумладан 56 фоизи ўзлаштириш ёки растрата ёхуд хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлик учун айбланган. Шу билан бир қаторда таъкидлаш лозимки, пора олганлик учун маҳкум этилган шахслар (тахминан 80 фоизи) пора берувчи ҳам бўлган, пора берганлик учун маҳкум этилган шахслар (тахминан 80 фоизи) айна вақтда пора олувчи ҳам бўлган. Ўзига хос бир-бирини «қўллаш». Бу пораларнинг ҳаммаси талон-тарож қилиш каби жиноятлар ҳисобига амалга оширилган.

Ўйлашимизча, порахўрлик ва талон-тарож қилиш юзасида сўз юритганда, ўзига хос ижтимоий вазият ва жиноятчининг шахси тўғрисида фикр юритилиши керак. Биз, моҳиятан олганда, вазият тарзидаги салбий ижтимоий ҳодисаларнинг талон-тарож қилиш ва порахўрлик жиноятига таъсири тўғрисида гапирмоқдамиз, бу эса, пора олувчи (пора берувчи) ва талончи шахсининг тавсифи билан жипс боғлиқдир.

Албатта, порахўрлик ва талон-тарож қилиш жинояти билан шуғулланувчи шахслар турлича эканлигини унутмаслик керак. Талончиларни ҳам, порахўрларни ҳам илмий асосланган турларга ажратиш зарур. Бу масала жуда қийин, мураккаб муаммолар жумласига киради¹. Зеро, талончининг шахси билан жипслашиб кетади². Адабиётларда кўрсатилишича, энг аввало, талончиларнинг бир турдаги гуруҳи ажратилади, бўлар: ўзлаштириш ёки растрата ёхуд хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш орқали талон-тарож қилиш жиноятини содир этган, шунингдек, порахўрлик содир этган жиноятчилар. Ушбу гуруҳни талончиларнинг учта асосий тоифасига, яъни турига ажратиш таклиф этилади, чунончи:

- талон-тарож қилиш ташкилотчилари, айна ўшаларнинг ўзи пора олувчилар ва пора берувчилар;
- жинойий операцияларнинг барчасини ёки аксариятини бажарувчи талон-тарож иштирокчилари, айна ўшаларнинг ўзи пора олувчилар ва пора берувчилар;

¹ Антонян Ю.М., Голубев В.П., Кудряков Ю.Н. Личность корыстного преступника. М., 1989, 56-бет.

² Литвинов В.И. Корыстные посягательства на личную собственность и их предупреждения. Минск, 1989, 60-бет.

- айрим жинойй хатти-ҳаракатларни бажарувчи талон-тарож иштирокчилари, айна ўшаларнинг ўзи пора олувчилар ва пора берувчилар, кўпинча эса, пора олиш беришдаги воситачилар.

Тадқиқотларимизга доир маълумотларнинг кўрсатишича, ана уч турдаги жинойтчиларнинг барчаси кўпинча битта турга «бирлашиб» кетади, яъни жинойй операцияларни ташкилотчиларнинг ўзлари ҳам бажаради, жинойй хатти-ҳаракатларнинг ҳаммаси, аксарияти ёки айримларини бажарувчи иштирокчилар эса, жинойт ташкилотчилари вазифасини бажарадилар. Бунда уларни асосан «бирлаштирадиган» ҳол уларнинг ҳаммаси бир вақтнинг ўзида пора олувчи, пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачи эканлигидадир.

Муайян маълумотлар қуйидагича:

а) ўзлаштириш ёки растрата ёхуд хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш орқали талон-тарож қилиш жинойтини ташкил этган шахслар жинойтларнинг 72 фоизида бир вақтнинг ўзида жинойй хатти-ҳаракатларни бажарганлар, 68 фоизида бир вақтнинг ўзида порахўрлик билан шуғулланганлар;

б) талон-тарож қилиш жинойтида иштирокчи сифатида қатнашиб, жинойй хатти-ҳаракатларнинг ҳаммаси, аксарияти ёки айримларини бажарган шахслар жинойй воқеаларнинг 40 фоизида бир вақтнинг ўзида айрим жинойй хатти-ҳаракатларни ҳам, (ташкилотчи вақтинча йўқлигида, ташкилотчининг топшириғига биноан ва ҳатто ўз ташаббуслари билан) ташкилотчилик вазифаларини ҳам бажарганлар, 34 фоизида эса, бир вақтнинг ўзида порахўрлик билан шуғулланганлар.

Порахўрлар ва хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда талон-тарож жинойтини содир этган шахслар ҳақида гап борар экан, уларнинг ўнта гуруҳини, яъни ўнта турини ажратиш кўрсатиш мумкин. Тадқиқотларимизга доир маълумотларни ана шу гуруҳларга нисбатан кўриб чиқдик. Маълумотларимиз қуйидагича:

1. Порахўрлик билан шуғулланган, айна вақтда бадавлат турмуш кечириш учун аниқ, қатъий интиладиган талончи шахслар – олган маълумотларимизга кўра, жами тадқиқотимиздан ўтганларнинг 32 фоизини ташкил этади.

2. Порахўрлик билан шуғулланган, айна вақтда талончи – жиноий уюшган гуруҳнинг иштирокчиси бўлиб, унда иккинчи даражали ролни ўйнаса-да, бироқ, расман талон-тарож содир этиладиган корхонани (муассасани) бошқарувчи шахслар – олган маълумотларимизга кўра жами тадқиқотимиздан ўтганларнинг 18 фоизини ташкил этади.

3. Порахўрлик билан шуғулланувчи, айна вақтда талончи – бир маротабалик ҳақ учун айрим жиноий хатти-ҳаракатларни бажарувчи шахслар – олган маълумотларимизга кўра жами тадқиқотимиздан ўтганларнинг 9 фоизини ташкил этади.

4. Порахўрлик билан шуғулланувчи, айна вақтда жиноий хатти-ҳаракатларни амалга оширишнинг асосий оғирлигини зиммасига олган шахслар – олган маълумотларимизга кўра жами тадқиқотимиздан ўтганларнинг 35 фоизини ташкил этади.

5. Порахўрлик билан шуғулланувчи, айна вақтда талончиликни ниқоблашга ёрдамлашувчи, одатда, ҳисоб-китоб соҳаси ходими бўлиб, молиявий операциялар тўғри расмийлаштирилиши устидан назоратни издан чиқарадиган талончи шахслар – олган маълумотларимизга кўра жами тадқиқотимиздан ўтганларнинг 64 фоизини ташкил этади.

6. Порахўрлик билан шуғулланувчи, айна вақтда корхона (муассаса)нинг хўжалик ишида банд бўлиб, корхонанинг алоҳида бўғинига раҳбарлик қилувчи талончи шахслар – олган маълумотларимизга кўра жами тадқиқотларимиздан ўтганларнинг 18 фоизини ташкил этади.

7. Порахўрлик билан шуғулланувчи, айна вақтда моддий жавобгар шахс бўлиб, ҳаётий қийинчиликлар таъсири туфайли юзага келган номақбул вазиятда ўзига ишониб топширилган давлат ёки жамоат мол-мулкани ўзлаштирадиган талончи шахслар – олган маълумотларимизга кўра жами тадқиқотларимиздан ўтганларнинг 4 фоизини ташкил этади.

8. Порахўрлик билан шуғулланувчи, айна вақтда талончиликни истеъмолчини алдаш билан қўшиб олиб борадиган (одатда савдо соҳасида ишлаб, юлғич номини олган) талончи шахслар – маълумотларимизга кўра жами тадқиқотларимиздан ўтганларнинг 35 фоизини ташкил этади.

9. Порахўрлик билан шуғулланувчи, айни вақтда бухгалтерия ҳисоботида турли сохтакорликлар орқали пул суммаси талон-тарож қилинишини уюштирувчи (одатда, бухгалтер, кассир) талончи шахслар – олган маълумотларимизга кўра жами тадқиқотларимиздан ўтганларнинг 19 фоизини ташкил этади.

10. Порахўрлик билан шуғулланувчи, айни вақтда ўзига ишониб топширилган давлат ёки жамоат мол-мулкани асосий даромад манбаига айлантириб олган рецидивист талончи шахслар – олган маълумотларимизга кўра жами тадқиқотларимиздан ўтганларнинг 17 фоизини ташкил этади.

Албатта, талон-тарож қилувчилар ва порахўрларнинг бошқа турларини ҳам ажратиш кўрсатиш мумкин, чунончи:

- ашаддий талончи-ташкilotчи – порахўр,
- ашаддий талончи-ижрочи – порахўр,
- одатдаги талончи – порахўр,
- тасодифий талончи – порахўр,
- талончилар барқарор гуруҳининг ташкilotчиси – порахўр,

– муайян вазиятда тасодифан ташкил топган талончилар гуруҳининг ташкilotчиси – порахўр,

– мол-мулк ишониб топширилган шахслар – порахўрлар.

Кўплаб турли гуруҳлар ажралиб туради. Уларнинг барча хос хусусиятларга эга. Профилактика ўтказиш вақтида ана шу хусусиятларни ҳисобга олиш жуда муҳим. Профилактика ўтказиш учун эса, талончи ва порахўр шахснинг нафақат криминалогик, балки криминалистик тавсифи ҳам зарур. Агарда, порахўрнинг криминалогик тавсифи кўриб чиқиладиган жиноятларни содир этган шахснинг ижтимоий қиёфасини очиб берувчи аломатларни ўз ичига олса, криминалистик тавсиф эса, талон-тарож қилиш ва порахўрлик жиноятини тайёрлаш ҳамда содир этиш пайтида, жиноий фаолият изларини яшириш вақтида шахснинг хулқ-атворини асослаб берувчи маълумотлар аниқланишини тақозо этади. Талончи ва порахўр шахсининг криминалогик томонларини ўрганиш у ёки бу шахс нима учун жиноят содир этганлигини аниқлаш имконини беради. Криминалистик томони эса, ушбу жиноят қандай содир этилганлигини ўрганишга имкон яратади. Ҳар иккала томон ҳам талон-тарож

қилиш ва порахўрлик жиноятларига йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш учун муҳимдир. Порахўрлик тавсифланар экан, одатда, эътибор пора олувчига қаратилади. Бироқ, кримнологик нуқтаи назардан, пора берувчи ва пора олиш беришда воситачини тавсифлаш ҳам муҳимдир. Бу масалага биз қисман тўхталиб ўтдик, аммо уни батафсил кўриб чиқиш керак. Чунки, бу порахўрликка йўл қўймаслик, унинг олдини олиш ва унга барҳам бериш учун, хусусан, бу ишлар ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши учун аҳамиятга молик.

Тадқиқотларимизга доир материаллар орасида пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун маҳкум этилганлар ичида муқаддам ана шундай жиноят учун судланган битта ҳам одам йўқ. Аммо, муқаддам у ёки бу жиноят содир этганлик учун маҳкум этилган рецидивистлар кўп. Масалан, муқаддам давлат ёки жамоат мулкани талон-тарож этганлик учун судланганлар 14 фоизни, порахўрлик учун судланганлар 9 фоизни ташкил этади. Пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун маҳкум этилган шахсларга умуман олганда таъмагирлик жинояти хосдир.

Айтиш жоизки, пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун, шунингдек, пора берганлик учун айбдорларнинг жуда озчилиги маҳкум этилади. Негадир амалиётда бундай шахслар гувоҳ сифатида жалб этиладилар. Фикримизча, бу яхши тажриба эмас. Чунки у содир этилган жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлай олмайди. Бошқа бир ҳол эътиборни ўзига тортади: пора берувчилар орасида муқаддам судланмаганлар 92 фоизни ташкил этади, тасодифий деб аталмиш пора берувчилар, яъни бир марта пора бериб маҳкум этилганлар эса, деярли йўқ – атиги 4,6 фоиздан иборат. Пора берувчилар – агар таъбир жоиз бўлса, одатдаги пора берувчилар ўз муаммоларини асосан пора бериш ҳисобига ҳал этадиган шахслардир: уқтирилган 92 фоиз орасидан маҳкум этилгунга қадар бир марта пора берганлар 5,5 фоизни, икки марта берганлар 14 фоизни, уч марта берганлар 28 фоизни, уч мартадан ортиқ пора берганлар 44,5 фоизни ташкил этади. Бўлар орасида талон-тарож қилувчилар, меҳнатсиз даромад эвазига яшовчилар жуда кўп. Дарвоқе, пора бериш масалалари муносабати

билан меҳнатсиз даромад топиш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Бу – махсус тадқиқотлар ўтказишни тақозо этадиган алоҳида муаммо. Биз унинг устида порахўрликни таҳлил этиш муносабати билангина тўхталиб ўтамиз.

Таъмагирлик жиноятлари учун меҳнатсиз даромадлар олиш умуман хосдир. Бу айниқса порахўрликка дахлдор, ҳар ҳолда бу ўринда меҳнатсиз даромадларнинг алоҳида турига дуч келинади.

Меҳнатсиз даромадлар – ғайриқонуний йўллар билан яширин тарзда даромадлар олишдир, деган фикрга қўшилаемиз. Бу ўринда гап фақатгина тегишли жиноятлар устида эмас, балки ғайриқонуний йўли билан ва яширин тарзда маблағ олишга қаратилган бошқа хатти-ҳаракатлар ҳақида ҳам бормоқда. Агарда бирор-бир жиноят назарда тутиладиган бўлса, у кўпроқ талон-тарож қилиш ва порахўрликка дахлдор бўлади. Бўлар жумласига иқтисодиётдаги, ижтимоий ҳаётдаги (меҳнат фаолияти учун даромадлар тақсимлашда ижтимоий адолатсизлик), фуқаролар ҳаётининг моддий даражаси билан боғлиқ бошқа жараёнлардаги салбий кўринишларни киритиш мумкин. Бундай меҳнатсиз даромадлар олиш пора берувчиларга хос бўлиб, улар эса, уқтириб ўтилганидек, тез-тез пора олувчи ҳам бўлиб турадилар.

Бир сўз билан айтганда, бундай даромадлар порахўрликка хосдир. Порахўрларнинг ўзлари содир этган жиноятлар тўғрисида қандай фикрда эканликлари ҳам қизиқиш уйғотади. «Сиз порахўрлигим фош этилиши мумкин, деб ўйлаганмидингиз?» – деган саволга тадқиқотимиздан ўтган шахсларнинг ярмидан кўпи – 56 фоизи «ҳа» деб жавоб берган. «Агар ўйлаган бўлсангиз, қонунга мувофиқ маҳкум этилишдан чўчиганмисиз?» деган саволга атиги 25 фоиз шахс «ҳа» деб ижобий жавоб қайтарган. Тадқиқотнинг кўрсатишича, 92 фоиз шахс ўз «паноҳ»ининг ёрдамига умид қилган. «Қилмишингиздан афсусдамисиз?» деган саволга тадқиқотимиздан ўтган шахсларнинг атиги 14 фоизи «ҳа» деб жавоб қайтарган.

Порахўрларнинг жавоблари кўрсатилган тадқиқотларимизга доир маълумотлар:

- Моддий таъминотнинг етарли эмаслиги	- 5%
- Бойлик орттириш истаги	- 0%
- Ўзи учун психологик бадастир шароит яратиш	- 12%
- Ўзи ва оиласининг келажагини таъминлаш	- 8 %
- Ҳаётда пора беришга тўғри келади, бунинг учун пора олиш ҳам керак	- 28%
- Умумий қоида шундай: ҳамма олади, мен ҳам олдим	- 35%
- Бошқа сабаблар	- 12%

Кўриниб турибдики, порахўрларнинг гапига қараганда, пора эвазига бойишни истовчилар умуман йўқ. Моддий таъминоти етарли бўлмаган ҳамда ўзи ва оиласининг келажагини таъминлаш истагидагилар ҳар 100 кишининг тегишинча 5 ва 8 нафарини ташкил қилади. Сўровга тортилган кишиларнинг деярли учдан икки қисми, яъни 63 фоизининг: ҳаётда пора олиши ва беришига (28 %), умумий қоидага бўйсунушига (35 %) тўғри келаётганлиги кишини ташвишга солади. Бу – жуда катта ахлоқий муаммо, яъни умумий тарбия, ахлоқ ва ҳуқуқий тарбия билан боғлиқ масала. Бу – маданият ва маданий тарбиянинг муаммосидир. Уларни кўриб чиқиш – махсус тадқиқот предмети ташкил этади.

Ушбу қилмиш учун маҳкум этилган пора берувчиларнинг саволларимизга берган жавоблари хос хусусиятга эга бўлиб, амалий қизиқиш уйғотади. «Муқаддам ўзингизнинг (хизмат, уй-жой ва шу каби) муаммоларингизни пора эвазига ҳал этишингизга тўғри келганми?» деган саволимизга сўровга тортилганларнинг 82 фоизи «ҳа» деб жавоб қайтарди. Охиргисини ҳисобга олмаганда, илгари неча маротаба маҳкум этилганлик кўрсаткичлари қуйидагича:

- Бир марта	- 12 %
- Икки марта	- 17 %
- Уч марта	- 21 %
- Тўрт марта	- 24 %
- Беш марта	- 26 %

Пора бергани ва пора олиш – беришда воситачилик қилгани учун маҳкум қилинганларнинг сони умумий жиноятчилик орасида ҳеч қачон юқори бўлмаган. Ушбу иш муаллифи томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасида 1995-2003 йиллар қуйидагича тафсилланиди: 1995 й. – 1,5%; 1996 й. – 1,3%; 1997 й. – 1,1%; 1998й. – 1,3%; 1999й. – 0,8%; 2000й. – 0,7%; 2001й. – 0,6%; 2002й. – 0,5%, 2003й. – 0,3%.

Рақамларнинг кўрсатишича, беш йил давомида порахўрликнинг энг кўп миқдори турлича, 1995 йилги энг юқори фоиз 2000 йилги энг паст фоиздан икки марта юқори. Бу 90 йиллар ўртасида Ўзбекистон Республикасида давлат тартиби анча сусайгани ва табиийки, жиноятчиликнинг, асосан иқтисодий ва мансабдор шахслар содир этган жиноятларнинг ўсиши билан англатилади. Умуман, порахўрлик доимо жиноятларнинг умумий тузилишида охириги ўринлардан бирини эгаллаб келган. Аммо, фақат статистик кўрсаткичларнинг ўзи порахўрлик каби яширин жиноят ҳақида хулоса чиқаришга камлик қилади. Бу ерда шуни қайд этиш зарурки, статистик маълумотларда порахўрлик учун маҳкум қилинганларнинг аниқ сони қайд этилмаган, чунки латент жиноятлардан ташқари қилмишни квалификация қилаётганда жиноятларнинг бир-бирига боғлиқлигида улардан шу иш учун асосийси эътиборга олинади.

2003 йилда Ўзбекистон Республикасида порахўрлик учун судланганлик 0,001% ни ташкил этди. Ушбу ҳолат 2001 й. – 4,32%, 2002й. – 3,84%, 2003й. – 3,07% ни ташкил этди. Аммо судланганлик кўрсаткичи порахўрликнингнинг тарқалганлиги ҳақида аниқ тасаввур бера олмайди. Порахўрлик – латентлиги юқори бўлган жиноят. У одатда ўзидан сўнг ҳеч қандай из қолдирмайди.

Пора одатда уч ҳолатда юзага чиқиб қолади. Биринчидан, пора берувчи ва пора олувчи ўртасидаги келишилмовчилик натижасида, қачонки, порахўр ёки пора талаб қилинаётган шахс суриштирув органларига бу ҳақида ўзи ариза ёзса, ушбу иш муаллифи тадқиқотича бу рақам 57% ни ташкил этади. Иккинчидан, бошқа бир жиноят суриштируви вақтида, қачонки жавобгарликка тортилган шахс ўз аҳволини енгиллаштириш

учун пора ҳақида кўрсатма берса, - 14%. Учунчидан, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан йўналтирилган тезкор тадбирлар ўтказилиши натижасида – 29%. Бу рақамлар ушбу жиноятга қарши курашга йўналтирилган органлар ишининг сустигини, профилактик ишларнинг замонавий талабларга жавоб бермаслигини, уларни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини билдиради.

Аммо, пора ҳақида маълумотга эга бўлинганда ҳам жиноятни исботлаб бериш жуда қийин. Порахўрликнинг қасддан содир этилиши, қилмишнинг изсизлиги жиноятнинг юқори даражада ниқобланишига имкон яратади.

Исботларни жиноят қатнашчиларидан бирининг кўрсатмаларига асосан баҳолаш жиноят – ҳуқуқий воситаларининг энг яқин жойларидан бири бўлиб келмоқда. Барча ўз хошига кўра ариза ёзилиб очилган ишларнинг 57% шуни билдиради. Ариза ёзувчининг олдинги кўрсатмаларидан қайтиши ёки уларни ўзгартириши бошқа далилларнинг қимматини анчагина пастга туширади.

Сўровга тортилган шахсларнинг деярли тўртдан уч қисми пора берганлик учун маҳкум этилгунига қадар 71 фоиз ҳолатда ўз муаммоларини ўзлари учун масаланинг ечимини топишнинг синовдан ўтган йўли – пора бериш орқали ҳал этганлар. «Пора бермасдан ўз муаммоларингизни ҳал эта олармидингиз?» деган саволимизга сўровга тортилганлар қуйидагича жавоб беришди:

- | | |
|---|-------|
| - Ҳар қандай шароитда ҳам ҳал этилмасдим | - 26% |
| - Тўла-тўқис ҳал эта олардим | - 13% |
| - Узоқ вақт сарсон бўлиб ҳал этардим | - 16% |
| - Ҳал эта олардим, бироқ, анъана шундай, нима бўлса-да, хурсанд қилиш керак эди | - 45% |

Сўровга тутилганларнинг фақат 13 фоизигина ўз муаммоларини пора бермасдан ҳал этишлари мумкин, қолганларининг иши порасиз битмас экан. Қизиғи шундаки, порахўрлар мутлақо таъмағирлик қилмас эканлар. «Сиздан пора тама қилишганми ёки Сиз ўзингиз пора бера туриб, ташаббус кўрсатганмисиз?» деган саволимизга берилган жавоб қуйидагича:

- | | |
|--|-------|
| - Тама қилишган | - 6% |
| - Пора берувчилар ташаббус кўрсатишган | - 94% |

Пора бергани ва пора олиш – беришда воситачилик қилгани учун маҳкум қилинганларнинг сони умумий жиноятчилик орасида ҳеч қачон юқори бўлмаган. Ушбу иш муаллифи томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасида 1995-2003 йиллар қўйидагича тафсирланади: 1995 й. – 1,5%; 1996 й. – 1,3%; 1997 й. – 1,1%; 1998й. – 1,3%; 1999й. – 0,8%; 2000й. – 0,7%; 2001й. – 0,6%; 2002й. – 0,5%, 2003й. – 0,3%.

Рақамларнинг кўрсатишича, беш йил давомида порахўрликнинг энг кўп миқдори турлича, 1995 йилги энг юқори фоиз 2000 йилги энг паст фоиздан икки марта юқори. Бу 90 йиллар ўртасида Ўзбекистон Республикасида давлат тартиби анча сусайгани ва табиийки, жиноятчиликнинг, асосан иқтисодий ва мансабдор шахслар содир этган жиноятларнинг ўсиши билан аңглантилади. Умуман, порахўрлик доимо жиноятларнинг умумий тузилишида охириги ўринлардан бирини эгаллаб келган. Аммо, фақат статистик кўрсаткичларнинг ўзи порахўрлик каби яширин жиноят ҳақида хулоса чиқаришга камлик қилади. Бу ерда шуни қайд этиш зарурки, статистик маълумотларда порахўрлик учун маҳкум қилинганларнинг аниқ сони қайд этилмаган, чунки латент жиноятлардан ташқари қилмишни квалификация қилаётганда жиноятларнинг бир-бирига боғлиқлигида улардан шу иш учун асосийси эътиборга олинади.

2003 йилда Ўзбекистон Республикасида порахўрлик учун судланганлик 0,001% ни ташкил этди. Ушбу ҳолат 2001 й. – 4,32%, 2002й. – 3,84%, 2003й. – 3,07% ни ташкил этди. Аммо судланганлик кўрсаткичи порахўрликнингнинг тарқалганлиги ҳақида аниқ тасаввур бера олмайди. Порахўрлик – латентлиги юқори бўлган жиноят. У одатда ўзидан сўнг ҳеч қандай из қолдирмайди.

Пора одатда уч ҳолатда юзага чиқиб қолади. Биринчидан, пора берувчи ва пора олувчи ўртасидаги келишилмовчилик натижасида, қачонки, порахўр ёки пора талаб қилинаётган шахс суриштирув органларига бу ҳақида ўзи ариза ёзса, ушбу иш муаллифи тадқиқотича бу рақам 57% ни ташкил этади. Иккинчидан, бошқа бир жиноят суриштируви вақтида, қачонки жавобгарликка тортилган шахс ўз аҳволини еңгиллаштириш

учун пора ҳақида кўрсатма берса, - 14%. Учунчидан, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан йўналтирилган тезкор тадбирлар ўтказилиши натижасида – 29%. Бу рақамлар ушбу жиноятга қарши курашга йўналтирилган органлар ишининг сустилигини, профилактик ишларнинг замонавий талабларга жавоб бермаслигини, уларни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини билдиради.

Аммо, пора ҳақида маълумотга эга бўлинганда ҳам жиноятни исботлаб бериш жуда қийин. Порахўрликнинг қасддан содир этилиши, қилмишнинг изсизлиги жиноятнинг юқори даражада ниқобланишига имкон яратади.

Исботларни жиноят қатнашчиларидан бирининг кўрсатмаларига асосан баҳолаш жиноят – ҳуқуқий воситаларининг энг нозик жойларидан бири бўлиб келмоқда. Барча ўз хохишига кўра ариза ёзилиб очилган ишларнинг 57% шуни билдиради. Ариза ёзувчининг олдинги кўрсатмаларидан қайтиши ёки уларни ўзгартириши бошқа далилларнинг қимматини анчагина пастга туширади.

Сўровга тортилган шахсларнинг деярли тўртдан уч қисми пора берганлик учун маҳкум этилгунига қадар 71 фоиз ҳолатда ўз муаммоларини ўзлари учун масаланинг ечимини топишнинг синовдан ўтган йўли – пора бериш орқали ҳал этганлар. «Пора бермасдан ўз муаммоларингизни ҳал эта олармидингиз?» деган саволимизга сўровга тортилганлар қуйидагича жавоб беришди:

- | | |
|---|-------|
| - Ҳар қандай шароитда ҳам ҳал этолмасдим | - 26% |
| - Тўла-тўқис ҳал эта олардим | - 13% |
| - Узоқ вақт сарсон бўлиб ҳал этардим | - 16% |
| - Ҳал эта олардим, бироқ, анъана шундай, нима бўлса-да, хурсанд қилиш керак эди | - 45% |

Сўровга тутилганларнинг фақат 13 фоизигина ўз муаммоларини пора бермасдан ҳал этишлари мумкин, қолганларининг иши порасиз битмас экан. Қизиғи шундаки, порахўрлар мутлақо таъмагирлик қилмас эканлар. «Сиздан пора тама қилишганми ёки Сиз ўзингиз пора бера туриб, ташаббус кўрсатганмисиз?» деган саволимизга берилган жавоб қуйидагича:

- | | |
|--|-------|
| - Тама қилишган | - 6% |
| - Пора берувчилар ташаббус кўрсатишган | - 94% |

Порахўрликнинг кримнологик тавсифи учун ушбу қилмиш сабабларининг умумий манзарасини ҳам кўрсатиб бериш зарур. Башарти, порахўрликнинг сабаблари айрим белги даражасида қараб чиқилганида, энг аввало, пора олувчи, пора берувчи ва воситачининг шахсига тааллуқли бўлса, умумий даражада қараб чиқилганида эса, умуман жиноятчиликка, турли салбий кўринишларга тааллуқли бўлади; бу – конкрет жиноятлар содир этиладиган айни умумий вазият, кенг ижтимоий муҳитдир. Зеро равшанки, инсоннинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари билан жиноятлар содир этиладиган муҳит ўртасида алоқа мавжуд. Ижтимоий вазият ва шахснинг хулқ-атвори – айни биз порахўрликнинг умумий сабаблари билан боғламоқчи бўлган масаладир.

Сўнги беш йил ичида умуман олганда жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлилиги кучаймоқда. Жиноятчиликнинг характери ўзгарди, унинг ўсиш принципи кузатилмоқда. Бироқ, бунда жиноятчилик аниқ ташқи хулқ-атвордан, айни жиноятлардан юзага келишини ҳам назарда тутиш керак. Бу жиноятлар, башарти, нафақат ҳуқуқ, балки ижтимоий манфаатлар ва қадриятлар нуқтаи назаридан ҳам қарайдиган бўлсак, жазога сазовор қилмиш содир этган конкрет шахсгагина эмас, балки жамиятга, ижтимоий муносабатлар тизимига ҳам қаратилгандир, бу эса, шак-шубҳасиз, мазкур тизимни бузади. Бошқа салбий кўринишларга: тиланчилик, дайдилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва фоҳишаликка ҳам худди шундай баҳо бериш мумкин. Ҳатто ўз жонига суиқасд қилиш ҳам, айрим муаллифларнинг фикрича, конкрет шахсларга қаратилган бўлиб, (аксарият ҳолларда жонига суиқасд қилганларнинг ўзигина жабр кўрсатганда) жамиятга катта зиён келтиради. Бу кўринишларнинг барчаси – тиланчилик, дайдилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишалик, шу каби бошқа кўплаб ҳуқуқбузарликлар – ижтимоий муносабатларга, жамиятга реал ва жуда катта зиён етказди. Бу оддийгина зиён эмас, балки инсон яшайдиган ва фаолият кўрсатадиган доиралардаги салбий жиҳатдир. Бунинг замирида эса, шахснинг хулқ-атворига баҳо берилади. Кўпинча жамият конкрет аъзоларининг хулқ-атвори бунга мос келади. Ушбу салбий вазият, салбий муҳит умуман олганда маълум

даражада бевосита бўлмаса-да, маълум жиноятларнинг, шу жумладан равшанки, порахўрликнинг умумий специфик сабаблари ролида намоён бўлади. Шу ўринда жамиятимиз учун, унинг ривожланишининг ҳозирги шарт-шароитлари учун хос бўлган ижтимоий зиддиятлар салбий оқибатларга олиб келадиган зиддиятлар, жиноятчилик: иқтисодий соҳасидаги, хўжалик юриштишининг янги шакллари, савдо, нарх белгилаш, маиший хизмат ва шу каби соҳалардаги зиддиятлар билан боғлиқлигини ҳам кўра билиш керак¹. Бунга яна нафақат жиноятчилик ва конкрет жиноятларга, балки миллатлараро зиддиятлар ва нифокларга, хулқ-атворнинг тегишли жинойий шаклларининг юзага келишига ҳам таъсир кўрсатадиган ғайриижтимоий анъаналар ва урф-одатларни ҳам қўшимча қилиш керак². Бир туркум иқтисодий муаммоларнинг қонун йўли билан ҳал этилмаганлиги иқтисодий жиноятчиликка бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Бунинг, хусусан, порахўрликка таъсири катта бўлмоқда. Умумий муаммолар кўп ва бу муаммолар умуман жиноятчиликка ҳам, конкрет жиноятларга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бу ўринда порахўрлик истисно эмас. Эҳтимол, бу нарса порахўрликка алоҳида таъсир кўрсатаётгандир.

Шундай қилиб, зикр этилган иқтисодий тусдаги ижтимоий зиддиятлар ва шунга боғлиқ ҳолда юзага келадиган текинхўрлик, дайдилик, тиланчилик, фоҳишалик, гиёҳвандлик каби салбий ҳодисалар ва бошқа ўхшаш ҳуқуқбузарликлар – жиноятчиликни юзага келтиради, унинг замини ҳисобланади, жинойий хулқ-атворнинг турли шакллари юзага келиши учун шарт-шароитлар яратади. Булар билан иқтисодий жиноятчилик айниқса боғлиқ бўлиб, унинг тизимида порахўрлик, бошқа таъмагирлик жиноятлари муайян аҳамият касб этади. Бу ўринда жиноятчиликнинг умумий сабаблари ҳақида гап борар экан, жиноятчилик ўзи учун ўзи замин ҳозирлаётганлиги, ўзини ўзи вужудга келтираётганлиги кўзга ташланади. Жиноятчилик жиноятчиликни юзага келтирмоқда. Порахўрлик порахўрликни юзага келтирмоқда. Бу ҳол ҳаммадан ҳам кўпроқ таъмагирлик жиноятлари билан боғлиқ.

¹ Кузнецова Н.Ф. Криминологические проблемы детерминации. М., 1987, 146-бет; Сидоров В.В. Социальные противоречия и преступность. Саратов, 1989.

² Лебедев С.Я. Антиобщественные традиции, обычаи и их влияние на преступность. М., 1989.

Ўйлаймизки, бу масалада сусткашлик қилиб бўлмайди. Тўп-ланган тажрибани руёбга чиқариш, мавжуд билимдан амалий хулосалар чиқариш керак. Қатор сабаблар, чунончи:

иқтисодий жиноятларнинг ниҳоятда хунук тамойиллари, яъни иқтисодий соҳадаги жиноятчилик;

бу каби жиноятларга қарши курашда жиддий муваффақиятларга эришилмаганлиги фаолият жадаллаштирилишини талаб қилади.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят қонуни нима учун керак? Мазкур қонун бу соҳада нимани муҳофаза қилиши лозим? Олимлар илмий адабиётда масалани ана шу тарзда қўйишмоқда¹. Бу саволларга жавоб қуйидагича бўлиши турган гап: иқтисодиёт соҳасидаги жиноят қонуни мулкни, мол-мулкни, иқтисодий муносабатларни қўриқлаш учун зарур.

Ҳозир Францияда янги Жиноят Кодекси қабул қилинган. Ушбу кодекс жиноятлар тўғрисидаги бир неча «китоб»ни ўз ичига олган: умумий қисм китоби; шахсга қарши жиноятлар китоби; мол-мулк жиноятлари китоби; экологик жиноятлар китоби ва шу кабилар. Балки биз ҳам шу йўлдан бориб, Жиноят кодексининг бир неча «китоб»ларини, шу жумладан порахўрликни бир бўлим сифатида ўз ичига олган «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят қонуни» китобини яратармиз.

Ўйлаймизки, бу порахўрликнинг олдини олиш юзасидан конкрет иш олиб боришга кўмаклашади. Ҳар ҳолда, яхшигина тартибга солиш воситаси – «регулятор» – сифатида хизмат қилади.

Фикримизча, бундай шаклдаги жиноят қонуни қабул қилинса, порахўрликнинг, шунингдек, иқтисодиёт соҳасидаги бошқа таъмагирлик жиноятларининг тушунчаси кенгайди. Иқтисодий ривожланишнинг реал шарт-шароитларини назар-писанд қилмасликка, товар-пул муносабатларини, юсак самарали меҳнатни моддий рағбатлантиришни ва шу кабиларни рад этишга барҳам бериш имконияти пайдо бўлади. Бу каби рад этиш эса, шак-шубҳасиз, иқтисодий муносабатлар соҳасида зўрлик ва мажбур қилишга олиб келади. Бу ҳол – турли хил таъмагирлик жиноятлари, шу жумладан порахўрлик билан боғлиқ эканлиги

¹ Яковлев А.М. Экономика и уголовное право. //– «Не смеет командовать», М., 1999, 107-бет.

Ўз-ўзидан равшан. Тажрибанинг кўрсатишича, иқтисодий жиноятлар соҳасида қатағонни кучайтириш унинг даражасини камайтирмайди, аксинча, янада ашаддий, пухта ниқобланган иқтисодий жиноятларни юзага келтиради¹. Шунинг учун иқтисодий жиноятларга қарши курашга қаратилган қонун ҳужжатлари олдида нормалар белгилаш билан ҳам, уларни қўллаш амалиёти билан ҳам боғлиқ масъулиятли вазифалар турибди. Кўриб чиқиладиган қилмиш, яъни порахўрликка қарши кураш йўллари ҳам худди ана шу йўналишда белгилаб олиш зарур.

4.2 Порахўрликнинг олдини олиш масалалари

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг профилактик фаолияти уларнинг турли йўналишлари, босқичлари, турлари, шакллари, усуллари ва тадбирларининг мураккаблиги билан тавсифланади. Бу фаолият ушбу органларнинг барча фаолият турларини: жиноятларни очиш, қидирув ишлари олиб бориш, жамоат тартибини сақлаш, маҳкумларни тарбиялаш ва тўғри йўлга бошлаш ва ҳ.к.ларни ўз ичига олади ва ушбу фаолият турларининг ҳар бирида профилактика турлича ва ҳар бир аниқ вазиятда ўзига хос бўлади².

Порахўрлик профилактик таъсирнинг аниқ объектидир. Шунинг учун порахўрликка профилактик таъсир қилишда барча ҳаракатлар бир томондан порахўрликнинг юзага келишига тўсқинлик қилишга олиб келиши керак, иккинчи томондан агар бошланган бўлса, унинг тўхтатилишига, олдини олинишига олиб келиши лозим³. Порахўрликнинг ва бошқа ҳар қандай жиноятнинг олдини олишнинг маъноси ҳам шунда. Бироқ, порахўрликда асосий “иштирок этувчи” инсон, шахс бўлиб, профилактика ишлари айнан ўшалар учун ўтказилади. Бизнинг назаримизда қуйидаги назарий схема анча амалий аҳамиятга эга:

- Порахўрликка тўсқинлик қилиш;
- Порахўрликни тугатиш, олдини олиш;

¹ Яковлев А.М. Экономика и уголовное право. // «Не смей командовать», М., 1990, 11-бет.

² Жалинский А.Э. Теоритические проблемы профилактики. – М., 1980 –С.10; Усмоналиев М. Каракетов Й. Криминология. Т. Янги аср авлоди. 2001 – С.267-268.

³ Қаранг: Яни П.С. Взятничество и должностное злоупотребление: уголовная ответственность. – М.: Интелсинтез. 2002. – С. 10-13

- Порахўр шахсига таъсир ўтказиш;
- Сабаб ва шарт – шароитларини бартараф этиш;

Ушбу схема порахўрликнинг фақат шахсий профилактика босқичига оиддир. Умуман эса порахўрликнинг олдини олиш учун умумпрофилактик тадбирлар ўтказилиши лозим. Ушбу ҳаракатнинг асосий йўналишларидан бири порахўрлик билан курашнинг комплекс дастурини ишлаб чиқишдир¹. Дастур нафақат ички ишлар органларининг фаолиятини, балки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳам фаолиятини ўз ичига олган бўлиши лозим. Бу дастурда маълум бир қисм жамоатчиликка, жамият бирлашмаларига, маҳалла қўмиталарига ҳам ажратилган бўлиши керак. Чунки порахўрликка қарши курашни мукамаллаштириш ҳозирги даврда, энг аввало, ижтимоий – иқтисодий масалаларнинг ечилишига боғлиқ бўлиб қолди. Шунинг учун порахўрликка қарши кураш дастури зарур бўлган моддий – техник, молиявий ва кадр захиралари билан амалда таъминланган бўлиши керак. Ушбу захиралар ҳам марказлашган тартибда, ҳам маҳаллий манбалар ҳисобига, шу жумладан маҳаллий бюджет, республика, вилоят ҳудудида фаолият юритувчи хўжалик органлари ҳисобидан ҳам тўлдирилиб борилади. Чунки порахўрликка қарши кураш умумий характер касб этади².

Ушбу дастур авваламбор:

- Порахўрликка қарши кураш ҳақида жамият фикрини билиш;

- Сўров натижаларини умумлаштириш ва ундан якуний бир хулосага келиш, порахўрликка қарши курашиш масалаларида янги таклифлар ишлаб чиқиш;

- Ушбу дастурга қўшилган порахўрликка қарши кураш масалаларига оид хулосалар ва таклифларни кенг ва оммавий равишда муҳокама этиш.

Меҳнат жамоаларида порахўрликка қарши кураш дастурининг аниқ олиб борган фаолияти йўналишларини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ бўларди. Муҳокама натижаларини

¹ Қаранг: Светлов А.А. Борьба со взяточничеством и поборами. – М. Юрид.лит. 1984. С. 41.

² Қаранг: Волженкин Б.В. Служебные преступления. – М. Норма. 2000. С. – 24-26.

қайта ишлагандан сўнг порахўрликнинг олдини олиш тизимига киритиш¹.

Дастур ижтимоий, иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги ва истиқбол режалари тузилишида, айниқса иқтисодиёт соҳасидаги, шу жумладан, порахўрлик соҳасидаги жиноятчиликнинг олдини олишда асос бўлиб хизмат қилиши зарур. Дастурнинг бажарилиши устидан мунтазам назоратни ҳам кўзда тутиш лозим.

Дастурда муҳим ўринлардан бири ички ишлар органларига берилган. Уларнинг порахўрлик жиноятлари билан курашдаги фаолияти ўзларининг махсус функцияларига қараб амалга оширилиши зарур.

Порахўрлик жиноятига қарши кураш дастури қуйидаги босқичларда ишлаб чиқилади:

- Республика миқёсида;
- Вилоят ва шаҳар миқёсида;
- Туман миқёсида;

Барча ҳолатларда вилоят, шаҳар, туман хусусиятлари назарга олиниши лозим. Улар ўртасидаги умумийлик, ҳар бир ҳудуд учун ўзига хослик аниқланади.

Дастурнинг уч қисмини ҳам кўзда тутиш мақсадга мувофиқ бўларди. Аммо улар бир-бири билан боғлиқ бўлиши керак.

Биринчи қисм – бунда порахўрликнинг олдини олишда унга қарши кураш таҳлили, шу соҳада белгиланган тенденциялар, порахўрликнинг сабаб ва шароитлари асосида устивор йўналишлар ички ишлар органлари томонидан вужудга келтирилади.

Иккинчи қисм – порахўрликнинг олдини олишда ички ишлар органлари фаолияти ҳаракатларини кўзловчи тадбирлардан иборат. Бу ерда белгиланган ҳаракатларни содир этиш муддатлари, бажарувчилари, манбалари аниқ белгиланиб берилади. Бу қисмда асосий диққат порахўрликнинг олдини олишда ички ишлар органлари фаолиятининг таъсирини оширишга қаратилади.

Учинчи қисм – бу қисмда дастурни амалга оширишдаги ташкилий таъминлов кўзда тутилади. Масаланинг ўзи ички

¹ Қаранг: Максимов С.В. Предупреждение коррупции. – М., 1998 С -7

ишлар органлари фаолиятини порахўрликнинг олдини олишда қандай қилиб у ёки бу муддатда, қандай ижтимоий – иқтисодий шароитда ташкил этилишини ҳисобга олиб ечилади¹.

Дастурни ишлаб чиқиш жараёнида асосий тадқиқотчилик саволлари порахўрлик масалаларини таҳлил қилиш, бу иллатни прогнозлаш ва унга қарши кураш усулларини режалаштиришдан иборат. Бу каби тадқиқотчилик масалалари келажакнинг ҳозирга ўтиш жараёни; кутилаётган жараённинг ўтилиши ва бундан келиб чиқиб, мақсад қилинган келажакнинг ҳозирги замонга ўтиши жараёнини тушуниш имконини беради. Ушбу жараёнларни иложи борича тезлаштириш зарур, бунинг учун эса амалдаги ва келажак режалар зарур. Уларнинг асосида эса таҳлил ётади.

Ички ишлар органларининг бошқа давлат органлари ва жамоат билан биргаликда ҳаракат қилишлари порахўрликнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Бу ҳам дастурга киритилган бўлиши лозим. Ўзаро биргаликдаги ҳаракатлар ажралишга эмас, биргаликдаги таъсирга, фаолиятларнинг бўлинишига эмас, ҳаракатларнинг бирлигига олиб бориши лозим. Бу ерда ишларни мувофиқлаштириш ҳам лозим. У, бизнинг фикримизча ҳокимиятлар томонидан олиб борилиши керак.

Дастур комплекс равишда олиб борилади. Аммо порахўрлик билан кураш қандай босқичда олиб борилмасин, асосий диққат ички ишлар органларига, коррупция ва рекётга қарши кураш бўлимларига қаратилиши лозим. Шу билан бирга, ахборот, ахборот таъминоти, порахўрлик профилактикаси ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим. Коррупция ва рекётга қарши кураш бўлимлари, порахўрликка қарши кураш фаолиятини назарга олган ҳолда қуйидагича маълумотлар зарур бўлади:

- Ният қилинган ва тайёрланаётган порахўрликлар тўғрисида;
- Ушбу жиноятларни ният қилаётган ва тайёрлаётган шахслар тўғрисида;
- Порахўрликнинг олдини олиш фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида;

¹ Қаранг: Алексеев А.И. Криминология. Курс лекций. М.: Цит-М. 1998. С-257.

- Порахўрликка қарши курашнинг келажак йўналишлари тўғрисида.

Биргаликдаги ҳаракатлар қийинчиликларини ижобий ҳал қилиш йўлида ушбу ҳаракатларга алоқадор органлар ва муассасаларининг, ички ишлар хизматлари ва бўлинмаларининг ўзаро маълумот алмашишлари зарур. Аммо, бир бутунликда ушбу маълумот бизнинг фикримизча, коррупция ва рекётга қарши кураш бўлинмаларининг туман, шаҳар ички ишлар бошқармаларида, республика ички ишлар вазирлигида ҳам бўлиши лозим. Амалиёт анализи шуни кўрсатадики, коррупция ва рекётга қарши кураш бўлинмалари ўзларининг профилактик фаолиятларини асосий диққатни порахўрликнинг очилишига қаратиб, унинг келиб чиқиши ва олдини олиш масалалари билан унча қизиқмасдан олиб боришади. Аслида эса, профилактика ишлари коррупция ва рекётга қарши кураш бўлинмаларининг фаолиятида асосий ўринлардан бирини эгаллаши зарур. Очилган порахўрликни унинг профилактикасидан ажратиш мумкин эмас. Коррупция ва рекётга қарши кураш бўлинмалари фаолиятининг ушбу турлари бир бирини тўлдириб туради. Бу ўзига хос бирликдир.

Порахўрлик профилактикаси коррупция ва рекётга қарши кураш бўлинмаларининг асосий ишларидан биридир. Айнан профилактик мақсадларда ушбу жиноятлар фош этилади, айбдорлар жавобгарликка тортилади. Порахўрликни содир этган шахс ўзлари сазовор бўлган жазоларини олишлари зарур. Жазонинг муқаррарлиги ҳақидаги масала профилактикага ҳам тегишлидир. Чунки жазонинг муқаррарлигини таъминлаш жараёнида профилактика ишлари ҳам олиб борилади. У тўғридан тўғри ҳолда порахўрлик жиноятларини очиш, ушбу жиноятларни содир этаётган айбдор шахсларини ушлаш билан боғлиқдир, бу эса қисман коррупция ва рекётга қарши кураш бўлинмаларининг ҳам ишидир. Коррупция ва рекётга қарши кураш бўлинмаларининг тезкор – қидирув усул ва воситаларининг порахўрликнинг олдини олишда муваффақиятли қўлланиши, қўпгина ҳолларда ушбу бўлинма ходимларига, уларнинг кўрсатилган жиноятларнинг олдини олиш профилактикаси муносабатига, профилактик ишларда тезкор – қидирув усул ва восит-

таларининг тўғри ишлатилишига боғлиқдир¹. Ўтказилган сўров натижаларои шуни кўрсатдики, 52% сўралганлар порахўрликнинг профилактикаси оммавий, унинг очилиши эса оммавий бўлмаган ишдир.

Порахўрлик содир этиши мумкин бўлган аниқ шахслар билан самарали тезкор - қидирув профилактик ишлари коррупция ва рекэтга қарши кураш бўлинмалари томонидан порахўрлар, пора берувчилар, пора олиш – беришда воситачилар шахсиятининг чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилмай, ушбу шахслар атрофидаги муҳитни ўрганмасдан туриб ўтказишлари мантиққа зиддир. Порахўрлик содир этишлари мумкин бўлган шахслар алоқалари, уларнинг қарашлари, ҳаёт ва ишдаги юриш – туришлари кўпгина шароитлар юзасидан, шу жумладан, порахўрлик жиноятини содир этиш истаги, унинг якка ёки гуруҳ ҳолатида содир этилишига, воситачининг иштирок этиш-этимаслигига қараб ўзгариши мумкин. Шунинг учун коррупция ва рекэтга қарши кураш бўлинмалари ўзлари томонидан тезкор – қидирув профилактикаси олиб борилиши лозим бўлган бундай шахслар – порахўрларни тинимсиз ўрганиб боришлари лозим². Профилактика ишлари оммавий ёки оммавий бўлмаган восита ва усулларидан фойдаланган ҳолда ўтказилишидан қатъий назар, энг яхши натижа ушбу ишни олиб боришда профилактика учун зарур бўлган куч, усул ва воситаларнинг биргаликда қўлланилишида эришилади. Биз ўтказган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, коррупция ва рекэтга қарши кураш бўлинмалари томонидан ўтказилган порахўрлик профилактикасининг паст кўрсаткичли оператив қидирув ишларига:

- Коррупция ва рекэтга қарши кураш бўлинмалари томонидан порахўрларнинг кам ўрганилиши;
- Ижтимоий контингент тўғрисидаги тўлиқ бўлмаган ахборот;
- Коррупция ва рекэтга қарши кураш бўлинмаларининг бошқа хизматлар билан, айниқса, жиноят – қидирув, тергов органлари билан бўлган қониқарсиз ҳамкор-лик;

¹ Қаранг: Сюзан Роуз-Аккерман. Коррупция и государство. Причины, следствие, реформы.-М.:Лога. 2003.Б.- 343.

² Қаранг: Оперативно – розыскная деятельность. Учебник. – М.: ИНФА-М. 2001. Б. 574-577.

- Коррупция ва рекэтга қарши кураш бўлинмаларида махсус ижтимоий контингент ва ушбу шахсларга нисбатан қўлланиланаётган профилактика тўғриси-даги мавжуд бўлган ахборотдан қониқарсиз даражада фойдаланиш.

Албатта, порахўрлик содир этаётган шахсларга нисбатан тезкор – қидирув профилактикасини ўтказиш маълум бир қийинчиликлар туғдиради ҳамда коррупция ва рекэтга қарши кураш бўлинмалари ходимларидан махсус оммавий бўлмаган восита ва усулларга таянишни талаб этади. Биз ўрганган тажриба шуни кўрсатадики, ушбу ишни муваффақиятли ташкиллаштириш учун:

- порахўрликнинг тезкор – қидирув профилактикаси учун зарур бўлган ўз вақтида етказиладиган, зарурий ахборотга эга бўлиш;

- ушбу ахборотни синчиклаб ўрганиш ва ундан мақсадга муво-фиқ равишда фойдаланиш;

- тезкор – қидирув восита ва усуллари ёрдамида порахўрлар ва уларнинг шахсини ўрганиш;

- порахўрлик содир этиши мумкин бўлган шахсларнинг ҳаракат ва ҳулқ – атворини назорат этиш;

- ушбу шахслар орасидан ташкилотчиларини топиш ва уларга нисбатан керакли таъсир чораларини қўллаш;

- порахўрларга фаол профилактик таъсир ўтказиш;

- буларнинг барчасида ички ишлар хизматлари ва бўлинмалари билан биргаликда ҳаракатлар олиб бориш;

- кўрсатилган барча ишларни мунтазам равишда ва йўналтирилган ҳолда ташкил этиш зарурдир.

Шундай қилиб, коррупция ва рекэтга қарши кураш бўлинмалари ва улар ўтказадиган порахўрлик профилактикаси ўзига хос томонларга эга. Ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириши учун давлат уларни тегишли ҳақ – ҳуқуқлар билан таъминлаган. Қонуншунос коррупция ва рекэтга қарши кураш бўлинмаларига махсус тезкор – қидирув ишларини олиб бориш ҳуқуқини берган. Коррупция ва рекэтга қарши кураш бўлинмалари ваколатига кирувчи порахўрлик ва иқтисодийёт соҳасида содир этиладиган бошқа ғараз мақсадли жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг профилактикаси, ушбу жиноят-

ларни тўхтатиш, очиш, Конституция, қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов фармонларининг бажарилишини таъминлаш коррупция ва рекётга қарши кураш бўлинмалари олдига қўйилган асосий вазифалардан биридир. Айнан мана шу жинойтлар ушбу бўлинмалар томонидан амалга ошириладиган профилактика ишларининг объекти ҳисобланади¹. Аммо ўзларининг махсус функцияларини амалга ошираётганда коррупция ва рекётга қарши кураш бўлинмалари энг аввало профилактик тадбирлар ўтказиши лозим. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси ИИВ олдига қўйилган энг муҳим вазифадир.

¹ Қаранг: Волженкин Б.В. и др. Криминология XX века. СПб. Юрид.центр пресс. 2000. Б. 354 – 390.

Жиноят ҳуқуқи, жиноят – ижроия ҳуқуқи, криминология, жазо тайинлаш борасидаги суд амалиёти, порахўрлик жиноятлари учун маҳкум этилган шахсларнинг криминологик жихатдан таҳлил қилиш материаллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидаги статистик маълумотларларни ўрғаниш қуйидаги таклифларни бериш имкониятини яратди:

Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш.

1. Жиноят-ҳуқуқий адабиётни ва суд амалиётини таҳлил этиш асосида амалдаги қонун ҳужжатларида пора олиш учун жавобгарлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси ЖК210-моддасининг таърифи бироз аниқлик киритишни талаб этади. Ўйлаймизки, ЖКнинг пора олганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги моддасини қуйидагича шакллантириш мумкин: "Пора олиш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган ҳаракатларни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатни кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига, ёхуд ўз мансаб мавқеига кўра бундай ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) кўмаклашганлиги, шунингдек, умумий ҳомийлик ёки бепарволик қилганлиги учун шахсан ёки воситачи орқали, қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий наф кўриши";

2. Давлат, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари хизматидаги шахсларнинг ҳамда турли жамоат ташкилотлари ва тижорат тузилмаларида тегишли бошқарув функцияларини бажараётган шахслар ҳатти-ҳаракатларининг ижтимоий моҳияти бир хил бўлмаганлиги учун, биринчилари, оммавий ҳокимият томонидан уларга берилган ваколатларни суиистеъмол қилиб, давлат аппаратининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг, шунингдек, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари аппаратининг нормал фаолиятини бузадилар, обрўсига путур етказадилар ва бўлар оқибатида, давлат ҳокимиятининг заифлашишига, мамлакатда амалга оширилаётган иш-ҳотларга нисбатан ишончсизлик билдиришига олиб келади.

Жамоат ташкилотига бирлашган мулкдорлар ёки фуқаролар томонидан муайян бошқарув функциялари билан таъминланган тижорат тузилмалари ва жамоат ташкилотлари хизматчилари томонидан хизмат вазифалари суиистеъмом қилинганда юқорида кўрсатилган вазият юзага келмайди.

Юқоридагиларга асосан мансабдор шахснинг қуйидаги тушунчасини таклиф қиламиз:

Мансабдор шахс деб, жамоат, кооператив ва шу каби шаклдаги корхона, муассаса ва ташкилотларда амалга оширилдиган ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари берилган шахсларни тан олиш керак.

3. Таҳлил қилинаётган масала бўйича жиноят-ҳуқуқий нормаларни, турли нуқтаи назарларни, суд ва халқаро тажрибани умумлаштирувчи таҳлили давлат тузилмаларининг ташкилий бошқарув ва маъмурий-хўжалик вазифаларига эга бўлган барча ходимларини «масъул мансабдор шахслар» (қаранг: «оммавий мансабдор шахслар») сифатида эътироф этиш тўғрисидаги нуқтаи назаримиз асосли эканлигини кўрсатади. Шунинг учун, ЖК саккизинчи бўлими иккинчи бандида кўрсатилган «масъул мансабдор шахс» атамасининг ҳуқуқий маъносида, «юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар содир этиш ваколатлари» тўғрисидаги кўрсатмани олиб ташлаш лозим.

4. Маълумки, порахўрликда унда иштирок этувчиларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси турличадир. Унинг асосий иштирокчилари пора олувчи ва пора берувчи ҳисобланади. Пора олиш-беришда воситачи бу «мулоқотда» ҳозир бўлмас-лиги ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам унинг ижтимоий хавфлилик даражаси нисбатан пастроқдир. Шу билан бирга пора бериш учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖКнинг 211-моддасида жиноятни олдиндан тил бириктириб ҳаракат қилаётган бир гуруҳ мансабдор шахсларга пора бериш каби квалификация қилувчи аломатлари кўрсатилмаган. Ва бу тўғридир, чунки дастлаб айтганимиздек, жиноятни квалификация қилувчи мазкур белги фақат пора олувчиларнинг жавобгарлигини кучайтиради. Бундан ташқари, Олий суднинг 1999 йил 24 сентябрдаги қарорида, мансабдор шахсларнинг бири порани олган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган деб эътироф этилиши керак деб тўғридан-

тўғри айтилган. Бунда пора берувчи пора олишда бир неча мансабдор шахслар иштирок этаётганини англаган – англаманлиги аҳамиятга эга эмас. Айтилганларни ҳисобга олган ҳолда табиий савол туғилади: нега пора берувчи учун пора олдиндан тил бириктирган бир гуруҳ мансабдор шахсларга берилаётганини англаш аҳамиятга эга бўлмайди-да, унинг илтимоси билан ҳаракат қилган воситачи учун эса, бу жиноятни квалификация қилувчи ҳолат ҳисобланади?

Баён этилганларнинг асосида жиноятни квалификация қилувчи мазкур белги ЖКнинг 212-моддаси мазмунидан чиқариб ташланиши лозим деб ҳисоблаймиз.

5. Айки вақтда, жиноятни такроран содир этишнинг ўзи (ЖК 32-м. 1-к.) умумий (асосий) ва махсус (истисно этувчи) турларига бўлинганлигини ҳисобга олган ҳолда ЖК 210, 211, 212-моддалари 2-қисмининг «а» бандлари қуйидаги таҳририй ўзгартиришни талаб этади деб ўйлаймиз. «Пора олиш (пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш) такроран ёки илгари ушбу Кодекснинг 211, (212) 213-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс ёхуд хавfli рецидивист томонидан содир этилса».

6. ✓ Адабиётларда, айрим ҳолларда, хизмат бўйича муайян ёрдам кўрсатганлик учун юқорироқ лавозимларга тайинлаш каби порахўрликнинг “ошкора” шакли деб аталмиш, ҳаракатларни порахўрлик деб ҳисоблаш мумкинми, деган савол ҳамон баҳсли бўлиб келмоқда.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210, 211-моддаларининг мазмунига нисбатан ушбу ҳаракатлар порахўрлик деб квалификация қилиниши мумкин эмас, чунки юқорида айтиб ўтилган моддалар фақат “моддий характердаги” фойда билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни кўзда тутган. Аммо бу ҳаракат ўз моҳиятига кўра, албатта, коррупциянинг бир шакли бўлиб ҳисобланади. ✓

7. Бизнинг фикримизча, адабиётлардаги мавжуд бўлган ва ўтказган тадқиқотларимиз натижасида олинган маълумотларни назарда тутган ҳолда порахўрлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонун қуйидагича тузилиши мумкин:

✓ а) Оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаганда пора олганлик учун жарима миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари миқдоригача кўтариш керак. Бунинг учун қуйида келтириладиган иккита ҳолат асос бўлади. Биринчидан, жариманинг ҳозирги мавжуд бўлган миқдори олинган пора миқдorigа тенг бўлиши мумкин. Иккинчидан, пора олиш - ғаразли жиноятдир, шунинг учун моддий жазонинг миқдори ҳам тегишинча бўлиши керак.✓

б) Ушбу жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо муддатини камайтириш керак, чунки бундай жазо билан жарима ва унинг миқдори каби жазони таққослаганда ўртада муайян узилиш кўзга ташланади. Бундан ташқари, оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаганда содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этиш муддати анчагина оғир эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Бунга муқобил сифатида санкцияни жазонинг ахлоқ тузатиш ишлари каби тури билан тўлдириш мумкин.

в) ЖКнинг 210-моддаси 2-қисмида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатларда пора олганликка доир санкцияни жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари каби жазо турлари билан тўлдириш керак. Озодликдан маҳрум этиш жазосининг энг кам муддатини 2-3 йил ва энг кўп муддатини 5 йилгача қилиб белгилаш керак.

г) ЖКнинг 210-моддаси 3-қисмида ҳам жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазони назарда тутиш, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо муддатини 7-8 йилгача камайтириш лозим.

8. Айтилганларни инобатга олган ҳолда товламачилик йўли билан пора беришни талаб қилиш жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига айрим қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан товламачилик йўли билан пора беришни талаб қилишда жавобгарликдан озод қилиш учун умуман содир этилган қилмиш тўғрисида ҳеч қандай ариза талаб этилмайди. Товламачилик йўли билан пора талаб қилишда пора берувчилар товламачилик фактининг ўзига кўра жавобгарликдан автоматик равишда озод этиладилар.

Бундай ҳолатларда пора берувчиларни жавобгарликдан автоматик равишда озод этиб қонун чиқарувчи, эҳтимол, уларни жабрланувчилар сифатида кўради. Бу тўғримикин? Ҳақиқатан ҳам бу шахслар жиноятдан жабрланганми?

Товламачи талаб қилган порани бераётган шахс бу жиноятдан маълум зарар кўраётганини инкор этиш мумкин эмас. Лекин у жабрланган ҳисобланади деганими? Ўз ташаббусига кўра пора берувчи шахс ҳам айнан шундай (моддий ва маънавий) зарар кўрмайдими? Шу билан бирга кимдасиз унинг хатти-ҳаракатлари жинойлигига ва жазоланиши лозимлигига шубҳа туғилмайдими? Пора берган шахсни (ҳатто пора товламачи томонидан талаб қилинган бўлсада) ўғирлик ёки босқинчиликдан жабрланган шахс билан (гарчи уларнинг ҳар бирига муайян моддий зарар келтирилган бўлса) таққослаш мумкинми? Равшанки, босқинчиликдан жабрланган шахс ва товламачи талаб қилган порани берган шахс мутлақо бир-бирига ўхшамайди.

Маълумки, порахўрликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, пора берувчи манфаатларида қандайдир хизмат ҳаракатлари содир этиш ёки содир этмаслик учун берилади. Руҳий мажбурлаш натижасида, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган, ҳар қандай жиноятда товламачилик қилинганида вазият ўзгармайди. Руҳий мажбурлаш натижасида, хусусан, кўрқитиш таъсири остида ҳар қандай жиноят товламачилик қилинганида умумий қоидага кўра уни содир этган шахснинг жавобгарлиги истисно этилмайди, чунки руҳий мажбурлаш таъсири остида содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун, бу ҳаракат ёки ҳаракатсизлик охирига зарурат ҳолатида содир этилган деб эътироф этилгандагина, жавобгарлик истисно этилиши мумкин. Порахўрликда нима ўзгаради? Нима учун пора берган (яъни жиноят содир этган) шахс товламачилик (яъни руҳий мажбурлаш) натижасида содир этган жинояти учун жинойий жавобгар бўлмаслиги керак?

Бу саволга асосли жавоб тополмаймиз. Пора товламачилик йўли билан талаб қилинган шахс, башарти у бунда ўзи учун қандайдир фойда кўзламаган бўлса, порани бермас эди. Агар у талаб қилинаётган порани бериб, бу ҳолатни ҳатто яшираётган бўлса, унинг бундан манфаатдорлиги шубҳа туғдирмайди. Бу

жиноий битимдан у (ҳеч бўлмаса бевосита) манфаатдор бўлса, жиноятнинг содир этилишида айбдор бўлади. Чунки жабрланувчи ўзига қарши содир этилаётган жиноятдан манфаатдор бўлиши зарурати йўқ.

Агар мансабдор шахс талаб этган порани берган шахс бу ҳолатни яширса, демак у ўзини жабрланувчи деб ҳисобламайди, чунки жабрланувчи ҳеч нарсани яширмайди. Шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларида бўлганидек, уни сунъий равишда жабрланувчи деб тан олиш керак эмас.

Товламачилик натижасида пора берган шахсларни автоматик равишда жавобгарликдан озод қилиш жиноий жавобгарликдан озод этиш шартлари нуқтаи назаридан ҳам нотўғри. Чунки бу унга нафақат мос эмас, балки зиддир.

Товламачи талаб қилган порани берган шахсларни жавобгарликдан автоматик равишда озод этишда пора берувчи амалдаги қонун ҳужжатларига биноан жиноятчи эмас, балки «жабрланувчи» эканлигини билиб, содир этган жинояти учун жавобгарликдан қўрқмайди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бу тўғрида арз қилиш орқали жавобгарликни ўзидан соқит қилиш ҳақида ўйламайди, натижада жиноят очилмай қолади. Ва аксинча, агар пора берувчи ўзини «жабрланувчи» деб ҳисобламасдан, ўзига маълум бўлган жиноят ҳақида хабар бериш ўз ҳуқуқий вазифаси деб билса, бу жиноят очилган бўларди. Масаланинг бундай қўйилиши порахўрлик тўғрисидаги ишлар очилишини анча енгиллаштирар эди.

Товламачилик натижасида пора берган шахсларни жавобгарликдан автоматик равишда озод этиш бошқа фикрларга кўра ҳам асоссиздир.

Мансабдор шахснинг фаолиятини унда товламачилик белгилари мавжудлиги нуқтаи назаридан баҳолаш суд муҳокамасининг мураккаб масалаларидан биридир. Порани товламачилик йўли билан талаб қилишда, яъни квалификация қилинган турдаги жиноятни содир этганликда айбдор мансабдор шахс аксарият ҳолларда қаттиқроқ жавобгарликдан қочиш мақсадида товламачилик фактини инкор этишга ўринади. Пора берганликда айбланаётган шахс эса бунинг аксини таъкидлашга ҳаракат қилади. Чунки у жавобгарликка тортилса, жазодан қочишнинг

фақат битта имкониятига, яъни у товламачилик «қурбони» эканлигини таъкидлаш имкониятига эга бўлади.

Ушбу, энг қийин исботланадиган ва айни вақтда ўта жиддий ҳолатни аниқлаш, одатда, тарафлар курашида ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан ўрганиш орқали амалга оширилади. Бу масала бўйича якуний хулосалар суд томонидан чиқарилган ҳукмда баён этилади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан суднинг бу ўта мураккаб ва масъулиятли вазифаси. Аслида у, терговчи томонидан, ишнинг дастлабки тергов қилиниши босқичида бажарилади. Терговчининг якка ўзи, ўз хохишига кўра бу масалани ҳал қилади. Бунда терговчининг ҳато қилиши, шунингдек, унинг ҳолис эмаслиги эҳтимоли истисно этилмайди. Буларнинг барчаси суд томонидан тузатилади, лекин бу хатоларни тузатишга, айниқса терговчи томонидан «жабрланувчилар» деб эътироф этилган пора берувчиларни жавобгарликка тортиш зарурати билан боғлиқ ҳолда ишнинг қўшимча терговга юборилиши вақт ва меҳнат сарфлашига олиб келади.

Баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш керакки, амалдаги жинойт қонунида товламачилик оқибатида пора берган шахсларни жавобгарликдан автоматик равишда озод қилишнинг белгиланишини тўғри деб бўлмайди ва бунини порахўрлик тўғрисидаги ишларни имкон қадар очиш талабларига жавоб беради деб эътироф этиш мумкин эмас. Порахўрликка қарши курашнинг манфаатлари мансабдор шахснинг товламачилиги натижасида пора берган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган асослардагина жавобгарликдан озод этишни тақозо қилади. Яъни «башарти шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ёки бу шахс талаб қилинган ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жинойтни очишда фаол ёрдам берган бўлса, бундай шахс жавобгарликдан озод этилади».

9. АҚШ, Франция, Венгрия ва бошқа мамлакатларда бўлгани каби давлат хизматчиларининг хулқ-атвори кодекси ёки этик нормаларининг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Айнан мана шу актларда давлат хизматчиларининг барча

ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг давлат хизматиغا кириш, биргаликда иш олиб бориш шартлари, совға олиш муаммолари ва шу каби кундалик иш таркибида содир этиладиган ҳаракатлар ўз аксини топиши зарур. Ушбу ҳужжат комплекс равишда, яъни маъмурий, меҳнат, солиқ, фуқаролик, жиноий ва шу каби ҳуқуқ соҳалари асосида ёзилиши керак.

Шунингдек, коррупцияга қарши кураш ҳақидаги қонунни ҳам ишлаб чиқиш зарурати туғилди.

Бунда у иккиламчи бўлиб, давлат хизматчиларининг хулқ-атвори кодексида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бузилишидан келиб чиқиши лозим. Ўз мазмунига кўра бундай қонун коррупцияга қарши кураш, ушбу ҳодисанинг олдини олиш ва шу кабилар тўғрисидаги бўлимларга эга бўлиши керак, аммо, унда жиноят – ҳуқуқий характердаги чоралар жой олмаган бўлиши керак, чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖК 1-моддасида таъкидланганидек, жиноий жавобгарлик тўғрисидаги барча нормалар фақат Жиноят Кодексида назарда тутилиши лозим.

10. Порахўрлик - профилактик таъсирнинг муайянлаштирилган объекти бўлиб ҳисобланади. Профилактиканинг ўзи эса, бир томондан порахўрликнинг вужудга келишига тўсқинлик қилиш учун керак бўлса, иккинчи томондан порахўрлик намоён бўла бошланган бўлса уни тўхтатиш, олдини олиш учун керак.

Порахўрликни олдини олиш шунингдек, амалий аҳамият касб этувчи порахўрликни олдини олишнинг назарий схемаси мазмуни ҳам шунда. Бошқача қилиб айтганда, ушбу схема порахўрликни олдини олишда бошланғич нуқтадир. У порахўрликни олдини олишнинг устувор йўналишлари кўрсатилиши лозим бўлган комплекс дастурларда ўз ривожини топади.

11. Порахўрликнинг олдини олиш ўзгача, махсус профилактик фаолиятдир. Бу аввало ички ишлар органларига хосдир. Айнан улар порахўрлик профилактикаси бўйича малакали фаолият юритадилар. Бунинг учун ички ишлар органлари махсус усул ва воситаларга эгалар.

12. Порахўрликни олдини олишда порахўрликнинг очилиши катта ўрин эгаллайди, чунки жазонинг муқаррарлигини

таъминлайди. Порахўрликнинг очилиши бўйича жиноят процесуал, криминологик ва бошқа чораларни такомиллаштиришнинг зарурати ҳам шунда.

Ҳуқуқни қўллаш органлари ходимларининг малака даражасини шубҳа остига олмасдан шуни айтиш зарурки, ғайриқонуний ҳаракат учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини қонуний мустаҳкамланиши мазкур жиноят содир этилишини олдини олишни ва уларга нисбатан ҳуқуқни қўлловчи шахсларнинг мавқеини янада кучайтиришга имкон беради.

Раҳбарий адабиётлар:

- 1) Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
- 2) Каримов И.А. Ўзбекистон: янгиланиш ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
- 3) Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўз модели. –Т.: Ўзбекистон, 1993.
- 4) Каримов И.А. Бунёдкорлик – фаровон ҳаёт асоси.// "Халқ сўзи", 1995 й. 22 декабрь.
- 5) Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
- 6) Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т., «Ўзбекистон» 1996.
- 7) Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т., «Ўзбекистон» 1996.
- 8) Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. -Т., «Ўзбекистон» 1996.
- 9) Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид ва барқарорлик шартлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 10) Каримов И.А. Янгича ишлаш ва фикрлаш - давр талаби. -Т., «Ўзбекистон» 1997.
- 11) Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1998 й.
- 12) Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қура-миз. Т.: Ўзбекистон, 1999 й.
- 13) Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000 й.
- 14) Каримов И.А. Адолат – қонун устиворлигида. // "Халқ сўзи" 2001 й. 30 август.
- 15) Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.: Ўзбекистон, 2001 й.
- 16) Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: Ўзбекистон, 2002 й.

Қонунлар, қонун ости норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Адолат, 2003.
- 2) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. -Т.: Адолат, 2002.
- 3) Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал кодекси. –Т.: Адолат, 2002.
- 4) Ўзбекистон Республикаси янги қонунлари. 3 нашр. - Т.: Адолат, 1992. – Б. 30.
- 5) Международные Конвенции по защите прав человека и борьбе с преступностью: (Сб. междунар. документов) / Сост. Ю. С. Пулатов. – Т., 1995.
- 6) Законы и Указы Республики Узбекистан. - Т.: Узбекистан, 1992.
- 7) Уголовный кодекс Российской Федерации. - М.: «ИНФРА. М - НОРМА», 1996.
- 8) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 майдаги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Бюллетени №1, 1999 й.
- 9) Закон Республики Узбекистан «Об органах самоуправления граждан» (в редакции от 14 апреля 1999 г.). – Т., 2001.
- 10) Уголовный кодекс Республики Узбекистан / Вступ. статья М.Х.Рустамбаева, А.С.Якубова, З.Х. Гулямова. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2001.

Махсус ва илмий адабиётлар, илмий мақолалар:

- 1) Абдурасулова К.Р., Эшонқулов У.П. Халқаро терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда халқаро – ҳуқуқий ҳамкорлик // Ҳуқуқ – Право – Law. 2000. № 1. – Б. 88–90.
- 1) Аванесов Г.А. Криминология и социальная профилактика. – М., 1980. – Б. 484.
- 2) Алимов Х.Р., Хайдаров Р. Государственная служба в Республике Узбекистан (курс лекций). Ч. I и II. - Т.: Академии МВД Республики Узбекистан, 1996.
- 3) Антонян Ю.М., Голубев В.П., Кудряков Ю.Н. Личность корыстного преступника. – М., 1989. – Б.40-41.
- 4) Ахраров Б.Д. Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы со злоупотреблениями властью или служебным положением. – Т., 1989.

5) Ахраров Б.Д., Рустамбаев М.Х. ва бошқалар Жиноят-ижроия ҳуқуқи. – Т.: Ўқитувчи, 2002.

2) Ахраров Б.Д. Пора олганлик учун жиноий жавобгарлик Т.: 2003.

3) Ахраров Б.Д. Мансабдорлик жиноятлари ҳақидаги қонунлар Ўзбекистон Республикаси янги Кодекслари назария ва амалиёт, илмий-амалий анжуман материаллари - Тошкент, 1994 й. Б. 86-89

4) Ахраров Б.Д. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мансабдор шахслар масъулияти.// Ўз.Р. Конституциясини ҳаётга тадбиқ қилиш муаммолари. Халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент “Ўзбекистон” 1995 й. 87-89 бет

5) Ахраров Б.Д. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол этиш ва унинг доирасидан четга чиқиш жиноятларини квалификация қилиш муаммолари // Давлат ва ҳуқуқ. 2001 й. 1-2 сон.

6) Ахраров Б.Д. Мансабдор ва маъсул мансабдор шахс тушунчаси. Ҳаёт ва қонун 2001 й. 6 сон.

7) Ахраров Б.Д. Соотношение злоупотребления властью и служебным положением и смежных преступлений. Проблемы совершенствования мер борьбы с преступностью // ТашГУ Т.: 1986 Б.47-52

8) Ахраров Б.Д. Ограничение злоупотребление властью или служебным положением от приписок и других искажений отчётности о выполнении планов//Совершенствование мер борьбы с преступностью и её профилактика//Т. 1989 ТашГУ Б.52-57.

9) Ахраров Б.Д. Ҳокимият ёки хизмат мансабини суиистеъмол қилиш жинояти жинояти ва оқибати //Ўзбекистон Республикаси қонунларини ривожлантириш масалалари ва уларнинг жиноятга қарши курашда тадбиқ этилиши. – Т.: Адолат 1993 Б.31- 41.

10) Ахраров Б., Оқйўлов О. Фермер мансабдор шахсми?//Инсон ва қонун. 2002 й. 5 март.

11) Ахраров Б.Д. Криминологическая характеристика должностных преступлений и лиц их совершивших //Қонун номи билан. Ўзбекистон олий Суди ахборотномаси. 2002 1-2 сон. Б. 123-124.

12) Ахраров Б.Д., А. Алламуратов Иқтисодиёт ва айрим бошқа соҳадаги жиноятларни мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда квалификация қилиш муаммолари. Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш маммолари (жиноий ҳуқуқий ва крминологик жиҳатлар) мавзусидаги илмий-амалий конференция. Т.: 2003й.

б) Бабаев М.М. Социальные последствия преступности.М.1982. Б.13.

7) Блиндер Б.А., Закутский С.Г. Уголовное право УзССР. Часть особенная. – Т.: Узбекистан, 1985. – Б. 155.

8) Блиндер Б.А. Квалификация вымогательства по уголовному законодательству Узбекской ССР.//Бюллетень Верховного суда Узбекской ССР, 1990, №1. - Б. 64.

9) Богатырев А. Т. Международное сотрудничество по борьбе с международными преступлениями. – М.: «Юрист». 1989.

10) Бойцов И.Л. Гонтарь. Уголовное право в борьбе с организованной преступностью: иллюзии, реальность и возможная альтернатива // Государство и право. 2000. № 1. – С. 35–43.

11) Борков В.Н. О некоторых спорных вопросах квалификации получения взятки. Реализация норм права: Межвузовский сборник научных трудов. Выпуск 2. – Омск, 1999. – Б. 143.

12) Бородин С.В. Квалификация преступлений против жизни. – М.: Юрид.лит., 1976. – Б. 118-119.

13) Бражник Ф., Толкаченко А. Некоторые актуальные вопросы квалификации получения взятки. Уголовное право, №1,2000.–Б. 10.

14) Быков Л.А. Вопросы методологии и анализа общественно опасных последствий преступности. – В кн.: Вопросы борьбы с преступностью. Вып.29, М., 1978.

15) Волженкин Б.В., Квашиш В.Е., Цагилян С.Ш. Ответственность за взяточничество. – Ереван: Айастан, 1988. – Б. 114.

16) Волженкин Б.В. Квалификация взяточничества. – Л., 1984

17) Волженкин Б.В. Общая характеристика преступлений против интересов службы. – М.: Зерцало Теис, 1996.

18) Волженкин Б.В. Новое уголовное право России. Учебное пособие. Особенная часть. Под ред. Кузнецовой Н.Ф. – М.: Зерцало Теис, 1996. – Б. 309.

19) Волженкин Б.В. Неоднократность как квалифицирующий признак взяточничества.// Соц. законность – 1984, №2. - С. 27-28.

20) Волженкин Б.В. К вопросу о субъекте коррупционных правонарушений. Актуальные проблемы борьбы с коррупцией и организованной преступностью в сфере экономики. Материалы научно-практической конференции. – М., 1995. – Б. 50-57.

21) Волженкин Б.В. Коррупция и уголовный закон// Правоведение. –1991. № 6, -63-70 б.

22) Галахова А.В. Должностные преступления. – М.: Российская правовая академия., 1998. – Б. 6-7.

23) Галахова А.В. Уголовная ответственность за должностные преступления сотрудников органов внутренних дел. –М., 1988.

- 24) Галиакбаров Р.Р. Совершение преступлений группой лиц. – Омск, 1980.
- 25) Галинский Я.И. Криминология. Теория, история, эмпирическая база, социальный контроль. Курс лекций. – СПб., 2002.
- 26) Гаухман Л. Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. – М., 2001.
- 27) Гаухман Л. Д., Максимов С. В. Уголовная ответственность за организацию преступного общества (преступной организации). – М., 1997.
- 28) Гельфанд И.А. Хозяйственные, должностные преступления в сельском хозяйстве. – Киев: Наукова думка, 1970. – Б.198
- 29) Голубев В.В. Взаимодействие следователей с оперативными аппаратами в расследовании преступлений // Коррупция в России: состояние и проблемы. Материалы научно-практической конференции (26-27 марта 1996 г.) Вып. 2.- М., 1996.
- 30) Гринберг М.С. Преступное действие (управленческие и психологические аспекты). //Правоведение, №5, 1983 – Б. 38.
- 31) Гришаев П. Ответственность за получение взятки//Сов. Юстиция, №18, 1985. – Б. 24-25.
- 32) Гулямов З.Х. Общественная опасность и социальная обусловленность ответственности за посягательство на правосудие.// «Хуқук. Право. Law», 2002 №01 (17) - Б. 54-59, №02 (18) - Б. 60-63.
- 33) Гулямов З.Х. Преступления против правосудия, совершаемые дознавателями, следователями, прокурорами и судьями. -Т., 1996.
- 34) Гюнтер А. Должностные преступления. –Харьков, 1988.
- 35) Даль В.И. Толковый словарь русского языка.
- 36) Демидов Ю.А. Социальная ценность и оценка в уголовном праве. – М.: Юрид.лит, 1975. – Б. 38
- 37) Жалинский А.Э. Теоретические проблемы профилактики преступлений. М., 1980, С.10;
- 38) Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисми. – Т., 2000. – 311-317 б.
- 39) Журавлев М.П. К вопросу совершенствования уголовно-правовых средств борьбы со взяточничеством.//Коррупция в России: состояние и проблемы. Материалы научно-практической конференции. Вып. 2 – М., 1996.
- 40) Закутский С.Г, Мирзажанов К.М. Уголовная ответственность за взяточничество.//Повышение эффективности борьбы с должностными и хозяйственными преступлениями.-Т.: Узбекистан.-Б. 81-82.

- 41) Загородников Н.И. Объект преступления//Ученые, научные школы и идеи. -М., 1995.
- 42) Зарипов З.С., Кержнер М.Ю. Профилактика правонарушений. -Т., 1993.
- 43) Здравомыслов Б.В. Должностные преступления: Понятие и классификация. - М.. 1975.
- 44) Зелинский А.Ф. Рецидив преступлений: структура, связи, прогнозирование. – Харьков, 1980. – Б. 10-12.
- 45) Злобьев Г.Д., Никифоров Б.С. Умысел и его формы. – М., 1972. – Б. 105.
- 46) Зотов В. Отсохнет ли рука берущего. //«Щит и меч», 1992. – Б. 13-14.
- 47) Зуфаров Р. Уюшган жиноий гурух ва коррупция.//Давлат ва ҳуқуқ, №2, 2000. – Б. 36
- 48) Зуфаров Р.А. О некоторых квалифицирующих признаках взяточничества. Давлат ва ҳуқуқ. 2000. № 4
- 49) Зуфаров Р.А. Порахўрлик жиноятларининг айрим криминологик тавсифлари. Давлат ва ҳуқуқ. 2004. №1 (17)
- 50) Иванов В. Д. Уголовное право. Особенная часть. – Ростов н/Д, 2002.
- 51) Игошев К.Е. Типология личности преступника и мотивы преступного поведения. – Горький, 1977. – Б. 40-42.
- 52) Кабулов Р. К. Понятие хищения чужого имущества и его ограничение от смежных преступлений. – Т., 1997.
- 53) Ильин А.С. Динамика взяточничества в России в 1997-2000 годы.// Закономерности преступности, стратегия борьбы и закон. – М., 2001. –Б. 309-314.
- 54) Кабулов Р. Мулк ҳуқуқи//Иқтисод ва ҳисобот.1996. №10. б.–30-31
- 55) Кабулов Р. Хищение как разновидность экономической преступности//Экономика и статистика, 1997. №1. –С. 46-47.
- 56) Кабулов Р. Расширение пределов наказаний, альтернативных лишению свободы. // Суд – ҳуқуқ ислохоти; назария ва амалиёт халқаро илмий-амалий конференция материаллари.-Т.2001.С. 82.
- 57) Кабулов Р. К. О понятии состава преступления // Ҳуқуқ – Право – Law. 2002. № 3. – С. 25–26.
- 58) Кадыров А.К. О дальнейшей гуманизации исполнения уголовных наказаний. // Суд-ҳуқуқ ислохотлари: назария ва амалиёт илмий-амалий конференция материаллари. - Т., 2001.

59) Кадыров М. Уголовное право Республики Узбекистан. – Т.: Адолат, 1997. – Б. 253.

60) Қодиров А.О. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар.-Т.,1998.

61) Карпец И.И. Проблема преступности. М., 1969, с. 116.

62) Квициния А.К. Взятничество и борьба с ним. – Бухуми: Алашара, 1980.

63) Квициния А.К. Должностные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты. - Тбилиси: Сабгота Сакарт-вело, 1988. – Б. 199.

64) Келина С.Г. Правовые проблемы уголовной ответственности за взяточничество. // Коррупция – политические, экономические, организационные и правовые проблемы.-М.,Юрист.2001.-Б. 349-355.

65) Кирпичников А.И. Криминологические исследования взяточничества.// «Соц.законность», №12, 1975.

66) Қиличев Ф. Мафия оролинг қора кўланкаси//Ҳаёт ва қонун. 1994. №3. –38-44 б.

67) Кириченко В.Ф. Ответственность за должностные преступления по советскому уголовному праву (общие вопросы). М., 1956.

68) Клепицкий И.А. Резанов В.И. Получение взятки в уголовном праве России. - М., 2001. - С.82.

69) Ковалев М.И. Пути повышения эффективности криминологических исследований.//Вопросы эффективности уголовно-правовых норм. – Свердловск., 1978. - С. 10.

70) Коган В.М. Социальные свойства преступности.-М.,1977.-Б. 58.

71) Кожевников М., Лаговлер Л. Должностные преступления и борьба с ними. – М.: Юрид.лит., 1925. – Б. 17.

72) Козочкин И.Д. Уголовное право Соединенных Штатов Америки. – М., 1986.

73) Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. – М., 1996.

74) Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Отв. ред. проф. А. В. Наумов. – М., 1997.

75) Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под. общ. ред. проф. Ю.Н. Скуратова и д.ю.н. В.М. Лебедева.-М., 2000.

76) Конев А.А. Основные криминологические характеристики латентной преступности. Омск, 1980.

77) Коржанский Н.И. Квалификация следователем должностных преступлений. – Волгоград, 1986. – Б. 47, 50.

78) Коржанский Н.И. Объект и предмет уголовно-правовой охраны. – М., 1980

79) Косякова Н. Дача взятки-преступление или крайняя необходимость? Российская юстиция, №5, 1999.

80) Криминальная мотивация. М., 1986, С. 61,76.

81) Криминология XX века. Под ред. Д.ю.н. профессора В.Н.Бурлакова, академика В.П.Сальникова. - С-Петербург. Юрид. Центр Пресс. 2000. -Б.364-373.

82) Криминология // Под общ. ред. д.ю.н., проф. А.И. Долговой. - М., -1999.

83) Криминология // Под ред. акад. В. Н. Кудрявцева, проф. В. Е. Эминова. - М., 1997.

84) Клейменов М. П. Уголовно-правовое прогнозирование и его роль в борьбе с преступностью. - Омск, 1989.

85) Крылова Н.Е. Основные черты уголовного кодекса Франции. - М., 1996.

86) Кудрявцев В.Н. Правовое поведение: норма и патология. - М., 1982, Б. 207.

87) Кузнецова Н.Ф. Криминологические проблемы детерминации М., 1987, Б. 146.

88) Куринов В.А. Научные основы квалификации преступлений. - М.: Изд. МГУ, 1984

89) Лазарев А.М. Субъект преступления. - М.: ВЮЗИ, 1981.

90) Лейкина М.С. Личность преступника и уголовная ответственность. - Л: ЛГУ, 1968.

91) Ларьков А.И. Проблемы борьбы с должностными преступлениями. - М., 1977.

92) Лебедев С.Я. Антиобщественные традиции, обычаи и их влияние на преступность. М., 1989.

93) Литвинов В.И. Корыстные посягательства на личную собственность и их предупреждения. Минск, 1989, Б.60.

94) Лобанова Л., Леонтьевский В. Стоит ли освобождать взяткодателя от уголовной ответственности?// «Российская юстиция», №11, 2001 г.

95) Лужев В.В. Преступность XX века. Мировой криминологический анализ. - М., Норма. 1999.-Б.267-279

96) Лукашук И.И., Наумов А.В. Международное уголовное право. - М., 1999.

97) Лунц О.Р. Проблема невменяемости в теории и практике судебной психиатрии. - М.: Медицина, 1996.

98) Лысов М.Д. Наказание и его применение за должностные преступления. - Казань. 1977. - Б. 52

- 99) Лысов М.Д. Ответственность должностных лиц по советскому уголовному праву. – Казань, 1972. – Б. 46-48.
- 100) Ляпунов Ю.И. Ответственность за взятку. М.: Знание, 1987. – С.28.
- 101) Максимов С.В. Коррупция, закон, ответственность. - М.: ЮрИнформ, 2000. – Б. 13.
- 102) Малиновский И.Б. Коррупция: проблемы уголовной ответственности государственных служащих. -М., 1996.
- 103) Малиновский А. А. Сравнительное правоведение в сфере уголовного права. – М., 2002.
- 104) Мальцев В. В. Проблема уголовно-правовой оценки общественно опасных последствий. – Саратов. 1989.
- 105) Махонин В.М. Служба и служащие в Российской Федерации: правовое регулирование. – М. , 1997. – Б. 39.
- 106) Межамериканская Конвенция по борьбе с коррупцией (Конвенция организации американских государств).
- 107) Мельникова В.Е. Должностные преступления (вопросы уголовно-правовой квалификации). – М., 1985. – Б. 46.
- 108) Мельникова В.Е. Ответственность за взяточничество. – М., 1982. – Б. 31.
- 109) Нарбутаев Э.Х. Борьба с преступностью: закон и практика. – Т., 1991. – Б. 52-59.
- 110) Нарбутаев Э.Х. Уголовный закон и его эффективность. – Т., 1991. – Б. 54.
- 111) Нарбутаев Э.Х., Арзымбетов М.У. Уголовно-правовая этнография. -Нукус, 1996.
- 112) Нарбутаев Э.Х. О структурных преобразованиях уголовного законодательства Республики Узбекистан. //«Хуқуқ. Право. Law», 2001, №03 (15). – Б. 44-48
- 113) Наумов А.В. Уголовное право. Общая часть. – М.: Бек, 1996. – Б. 203.
- 114) Наумов А. В. Словарь по уголовному праву. – М., 1997.
- 115) Наумов А. В. Российское уголовное право. Общая часть. Курс лекций. – М., 1999.
- 116) Никифоров Б.С., Решетников Ф.М. Современное американское уголовное право. – М.: Наука, 1990. – Б. 173.
- 117) Новый Уголовный кодекс Франции М., 1993, С 163-170.
- 118) Новое Уголовное право России. Особенная часть. –М., 1996.

- 119) Новоселов В.И. Должностные лица организации. //Становление правового порядка в Российском государстве: реальность и перспектива. – Баратов, 1995. – Б. 90-92.
- 120) Объективная сторона преступления (факультативные признаки) / Под ред. А. В. Наумова и С. И. Никулина.– М., 1995.
- 121) Ожегов С. И. Словарь русского языка. – М., 1987.
- 122) Организованная преступность-2. Отв.ред. Долгова А.И, Дьяков С.В. – М., 1993. – Б. 77.
- 123) Осипов П.П. Теоретические основы назначения наказания: Автореферат докторской дисс. – М., 1979. – Б. 225.
- 124) Основы противодействия коррупции (Системы общественной этики поведения). Под ред. С.В.Мельникова и др. М.: Спарк, 2000. Б. 16-17.
- 125) Основы борьбы с организованной преступностью // Под ред. В. С. Овчинского, В. Е. Эминова, Н. П. Яблокова. – М., – 1996.
- 126) Основы законодательства Республики Узбекистан / Авт.-сост. проф. У. Таджиханов, проф. А. Саидов. – Т., 2000.
- 127) Остроумов С.С. Судебная статистика. М. 1976 С. 58.
- 128) Ответственность за должностные преступления в зарубежных странах. Отв. Ред. Решетников Ф.М. М., 1994 г, с.41-42
- 129) Панов В. П. Сотрудничество государств в борьбе с международными уголовными преступлениями. – М., 1993.
- 130) Попов И.А. Деятельность органов предварительного следствия в системе МВД России по расследованию коррупции. // Проблемы борьбы с коррупцией. Сборник статей.- М., 1999.
- 131) Правоведение, №6, 1995. – Б. 145.
- 132) Привалов Д. Берут уже не борзыми? «Труд» от 18 января 2001 г.
- 133) Панов Е. Миллионы из подполья. «Труд» от 9 июня 1998 г.
- 134) Примерный Уголовный кодекс (США). Официальный проект института американского права. – М., 1969. – Б. 171.
- 135) Примерный уголовный кодекс США. Под ред. Б.С.Никифорова М., 1969 г. с. 167.
- 136) Ражабова М. А. Шариатда жиноят ва жазо. – Т., 1996.
- 137) Ражабова М. А. Адолатли жазо-қонун устиворлигининг га-рови // Суд-ҳуқуқ ислохоти: назария ва амалиёт. Халқаро конференция материаллари. – Т., 2001.
- 138) Ражабова М. А. Қонунларимиз такомиллашмоқда // Қонун ҳимоясида. 2000. № 9.

139) Рейсман В.М. Скрытая ложь. Взяточники. Крестовые походы и реформы. – М., 1998. – Б. 124-150.

140) Рустамбаев М.Х. Закон и общественная безопасность.-Т., 1990.

141) Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. (Махсус қисми). - Т., 2000. – Б. 311.

142) Рустамбаев М.Х. Уголовное право. Особенная часть.-Т., Узбекистан. 2002.

143) Рустамбаев М.Х., Тохиров Ф., Кодиров А. Обстоятельства, отягчающие наказание в уголовном законодательстве Республики Узбекистан. – Т., 2000. – Б. 158.

144) Рустамбаев М.Х. Қодиров А.А. Уюшган гуруҳга жазо //Ҳаёт ва қонун. 1996, №3. -76-81б.

145) Сахаров А.Б. Некоторые принципиальные вопросы криминологии.//Криминология и уголовная политика. - М., 1985. - Б. 27.

146) Светлов А.Н. Борьба с должностными злоупотреблениями. – Киев, 1970. – Б. 15

147) Светлов А.Я. Ответственность за должностные преступления. – Киев: Наукова думка, 1978. – Б. 35.

148) Светлов А.Я. Борьба с должностными злоупотреблениями. Киев, 1970. С. 108-110

149) Светлов А.Я. Ответственность за должностные преступления. Киев. Наукова думка 1978 Б. 225.

150) Сидоров В.В. Социальные противоречия и преступность. Саратов, 1989.

151) Смирнова Н. Н. Уголовное право. – СПб., 1998.

152) Совершенствование мер борьбы с преступностью в условиях научно-технической революции. М., Наука, 1980, Б.17.

153) Сокольский О.Э. Значение криминологического анализа в борьбе со взяточничеством. //Борьба с должностными преступлениями. – М., 1977. – Б. 79-94.

154) Соттиев И.А., Якубов А.С. Критерии классификации и уголовно-правовое значение «простейших» форм соучастия //Конституция ҳуқуқий давлат қуришнинг асоси, -Т., 1996, -163-166 б.

155) Соттиев И.А. Жиноий фаолият уюшган гуруҳнинг белгиси сифатида//Адъюнклар ва илмий талабгорлар илмий мақолалари тўплами, -Т., 1996. 29-32 б.

156) Соттиев И.А. Уюшган гуруҳларни жиноий жавобгарлик муаммолари//Ҳаёт ва қонун, 1998, № 1. 49-52 б.

157) Соттиев И.А. Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодекси бўйича жиноий уюшма ташкил этганлик учун жавобгарлик//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2000, № 1. 60-62 б.

158) Справочный документ о международной борьбе с коррупцией, подготовленный секретариатом ООН А/CONF.169/14/13Арт/

159) Сташис В.В., Бажанов М.И. преступления против порядка управления. – Харьков, 1971

160) Таганцев Н.С. Русское уголовное право. Лекции. Часть общая. Т. 1. С – Пб. 1902.

161) Таджиев Т.Т., Зарипов З.С. Жиноят кодексни такомиллаштириш тугрисида фикр-мулохазалар.// «Ҳуқуқ. Право. Law», 2001, № 03 (15) – Б. 60-63.

162) Таджиханов У. Государственная служба: истоки, проблемы, решения. – Т., 1996.

163) Таджиханов У. Закон. Человек. Государство. – Т.: Академия МВД, 1997. – Б. 61-64

164) Танасевич В.Г. Борьба с должностными преступлениями.//Вопросы криминологии. Ч. 1.– М., 1976. – Б. 149-162.

165) Тацкий В.Н. Объект и предмет преступления. – Харьков: Вища школа, 1988.

166) Теоретические основы предупреждения преступности. М.,1977, С. 134-137.

167) Трайнин А.Н Уголовное право. Часть особенная.-М.: Юрид. лит., 1973. – Б. 287.

168) Трайнин А.Н. Должностные и хозяйственные преступления. – М., 1938. – Б. 47-48.

169) Тузов А.П. Мотивация противоправного поведения несовершеннолетних. Киев, 1982, Б. 26.

170) Уголовное право буржуазных стран: Общая часть. Сборник нормативных актов. Под ред. Игнатова А.Н. и Козочкина И.Д. м., 1990, Б.295

171) Уголовное право США. Сборник документов. – М., 1986. – Б. 159-161.

172) Уголовное право. Особенная часть. Учебное пособие под ред. Кузнецовой Н.Ф. – М.: Зерцало ТЕИС, 1996. – Б. 310-311.

173) Уголовное право / Под ред. проф. Н. И. Ветрова, проф. Ю. Н. Ляпунова. – М., 2001.

174) Уголовный кодекс Российской Федерации (тексты, комментарии). –М., 1996.

- 175) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: илмий-амалий шарҳлар. – Т., 1997.
- 176) Ўзбекистон Республикасининг янги кодекслари: назария ва амалиёт. -Т., 1994.
- 177) Уголовный закон. Опыт теоретического моделирования. Под ред. В.Н. Кудрявцева и С.Г. Келиной. - М.: Наука, 1987. -Б. 165.
- 178) Усмоналиев М., Каракетов Й. Криминология. - Т.: Янги аср авлоди, 2001 – Б. 10.
- 179) Фельгегадер П. Торговля оружием в России.//Сегодня, 1996, 27 сентября.
- 180) Феоктистов В.Л. Некоторые вопросы ответственности за взяточничество и коммерческий подкуп. // Коррупция – политические, экономические, организационные и правовые проблемы.- М., Юрист. 2001. –С. 373-377.
- 181) Филин Г.А. Проблемы использования результатов оперативно-розыскной деятельности (ОРД) в расследовании преступлений. // Проблемы борьбы с коррупцией. Сборник статей.- М., 1999.
- 182) Франк Л.В. Виктимология и виктимность. Душанбе, 1972
- 183) Фролов Е.А. Спорные вопросы учения об объекте преступления. Сб.ученых трудов, вып. 10. – Свердловск, 1968. - Б. 203-204.
- 184) ХолыстБ. Криминология. Основные проблемы.М.,1980,Б. 93.
- 185) Цепелев В. Ф. Международное сотрудничество в борьбе с преступностью: уголовно-правовые, криминологические и организационно – правовые аспекты. – М., 2001.
- 186) Эминов В.Е., Максимов С.В., Мацкевич И.М. Коррупционная преступность и борьба с ней.-М., 2001.
- 187) Эстрин А.Я. Должностные преступления. М., 1928.
- 188) Юридик энциклопедия / Юридик фанлари доктори, проф. У. Таджиханов. – Т., 2001.
- 189) Яковлев А.М. Борьба с рецидивной преступностью. М., 1984, Б. 75.
- 190) Яковлев А.М. Социология экономической преступности. – М., 1988. – Б. 151-155.
- 191) Яковлев А.М. Детерминизм и «свобода воли» (перспективы изучения личности преступника). //Правоведение, 1978, №6, Б.40.
- 192) Яковлев А.М. Экономика и уголовное право. – В сборнике «Не смей командовать». М., 1990, Б. 107.
- 193) Якубов А.С. Методология науки уголовного права // Ҳуқуқ – Право – Law. 1999. № 2. – С. 23–29.

194) Якубов А.С. Современное понимание уголовной ответственности и ее оснований.// «Хуқуқ. Право. Law», 2001, №04 (16) – Б. 68-71, №01 (17) – Б.46-51.

195) Якубов А.С., Матлюбов Б. Совокупность преступлений и ее виды. Хуқуқ-Права- Law, 2000, №2. Б. 36-42.

196) Якубов А.С., Матлюбов Б. Отличие реальной совокупности от единичных преступлений. Давлат ва хуқуқ, №1, 2002.

197) Якубов А.С. Современное понимание уголовной ответственности и ее оснований // Хуқуқ – Право – Law. 2001. № 4. – С. 68–71; 2002. № 1 – С. 46–51.↵

198) Якубов А.С. Учение о преступлении по законодательству Республики Узбекистан. – Т., 1995. – Б. 55.

199) Якубов А.С., Кабулов Р. Новое в уголовном законодательстве. –Т., 1995.

200) Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении. – Т., 1996. – Б. 96.

201) Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступления. – Т., 1996. – Б. 62.

202) Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении. – Т., 1996. – Б. 114.

203) Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы. – Т., 1996. – Б. 233-249.

204) Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении. Академия МВД РУз. -Т. 1996.

205) Якубов А.С. Учение о преступлении по законодательству Республики Узбекистан. – Т., 1995. – Б. 109-115.

206) Яни П.С. Актуальные проблемы квалификации служебных преступлений.// Проблемы борьбы с коррупцией (Issues of combating corruption). – М.: ЮрИнфоР, 1999. – Б. 76.

Авторефератлар:

1) Абдурасулова К.Р. Уголовная ответственность за мошенничество: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -Т., 1994.

2) Абдухаликов М.А. Ответственность за вымогательство по уголовному законодательству Республики Узбекистан: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -Т., 1995.

- 3) Ахраров Б.Д. Уголовная ответственность за злоупотребление властью или должностными полномочиями. Автореф. канд.дисс. – Т.: 1989.
- 4) Бакланов С.В. Ответственность за взяточничество. Автореф. канд. дисс. – Свердловск, 1970. – Б. 8.
- 5) Бессонова А.В. Уголовно-правовая ответственность за злостное нарушение правил административного надзора. Автореф. канд. дисс. – Свердловск, 1974. – Б. 12.
- 6) Дашкова Л.Г. Криминологические проблемы взяточничества. Автореф. Канд. Дисс.- М., Московская государственная юридическая академия. 1996.
- 7) Закутский С.Г. Уголовная ответственность за взяточничество по советскому уголовному праву. Автореф.канд.дисс.- Т., 1953.
- 8) Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за получение взятки. Автореф.канд.дисс. – Т., 1994.
- 9) Кабулов Р. Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика. Автореф.докт.дисс. – Т.: Академия МВД, 1997;
- 10) Кадилов А.А. Обстоятельства, отягчающие наказание: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -Т., 1997.
- 11) Каюмов А. С. Добровольный отказ от совершения преступления и деятельное раскаяние по уголовному законодательству Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Т., 1999.
- 12) Квициния А.К. Взятничество и борьба с ним. Уголовно-правовое и криминологическое исследование по материалам Грузинской ССР. Автореф.канд.дисс. – М.: МГУ, 1978.
- 13) Кержанов Е. Основные теоретические проблемы объекта уголовно-правовой охраны. Автореф.докт.дисс. – Киев, 1978
- 14) Кулешов Ю.И. Уголовная ответственность должностных лиц органов дознания и следствия за преступления против правосудия: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. –М., 1986.
- 15) Нарбутаев Э.Х. Проблемы эффективности правовых мер борьбы с преступностью (теория и практика). Автореф.докт.дисс. – Т., 1991.
- 16) Сулайманов М.Х. Уголовно-правовая борьба с преступлениями, посягающими на деятельность представителей власти и общественности по охране общественного порядка. Автореф.канд.дисс.- Т., 1984 и др.
- 17) Таджиханов У.Т. Научно-теоретические проблемы правовой культуры: Автореф. дисс. докт. юрид. наук -Т., 1995.

18) Шакуров Р. Р. Уголовно-правовое регулирование позитивного поведения: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2003.

19) Якубов А.С. Правовая основа учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы: Автореф. дисс. докт. юрид. наук –Т., 1996.

Суд амалиёти материаллари:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1999 йилги архиви.
- 2) Тошкент вилоят судининг 1999 йилги архиви.

КИРИШ	3-10
БИРИНЧИ БОБ. ПОРАХЎРЛИК ТАРКИБНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ	
1.1 Порахўрлик ижтимоий ҳуқуқий муаммо сифатида	11-18
1.2 Порахўрлик туфайли зарар кўрадиган объект ва поранинг предмети	18-37
1.3 Пора олишнинг объектив томонини тавсифловчи белгилар	37-50
1.3.1 Пора беришнинг объектив томонини тавсифловчи белгилар	51-60
1.3.2 Пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг объектив томонини тавсифловчи белгилар	61-66
1.4 Жиноятнинг субъектив томонини тавсифловчи белгилар	66-81
1.5 Жиноят субъекти	81-106
ИККИНЧИ БОБ. ПОРАХЎРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ОҒИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР	
2.1 Порахўрликнинг такроран содир этилганлиги	107-118
2.2 Пора миқдорининг порахўрликни квалификация қилишга таъсири	118-120
2.3 Товламачилик йўли билан пора олиш	120-123
2.4 Бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олиш	123-130
2.5 Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш	130-133
2.6 Пора олиш-беришда ҳақ эвазига содир этилган воситачилик	133-134
УЧИНЧИ БОБ. ПОРАХЎРЛИКНИНГ ЎХШАШ ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛАРИ ВА УНИНГ ЖАЗОГА САЗОВОРЛИГИ МУАММОЛАРИ	
3.1 Порахўрликнинг ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлари	135-147
3.2 Жиноят қонунини либераллаштириш муносабати билан порахўрликка жазо тайинлаш муаммолари	148-160
ТЎРТИНЧИ БОБ. ПОРАХЎРЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ АЙРИМ КРИМИНОЛОГИК МУАММОЛАРИ	
4.1 Порахўрликнинг криминологик тавсифи	161-187
4.2 Порахўрликнинг олдини олиш масалалари	187-194
Ҳулоса	195-203
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	204-219

ЗУФАРОВ РУСТАМ АХМЕДОВИЧ

**ПОРАХЎРЛИК УЧУН ЖИНОЙЙ
ЖАВОБГАРЛИК**

Муҳаррир: М.Боллиева
Техник муҳаррир: М. Мирзалиев.
Мусахҳиҳ: М.Мирзажонова.
Компьютерда саҳифаловчи: Ф.Нурлибаев.

Босишга рухсат этилди 05.05.04. Ҳажми: 14 б.т.
Адади:500. Буюртма: № 331.
ТДЮИ кичик босмаҳонасида босилди.
Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ 35.

3000 ✓